

63.3
5-20



ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ

Тошкент
«Akademnashr»
2018

УЎК: 37.014(575.1:1-87)

КБК: 74.04

И 73

И 73 Ирзаев, Баҳром.

Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим [Матн] / Б. Ирзаев. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 208 б.

ISBN 978-9943-4984-6-4

УЎК: 37.014(575.1:1-87)

КБК: 74.04

XX аср мислсиз тараққиёт ва таназзуллар даври, гоялар ва фикрлар хилма-хиллиги кураши аспи сифатида инсоният тарихидан жой олди. Китоб тарихимизнинг ўта мураккаб ва зиддиятли даври бўлган мустабид совет ҳокимияти ҳукмронлиги шароитида ўзбек тараққийтарвар зиёлларининг ҳалқимизни тараққиётга бошлиши йўлидаги қаҳрамонона кураши тарихидан ҳикоя қиласди. Асарда ўзбек ёшларининг хорижда таълим олиши, уларнинг ватандошларга ёзган хатлари ва ижод намуналари келтирилган. Китоб мутахассислар ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Муаллиф:

Баҳром ИРЗАЕВ

Масъул муҳаррир:

Сарвар ОТАМУРАТОВ, социология фанлари номзоди

Тақризчилар:

Баҳодир КАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор,

Санобар ШОДМОНОВА, тарих фанлари доктори

Китоб Ўзбекистон «Миллий тикланиши» демократик
партияси кўмагида чоң этилди.

ISBN 978-9943-4984-6-4

© Баҳром Ирзаев

«Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим»

© «Akademnashr», 2018

СЎЗБОШИ

Ҳали Тошкентда, ҳали Самарқандда, ҳали Хоразмда ўтказилаётган йирик халқаро илмий анжуманлар халқимизнинг муazzам тарихи, улкан маданий мероси нафақат маҳаллий олимларимиз, балки жаҳон илм аҳли томонидан ҳам кенг тадқиқ этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шубҳасиз, дунё илм-фани уммонига бекиёс ҳисса кўшган олимларни тарбиялаган, минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган ўзбек халқи жаҳон тарихида ўзига хос мавқега эга. Бугун ўзбек замонавий давлатчилиги ўзининг янги тараққиёт босқичига қадам қўйди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида ҳар куни бир янгиланиш, мислсиз ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, бу ижобий ўзгаришлар барчамизнинг кўз ўнгимизда, бевосита ва билвосита иштирокимизда амалга ошмоқда. Мазкур жараёнда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси фаол, уларда мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси кучайган. Халқимиз деярли ҳар куни давлатимиз келажаги учун ўта муҳим қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинаётганидан чексиз қувонч туймоқда. Шу боис бўлса керак, халқимизда эртанги кунга нисбатан ишонч, Президентимиз сиёсатига нисбатан ҳурмат ва эътибор ниҳоятда ортиб бормоқда.

Сир эмас, мамлакатимиз раҳбари олиб бораётган янгича сиёсат ҳозирда нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун дунё афкор оммаси томонидан катта қизиқиш билан қарши олинмоқда. Энг қувонарлиси, бу ишларда мамлакатимиз келажагининг эгалари бўлган ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Фан олимпиадаларида дейсизми, спорт соҳасида дейсизми, барча-барча соҳаларда уларнинг ёрқин музafferиятлари тез-тез кў-

риниш бермоқда. Бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқарыб, қатъий ишонч билан келажакка олға интилмоқдалар. Шубҳасиз, бу фараҳбахш онларнинг узоқ давом этишида, бардавом бўлишида тарих фанининг ўрни бекиёсdir. Албатта, ҳар қандай тараққиётга мислсиз куч берадиган ғоя ва мафкурани фақат халқимизнинг муazzам тарихидан топишимиз мумкин. Дарҳакиқат, бугун биз ҳаққоний, холис тарихга ҳар қачонгидан ҳам муҳтожроқмиз. Тарих бизнинг маънавиятимиз, енгилмас кучимиз манбаидир.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси мамлакатимиз тарихининг барча босқичларини ҳаққоний ва холис манбалар асосида ёритиш тарафдори ҳамда ундан халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг мурғак қалбларида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият беради. Бу масала бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг адабиёт, санъат ва маданият ходимлари билан бўлган учрашувида: «... Бизнинг ҳавас қиласа арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қиласа арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қиласа арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор»¹, – деб таъкидлаган эдилар. Зеро, ўзлигини, ўз тарихини унутмаган инсонгина юксак маънавиятли, букилмас иродали ва ҳақиқий ватанпарвар шахсга айланади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур китоб халқимиз тарихининг сўнгги даври, айни пайтда, ўта ҳасратли онлари, мустамлакачилик ва мустабид тузум ҳаётидан ҳикоя қиласи. Маълумки, XIX аср охири – XX аср бошлирида Туркистонда вужудга келган жадид тараққийпарварлик ҳаракати кўп асрлик ўзбек халқи тарихида муҳим ўрин тутади. Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авло-

¹ Мирзиёев М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2017 йил 4 август.

ний, Исҳоқхон Ибрат, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Саидносир Миржалилов каби зотлар мустамлака зулми остида қолган Туркистон аҳлини маърифатга чорлаш, уларни жаҳон тамаддуни тараққиёти билан таништириш ва миллий истиқлол байроби остида бирлаштириш йўлида улкан ишларни амалга оширганлар. Улар мавжуд оғир тарихий шароитда «Турон», «Имдодия», «Тарбияи атфол» сингари маърифий жамиятлар ҳамда, «Турк адам марказият» каби миллий сиёсий ташкилотларни туздилар.

Тараққийпарварлар халқни эрк, ҳуррият ва озодлик сингари умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга интилдилар. Улар миллатни мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаш учун курашга даъват этдилар. Жадид тараққийпарварлари энг оғир дамларда ҳам истиқлол учун курашда событқадам бўлдилар ва Ватан равнақи учун ёшлиарни чет элларда ўқитиш, айниқса, Европа илм-фани ютуқлари билан таништириш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар.

Китобда муаллиф имкон қадар ўзини кўрсатмасликка интилади. Архив ва матбуот материаллари орқали жараённинг асл манзарасини очиб бериш билан чекланади. Сизнинг эътиборингизга XX асрнинг биринчи чораги ўзбек миллий матбуотининг «Иштирокиён», «Туркистон», «Фарғона», «Зарафшон», «Озод Бухоро» газеталари ва «Армуғон», «Билим ўчоги», «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» журналлари саҳифаларида чоп этилган мақола ва хабарларни ҳеч бир ўзгаришсиз, қайта ишловлар ва тушунтиришларсиз келтиради. Мақсад эса Сизни ўтган асрда ижод этган улуғ ўзбек тараққийпарварлари ва ёшлиари билан, уларнинг асл мақсад ва матлаблари билан таништириш, бугунги ёшлиар билан уларнинг бевосита мулоқотларини таъминлашдир. Шунингдек, совет матбуотига хос бир-бирини инкор этишга қаратилган мақолаларга ҳам ўрин берилган. Бундан куттилган мақсад эса китобхоннинг тегишли давр зиддиятларини янада чукур-

роқ англашига ёрдам бериш ва улар ўртасида мунозарани таъминлашдир. Келтирилган мақола ва шеърларда ўтган асрда яшаган ўзбек ёшларининг она Ватанимизга чексиз муҳаббати, истиқтолга ташна туйғулари уфуриб турибди.

Китобда суратларнинг кўпчилиги ундаги мақола ва ҳарблар сингари илк бор эълон қилинмоқда. Энг муҳими, китобда туркистонлик талабалар томонидан 1923 йили Германияда нашр этилган «Қўмак» журнали тўлиқ ҳолда келтирилган. Унда республикамизнинг таниқли олимлари ва кўплаб фидойи ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи архивига топширган сурат ва ҳужжатларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Азиз ёшлар! Биз китобга баҳо беришни Сиз азизларга қолдирган ҳолда мароқли мутолаа тилаб қоламиз.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
«Миллий тикланиши» демократик партияси
Марказий кенгаши раиси, социология
фанлари номзоди

НОРМАТИВ

I ҚИСМ

**ТУРКИСТОН
ЖАДИДЛАРИНИНГ
МАЪРИФАТЧИЛИК
ФАОЛИЯТИ**

ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ «ҚҮМАК» ТАШКИЛОТИ

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадид тараққиийпарварлик ҳаракати кўп асрлик тарихимизда муҳим ўрин эгаллади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Обиджон Маҳмудов, Фитрат, Чўлпон, Саидносир Миржалилов ва бошқалар маҳаллий халқни миллий истиқлол байроғи остида бирлаштириш ва ҳокимиятни қўлга олиб, миллий ўзбек давлатини барпо этиш йўлидаги илк қадамни ташлаганлар. Улар мавжуд тарихий шароитдан фойдаланиб «Турон», «Имдодия» сингари маърифий жамиятлар ҳамда «Шўрои ислом», «Турк адам марказият» каби миллий сиёсий ташкилотларни туздилар.

Тараққиийпарварлар худди шу даврда халқ ва мамлакат тақдирига даҳлдор муҳим масалалар билан шуғулланиб, халқнинг юмуқ кўзларини очишга, уни эрк, хурфиклилик ва миллий ўзлик сингари буюк тарихий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга интилдилар. Улар миллатни мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаш учун курашга даъват этдилар. Жадидлар бу йўлда халқ маорифини тараққиётнинг энг ишончли қуроли деб билдилар. Туркистонда олий таълим муассасалари йўқлиги туфайли жадид тараққиийпарварлари ёшларни чет элларда ўқитиш, айниқса, Европа илм-фани ютуқлари билан таништириш масаласига алоҳида эътибор қаратганлар.

1909 йил 12 май куни Тошкентда тузилган Туркистон жадидларининг дастлабки «Жамияти хайрия» ташкилоти талабаларни чет элларда ўқитиш ишига раҳбарлик қилди. Унинг кўмагида ёшлар Ички Россиянинг Петер-

бург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларидағи олий мактаб ва мадрасаларга, шунингдек, Истанбул, Қохира каби хорижий шаҳарлардаги дорилғунунларга ўқишига юборила бошлади.

1909 йил 18 июлда Бухоро шаҳрида тузилған жадидларнинг «Тарбияи атфол» жамияти шу йилнинг ўзида Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ато Хўжа, Мазҳар Бурҳонов каби кўпгина ёшларни Истанбулга ўқишига йўллаган эди. Бухородан чет элга таҳсил олиш учун юбориладиган талабалар сони 1911 йили 15 нафарга, 1912 йили 30 нафарга етган. Кейинчалик шундай талабалар орасидан Фитрат, Гози Олим Юнусов, Холид Саид, Эсон афанди Мусаев каби ёзувчи, олимлар, Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев, Норбўтабеков каби етук ҳукуқшунослар етишиб чиқди.

Туркистанда совет тузуми ўрнатилғач, 1918 йил 21 апрелда Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида А.В.Попов раҳбарлигидаги Туркистан давлат университети очилди. Бу олий таълим даргоҳининг педагогик жамоаси ҳам, талабалари ҳам асосан европалик миллатлар вакилларидан иборат эди. Маҳаллий миллатлар фарзандлари учун 1918 йил 12 майда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги Туркистан мусулмон халқ дорилғунуни очилди. Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам мазкур дорилғунун шуъбасини очишга киришди. Бироқ большевиклар ҳукумати томонидан рухсат берилмади. Советлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга улгурган 1920 йили ёки Туркистан халқдорилғунуни ҳам ёпилди.

Айни пайтда, ўлқада Туркистан давлат университетига ўқишига кириш учун тайёрлайдиган ўрта босқич билим юртлари мавжуд эмасди. Натижада университет талабалари орасидаги маҳаллий ёшлар Москвадаги ўзбек талабаларидан ҳам камроқ эди. Жумладан, 1920/1921 ўқув йилида Туркистан дорилғунунининг 2500 талабасидан атиги 2 нафари, Дорул илми Шарқиянинг (Шарқшунослик институти) 200 талабасидан 3 нафари ўзбек фарзандлари

бўлиб, Тошкент темирийўл ишчилари факультетида ўқийдиган 70 нафар ўқувчи орасида ўзбек миллатига мансуб бирорта талаба йўқ эди.

Бу ҳол маҳаллий зиёлиларнинг ва ёшларнинг жиддий қаршилигига сабаб бўлди, аввалдан мавжуд бўлган талабарни чет элларда ўқитиш ғояси яна қайтадан кун тартибига қўйилди. Ўлкада таълимни ташкил этиш ва бошқаришда Ўзбек билим ҳайъати муҳим ташкилот ҳисобланар эди. Бироқ унинг фаолиятига совет ҳукумати маъмурлари томонидан кўплаб сунъий тўсиқлар қўйилган эди².

Элбек талабаларни хорижда ўқитиш масаласида қуидагиларни маълум қиласди: «Туркистондан четга бориб ўқиш учун 1921 йил бошларида Ўзбек билим ҳайъати томонидан бир лойиҳа тузилиб, бошида студент Сайидалихўжа бўлгани ҳолда бир неча ўқувчиларнинг рўйхати олиниб ҳукуматга топширилган эди. Бир неча муддат бунинг кетидан юриб, натижада ҳукуматимизнинг моддий кўмак бера олмаслиги билингач, бу масала ўз-ўзидан тўхталди. Лекин ўқувчиларнинг орасида кўтарилиган четга кетиб ўқиш ҳаваси эса бунинг билан битмади. Ўқувчилардан қайси бир ўзига тўқроқлари (гарчи борлиқ нарсаларини сотиб бўлса-да) яна четга кетмак орзусида бўлдилар.

Буларнинг ўзаро ташаббусини кўрган Ўзбек билим ҳайъати четдан томошачи бўлиб тура олмади. Бўлса-бўлмаса, умид билан ишга киришди ва четга кетгучи студентларнинг ўзларидан бир комиссия тузиб ва бунга ўз аъзоси бўлган Сайид Алихўжани шул комиссияга бошлиқ этиб, «Кўмак» отида бир уюшма тузди. Уюшма кеча-кундуз ишлаб турли ёқдан гадойлик қилиб бўлса-да бир кишини четга жўната олди (бу, бизнингча, Абдуваҳҳоб Муродий)³.

² Қаранг: Э л б е к. Ўзбек билим ҳайъати ва унинг ҳоли // Қизил байроқ. 1921 йил 1 октябрь; Э л б е к. Ўзбек элининг билим юртлари // Қизил байроқ. 1921 йил 21 декабрь.

³ Х у м с о н л и қ. Сўнгги кўмакни кимлардан кутишимиз керак? // Туркистон. 1923 йил 27 январь.

«Кўмак» жамиятининг юзага келишида Маориф комиссариати Ўзбек билим ҳайъати қошида ўрта, олий мактабларда ўқувчи ўзбек ёшларининг «Адабиёт тўгараги» асос бўлиб хизмат қилди. Тўгарак томонидан 1922 йил 8 апрелда «Армуғон» номли бир марталик журнал чоп этилди. У ёш қаламкашларга улкан тажриба мактаби бўлди. Журналда Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида мақола, устоз Чўлпоннинг «Тилак йўлида» шеъри, Абдулла Авлонийнинг «Тарихий ҳикоя»лари билан бирга ёшлардан Боту, Ш.Сулаймон, Ойбек, айниқса, Хосият Тиллахон қизи, Манзура Собир қори қизи (Ойдин), Х.Тожи қизи кабиларнинг шеърларига ҳам кенг ўрин берилди. Элбек, Усмонхон Эшонхўжаев, Сайд Аҳмаднинг бир қатор илмий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ўткир мақолалари чоп этилди. Шунингдек, кейинчалик Германияда таҳсилни давом эттирган Саттор Жабборнинг «Ўксиз руҳим», Сайид Алихўжанинг «Табиатдан жавоб» мақолалари тўгаракда жамланган ёш қаламкашларнинг юксак бадиий дидидан далолат бериб турибди.

Элбек «Икки оқим» номли бош мақоласида ёшларни буюк мақсад йўлида олга юришга даъват этади. Уларни турли оқимларга эмас, аксинча, ўз билим ва кучига, ақлига таяниб иш кўришга чақиради. У инсон «ўқиб, илм олиб, ҳунар билан юксалиб бориши лозим. Яна, энг муҳими, инсон ўз ақлига эга бўлиши керак. Бизнинг фожиала-римизнинг асоси иярувчиликдир. Одамларга ишониб не-не зотлар халқقا ташвишлар келтиргани сир эмас. Ишондилар-да, алдандилар. Яшасин ўзбошли ва эркин мияли йигитлар! Йўқ бўлсин ўз миясини йўқотиб, бошқанинг мияси билан ишлагувчилар!»⁴ деб мақолани якунлайди.

«Кўмак» ташкилотининг юзага келиш жараёнини Салимхон Тиллахонов ўз мақоласида қуйидагича тасвиirlайди. «Кўмак» уюшмасининг мақсади Туркистон талабала-

⁴ Элбек. Икки оқим // Армуғон. 1922 йил 8 апрель.



рига олий таҳсил асосларини яратмоқ, хорижга ва ички Россияга бориб ўқувчиларнинг ишларини енгиллаштиришдир». Ташкилот, биринчи навбатда, «Тошкент дорилфунуни ва бошқа мактабларда ўқувчилар ўқишида давом этиб турган чоғларидағи кўрган қийинлиқларни тажрибадан кечиргандаридан кейин ва келгусида ўқушларини ва юқори таҳсилларини тамом

қилмоқлари учун ташкил этилди», – дейди. «Россияда ва чет элларда кўрадирган қийинлиқларини кўзда тутиб:

- Сайид Алихўжа.
- Иброҳим Орифхонов.
- Камол Доҳаҳўжа ўғли.
- Ризқи Раҳимий.
- Абдувоҳид Жаҳонгир.
- Тўлаган Мўмин ўғли.
- Очил Хўжа.
- Аҳмад Шукрий.
- Тоҳир Шокирий.
- Салимхон Тиллахонлар тўпланиб, 1922 йил 2 майда «Кўмак» уюшмасини уюштиридилар».⁵

Дарҳақиқат, 1922 йилнинг май ойидан Тошкентда хорижда ўқиш учун талабаларни танлаш ва уларни керакли йўналишлар бўйича ўқув юртларига тақсимлаш ишлари бошлаб юборилди. «Кўмак» уюшмасига гоявий раҳбарликни Фитрат, Чўлпон амалга оширган бўлса, ташкилий жиҳатдан Абдулла Раҳимбоев, Акмал Икромов, Элбек, Қайюм Рамазон ва Боту катта ёрдам бердилар. Натижада кенг кўламли амалий ишлар бошлаб юборилди. Жадид мактабларининг иқтидорли ўқувчилари тез кунда ўлканинг турли қисмларидан Тошкентга оқиб кела бошлашди.

⁵ Қаранг: Салимхон. «Кўмак»нинг жавоби // Туркистон. 1923 йил 29 июль.



«Кўмак» вакиллари (ўнгдан): Чўлпон, Шокир Сулаймон, Боту

Қисқа муддатда «Кўмак» ташкилоти томонидан чет элда ўқиши истаган юзлаб талабалар рўйхати тушиб чиқилди.

«Армуғон» журналиниң мұҳаррири, кейинроқ Москва текстил институтини тугатган Сайд Аҳмад Назировнинг 1930 йил 24 декабрдаги сўроқ баённомасида: «1921 йил охирида Тошкентда рабфакда ўқирдик. Талабалар ўртасида четда ўқиш учун кураш ҳаракати пайдо бўлди. Ўшанда икки гуруҳ шаклланди. 1-гуруҳ Москва ва Ленинградга ўқишига интилувчи ёшлар, 2-гуруҳ эса Германияда таҳсил олмоқни истадилар. Мен ва Абдувосиқ Мұхаммедовлар Москва ва Ленинградга кетадиганлар гуруҳига етакчилик қилдик. Тошкентдаги «Навоий» мактабида ўқитувчилик қилган Тўлаган Мўмин эса Германияга кетувчи ёшларнинг бошлиғи эди. Бизнинг ҳаммамизни «Кўмак» ташкилоти ва ватанга хизмат қилишдек улуғ орзу бирлаштирган эди», – деб эслайди.

Яна бир қатағон қурбони, «Кўмак» етакчиларидан бири, 1922 – 1924 йилларда Москва ишчи факультетини, 1928 – 1932 йилларда Ленинград архитектура институти-



Олимжон Қодирий. Виценгаузен
(Германия). 1922 йил

ни тугатган Абдувосиқ Мұхаммедов 1938 йил 10 марта даги сүроқ баённомасида: «Талабаларни чет элларда үқитиш орзуси 1920 йил «Чигатай гурунги»да ҳам бор эди. 1922 йил «Кўмак» тузилгач, амалий ишлар бошлианди. Ташкилотнинг раҳбарлари Фитрат ва Ботуларнинг талаби билан кўплаб талабалар аҳолидан пул тўплашга жалб этилди. Мен ҳам Пискент туманига бордим ва одамлардан «Кўмак» фойдасига пул йиғиб келдим. Бу пулни Германияда ўқувчи ёшларга юборганмиз», – деган эди.

Дарҳақиқат, узоқ кутилган орзу амалга ошиди. 1922/1923 ўқув йили бошланиши билан юзлаб туркистонлик иқтидорли талабалар Германиянинг Берлин, Россиянинг Москва, Петербург, Озарбайжоннинг Боку, Ганжа шаҳарларига йўл олдилар. Улар асосан Фитрат ва Файзулла Хўжаев ажратган Бухоро Ҳалқ Республикаси сармояси, «Кўмак» ташкилоти томонидан йиғилган пуллар, айримлари ота-оналарининг ҳисобидан йўлга чиқдилар. Фози Юнуснинг «Бароқхон талабаси» имзоси билан босилган хабарида айтилишича, Бухоро Ҳалқ Жумҳурияти «Кўмак» уюшмаси илтимосига кўра айрим туркистонлик талабалар учун ҳам ҳомийликни ўз зиммасига олган. Жумладан, Бухоро икки талабанинг пулини тўлагани (Сайид Алихўжа ва Аҳмад Шукурий – муал.) ва яна икки талаба учун

ваъда бергани (Саттор Жаббор ва Вали Қайюмхон – муал.) қайд этилади. Муаллиф Бухоро ҳукуматига Туркистонномидан миннатдорчилик билдиради ва ҳаммани «Кўмак» уюшмасига ёрдамга шошилишга чақиради.⁶

Бу ҳол бутун Туркистон зиёлларни томонидан ниҳоятда улкан ҳодиса сифатида қарши олинди. Бироқ кўп ўтмай тўпланган пул жуда оз эканлиги маълум бўлиб қолди. Натижада барча миллатпарвар зиёллар чет элларда таҳсил олаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш ишига бошкўшдилар.

Фози Юнус 1922/1923 ўқув йили учун «Кўмак» ташаббуси билан юборилаётган талабалар 200 дан ошиши мумкинлигини таъкидлаб: «Бултур Москов ва Петербургда ўқиғувчи талабаларимизнинг машшат ва ўқув асбоблари етишмаганини орқасида уларнинг қандай қийин ҳолларга тушганлари кўпимизга маълумдир... Бу йил борган шогирдларнинг ҳам жуда кўп нарсадан етишсизликлари, овқат-кийим ва ўқув қуроллари важҳидан жуда кўп қийинликларни тортишлари аниқдир. Бу муҳим иш ўз ишимиз бўлганлигидан мунинг чорасига киришмак ҳам, албатта, ўз вазифамиздир», – дейди. У: «Русияда ўқиғувчи талабаларимиз учун ўзимиздан тўпланган налоглардан бир миқдорини ва миллий бойлигимиз бўлган вакфларнинг йиллик вардатидан бир қисмини ажратиб, талабаларимизни овқат, кийим ва ўқув қуроллари билан таъмин этишимиз керак. Бундан бошқа ҳеч чора йўқдир»⁷, – деб мулоҳаза билдиради.

Элбек «Хўмсонлиқ» имзоси остида босилган мақоласида: «Ҳозир четда ўқувчи талабаларнинг бир нечаси «Кўмак» уюшмасининг юборган талабаларидир. Энди биз «Кўмак» уюшмасининг юборган кишилари тўғрисида чуқурроқ ўйласак, бул бояқишлиарнинг ҳам моддий

⁶ Бароқхон талабаси Шарафлик «Кўмак» // Қизил байроқ. 1922 йил 22 июль.

⁷ F. Ўқиғувчи талабаларга кўмак бериш лозим // Қизил байроқ. 1922 йил 6 сентябрь.

ёқининг тўла эмаслиги кўринадир. Ҳатто шул «Кўмак» уюшмасининг юборган бир кишиси Москавда пулсизликдан қайтиб келишга ва ё кўзлаган ерига боришга оқчasi йўқлигидан боши айланиб, ярим йўлда қолмишдир... Биз шул билим юртларимиз билан (маҳаллий таълим ўчоқлари – муал.) четдаги ўқувчиларимизга кўмак берганда яна дунёда яшамоққа ҳақлик бўлурмиз»⁸, – деб барчанинг эътиборини яна бир бор чет элларда таҳсил олаётган ёшларга кўмак бериш ишига тортади.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон матбуотда шундай таъкидлайди: «Тошкентда бир неча йил муаллимлик қилган ишлиқ ёшларимиздан ўртоқ Абдуваҳҳоб Муродийнинг Германиянинг олий зироат мактабида ўқиб турғонлиги тўғрисида газетамиизда вақти билан маълумот берган эдик.

Яқиндан мазкур Абдуваҳҳоб ўртоқдан «Кўмак» уюшмасига бир хат келган. Ваҳҳоб ўртоқ ул хатида ... ҳозир бутунлай таъминсиз қолғонлигини, агар ўз юртидан ёрдам бўлмаса, ўқищдан чиқишга мажбур бўлишини ёзадир. Унинг таъминотсизлик сабаблик қийин ва оғир бир ҳолда қолғонлигини Германияга янгигина бориб етган талабаларимиздан ўртоқ Сайид Алихўжа ва Аҳмад Шукрийлар ҳам тасдиқ этганлар.

23 ноябрда Тошкент ёшларининг гап мажлисларида шу тўғрида сўз қўзголиб, ўртоқ Ваҳҳобнинг ёзгон хати ўқулди ва дарҳол уни таъмин қилмоқ учун ташабbus бошланди. Гап мажлисида ҳозир бўлмаган бошқа ўртоқлардан ҳам йигиб шул маблагни ўртоқ Абдуваҳҳобнинг бир йиллик таъминотига етказмакка бўлинди.

Шу мақсад билан эски шаҳарда бир адабиёт-томуша кечаси ясамоқ учун кишилар белгиланди».⁹

М.Усмоний «Тошкентда маориф-маданият ишларида ишлагувчи бир тўда ёшларнинг ташабbusи билан Берлин

⁸Х у м с о н л и қ. Сўнгги кўмакни кимлардан кутишимиз керак? // Туркистон. 1923 йил 27 январь.

⁹А.С. Четдаги талабаларга ёрдам // Туркистон. 1922 йил 26 ноябрь.

олий зироат мадрасасида ўқиғучи талабамиз Абдуваҳҳоб ўртоқнинг таъминоти учун қўйидагича моддий кўмак йиғилди: Мунавварқори, Сайийд Носир Миржалил, Абдулҳамид Сулаймон, Шокиржон Раҳимий, Асадулла Хўжахонов, Салимхон Тиллахон ва бошқаларнинг ҳимматлари ва 6 декабрь куни ўтказилган адабиёт кечасидан соф фойда 75 000 сўм, жами 139 700 сўм пул тегишли йўл билан ўртоқ Абдуваҳҳобга юборилган»ининг хабарини ўқувчиларга етказади.¹⁰

Журналист Аҳмаджон (Ёкубов) фахр билан: «Руссиянинг муҳим шаҳарларидағи юқори ва ўрта мактабларда, Озарбайжоннинг маркази бўлган Боку шаҳрида, ҳатто Германиянинг Берлин шаҳрида ўқуб ётқон анчагина ўқувчиларимиз борлигини кўрамиз», – дейди ва уларнинг шиҷоати ватаннинг истиқболига қаратилганини уқтиради. Муаллиф талабаларнинг иқтисодий қийинчилкларини, кам-кўстини тўғрилашни миллатнинг вазифаси деб билади ва: «Ай келгуси учун қайғурғучи жигарпораларимиз! Ўқушни давом эттирингиз, Сизнинг кўмагингизга элимиз белини маҳкам боғлагандир»¹¹, – деб мақоласини тугатади.

Усмонхон Эшонхўжаев эса: «Туркистон, Бухородан Берлинга ўқишига кетган ўқувчиларнинг кўплари турлик муассасаларнинг кўмаги билан, баъзилари энг кўп бўлганда бир йиллик таъминотларига етарлик нарса билан кетганлар. Баъзи бир талабалар жуда оз оқча, ҳатто қуруқ «таваккал» йўли билан бориб қолганлар. Маълумдирким, жаҳон уруши натижаси Германиянинг иқтисодий аҳволини жуда издан чиқариб юборди. У ерда ҳам биздагидек соат сари бозор баҳолари кўтарилиб, оқча қадри кун саёйин тушиб борадир. Бутун Туркистондаги ҳиммат эгалари, жамоат ходимлари, масъул ишчиларимиз турлик йўл-

¹⁰ Усмоний М. Берлиндаги талабаларга кўмак (ҳисоб) // Туркистон. 1922 йил 18 декабрь.

¹¹ Аҳматжон. Четда ўқувчи талабаларимизга кўмак ишлари // Туркистон. 1923 йил 9 февраль.

лар ва керак топилган ҳар бир чорани кўришлари лозим. Агар уларнинг овозини Туркистонда эшитилмас экан, у вақт ўқишиларини давом эттира олмасдан иложсиз Туркистонга қайтиб келишга мажбур бўларлар. Бу хунук ҳол. Албатта, Туркистон жамоат, маориф ходимлари ва масъул ишчиларга уятдир»¹² (Таъкид бизники – Б.И.), – дейди ва ҳукуматдан талабаларни молиялаштиришда амалий ёрдам кўрсатишни талаб этади.

Салимхон Тиллахонов ўз мақоласида: «1922 йил ўқиши мавсумида Тошкентда ташкил этилган «Кўмак» уюшмасининг ташаббуси, Бухоро жумҳуриятининг ғайрати ва Шўролар Россиясининг соясида Туркистон ва Бухородан 70 га яқин ўқувчи Германияга кетган эди. Германияда Россиянинг 10000, Япониянинг 4000, Туркиянинг 3000 талабаси бор экан... Мана бу ҳисобга қараганда 12 млн нуфусга молик Туркистонимиздан 70 гина талабанинг бўлиши ҳеч вақтда бизни қаноатлантира олмайдур. Ҳаракат қилиб келгуси йилларда Оврупонинг ҳар бурчагига 70 минглаб талабалар юборишимиз керакдир. Бизнинг табиий бойлигимизни четлар эмас, ўзимиз ишлашимиз керак ва бу йўлда ҳар ким маслаҳат қилсун, ўйласун. Ҳар бир маслаҳат, ўйлашнинг натижаси болаларимизни четга юбориб ўқитиш бўлиб чиқсун»¹³ (Таъкид бизники – Б.И.), – дейди. У ўлгадаги техник билим-кўнікмаларнинг жаҳон тараққиётидан нақадар ортда эканлигини кўплаб мисоллар билан тушунтиради. Европанинг оғир ва енгил саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларидағи ютуқларини жорий этишда четда ўқиган талабаларнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради.

Шокир Сулаймон эса: «Туркистон ёшлари борлик ҳаётимиз, нажотимиз маорифда, маориф ҳам Оврупода эканлигини билиб Оврупо сари оғила бошладилар. Натижада Қафқоз, Бокуда 50 лаб, Масков, Петербургда 150 лаб,

¹² У с м о н. Четда ўқувчиларни унутмайлик // Туркистон. 1923 йил 15 апрель.

¹³ С а ли м х о н Т и л л а х о н и й. Четга кўпроқ ўқувчилар юбориш керак // Туркистон, 1923 йил 11 март.

Берлинда 70 лаб, бутун Оврупода борлиғи 270 га яқин Туркистон үқувчиларини кўрамиз. Бу кўриниш, ҳар ҳолда, Туркистоннинг келгуси порлок, тарихининг жонлиқ эканлигини билдирадир. Ундай бўлса-да, бироз умид боғлатади. Бироқ, ҳайотки, бу сонлар бошқаларга қараганда йўқ даражасидадир (*Таъқид бизники – Б.И.*).

Яқинда Берлинда үқувчи бир ўртоғимиздан келган хатда фақат Германияда үқувчи бошқа мамлакат болалирини куйидагича кўрсатадирки, биз ўз сонимизға қараб уялсоқ, қизорсоқ бўладир. Руслар 10000, японлар 4000, усмонли турклари 2000, мисрликлар 300, ҳиндистонликлар 500, араблар 200, эронликлар 500, афғонлар 500, бутун Туркистондан 70 талаба илм олади.

Московдаги ҳисобсиз олий, ўрта мактабларда үқувчи шогирдлар орасида туркистонлилар денгиздан бир томчи қабилидадир. Ўтган йил Туркистон үқувчилари Москвада ёлғиз 10 та бўлғонлари ҳолда, бу йил Петербурғ, Москов үқув юртларида 100 кишилик истипенция очилиб, яхшигина таъмин этилганлар.

Четда үқувчи болаларини йўқлаб турғон бошқа миллатлар каби бизнинг Туркистон зиёлилари, маорифпарварлари ҳам ўзларининг «жийда халталари» билан четдаги үқувчиларини йўқласалар, ёрдам этсалар яхши бўлур эди. Юрти, элидан узоқ турғон үқувчилар Туркистондан шуну кутарлар¹⁴ (*Таъқид бизники – Б.И.*). Дарҳақиқат, талабаларнинг ҳар кунги ютуқларидан хурсанд «Туркистонлик» янада катта режаларни илгари суради. У: «Шаҳарнинг энг унумлик жойлари баладия (маҳаллий ҳокимиёт) идорасининг машруъ ҳаққи бўлган электрик истансалиари, күшхона, трамвай (кўнка) ва телефон истансалари-дир. Буларни баладия идоралари қарамоғига ўтказилиши керак. Шаҳарнинг юраги устида гулдураб юриб турғон бу

¹⁴ Шоқир Сулаимон. Оврупода Туркистон үқувчилари // Туркистон. 1923 йил 1 январь.

маданий кучлардан тушган унум шу шаҳарнинг маориф ва маданиятига сарф этилиши лозимдир. Бу тўғрида иш билармон, савдо-саноат курпирлари билан турғон халқ хўжалифи бошқармаларининг ҳар хил баҳоналарини қабул қиласлик керакдир»¹⁵, – дейди.

«Кўмак» ташкилотининг раҳбарларидан бири Аҳмаджон Иброҳимов Германияга етиб бориши билан берлиндан Туркистонга хат йўллайди ва ташкилотни янада ривожлантириш учун ўз тавсияларини баён этади. «Кўмак» қисқа фурсат ичидаги Россия ва Оврупога бир қанча ўқувчилар юборишга муваффақ бўлди. Мана бу бошланғон яхши ишларни давом эттириш, тобора кучайтириш керак. Бу «Кўмак» уюшмасидаги ўртоқларнинг вазифасидир.

Мен ишонамен, келар йилларда Туркистон ҳам бошқалардек 1000 лаб ўқувчиларни четларга юборур. «Кўмак» нинг юборғон талабалари борғон ерларида уюшиб, «Кўмак» нинг обрўсини бошқалар олдида ҳам кўтарадирлар (Таъкид бизниси – Б.И.).

Берлин[лик] талабаларимиз ўртоқ Сайийд Алихўжа [дек] дардлик йигитларимизнинг файрати соясида «Кўмак» нинг бўлимини очқонлар ва ҳам «Кўмак» исмида бир журнол чиқармоқчилар», – дейди.

Ташкилотни янада ривожлантириш учун «Кўмак» уюшмасини фақат ўзбекларники эмас, бутун Туркистон ерлик халқи «Кўмак» уюшмаси деб аташ, «Кўмак» нинг барча виляятларда бўлимларини очиш, «Кўмак» ни тарғиб этиш, газета ва журналларда мақолалар бостириш, Рамазон кириши билан ҳар бир шаҳар ва қишлоқлардан кўмак тўплаш, ҳайит кунига «Кўмақ» уюшмасининг аҳамиятини тушунтириш учун бир номер газета чиқариш, ёшларнинг қизиқишлиарини ўрганиш ва Россия, Оврупа, Амрико дорилфунун ҳамда ўрта мактабларининг прогромлари, ҳаёти, ўқиш

¹⁵ Т у р к и с т о н л и к . Баладия идоралари учун унумлик жойлар // Туркистон. 1922 йил 24 сентябрь.



Ленинградда ўқиган ўзбек талабалари. Ўтирганларнинг ўнгдан чапга санаганда учинчиси ўзбек бюросининг ташкилидан бери раислик хизматида бўлиб келаётган Низом ўғли. 1926 йил июль

ва ўқитиш йўллари билан туркистонлик ёшларни таништириб бориш каби фикрларни илгари суради.¹⁶

Мазкур шароитда Мунавварқори Абдурашидхонов, М.Рамзий, Ш.Раҳимий, Заҳириддин Аълам, Элбек, Ш.Эҳсон, С.Тиллахонов, Ҳ.Сулаймон, Ҳ.Охундий, М.Қодирий томонидан Туркистон Шўролар Жумхуриятидаги маорифпарвар ёшларга хитоби эълон қилинди. Унда: «Туркистоннинг порлоқ келгуси, балки ҳаёти ва қўрқунчли қоронгулиқдан қутулиши фақат маорифгагина боғлиқdir. Туркистон халқи маориф ва маънавият нарвонининг биринчи поясига эндиғина қадам босди», – дейилган. Шунингдек, бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ходимларига маорифнинг юксалиши учун зўр ғайрат билан ишлашга, маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда «Нашри маориф» номида

¹⁶И броҳимов А. «Кўмак» уюшмасидаги ўртоқларимга // Туркистон. 1923 йил 14 март.



Ленинградда ўқиган ўзбекистонлик талабаларнинг «Шарқ уйи» қошидаги ўзбек секциясининг идора жамияти.

1928 йил июнь

бир жамият очиш ва шу жамият расмийлашганидан сўнг матбуотда эълон қилиниши билан дарҳол шу жамиятнинг ҳар ерда шуъбаларини очишга киришсинглар»¹⁷, – деб қарор қилинди. Бироқ бу хитобда илгари сурилган мақсадларни амалга ошириш учун совет ҳукумати томонидан умуман имкон берилмади.

«Кўмак» марказий ташкилотининг амалдаги раҳбари Салимхон Тиллахонов ташкилот учун жуда кўплаб инсонларнинг beminnat ёрдами бўлганлиги, айниқса, ҳукумат идораларида ишловчи ёшлар ниҳоятда кўп кўмак берганлигини айтади. «Хозир ҳам улар қараб турмасдан, ўз устиларига тушган хизматларни бажо келтирмоқдалар. Ва ўқувчилар томонидан бир неча ерда клуб, театру ва йиғинлар қилиб оқча тўпладилар. Бундан бошқа ҳар бир шаҳар ва уездларга алоҳида вакиллар юбориб кўмак тўпладилар»¹⁸, – дейди. Бироқ бу пайтга келиб турили тазийиклар натижасида марказий «Кўмак» ташкилоти ҳам амалда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Марказий «Кўмак» ташкилотининг фаолиятсизланганлиги ҳақида дастлаб матбуотда Қосим Сорокиннинг мақоласи босилди.¹⁹ «Туркестон»нинг кейинги сонида Боис «бир йил олдин жуда катта умидлар билан иш бошлаган «Кўмак» ташкилотида эндиликда фақат бир киши қолганлигини ёзди. Мақолада «Кўмак» уюшмасига аниқ

¹⁷ Туркестон Шўролар Жумхуриятидаги маорифпарвар ёшларга хитоб // Туркестон. 1923 йил 1 январь.

¹⁸ Қаранг: С а л и м х о н . «Кўмак»нинг жавоби // Туркестон. 1923 йил 29 июль.

¹⁹ Қ. «Кўмак»ка кўмак // Туркестон. 1923 йил 17 апрель.

ишлаш жойи берилмаганлиги учун ташкилотта тегишли ҳужжат ва қофозлар Туркистан маориф комиссарлиги йўлакларида сочилиб ётибди. Четда ўқишига кетишни истовчи ёшлар эса бу йил аввалгидан уч баробар кўп йигилган. Аммо ташкилотни уюштириш ва ишини юритишга на пул ва на бирорта масъул одам қолган. «Нашри маориф» жамиятининг номи бор-у, ўзи йўқ»²⁰ дейилади.

Ташкилот энди вилоятлар ва қуий поғоналарда иш олиб бора бошлади. Жумладан, «Кўмак» уюшмасининг Самарқанд бўлими ҳам кенг кўламли тадбирларни амалга оширди. Муаллим Исматулла Раҳматуллазода Жиззах ва Ўратепа шаҳарларига бориб, жами 9571 сўм иона тўплаб қайтган ва Самарқанддаги «Кўмак» ташкилотига топширган. «Зарафшон» газетаси Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа, Каттақўргон шаҳарларидан Россия ва бошқа шаҳарларда ўқиётган талабалар ва уларнинг манзилларини билмагани учун ёрдам жўната олмаётганларини маълум қиласиди. Газета ёрдамга муҳтоҷ талабалар ва уларнинг манзилларини сўраб эълон берган.²¹

1923 йил 29 апрель якшанба куни Самарқанд зиёлилари томонидан «Кўмак» адабий кечаси ташкил этилган ва халқдан уюшма фойдасига 7000 сўм пул иона тўпланган. Иона тўплаш ишида фаоллиги ва энг кўп ҳиммат кўрсатган инсон сифатида Ҳожи Муин Шукруллаев кўпчиликка шахсий намуна кўрсатди. 1923 йил 19 май куни ийди Рамазон куни муносабати билан «Кўмак» номли маҳсус сон газета чиқарилди.²² «Кўмак» ташкилотининг Самарқанд бўлими томонидан Бокуда ўқувчи 3 нафар самарқандлик, 2 нафар хўжандлик, яна Ганъжа шаҳрида ўқувчи 2 нафар хўжандлик талабанинг ҳар бирига 400 сўмдан пул юборилган.²³ Албатта, бу каби ёрдам ишлари мунтазам амалга ошириб турилган эди.

²⁰ Б о и с. «Кўмак» уюшмаси // Туркистан. 1923 йил 20 апрель.

²¹ Очиқ хат // Зарафшон. 1923 йил 12 апрель.

²² Хабарлар // Зарафшон. 1923 йил 1 май.

²³ Хабарлар // Зарафшон. 1923 йил 3 май.

Совет қатағон сиёсати жабрланувчиларидан Сафо Сайдмуродов 1938 йил 7 июль куни берган сўроқ баённомасида: «Биз 1923 йил Туркистоннинг Иқон қишлоғидан бир гуруҳ ёшлар: Абдуллаев Карим, Аҳмедов Исо, Жунаев Беглар, Норқўзиев Атакон ва бошқалар Тошкентга келиб, турли илм даргоҳларида ўқишни бошладик. Биз ҳам бошқа талабалар қатори «Кўмак»да ишлаганмиз. Биз турли жойларга чиқиб аҳолидан пул йигиб ё Берлинга, ёки Москва, Петербург, Боку каби шаҳарлардаги ўзбек талабаларига уни юборар эдик. Мен ҳам бу пул йигишиш ишларида иштирок этганман». Юқоридаги мисолдан кўринадики, «Кўмак» ташкилоти уни ташкил қилган талабалар ўқишга кетганидан сўнг бошқа талабалар томонидан давом этирилган.

Совет ҳукумати Туркистонда ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Россиянинг марказий шаҳарларида туркистонлик ёшларни ўқитиш ишларини бошлаб берган эди. Бу ўқишилар бир неча ойлик рабфак – ишчи факультетлари бўлиб, уларни битириувчилар асосан Туркистонда совет сиёсатини юритиш ишига жалб этилар эди. Туркистон халқ хўжалиги ёхуд илм-фани тараққиёти учун хизмат қилиши мумкин бўлган кадрлар етиширувчи Россия таълим даргоҳларида туркистонлик талабалар деярли йўқ эди. Бу борада Абдулла Қамчинбек: «Туркистоннинг келгусидаги турмушида йўл кўрсатувчи ўз илм-хунарлари билан кўмаклашувчи йигитларимиз Москва олий мактабларида кўринмайдирлар», – дейди. «Свердлов университетида ўқиётган 14 талабадан уч нафари, Ҳукумат дорилфунунида Туркистон номидан ўқиётган 15 талабадан бор-йўғи 1 нафари ўзбек», «...олий уста техникиуми, Қишлоқ хўжалик академияси, Олий мусиқа мактаби ва Шарқ дорилулумида ҳам туркистонлик талабалар бўлсалар-да, ўзбеклар уларнинг умуман арзимас қисмини ташкил этади», – дейди. «Кўрсатилган олий мактаблардаги оврупалик шогирдлар ўзлари Туркистон номидан

келган бўлсалар ҳам, ўқиб битиргач Туркистонга фойда келтиришига ишона олмаймиз. Туркистоннинг эгаси – ўзбек, қозоқ-қирғиз ва туркманларни аҳволи мана шу ҳолда» (Таъқид бизники – Б.И.). Абдулла Қамчинбек ўз мақоласида «Туркистондан Туркистонга келажакда фойдаси тегадирган кишиларни танлаб юборилмоғи керакдир», туркистонлик талабаларнинг ярим очлик ҳолида кун кечиришига тўхталиб «бундаги Туркистон вакилимиз томонидан чақалик бўлсин кўмак ололмаймиз»²⁴ деб ёзган эди.

Бу мақола ҳам Туркистонда ташкил топган талабаларнинг «Кўмак» ташкилоти учун муҳим аҳамият касб этди. Ёшлар Москва ва Петербург шаҳарларидағи йирик илим даргоҳлари ва уларга кириш тартибларини ўргана бошладилар. Ҳатто улар Москва шаҳрида маҳсус жойни изярага олиб, ўқитувчиларни ёллаб имтиҳонларга тайёрланганлар. Аҳмаджон Иброҳимов: «Кўмак» уюшмаси томонидан (Москвага) келган 50 қадар ўзбек ўқувчилари олий мактабларга кириш учун ошиқиб кеча-кундуз тинмасдан ўқиб ётибдирлар. Бу қандай шодлик», – дейди. У Москвадаги ўзи кўрган Петровский зироат академияси ҳақида ахборот беради. Унинг: «зооо дан зиёда ўқувчиси бўлиб, булар Россияядаги турлик миллатлардандир. Бунда Сибирдаги энг озчилик ташкил қилган ёқут халқидан 10 лаб ўқувчи бўлгани ҳолда Туркистон ўзбекларидан (Туркистон ўзбекларининг 4/5 қисми деҳқончилик билан кун кечирадирлар) бир киши ҳам йўқдир. Мана бу ҳол кишининг юрагини эзадир. Ўрта мактабларни битириб олий билим юртига кирадирган ёшларга Туркистон учун жуда муҳим бўлган Масковнинг Петровский зироат академиясига кўпроқ киришларини тавсия этаман. Бултур Масков ўрта мактабларида Туркистондан биргина ҳам ўқувчи йўқ эди. Мана бу йилдан бор. Улар ўрта мактабларни битир-

²⁴ Айнурлин А. Москвада туркистонлик шогирдлар // Қизил байроқ. 1922 йил 1 май.

гандан кейин шул Петровский зироат академиясига кир-сунлар²⁵ (Таъкид бизники – Б.И.), – дейди.

1922/1923 ўқув йили туркистонлик ёшлар учун жуда муваффакиятли бошланди. Ҷарҳақиқат, юзлаб ёшлар Москва ва Петербургнинг турли нуфузли илм даргоҳларига қабул қилиндилар. Аммо уларнинг на ётоқхонаси, на бу сарфлар учун пули, на қишиги кийими бор эди. Шу вақт «Туркистон» газетаси бошқармаси «Бу йил Москв ва Петербургга турлик билим юртларида ўқимоқ учун кўпгина йигитларимизнинг кетганиклари маълумдир. Москв ярмаркасидан келган бир йигит «Московга борғон ўқиғувчиларнинг ҳаммаси дегундай ҳар кимнинг олдига кириб тиланиб юрадирлар» деган хабар тарқатган. Москвдаги ўқиғувчиларимизнинг ота-оналарига хабар берамизким, Москвдаги ўқиғувчиларимизнинг барчаси бугун яхшилаб ўрнашқонлар. Таъминотлари яхши, ўртоқ Боту каби фидокор йигитларимизнинг файрати орқасида Туркистон жумҳуриятининг Москв ваколатхонаси уларга моддий ёрдамда бўлинғон»²⁶ деган хабарни босади. Ҷарҳақиқат, талабаларни Совет давлатининг пойтахтида жойлаштириш масаласи осон кечмади. Боту, Шокир Сулаймон Туркистон ва Бухоро ҳукуматлари кўмаги асосида бу масалани жиддий қийинчиликлар билан ҳал этдилар.

Таржимон ва журналист Санжар Сиддиқ мақоласида советларнинг X қурултойига боргани ва унда Москвадаги туркистонлик талабалар аҳволи билан қизиққанини ёzáди. Уларнинг моддий ҳолати яхши экани ва турли гап-сўзларнинг ёлғонлигига ишонганини маълум қилади. Талабаларнинг айrim вақтларда тўпланиб турли кечалар ўтказиши ва ўзбек маданиятини ёйишаётганига тўхталади. Уларнинг аҳволи билан қизиқиш ҳар бир ватандошимизнинг бурчи ҳисобланади. Тужжорлар ёки бошқа иш билан

²⁵ И б р о х и м у ф А х м а д ж о н . Петровский зироат академияси // Туркистон. 1923 йил 2 март.

²⁶ Москвдаги ўқиғувчиларимиз тўғрисида // Туркистон. 1922 йил 5 октябрь.

боргандар ҳам талабалар билан учрашиб, уларга ёрдам бериши, талабаларнинг ҳам ўз вақтида ўзбек матбуотидан хабардор бўлиб туришларини мақсадга мувофиқ иш дейди. Шу билан бирга, Берлин, Петербург ва Бокудаги талабаларни ҳам асло кўздан қочирмаслик лозимлиги, улар халқимиз келажаги эканлиги, улар билан мунтазам алоқалар ўрнатиш кераклигини уқтиради.²⁷

Кўп ўтмай Санжар Сиддиқнинг «С» имзоси билан ёзган «Маскавдаги ўқувчиларимиз» мақоласига қарши Туркистоннинг Москвадаги доимий вакили Муҳаммаджон Исеевнинг «Ачинишми, ифвоми?» номли мақоласи босилди. Унда ваколатхона томонидан туркистонлик талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган ишлар бирма-бир санаб ўтилади. «С»нинг ваколатхонани бюрократизм ва турли ортиқча дабдабозликларга йўл қўйганликда айблаганига норозилик билдиради. Таъминот масаласидаги камчиликларга тўхталиб, талабаларни икки гурухга ажратади ва биз қашшоқларнинг стипендиясини берамиз, бойларнинг болалари ва спекулянтларга стипендия бермаймиз деган важни илгари суради.²⁸

«С» ҳам, ўз навбатида, вакил М.Исеевга жавобида ўша «хунук гап» деган талабаларнинг қанча вақт ваколатхона биносининг совуқ йўлакларида хор бўлиб яшаб юрганлари, уларнинг овқатсиз, иссиқ кийимсиз қолганлари ўзидан чиқмагани, айнан талабаларнинг ўзлари айтганини таъкидлайди.²⁹ Шундан сўнг Москва ва Петербургда таълим олаётган туркистонлик ёшларга амалий кўмак бериш масаласи муҳокама этилади. Талабаларга Н.Тўракулов, А.Рахимбоев ва Х.Бурнашевдан иборат оталиқ комиссия ташкил этилади.³⁰

²⁷ С. Маскавдаги ўқувчиларимиз // Туркистон. 1923 йил 3 февраль.

²⁸ Қаранг: М у ҳ а м м а д ж о н И с е е в . Ачинишми, ифвоми? // Туркистон. 1923 йил 9 февраль.

²⁹ С. Жавоб ўрнида // Туркистон. 1923 йил 13 февраль.

³⁰ Қ а м ч и н б е к А. Маскав ўқувчилари Туркистон билим юртларининг отаси // Туркистон. 1923 йил 24 апрель.

Москва талабалари иттифоқининг масъул вакили, айни пайтда, талаба бўлган Абдулла Қамчинбек: «... ўтган йил Москва жами 10 – 15 ўзбек студенти бўлса, бу йил улар юзлабдирлар. Карл Маркс институтида инженер-электрик Сайийид Хўжаев, Москва Петровский қишлоқ ҳўжалик академиясида каттақўргонлик Ортиқмурод Йўлдошев, Ҳукумат дорилфунуни юридик факультетида наманганлик Алиакбар Кирғизбоев, Свердлов университетида А.Икромов ва Р.Иноғомовлар, Зиновьев дорилфунунида Сайд Аҳмад Назир ўғли кабилар туркистонлик талабаларнинг фахридирлар. Шунингдек, Москва Шарқ дорилфунунининг турли тайёрлов бўлимларида 23 ўзбек (5 та қиз), Москва рабфакида 37 ўзбек фарзанди таҳсил олмоқда. Умуман, Москвада туркистонлик ўзбек талабаларнинг сони 106 нафар... уларнинг барчаси стипендия билан таъмин этилган ва ваколатхона ҳам ёрдам бериб келмоқда»³¹, – деб хабар қиласди.

Туркистонлик ўкувчилар қўмитаси раиси Абдулла Қамчинбек «Фаргона» газетасида Москва ва Петербург шаҳарларида таҳсил олаётган 47 нафар фарғоналик талаба ва уларнинг таъминоти ҳақида ахборот бериб, самарқандлик талабаларнинг «Зарафшон» газетасидаги чиқишидан хафа бўлади. Бу талабаларга нисбатан зарур чораларни кўриш керак деб дағдаға қиласди.³² Қамчинбекнинг юқоридаги мақоласига қарши «Йўқсул» имзоси билан жавоб ёзган фарғоналик талаба Москва талабаларнинг қандай қийинчиликлар билан тишини тишига қўйиб яшашларини, бериладиган стипендия на овқатга, на кийимга, на дарсликларга етишини ёзади. У самарқандлик талабаларнинг ҳақлигини айтади ва А.Қамчинбекнинг дағдағаларига таассуф билдиради.³³

³¹ Қ а м ч и н б е к А. Москва ўзбек истудентлари // Туркистон. 1923 йил 6 апрель.

³² Қ а м ч и н б е к А. Ички Россияда фарғоналик ўкувчилар // Фаргона. 1924 йил 10 январь.

³³ Й ў қ с у л. Москов студентлари қандай ҳолда // Фаргона. 1922 йил 14 февраль.

1922/1923 ўқув йилининг қаҳрамони ёш ўзбек шоири Боту (Махмуд Ҳодиев) бўлди. У Ҳукумат дорилғунунининг ишчилар факультетини битирди. У зйиллик барча дарсларидан имтиҳонларни муваффақиятли топшириб Ҳукумат дорилғунунининг иқтисод факультетига кирди. Боту бутун туркистонлик талабаларнинг фахрига айланди.³⁴

Ғала-ғовурларга бой кечган 1922/1923 ўқув йили яқунланиши арафасида советлар ҳукумати Москва ва Петербург олий мактаблари учун Туркистондан талабалар олиш ишида янги тақсимот белгилади. Бундан кейин Москва ва Петербург олий мактабларига Туркистон ёшларидан фақат минтақадаги комсомол ёшлар ташкилоти тақдим этган номзодларгина талаба бўлиши кўрсатилди. Яна таркиб тақсимотида Туркистондан юбориладиган талабалар учун партияга 18%, ёшларга 17% (комсомол), дехқонларга 20%, касаба уюшмаларига 45% деб белгиланди. Партия ёки ишчилар ҳисобидан ўқишга йўлланма олиш учун зйиллик стаж талаб этиладиган бўлди. Янги 1923/1924 ўқув йили учун Туркистонга рабфакка 4 нафар, Туркистонда мавжуд бўлмаган олий мактабларга 10 нафар ўрин ажратилган эди.³⁵ Бу билан Россиянинг марказий шаҳарларида туркистонлик талабаларнинг кўпайиб боришига жиҳдий тўсиқ ҳосил қилинди.

1923 йил Россиянинг марказий шаҳарларида ўқиш учун 10 – 12 ўрин ажратилганига қарамай, Туркистондан ўз кучлари билан бориб Москва, Петербург олий мактабларига кирган талабалар 60 – 70 нафардан ортиб кетди. Советлар ҳукумати бу ёшлар учун стипендия беришни ўз зиммасига олмади. Шундан сўнг А.Қамчинбек раислигига таркибида А.Икромов, Х.Бурнашев, Т.Рисқулов, А.Рахимбоев, Ҳ.Тожий бўлган комиссия томонидан ҳукумат стипендияси олаётган талабалар қайта тафтиш этилди. Унга кўра, Туркистон ҳукумати стипендия тўлаган ўқувчиларнинг кўпчилиги маҳаллий миллат вакиллари эмас,

³⁴ Тўлқи н. Ўртоқ Боту Туркистонга қайтди // Туркистон. 1923 йил 21 июль.

³⁵ Қамчинбек А. Масков мактабларига қабул тартиблари // Туркистон. 1923 йил 21 июль.

рус миллатига мансуб талабалар бўлиб чиқди. Натижада туркистонлик талабалар тўлиқ стипендияга ва ётоқ жойларга эга бўлдилар. Туркистон ва Бухоро ҳукумати биргаликда Россиядаги туркистонлик талабалар учун 150 – 200 ўринлик ётоқхонани сотиб олиб, таъмирдан чиқариб берди. Талабаларга қиши кийим олишлари учун қарз пуллар ҳам тарқатилди.³⁶ Бироқ туркистонлик талабалар ўртасида турли уйдирмаларнинг авж олдирилиши натижасида уларга тазиик ортиб борди. Ўқувчилар илм-ҳунар соҳиблари бўлишдан ташқари улар партия аскарлари, сиёсий тарғиботчилардир деган қарааш кучайтириб борилди.³⁷

Озарбайжон маркази Боку шаҳрига туркистонлик ilk талабалар 1911 – 1912 йиллардан кела бошлаган эди. 1916 – 1917 йилларда эса Боку педагогика техникумидаги Мақсад Беҳбудий, Салим Тиллахонов, Қайюм Рамазон каби ўнлаб туркистонлик талабалар таълим олганлар. «Кўмак» уюшмасининг ўқувчилари эса 1922/1923 йилдан кела бошлаганлар. Улар Озарбайжон давлат дорилфунуни, олий техника институти, нафис санъат, рабфак ва бошқа мактабларда аъло баҳоларга ўқийдилар. Талабалар йиғилишлар ўтказиб рефератлари билан бир-бирларига таъсир этганлар. 1923 йили «Кўмак» уюшмаси томонидан талабалар учун маҳсус ётоқхона сотиб олинган. Унда алоҳида кутубхона ва талабарнинг 15 кунда бир чиқадиган «Ёш қалам» номли деворий газетасини мунтазам чиқариш йўлга қўйилган эди.

Бокудаги ҳарбий мактабда таҳсил олаётган Фарғона водийсидан ўқишига борган талабалар ўқишининг биринчи йилиёқ моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қоладилар. Улар Тошкентдаги «Кўмак» ташкилотига ёрдам сўраб икки кишини жўнатадилар. «Кўмак»дан ёрдам пули олинади ва Ўшга борган Фани Саломийга Ўш ижроқўми раиси Султо-

³⁶ Қ а м ч и н б е к А. Россияда Туркистон ўқувчилари // Туркистон. 1924 йил 17 февраль.

³⁷ Қ а м ч и н б е к А. Россиядаги ўқувчилардан фойдаланиш керак // Туркистон. 1924 йил 1 июнь.



Бокуда таҳсил олган ўзбекистонлик талабалар

нов бу гал тегишли ёрдамни кўрсата олмайди.³⁸ Олдин Ўшдан бзоо сўм йигилиб Бокуга юборилган эди.

«Зарафшон» газетасининг 1923 йил 52-сонида Санжар Сиддиқнинг «Бирор» имзоси билан ёзган мақоласи ҳам дикқатга сазовор. Унда: «...ҳар бир халқ үз маданияти, куйи, достонлари, адабиёти билан бордир, мавжуддир. Бокудан таътилга қайтган бир гуруҳ талабаларимизни кўриб уларнинг камоли таҳсилидан хурсанд бўлдик. Бироқ уларнинг тили, одатларидаги айrim ўзгаришлардан кувончимиз тўхтаб қолди. Улар халқ ашуларапаримизни ҳам бошқаларники билан чалғитганларига ҳайрон бўлдик. Уларнинг бизнинг тенгсиз оҳангларимизни бошқалар билан алмаштирганидан кўркиб бу сатрларни ёздик. Бу хил тақлид ва таъсирандан биримиз русчи, иккинчимиз усмончи, учинчимиз татарчи бўлиб, ишни яна мош-биринж қилмасалар эди. Улар бизнинг тил ва адабиётимизни билмасалар, қадр этмасалар, қандай бўлади? Унақа чалалар аввал ҳам бўлган ва ҳеч қачон халқقا хизмат эта олмаганлар. Талабалар, ёт таъсиirlарга берилманг, ўқинг, илм олинг, акс ҳолда, фойдасиз бўласиз»³⁹, – дейилади.

³⁸ Мұхтархон. Тұғри эмас // Туркистан. 1923 йил 30 март.

³⁹ «Бирор». Бирорларнинг таъсирига берилмаса эди // Зарафшон. 1923 йил 10 июнь.

Газетанинг 55-сонида ёқ Боку дорилмуаллимини (педагогика техникуми) талабаси Абдураҳим Солиҳ ўғли «Бирор»га жавоб ёзди. «Бу талабалар эндигина биринчи йил таълим мини тутатмоқдалар. Улар Бокуга адабиёт ва санъатни ўрганиш учун эмас, аниқ ва техник фанларни ўрганишга келдилар. Улар ҳеч кимнинг таъсирига берилмайди. Қаҳвахоналарда қўшиқлар эшитмадилар. Улар ҳали жуда ёш, миллий маданиятилизни Ватанга бориб тўлиқ ўрганадилар»⁴⁰, – деб жавоб йўллади.

Боку билим юртларига кейинги йилларда ҳам мунтазам равишда талабалар юбориб турилган. 1929 йили «Маориф ва ўқитғучи» журналининг 5-сонида Музайяннинг «Бокуда Ўзбекистон йигитлари» мақоласи босилган. Унда ёзилишича, 1928 йили 19 нафар ўзбекистонлик талаба Боку таълим муассасаларини битириб ватанга қайтганлар. Улар бугун халқ хўжалигининг турли йўналишларида жавлон уриб меҳнат қилмоқдалар дейилган. 1928/1929 ўқув йилида эса Боку шаҳрида таълим муассасаларининг турли йўналишларида ўзбекистонлик 46 нафар йигит таҳсил олган. Улар, Ганжа ва Арманистондагилари билан қўшиб ҳисобланса, жами 53 нафар эди. Талабалар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан бўлган. Жумладан, Бокуда бухоролик Шоймардон Шарифзода, жиззахлик Баҳром Иброҳимов (Йўқсил) Ганжада ўқир эди.⁴¹

Шу ўринда мазкур даврда мавжуд бўлган Туркистаннинг ички таълим даргоҳлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. 1918 йил октябрь ойида очилган Ўзбек билим юрти узоқ вақт молиявий қийинчиликлар остида фаолият олиб борди. Унга дастлаб турк офицери Фаҳмий, сўнг Шокиржон Раҳимий, Афандизода ва Абдулла Авлоний бирин-кетин мудир бўлганлар. Ўзбек ўқитувчилари етишмаслиги туфайли дарслар усмонли, татар, рус тилларида

⁴⁰ Боку дорилмуаллимини талабаси Абдураҳим Солиҳ ўғли. Ўйлаш керак // Зарафшон. 1923 йил 21 июнь.

⁴¹ Музайян. Бокуда Ўзбекистон йигитлари // Маориф ва ўқитувчи. 1929. №5.



Бокуда драма студиясида ўқиган ўзбекистонлик талабалар. Ўтирганлар (сўлдан): Ҳакима Ҳўжа қизи. 2. Сайфи Олимий. 3. Назира Ҳаким қизи.

4. Шарифзода (мактаб мудири муовини). 5. Ҳалима Носир қизи. 6. Раҳимберди Бобоҷонов. 7. Ёрқиной Шаҳбоз қизи. Тик турғанлар: 1. Ҳусайн Карим ўғли. 2. Зухур Қобил ўғли. 3. Саъдулла Жўра. 4. Каримжон Яқубий

олиб борилди. Бир неча ойлаб ойлик маошлар берилмагани учун ўқитувчилар деярли келмасди. Мураббийсиз қолган 200 нафар ўқувчининг кўпчилиги қишида совуқ хоналарда касал бўлиб, билим юртини ташлаб кетдилар. Ўзбек билим юрти қозоқ, татар билим юртларига қараганда ҳам оғирроқ аҳволга келиб қолган эди.⁴²

1923 йил 12 май куни Ўзбек билим юртининг мудири Салимхон Тиллахонов муҳим тадбирни очди. Бу тадбирда билим юртининг 5 йиллик фаолияти натижасида биринчи марта битирган 5 кишига диплом топширилди. Тадбирга келган И.Хидиралиев битирувчиларни чин дилдан табриклиди⁴³, шоир Чўлпон уларнинг шаънига «Ўзбек билим юрти-

⁴² Ю г у р у к. Нимага ўзбек билим юртига аҳамият берилмайдир // Туркистон. 1923 йил 15 апрель.

⁴³ С и р о ж и й. Ўлка ўзбек билим юртида тантаналик мажлис // Туркистон. 1923 йил 16 май.

ни биринчи марта битириб чиққан 5 талабага бағишилаган»⁴⁴ шеърини ўқиб беради. Тадбирга келгандар ўзбек билим юртини энди ҳеч қачон ташлаб кўймасликка ваъда бердилар. Бироқ кейинги ўкув йилида ҳам аҳвол ўнгланмади. Ўқувчилар оч, ўқитувчилар ойлик берилмагани учун дарсга келмайди. Яна қишига тайёргарлик кўрилмади.⁴⁵ Албатта, ўлкадаги турк-татар билим юртлари⁴⁶ ҳам, Шарқ билим юрти⁴⁷ ҳам худди шундай оғир қийинчилик ва ярим очлик шароитида иш олиб борганлар. Дарс қуроллари ва дарслик, кўлланмалар етишмас, мутахассис ўқитувчилар эса йўқ эди.

Шунга қарамай, доим маърифатни ўзига мақсад билган ўзбек халқи илм олиш учун ўз фарзандларини тинимсиз билим юртларига йўллайвердилар. Ҳатто «Ўш шаҳрининг шаҳар ва уезд инқилобий қўмитаси раиси Акбарали Ўрозалиев Ўш шаҳрининг етимхонасида ўқиб турғон болалардан 13 кишини ўзининг хусусий ташабbusи билан бутун йўл харжларини бергани ҳолда Тошкентдаги билим юртларига жўнатади».⁴⁸

1919 йил сентябрда ўзбек қизлари учун ўлка билим юрти очилганди. Билим юртининг биринчи мудири Фотимахоним Сутулиева эди. Сўнг Зоҳида Бурнашева, Анвар Туташ Явшева, Зариф Музаффаров, Маннон Рамз, Усмонхўжа Тўхтахўжаев, Салимхон Тиллахонов, Шокир Раҳимий, А.Авлоний бошқарган. Ўлка ўзбек хотин-қизлари билим юртида ҳам бир қатор муаммолар бўлиб, аввали, олий маълумотли аёл ўқитувчилар етишмасди. Эркак ўқитувчи ҳам олиб бўлмасди, у ҳолда, милиция билан зўр-

⁴⁴ Чўлпоҳ. Ирфон келадир // Туркистон. 1923 йил 16 май.

⁴⁵ Ўқитувчи. Ўзбек билим юртининг бу йилги ҳоли // Туркистон. 1923 йил 28 октябрь.

⁴⁶ Хайрулло Обидуф. Туркистонда билим юртлари // Қизил байроқ. 1922 йил 16 февраль.

⁴⁷ Абдулла Ҳакимзода. Шарқ билим юрти // Туркистон. 1923 йил 5 февраль.

⁴⁸ Абдулла Ҳаким Аҳмадий. Талабалар қуллуғи // Туркистон. 1922 йил 18 декабрь.

ға тўплаган ўқувчиларидан ҳам ажралиб қолиши мумкин эди. Дарслар доимий молиявий қийинчилик остида олиб борилган.⁴⁹ 1923 йили Саодатхоним Еникеева мудирлиги даврида билим юртининг биринчи қалдирғочлари 7 нафар қиз (6 таси ўзбек) диплом олди. Бу тадбир ҳам ниҳоятда қизгин суръатда ўтказилди.⁵⁰

Москва-Петербург студентлари вакили А.Қамчинбек ўзбек қизлари ўлка билим юртини тутатган 7 қиз билан учрашди. Йифинда қизгин мунозаралар бўлиб ўтди. Жумладан, Абдураҳмон Саъдий: «Октябрь инқилоби минтақада илм олиш учун бироз йўл очди, лекин биз нималарга эришаётган бўлсак инқилобнинг шарофатидан эмас, ўзимизнинг меҳнатимиз ва тиришқоқлигимиз орқасидан эришдик», – дейди. Мунавварқори эса албатта маориф ўзбек халқининг турмуш қадриятларига асосланган бўлмоғи лозим, акс ҳолда, «маслаксиз маорифнинг аҳамияти йўқ»⁵¹ деб фикр билдиради.

1920 йили Туркистондаги илк доялар (акушер) мактаби очилганида 50 ўқувчига мўлжалланган бўлган. Мактабда барча дарслар рус тилида бўлиб, маҳаллий миллатлардан ўқитувчилар йўқ эди. 1922/1923 ўқув йилида мактабда 2 груҳда 35 қиз ўқиган ва улардан фақат 1 нафари ўзбек қизи эди. Мактаб очилганида ўқишга кирган ўзбек ва қозоқ қизлари рус тилини билмагани учун лекцияларни тушуммаган ва оғир шароит туфайли мактабни ташлаб кетганлар.⁵² Мактабда фақат татар қизлари қолган. 1924/1925 ўқув йилида мактаб Маориф вазирлиги ихтиёрига берилиб, қабул миқдори 100 – 120 ўқувчига оширилади.⁵³

⁴⁹ У с м о н х ў ж а. Ўлка ўзбек хотин-қизларининг билим юрти тўғрисида // Қизил байроқ. 1921 йил 29 декабрь.

⁵⁰ Э р м а т. Ўзбек элининг ҳаётида энг ёруғ бир кун // Туркистон. 1923 йил 14 октябрь.

⁵¹ Ўқувчилар боғланиши // Туркистон. 1924 йил 29 январь.

⁵² С и р о ж и й. Ерлик халқ учун очилган доялик (акушерка) мактаби // Туркистон. 1923 йил 25 апрель.

⁵³ А.Ш. Ўлка мусулмон фельдшерлик мактаби // Туркистон. 1923 йил 1 апрель.

Тошкентда Туркистан дорилғунуни бўлса-да, унда ўзбек ўқувчилари деярли йўқ эди. Бoisи, унга кириш имтиҳонлари ва дарслар тўлиқ рус тилида олиб борилган. Таълим даргоҳида миллий камситиш ва шовинистик рухнинг устунлиги ҳам ўзбек фарзандларининг бу ерга киришига тўсқинлик қилган. Иккинчидан, ўлкада ҳамон олий таълим муассасаларига тайёрлайдиган ўрта бўгин мактаблари ташкил этилмаган бўлган. Қолаверса, рус тилини мукаммал биладиган ўзбек ўқувчиси ҳам кўп бўлмаган. Дорилғунунга тайёрлаши мумкин бўлган марказий ишчилар факультетида (рабфак) мавжуд 12 гуруҳдан фақат биттаси асосий гуруҳ ҳисобланган. Қолган 11 гуруҳ эса 2-3 йиллик тайёрлов курсларидан иборат бўлган. Уларда ўзбек ўқитувчиларига арзимас маош берилар, бинолари эски, хароб, турли вилоятлардан келган талабаларнинг таъминоти эса оғир эди. Талабаларнинг деярли ҳаммаси саводсиз, дарслар ҳам вақтида ўтилмаган. Шунга қарамай, рабфақда иш юритиш тўлиқ рус тилида бўлиб, ўзбекча хатлар ақалли ўқиб ҳам кўрилмаган. Юқоридаги муаммоларни таҳлил этиш асосида ўлкада олий таълимни шакллантириш учун бутунлай янги тизимда тайёрлов муассасаларини очиш лозим деб холоса чиқаради Ўқтам (Қайюм Рамазон).⁵⁴

Абдулҳамид Мажидий бутун Туркистан учун Тошкентдаги марказий ишчилар факультетининг биргина ўзи кам экани ва рабфақдаги тил масаласидаги нотенгликлар, моддий қийинчилик, озуқа ва таъминот соҳаларидаги камчиликлар ҳақида ёзади.⁵⁵ Натижада ўлкада олий таълимни йўлга қўйиш масаласи жиддий кўриниш олди. Бошқа томондан, туркистанлик ёшларни Россиянинг марказий шаҳарлари – Москва ва Петербург олий таълим даргоҳларига интилишларини ҳам тўхтатиш зарур эди.

⁵⁴ Ўқтам. Ўрта мактабларга аҳамият бериш керак // Туркистан. 1923 йил 20 февраль.

⁵⁵ Абдулҳамид Мажидий. Билим йўлларимиз: ерлик халқ факультетини кучайтириш керак // Туркистан. 1923 йил 9 март.

1923 йил 21 июлда Туркистон Компартияси Марказий Кўмитаси мажлисида алоҳида қарор қабул қилинди. Унга кўра: 1. Туркистон дорилфунунига ўқишига кираётган ерлик ёшлар учун рус тилини билиш шарт эмас. 2. Туркистон дорилфунунига ўқишига кираётган ерлик ёшлар учун ўрта мактабни тутатганилиги тўғрисидаги шаҳодатнома шарт эмас. 3. Туркистон дорилфунунига ўқишига кираётган ерлик ёшлар учун бир йиллик тайёрлов курсини ташкил этиш. 4. Ерлик студентлар учун ҳам европалик ишчилар қатори ётоқ ва стипендия жорий этиш. 5. Дарс программаларига ерликлар адабиёти ва тарихини киритиш. 6. Туркистон дорилфунунида маҳаллий турк тилларидан бирини ўрганишни барча талабаларга мажбурий қилиб киритиш. 7. Ерликлар тилларини билган профессорларни қўллаш мақсадида уларга юқори ойлик маоши белгилаш кўзда тутилган.⁵⁶

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё дорилфунунига кириш учун қабул шартлари енгиллаштирилди. Бухоро, Хоразм, туркестонлик талабгорлар учун рус тили фанидан маълум имтиёзлар белгиланди. Талабаларнинг таъминоти маса-



Ака-ука Муҳаммаджон ва Раҳматжон Авазжоновлар. Германия Кёслинг шаҳри. 1924 йил.

⁵⁶ ТКП МҚнинг муҳим қарори: 1923 йил 21 июлдаги мажлисида // Туркистон. 1923 йил 21 июль.

ласида ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оширилиб, жумладан, ерлик ва европалик миллатлар вакиллари учун бир хил шароит яратишга келишилди.⁵⁷

Туркистон коммунистик дорилғунунида (САКУ) ҳам ўкувчилар сони бир неча юз бўлса ҳам, ўзбеклар ҳеч қаҷон 15 нафардан ортмаган эди. 1923/1924 ўкув йилидан Ўрта Осиё Коммунистик университети олдингидек 8 ойлик эмас, з йиллик бўлди. Мазкур ўкув йили бошида талабаларнинг 3% ўзбеклар бўлса, 75% қозоқлар эди. Бу ҳол жиддий норозиликка сабаб бўлди ва жорий ўкув йилида 112 нафар ўзбек ёшлари талабаликка қабул қилинди.⁵⁸ Умуман, Туркистонда совет таълим ислоҳотлари тўлиқ тазийқ ва маъмуриятчилик асосида амалга оширилди. Айниқса, советларнинг ўзбек халқига нисбатан миллий камситиш сиёсати тараққийпарвар зиёлиларнинг жиддий норозилигини келтириб чиқарди.

Туркистонлик ёшларни чет элларда ўқитиш мақсадида юзага келган «Қўмак» уюшмаси ҳам айнан совет таълим сиёсатининг ноҳақликларига қарши миллий тараққийпарвар ёшларнинг ўзига хос норозилиги ифодаси эди. 1922/1923 ўкув йилида Германияга 70 дан ортиқ талаба йўлланган бўлса, кейинги йилларда унга бирорта ўкувчи қўшилишининг имкони бўлмади. Аксинча, совет раҳбарлари 1924 йилданоқ бу талабаларни қайтаришнинг турли йўлларини қидира бошлишди. 1922/1923 ўкув йилида Москва ва Петербург шаҳарларига 150 га яқин, Бокуга 50 дан ортиқ ўкувчи йўллаган бўлсалар, кейинги йилларда бу шаҳарларга ҳам талабалар юбориш тобора қисқариб борди. Юборилганлари ҳам турли коммунистик идоралар йўлланмаси билан кетишарди. Хуллас, Марказий «Қўмак» уюшмаси бир йил ҳам фаолият кўрсата олмади. Бироқ у томонидан четта ўқишга юборилган 200 дан ортиқ тала-

⁵⁷ Нурмат. Олий таълим ва биз // Туркистон. 1923 йил 3 август.

⁵⁸ Комилжон. Текиссизлик тузатилди // Туркистон. 1923 йил 21 октябрь.



Москва олий мактабларини битиргандар (ўнгдан):
Ҳамдам Тожий, Мирсоатов, Ниёс Ҳўжаев, Мирзаев, Наим Сайд

балар орасидан жаҳон илму фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган етук олимлар, инженерлар, архитекторлар этишиб чиқди. Минг афсуски, уларнинг аксар қисми 1937 – 1938 йиллардаги машъум сталинча қатағон даврида маҳв этилди. Шунга қарамай, уларни тўлиқ ишонч билан Ўзбекистоннинг замонавий қишлоқ хўжалиги, ирригация, кимё, тиббиёт, энергетика ва тўқимачилик саноатларининг асосини қўйишган эди, дейиш мумкин. Уларнинг Ўзбекистондаги меҳнат фаолиятини ўрганиш, илмий ва адабий меросларини тадқиқ этиш алоҳида илмий аҳамиятга молик.

ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ «НАШРИ МАОРИФ» ТАШКИЛОТИ

Туркистон тараққиийпарварлари томонидан тузилган дастлабки маърифий жамиятлар сифатида 1909 йили Тошкентда иш бошлаган «Жамияти хайрия», Бухоро шаҳрида тузилган «Тарбияи атфол», кейинроқ 1918 йил сўнгида Фитрат асос соглан «Чигатой гурунги» кабилар фаолият кўрсата бошлади. Бу ташкилотларнинг номи ва етакчилари турлитуман бўлса-да, уларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва маслаклари ягона эди. Яъни жаҳон тамаддунидан узилиб қолган Туркистон ва унинг мустамлакачилик шароитида қолган ҳалқларига илм-маърифатни тарғиб этиш, барчани шу йўлда бир ғоя атрофида уюштиришга қаратилганди.

1922 йилнинг баҳорида ташкил этилиб, бутун Туркистонга довруғ соглан «Қўмак» уюшмаси айнан шу йилнинг кузига келиб большевиклар ҳукумати томонидан жиддий қаршиликка учради. Унинг етакчилари обрўсизлантирилди, тадбирлари ҳам хилма-хил «ташқи» таъқиблар оқибатида ўзининг асл моҳиятини йўқотиб борди. Айниқса, «Қўмак» номидан ҳудудларда иш олиб борган айрим «фаол»лар ташкилотни қасддан обрўсизлантиришга интилдилар (куйида бу масалаларни акс эттирган мақолаларни келтириб ўтганимиз – муал.). Натижада Марказий «Қўмак» уюшмаси ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Энди «Қўмак»нинг ишини маҳаллий ташкилотлари давом эттира бошлади. Мавжуд вазиятда ташаббусни қайта қўлга олиш ва «Қўмак» йўл қўйган айрим камчиликларни тугатиб, уюшма фаолиятини янада самарали давом эттириш мақсадида Мунавварқори «Нашри маориф» ташкилотини тузиш ғоясини илгари сурди. Аслида, бу ном ҳам янгилик эмас эди. Бу ҳақда тоталитар тузумнинг қатагон сиёсати қурбони,

тилшунос Фози Олим Юнусов 1937 йил 25 апрелдаги сўроқда қўйидагиларни айтган: «...1909 – 1913 йилларда Туркияда Истанбул пед. институтида, сўнг бир йил Қоҳирадаги Ал-Азҳар мадрасасида ўқидим. 1914 йил жаҳон уруши бошланиб қолгани туфайли Германияда таҳсил олиш ниятим амалга ошмай қолди ва Тошкентга қайтдим. Мен 1909 йил Истанбулга келганимда у ерда Бухородан Фитрат, Мукамиддинbekлар, Бухоро қушбегисининг қариндоши Мазҳар Бурҳонов, Атохўжаев, Аҳмаджон Маҳзумлар, Хоразмдан Бегжон Раҳмонов, Тошкентдан Шоҳид Эсон Мусаев, Холид Сайдлар мендан аввал Туркияга борган эканлар. У ерда «Турон нашри маориф жамияти»ни очиб, унга Фитрат, Маҳзар Бурҳонов, Абдулазиз Кулжавийлар бошчилик қилардилар».

1923 йил январда ўзбек маорифи жонкуярлари Мунавварқори, Шокир Раҳимий, Маннон Рамз, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Элбек, Шаҳид Эсон, Заҳиридин Аълам, Салимхон Тиллахонов, Холмуҳаммад Охундийлар иштирокида Тошкентнинг Эски шаҳар халқ маорифи бўлимида ўтган мажлисда Туркистондаги мавжуд ҳолат муҳокама этилди ва «Нашри маориф» ташкилоти тузилишини эълон қилдилар. Шу йиғилишнинг ўзида жамиятнинг устави ҳам қабул қилинади. Жамиятнинг юзага келишида бу пайтда Тошкентнинг Эски шаҳар ижроқўми раиси вазифасида ишлаган М.Рамзнинг хизмати катта бўлди.

«Нашри маориф» жамиятига раис этиб Тошкентнинг Эски шаҳар тумани халқ таълими бошқармаси мудири Шоқиржон Раҳимий, унинг ўринbosари этиб Мунавварқори, котиб вазифасига Миркомил Алиев, разначи вазифасига Сайдносир Миржалилов тайинланди. Ташкилотнинг фаол тарғиботчилари сифатида Авлоний, Чўлпон, Холмуҳаммад Охундий, Толибжон Мусабоев, Салоҳиддин Муфтизода, Зуфар Носирий ҳамда собиқ «Кўмак» ташкилотининг раиси Салимхон Тиллахонов фаолият олиб бора бошлади. «Нашри маориф» ўзининг моддий имкониятларини янада ошириш мақсадида вакф мулкотаридан фойдаланиш учун «Маҳкамай шаръия» билан ҳам ҳамкорликни йўлга кўйдилар.

1923 йил 1 январь куни «Туркистон» газетасида Туркистон шўролар жумҳуриятидаги маорифпарвар ёшларга хитоб эълон қилинди. Унда: «Туркистоннинг порлоқ келгуси, балки ҳаёти ва қўрқунчли қоронғуликдан қутулиши фақат маорифгагина боғлиқдир. Туркистон халқи маориф ва маънавият нарвонининг биринчи поясига эндиғина қадам босди», – дейилади. Шунингдек, хитобномадан:

«1. Бутун ўлкадаги ўзбек маориф-маданият ходимлари ўз ораларидаги барча жанжал ва битишмасликларни ташлаб, қўл қўлга берилиб, маорифнинг юксалиши учун ортиқ даражада зўр файрат билан ишласинлар.

2. Халқни маорифга ва маорифни халқقا яқинлаштириш мөқ учун қўлларидан келган ҳар бир чорага киришсинлар.

3. Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалик ишларини ва бунинг орқасида маориф ишларининг барбод бўлишига сабаб бўлган босмачиликка қарши ҳукуматга ёрдам берсинлар.

4. Туркистон ўзбекларининг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймок учун Тошкентда «Нашри маориф» исминда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди. Шу жамият расмийлашганидан сўнг матбуотда эълон қилиниши билан дарҳол шу жамиятнинг ҳар ерда шуъбалирини очишга киришсинлар» каби чақириклар ўрин олди.⁵⁹

«Нашри маориф» ташкилоти Устави IV бўлим ва 25 параграфдан иборат бўлиб, унда:

«I. Ўзбек халқининг маданий тараққиёти мақсадида фаолият турлари (йўллари):

А) ўзбек адабий тилини қайта ишлаш, терминология, орфография ва бошқа масалалар;

Б) миллий саноат ҳақида тадқиқ этиш ва бу билимларни ёйиш;

В) ўзбек халқи турмушини ва тарихини тадқиқ этиш;

Г) ўзбек мактабларида педагогика муаммоларини тартибга солиш;

⁵⁹ Туркистон. 1923 йил 1 январь.



Намуна мактабида ташкил этилган мусиқа тұғараги. 1921 йил

Д) ўзбек санъати вакиллари ва илмий ходимларига ёрдам бериш;

Е) Туркистан бошлангич ва ўрта мактабларидан Россия ва чет элларнинг ўрта ва олий мактабларига ўзбек талабаларини юборишни кўпайтириш ва кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

Ж) ўзбек халқи орасида мавжуд бидъат ва хурофтларга чек қўйиш.

II. Мазкур жамият юқоридаги мақсадлар йўлида қўйидаги ишларни амалга оширади:

А) диспут, лекция, доклад ва бошқалар ташкил этади;

Б) экспедиция ва экскурсияларни амалга оширади;

В) виставкалар ўтказади;

Г) доимий ва бир марталик нашрларни йўлга қўяди;

Д) китоблар, қўлёзмалар, эски санъат ва қадимги нарсаларни тўплайди ва тарғиб этади;

Е) санъат ишлари ва илмий ишларни муҳокама қиласди, энг яхши асарларни аниқлаш мақсадида конкурслар ташкил этади;

Ж) ўзбек маорифи ва мутахассислари учун курслар очади;

3) таржимон, мусаҳҳих ва нашр мутахассислари тайёрловчи бюро очади;

И) ўз мақсади йўлида ҳукумат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари билан алоқани йўлга қўяди;

К) ўзбек стенографияси (тез ёзиб олиш техникаси)ни ишлаб чиқади» каби ташкилотнинг қатор мақсад ва муддаолари баён этилди.

«Нашри маориф» жамиятига Ғуломхон Акромхонов, Мунавварқори, Маннон Рамз, Сайдносир Миржалил, Тобиҷон Мусобоев, Шокиржон Раҳимий, Муҳиддин Усмонов, Ҳолмуҳаммад Оҳундий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли, Ҳамидуллохон Орифхонов муассис бўлдилар.

Жамият аъзолигига фақат илмий-маданий жабҳаларда маълум ютуқларни қўлга киритган 18 ёшдан ошган ёшлар жамиятнинг икки аъзоси тавсияси билангина амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

1923 йил 18 январда «Нашри маориф» ташкилоти фаолияти учун расман рухсат олди. Аслида, ташкилот нафақат туркистонлик тараққийпарварларнинг интилиши самараси бўлди, балки унга Туркистоннинг йирик расмий шахслари – Т.Рисқулов, Н.Хўжаев, С.Турсунхўжаев, Н.Тўракулов, И.Хидирилиев, А.Раҳимов раҳнамолик қилдилар. Шундан сўнг ташкилот кенг кўламли иш олиб бора бошлиди. Жумладан, Тошкентда Абдулҳай Тожиев, Мирмуслим Шермуҳаммедов, Сайд Аҳмад Назиров, Наби Қодиров, Самарқандда Ҳожи Сафо Жўрабоев ва Аҳмадбек Мавлонбеков раҳбарлик қилди. «Нашри маориф»нинг Кўқондаги йигинларида округ ижрокўми Абдуллажон Каримов бошчилигида Ашурали Зоҳирий, Абдулла Раҳмат, Лутфулла Олимий иш олиб бордилар. Андижонда Усмонхўжа Эшонхўжаев раҳбарлигида Бурҳон Машраб, Наби Расулий, Қизил Йўлдош фаол ишга киришдилар.

«Нашри маориф»дан Фарғонага Раҳим Иногомов, Рустам Исломов, Бухорога Ҳамдам Тожиев, Муҳиддин Турсунхўжаев, Хоразмга Олтой, Назир Иноятий бориб

тарғибот ишларини олиб бордилар. Хоразмлик маҳаллий тараққийпарварлар Бекжон Раҳмон, Воис Раҳимий ҳам «Нашри маориф» ғояларини қўллаб-қувватладилар. «Нашри маориф»нинг раҳбарларидан Заҳириддин Аълам ва Холмуҳаммад Охундий «Ҳақиқат» журналини чоп этишни йўлга қўйди, Шокиржон Раҳимий ва Маннон Рамз маориф соҳасини таъминлаш мақсадида китоб ва нашр ишларига раҳбарликка киришди. Бу ҳаракат кенг халқ оммаси томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди.

«Туркистон» газетасининг 1923 йил 23 март, 94-сонидан Туркистон расмийларидан Иномжон Хидиралиев «Маориф ҳафтаси тўғрисида» деб номланган хабарида Туркистонда содир бўлаётган маърифий жараёнлар ҳақида хабар бериб: «...Маскав, Петербург, Боку, Қозон ва бошқа шаҳарларда, ҳатто чет элларда ўрта ва олий мактабларда туркистонлик ўқувчилар сони 10 мингга етди. Бу ҳол, албаттa, Туркистоннинг истиқболи учун жуда шодланурлик ҳолдур. Улар Туркистонни келгусида тараққий қилдурғучи кучлардир. Туркистоннинг ҳам бир неча йилдан кейин қизил профессур, педагог, агроном, муҳандис ва дўхтирлари етишур. Мана шул ҳозирланиб ётган ўқувчиларимизга ёрдам кўрсатиш Туркистонда яшаган ҳар кимнинг виждоний вазифасидир. Ҳукумат уларга ёрдам берадир...»⁶⁰ – дейди.

Москвада таҳсил олаётган талабалардан Шокир Сулаймон «Фарғона» газетасининг 1923 йил 29 май, 78-сонида босилган «12-фирқа қурултойида миллият масаласи ҳам Туркистон» номли мақолосида газетхонларга қурултой тафсилотлари ҳақида хабар беради. Шунингдек, мақолада Т.Рисқуловнинг Москвадаги туркистонлик талабалар билан учрашувида сўзлаган маъruzаси мазмунини ҳам келтиради. Табиийки, Туркистон расмийси олдида туркистонлик талабаларнинг ўлқадаги оғир иқтисодий қийинчиликлар ҳақидаги жиiddий саволлари бор эди. 1923 йил 6 май куни Турор

⁶⁰Хидир Алиев. Маориф ҳафтаси тўғрисида // Туркистон. 1923 йил 23 март. №94.

Рисқулов курултойда Туркистондаги иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги жанжалли воқеалардан сүз бошлаб, хусусан, Фарғонада дәхқончилик, айниқса, пахтачиликни ривожлантириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилишини маълум қиласи. Айниқса, «Нашри маориф» жамияти ҳақидаги ахборот Туркистон талабаларини жуда тўлқинлантирганини ёзади. Т.Рисқулов: «... партиясиз зиёлилларнинг, маърифатпарварларнинг бошларида бизнинг бошлиқларимиз бўлгани ҳолда, «Нашри маориф» жамияти очилди. У ҳозир яхшигина иш кўрадир. Китоблар, дарсликлар, журналлар чиқара бошлади. Мана бу ёқларга энди биз жуда кенг йўл берамиз... Сизларга энг қизиги мактаб масаласидир. Бу тўғрида келганда аввалдан бироз тажриба ҳозирлик бўлганидан бор кучимизни мактабга бера бошладик. Бошлаб муаллимларни таъмин қила бошладик. Ҳукумат солиқларидан уларни озод қилдик. Ҳар қайси мактабга ер бериб, бироз бўлса-да фойдалантиридик. Тошкентдаги почта-телеграф курсини тағин дуруст йўлга кўйиб, яхши аҳамият бердик. Темирийўл мактабига дуруст болаларни йиғиб ерлилардан темирийўл ишчилари – машинистлар ҳозирлаш чорасини кўрдик. Ерлилардан ҳарбий кишилар ҳозирлаш қасди билан бир ҳарбий курс очмоқ учун Марказқўмга қоғоз бердик... Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги бу кунгача давом этиб келган Шарқ босмахонасини зўрайтириб, кўпгина кучларни йиғиб «Ўрта Осиё босмахонаси» номи билан ишга кўйдик. Ҳозир унда қозоқча, ўзбекча кўпгина дарслик ва китоблар босилиб ётадир. Олдинда турган вазифаларимиздан бириси, шубҳасиз, аҳамиятлиги Москвада 200 кишилик маориф билим юрти (ўзбек муаллимлар институтини) очишидир. Бунинг учун, албатта, Москвада зўр бир бино олиб, Туркистондан келган жойсиз ўқувчиларни ўрнаштириб, ҳар жиҳатдан таъмин қилишдир. Биз ўзимизнинг кўп ишларимизни кейинги вақтда зўрайишини фақат сизлардангина кутамиз. Москвада Туркистоннинг келгуси кунларда ишга ярайдиган ва биздек чарчаган ишчиларнинг ўрнини боса-



Тошкент Навоий техникумини тугатган ўқувчиларимиз.

Ўртада техникум мудири Шохид Эсон

дирган кўпгина кучлар ҳаммаси Масковда бордир. Шунинг учун мен сўраймен, сизлар Масковда ўқиб турганингиз ҳолда биздан, Туркистоннинг ҳаётидан йироқ бўлмай, мумкин қадар яқин алоқада бўлиб турсангиз. Туркистонда иш кўриш учун Туркистонни ўқиши, билиш керак... Мен сизларга ўзимнинг қисқача айтадирган сўзимни, фикрларимни шунинг билан тамом қилиб, тўзимлик билан ўқишликларингизни ва Туркистонимиз учун керакли дардли замон кишиси бўлиб етишиб ҳозирланишингизни сўрайман. Ва бундан кейин мумкин қадар сизларга ва Берлиндаги ўқувчиларимизга ёрдамда бўлиб, кутиб туришингизни билдираман»⁶¹, – деб маърузасини якунлайди. Мазкур мақола ҳам «Нашри маориф»нинг Туркистон расмийлари ва маҳаллий тараққийпарварларнинг ягона мақсаддаги интилишлари самараси ўлароқ юзага келганлигини исботлайди.

«Нашри маориф» ташкилоти фаолияти ҳам ўзбек матбуотида жуда кенг мунозараларга сабаб бўлди. Ташкилотнинг юзага келиш сабаблари ва асосий мақсад-муддаолари

⁶¹ Ш.Сулаймон. 12-фирқа қурултойида миллият масаласи ҳам Туркистон // Фарғона. 1923 йил 29 май. №78.

ҳақида унинг раиси Шокиржон Раҳимий «Туркистон» газетасининг 1923 йил 21 март, 92-сонида «Ш.Р.» имзоси билан «Оқилга ишорат, нодонга калтак» деб номланган мақоласида қуидагиларни ёзади: «Ушбу мартнинг 21-кунидан «Маориф ҳафтаси» бошланди... «Маълумдирким, беш йилдан буён Туркистоннинг ҳар бир ерида маориф ишлари плансиз ва орқа таянчсиз ҳолда яшаб келди. Ҳар ерда: 1. Ўқитувчи. 2. Ўқувчи. 3. Бино топилса, шул ерда мактаб очмоқ мумкин деган бир йўл, бир шиор билан ҳар бир шаҳар ва қишлоқда сонсиз ва ҳисобсиз мактаблар очилди.

Ҳар бир боши юмалоқ, оёғи айри бўлса ўқувчи, ҳар бир алифни калтак дейишга тили келган киши ўқитувчи ҳисобланиб, ойлик олиб, мактаб тебратади. Локин бу қандай мактаб, буни кимга ишониб очилган, бундан ўқиб чиққан киши ким бўладир? Мактабни тамом қилганча етарлик сабот, матонат ҳам ички ва ташқи ёрдам борми? Буни ўйламасдан мактаблар очила берди ҳам мактаб, маориф деган нарса ниҳоятда арzon бўлиб кетди (!)». У «маориф – миллат келажаги» дейди ва барчанинг эътиборини яна шу масалага қаратади.⁶²

«Нашри маориф» жамияти 1923 йили Тошкентдан сўнг биринчи бўлиб Фарғона музофотининг Наманган шаҳрида очилди. 1923 йил 18 март куни эса Самарқандда «Нашри маориф»нинг маҳаллий шуъбаси ташкил этилди. Газетанинг 1923 йил 25 март кунги 95-сонида самарқандлик маърифат фидойиси Вадуд Маҳмуд «В.М.» имзоси билан «Маориф ишларимиз» мақоласи орқали Ш.Раҳимий билан мубоҳасага киришади. У мақолани Туркистонда халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларда маҳаллий шароит билан ҳисоблашилмаётганлиги билан бошлайди. «Нашри маориф» яхши бўлди. Биз бу ҳаракатни олқишлиймиз ва бошқа ишларимиз каби сусайиб қолмаслигини кутамиз. ... Маориф ишларимизни йўлга

⁶² Ш.Р. Оқилга ишорат, нодонга калтак // Туркистон. 1923 йил 21 март. №92.

қўймоқ учун бизда «Нашри маориф» очилди. Бунинг бўйнига олган вазифалари жуда зўр. У ҳақида ёзишганди. Ташкилот ўзига кўп юк олган, лекин қила оладими?..

... Бултур айтур эди: Тошкентнинг янги шаҳар мактаблари яхши таъмин этилган. Эски шаҳарга кимса қарамайдур. Самарқанднинг хунар мактаби мудирига қанча мукофот берилар экан? Ўлка ўзбек билим юрти икки оидан бери ойлик ололмайдир. Янги шаҳар факультетлари яхши таъмин этилган. Бизники-чи, эски тос!..

Мана бу ҳолларни тузатиш хусусий жамият тузиш билан бўлмайдир. Яна бўлмайдир!

Ҳукумат идоралари орқали озгина гайрат билан буларни тузатиш мумкин, қалам учи билан бу ҳолларни ўзгартириш осон. Бизнинг ҳар ишчимиз шуни идора эта олар. «Нашри маориф» шу ҳолларга қандай чора кўрар, ҳали бу маълум эмас. Қилса Маориф комиссарлигига доклад қилас. Нари ёғи тағин маълум эмас. Эски вақтда ҳукумат бизни «ўгай» дер эди. Ҳозир биз ўзимизни ўгай қаторида тутамиз. Бироз ўзимизга жасорат киргиза олмаймиз... Менга қолса, бизнинг «Нашри маориф»лар таъсис этишимиз ишдан узоқроқ боришидир. Марказдаги маориф ишчиларимиз ва ҳукумат бошлиқларимизнинг кичкина бир гайрати орқасида маориф идорасини «Нашри маориф» руҳига айлантиրмак мумкиндир ва ўзимизни ўгайлиқдан чиқормоғимиз осондир. Фақат бироз гайрат, бироз жасорат лозим ...»⁶³ – дейди. Дарҳақиқат, В.Махмуд илгари сурган фикр ҳам, аслида, жуда долзарб эди. Яъни агар Туркистоннинг маҳаллий расмийлари нияти чиндан ҳам «Нашри маориф» ташкилоти мақсади билан муштарак бўлса, нима учун улар миллат келажаги бўлган маориф масаласидек ўта мураккаб ва оғир меҳнатни бир ташкилот зиммасига юклаши, топшириши керак? Улар нега бу муҳим муаммонинг ечимини ўз кабинетларида туриб, хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда шараф билан амалга ошира олмайдилар?

⁶³ В.М. (Самарқанд). Маориф ишларимиз // Туркистон. 1923 йил 25 март. №95.

Бу масала кейинроқ матбуотдан мажлисларга, гап-гаштакларга күчди. Қисқа вақтда «Нашри маориф» ўз атрофига деярли барча юқори ва маҳаллий раҳбарларни қамраб олди. Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат этсак. Тошкент жадид муаллимларининг энг улуғи Усмонхўжа Тўхтахўжаев 1929 йил 2 октябрь куни терговчининг саволига 1923 йил Мунавварқорининг ғоявий ва амалий оталиги остида «Нашри маориф»нинг тузилгани ва унинг сиёсий ва иқтисодий раҳбарларидан И.Хидиралиев, А.Рахимбоев, А.Тожиев, М.Рамз, С.Миржалилов, Чўлпон, Х.Охундий, Авлоний, Ҳамидхонов, Ш.Раҳимиев, У.Эшонхўжаевни эслаган. Ташкилотнинг ўнг қанотига Мунавварқори, сўл қанотига эса Усмонхон Эшонхўжаев раҳбарлик қиласарди дейди.

«Нашри маориф» етакчиларидан Салимхон Тиллахонов 1930 йил 12 – 18 апрель кунлари имзолаган сўроқ баённомасида айтилишича, «Кўмак»нинг бош режасида қисқа муддатда фақат чет элларга 2000 талаба, энг кам ҳолда эса 500 талаба йўллаш назарда тутилган эди. Шунингдек, Россиянинг марказий шаҳарларига чегарасиз миқдорда талабаларни юборишни мақсад этган эдик. «Нашри маориф»нинг тузилиши бу бутун Туркистонни бирлаштирган зўр бир тўлқин бўлди. «Нашри маориф» тузилиши билан «Кўмак» унинг таркибига кирди. Унда Мунавварқори, Толибжон Мусабоев, Сайдносир Миржалилов, Маннон Рамз, Ҳамидхон Фанихонов, Усмонхон Эшонхўжаев, Шокиржон Раҳимийлар етакчилик қиласар эдилар. «Нашри маориф» қошида Саъдулла Турсунхўжаев ва Салоҳиддин Муфтизодалар бошчилик қилган «Туркистон дўстлиги» номли кичик бир жамият ҳам бўлиб, улар ташкилотнинг тарғиботи ва кўламини янада ошириш ишларига раҳбарлик қиласар эди.

«Нашри маориф» аъзоси, собиқ мударрис ва тошкентлик йирик уламо Тўлаган Охунд Каттабеков 1929 йил 19 декабрь куни сўроқда Намангандаги жадидларининг маърифатчилик фаолияти ҳақида куйидагиларни айтади: Намангандаги тузилган «Жамияти Исломия» томонидан 1914 йил

Туркияга Абдуваҳҳоб Мавлоний, Муҳиддин Йўлдошқориев, Бадри (уларнинг барчаси 1916 йил қайтиб келган) каби ёшлар Туркияга ўқишига юборилган эди. 1922 йил Тошкентдан асли наманганлик бўлган Гуломхон Акрамхонов келиб, «Нашри маориф» ташкилоти, унинг Устави билан ҳаммани таништириди. Халқни четда ўқиётган талабаларни моддий таъминлашга чақирди. Бу борада тарғиботни кучайтириш учун театр спектакларини кўйиш ва ҳайриялар тўплаш зарурлигини таъкидлади. 1923 йил мен ҳам «Нашри маориф» ташкилоти аъзоси эдим. Ташкилотга Наманганда Абдуллабек Мусабеков, Тожиризо Бадалий, Рафиқ Мўминлар раҳбарлик қилди. Муҳиддин Йўлдошқориевнинг ўзи пьесалар ёзиб, театрлар уюштирар эди. Ҳатто Фоғурхўжабой Раҳиммирзаев бор мулкини мактабларга бериб, ерларини ҳам мактаб ихтиёрига топширди. Аммо у 1925 – 1926 йилларда укаси билан Сибирга сургун этилганлар». Шунингдек, Маннон Рамзнинг 1930 йил 18 – 19 ноябрь кунлари имзолаган сўроқ баённомасида: «Нашри маориф»га сиёсий раҳбарликни Назир Тўракулов, Иномжон Хидиралиев, Абдуллажон Каримов каби йирик давлат мансабдорлари амалга оширганлар. «Нашри маориф» томонидан миллий армия тузиш масаласи ҳам кескин илгари сурилди. Холмуҳаммад Охундий, Усмонхўжа Эшонхўжаев ўз маърузалида: «Чор хукумати бизга ишонмас эди. Советлар ҳам на армияни, на милицияни бизга ишонмайдилар», – деб жарсолардилар. «Нашри маориф» раҳбарлигида очилган «Ҳакиқат» журнали шахсан ЎзССР МК КП(б) маъсул котиби Эшиштейн томонидан ёпилган эди деб кўрсатма берган.

Советлар мамлакати даври тарихининг энг машъум саҳифаларидан бири бўлган «Катта қирғин» кампанияси даврида ҳам «Кўмак» ва «Нашри маориф» каби маърифий ташкилотлар ўта хавфли аксилинқилобий ташкилотлар сифатида талқин этилди. Мисол учун, 1937 йили аксилинқилобчи сифатида қамоқча олинган Ўзбекипак трестининг директори Фофир Қосимов 1937 йил 8 августдаги сўроқда: «... мен ҳеч қачон аксилинқилобчи бўлмаганман.

Тўғри, Наманган уезд ва шаҳар партия қўмитаси котиби (угорком) вақтимда 1923 йили «Нашри маориф»га бир йил раҳбарлик қилганман. Аммо бу ташкилот очиқ бўлиб, фақат маърифий йўналишда ишлар эди», – деган. Шунингдек, Холмуҳаммад Охундийнинг ҳам «Нашри маориф»даги халқнинг илм-маърифати учун курашган фидокорона фаолияти аксилинқилобий жиноят деб баҳоланди. Унинг «Айблов баённомаси»да ёзилган «жиноятлари» сирасига қўйидагилар ҳам киритилган: Холмуҳаммад Охундий 1920.–1925 йилларда Марғилон бош вақф бўлими мудири бўлган. 1923 йил ўзи 50 сўм, вақф мулқлари ҳисобидан 1000 сўм йигиб Германияда ўқиган талабаларга йўллаган. X.Охундий «Нашри маориф»га 5000 сўм микдорида пул ажратган ва Мажид Қодирий билан Парижга бориб, туркестонлик талабалар билан учрашув ўтказганлар...»

Хуллас, «Нашри маориф» ташкилоти ҳам ўзининг қисқа муддатли фаолияти даврида улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Тошкентда бир қатор кутубхоналар очди, бошланғич ва ўрта мактаблар учун Ш.Раҳимиyнинг «Катталар йўлдоши», «Яшасун Туркистон», «Батраклар алифбоси» каби яна бир қатор муаллифларнинг дарсликларини нашр қилди. Шунингдек, кўплаб адабий, бадиий, илмий, таржима китоблар чоп этилди. Қисқа муддатда имлони ислоҳ қилиш ва терминлар луғатини яратиш соҳасида ҳам катта ишларни амалга оширди. «Нашри маориф»нинг муҳим ишларидан яна бири – Орск шаҳрида яшаган татар тараққийпарварларидан Аҳмад Исҳоқовнинг иирик кутубхонаси сотиб олинди ва Абдулҳай Тожиев бошлигига Тошкентта келтирилди. «Нашри маориф»нинг бу муваффақиятларига қарши совет расмийлари жиддий ҳаракатга келди. Дастлаб «Туркистон» газетасининг 1923 йил 28 апрелдаги 120-сонида Усмонхон Эшонхўжаевнинг «Яна «Нашри маориф» тўғрисида»⁶⁴ номли буюртма мақо-

⁶⁴ Усмонхон. Яна «Нашри маориф» тўғрисида // Туркистон. 1923 йил 28 апрель. №120.



Ўтирганлар ўнгдан: 1. М.Оқилий. 2. Х.Қўлдош. 3. Б.Жалолий. 4. Техникум мудири Қори Ниёзий. 5. А.Бекқўзи. 6. Н.Эрмат. Турганлар ўнгдан: 1. М.Фофурий. 2. Ф.Содиқий. 3. М.Хусайн. 4. И.Юсуфий. 5. Д.Қосимий. 6. Б.Назарий. 7. Ж.Каримий. Пастда: 1. Б.Каримий. 2. Зуҳра Бурнашева

ласи босилди. Совет матбуотига хос рақибига нисбатан беҳурматларча усулда ёзилган мақола гўёки Мунавварқорининг «Туркистон»нинг 79-сонида «Мунаввар» имзоси билан эълон қилинган «Нашри маориф» уюшмасининг аҳамияти» мақоласига жавоб эди. Муаллиф «Нашри маориф»га жўяли айб қўя олмайди, аксинча, совет маорифининг ютуқлари ни кўкларга кўтариш ва Мунавварқорининг шахсига қарши қаратилган гаплар билан чекланади. Шундан сўнг «Нашри маориф» ташкилотчилари бошига ҳам худди «Кўмак»нинг куни тушди. Натижада ташкилотнинг марказий қисми бутунлай ҳаракатдан қолдирилди. Унинг фақат вилоятлардаги бўлимларигина айрим маҳаллий раҳбарларнинг жасорати туфайли баъзи ишларни давом эттира олдилар. Жумладан, «Фарғона» газетасининг 1923 йил 14 июнданги 81-сонида чоп этилган «Марғilonда «Нашри маориф» жамияти» номли хабарда муаллиф 1923 йил 10 январда Марғилон шаҳри маориф жонкуярлари томонидан «Маориф ва маданият» тўгараги тузилганлигини ёзади. Тўгарак 1923 йил 17 майдан «Нашри маориф» жамиятига айлантирилган ва барча мао-

риф ташкилотларини «Нашри маориф» жамияти атрофида бирлашиб, бир режа асосида меҳнат қилишга чақиради.⁶⁵ Газетанинг 1923 йил 19 июнь сонида «Ўшли» имзоси билан босилган «Ўшда «Нашри маориф» уюшмаси» деб номланган хабарда эса Ўш уезди комфирқа масъул саркотиби Махзумовнинг барча маҳаллий маориф ходимларини йигиб, 1923 йилнинг 27 май куни «Нашри маориф» ташкилотини тузганини ёзади. Ҳайъатта Иброҳимжон Мусабой, Аминжон Муҳаммадий, Абдураҳимжон Эшонхонлар, муовин этиб Юсуф Иброҳим, Азимжон Турғунлар ишга киришдилар дейилади.⁶⁶ Шунингдек, худди шу сонда Абдулҳай Тожиевнинг «Баёни ташаккур» деб аталган хабарида Фарғона музофоти инқилобий қўмитаси раиси Мансурхон Алихўжаевнинг Кўқонда жойлашган «Калинин» номидаги интернатта берган ёрдами ва Марғilonдаги ТурМИК раиси Хидириев номидаги 1-қизлар мактаби ва ўзининг номидаги 2-қизлар мактабларига ҳам 1 июнь куни ташриф буюриб, 3 минг сўмдан 6 минг сўм миқдорида ёрдам пули ва бошқа қўмаклар бергани учун миннатдорчилик билдиради.⁶⁷

«Фарғона» газетасининг 1923 йил 1 июль, 85-сонидан Наманган шаҳар «Нашри маориф» жамияти раиси Рафик Мўминнинг ҳисоботи нашр этилди. Унда айтилишича, мазкур жамиятнинг тузилиши «...аввало, Наманган шаҳрида инқилоб жараёнида бир-биридан норози бўлиб юрган барча зиёлиларни бир мақсадга бирлаштириди. Ёшлар билан халқни яқинлаштириди ва орадаги тушунмовчиликларга барҳам берди. Жамият қошида бир курс очилиб, унда қашшоқлар ўқитилиб, муҳтоҷларига пул берилди. Улар Тошкент ва Хўқанддаги билим юртларига тайёрланди». У ўзининг 5 ойлик ҳисоботи ҳақида гапириб, жамият номига тушган барча пуллар, уларнинг сарфланишини бирма-бир баён қиласи. Шунингдек, кимга қанча пул берилганини

⁶⁵ Марғilonда «Нашри маориф» жамияти // Фарғона. 1923 йил 14 июнь. №81.

⁶⁶ Ўшли. Ўшда «Нашри маориф» уюшмаси // Фарғона. 1923 йил 19 июнь. №82.

⁶⁷ А.Тожий. Баёни ташаккур // Фарғона. 1923 йил 19 июнь. №82.

номлари билан келтириб ўтади. Газетхонларга жамиятда қолган мол ва пулларнинг ҳам ҳисобини беради.

Жамиятнинг қарамогида бўлган талабаларнинг умумий сонини қўйидагича келтирган: Москвада 11 нафар, Берлинда 1 нафар, Бокуда 4 нафар, Тошкентда 15 нафар, Самарқандда 2 нафар, Хўқандда 19 нафар, жами 52 нафар талаба бўлган. Фикрини бу йил жамият турли ёқларга 40 лаб киши юбормоқчи⁶⁸ деб якунлайди.

1924 йил январига келиб Марказий «Нашри маориф» ташкилотида фақатгина раис сифатида Мунавварқори ва унинг котиби Фози Олим Юнусов қолди. 1924 йил зо январь куни «Нашри маориф» ва «Қўмак» уюшмаларини расман бирлаштириш баҳонасида чақирилган йиғилишда Шокиржон Раҳимий «Нашри маориф» жамиятининг фаолиятини тўхтатиш тақлифини илгари сурди. Шундан сўнг бу ташкилотнинг тугатилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Ташкилот расман тугатилганидан 5 йил ўтиб – 1929 – 1930 йилларда мустабид тузум томонидан амалга оширилган «Мунавварқори иши», «Наркомпрос иши», «Қосимовчилик иши» каби даҳшатли қатағон кампанияларида Туркистон тараққийпарварларининг «Қўмак» ва «Нашри маориф» маърифий ташкилотлари махфий аксилинқиlobий ташкилотлар сифатида талқин этилди. Уларнинг асл мақсад ва интилишлари атайлаб сиёсийлаштирилди.

1937 – 1938 йилларда ўtkазилган «Катта қирғин» кампаниясида эса бу ташкилотларга янада кучлироқ жиноий тус берилди. Террорчи, пантуркизм ва панисломизм ғояларига хизмат қилувчи, аксилсовет ва аксилинқиlobий йўналишдаги махфий миллатчилик ташкилотлари сифатида баҳоланди. Натижада совет жазо тузилмалари ва партия ташкилотлари ўзларининг инсониятта нисбатан амалга оширган мислсиз жиноятлари фош бўлишидан хавотирда бўлиб, туркистонлик жадид тараққийпарварларнинг ҳақиқий қиёфаларини кўрсатиш, уларнинг илмий, ижодий ме-

⁶⁸ Рафиқ Наманган «Нашри маориф»и // Фарғона. 1923 йил 1 июль. №85.

росларини асосли бир тарзда илмий ўрганишга узоқ йиллар давомида қаршилик қилиб келди. Уларнинг миллий тарихимиизда эгаллаган ҳақиқий мавқенини тиклаш, илмий ва публицистик меросларини ўрганиш масалалари фақат гина мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритганидан ке йингина амалга оширилишига имконият туғилди.

* * *

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолалар, хабарлар, хатлар, шеърлар, адабий лавҳаларнинг ҳам ҳеч бири сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз. Улар ўтган аср бошларида жадид мактабларида тарбия топган Туркистон ёшларининг кучли иқтидоридан, билим ва тафқур доираси кенглигидан ҳамда миллат, Ватан тақдирiga бўлган масъулиятидан далолатдир. «Кўмак» жамияти фаолияти билан боғлиқ, унинг аъзолари томонидан нашр этилган барча мақола ва бадиий асарларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб уларни «Кўмак» ташкилоти томонидан четга ўқишга юборилган талабалар ҳақида», «20-йиллар матбуотида «Нашри маориф» ташкилоти фаолияти билан боғлиқ материаллардан намуналар», «Германияда таҳсил олган талабаларнинг Туркистон матбуотидаги чиқишилари», «Кўмак» уюшмаси ташкилотчилари ва талабалари шеърларидан намуналар» каби бўлимлар асосида тақсимладик. Энг муҳими, бундан қарийб юз йил аввал Германияда таълим олган туркистонлик талабаларнинг Берлин шаҳрида чоп этган «Кўмак» журналининг тўлиқ шакли илк бор тақдим этилмоқда.

Ўқинг, мулоҳаза юритинг, мунозара қилинг.

Тарихимизнинг энг қора даври бўлган тоталитар тузум шароитида битилган ушбу ижод намуналари ҳамма замонларда ҳам барча ватанпарвар инсонларнинг қалбларини ларзага солади ва истиқлолнинг нақадар буюк неъмат эканлигини янада чукурроқ англашига хизмат қиласди.

ИАДИКОНДАСТРОГИЧАТ «ОЗИРДЫРДАГАН
НАСЫПНОГО АСФАЛЬТАЛАМЕТЗИ
АДДИАЛДАРДАГАН»

II ҚИСМ

ХХ АСРНИНГ 20 – 30-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДАН

«КҮМАК» ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛЛАРГА ЎҚИШГА ЮБОРИЛГАН ТАЛАБАЛАР ҲАҚИДА

Шокир Сулаймон

ЎҚУҒУВЧИ ТОВУШИ

Истак меним гул-фарыштам, хаёлимнинг аришидир,
Қанот қоқиб кеча-кундуз талпинаман, учаман.
Юксак руҳим юрагимнинг жон озиги, шоҳидир,
Етай-етмай бори бирдир, даргоҳига бораман.

Йўлларимда тўсик кўпдир, локин сира қўрқмайман,
Барчасини ботирларча уруб-йиқиб ўтарман.
Меним кўнглим денгиз каби, кўклар каби эркиндир,
Аччиқ алам, гурбатларни билдирамасдан ютарман.

Истакларим, тилакларим қўл етмаслик юксакда,
Кундан нурлик, ойдан тиниқ юлдузларнинг устида.
Бўшлиқ билан, ҳазил билан етилмаслик йироқда,
Қувватим зўр, қанот қоқиб бургутлардек учаман.

Улуг истак борлигимнинг оби ҳаёт чашмаси,
Сенга етсам, сўнгра учса майли руҳим қушчаси!..

Масков
Туркистон. 1923 йил 21 январь

ТҮГРИ КЕТАМИЗ
(Четларда ўқигувчиларга)

Тоғлиқ-тошлиқ, қизгин құмлар устидан,
Сахросидан ҳам чүлидан, даشتидан
Чопа-чопа қызықишиб кетамиз,
Күл ушлашиб, ўйноқлашиб кетамиз.
Дарёларин, денгизларин, күлларин,
Биз босмасдан құймайдирмиз йўлларин,
Ўрмонлардан, тўқайлардан кетамиз,
Шерлар билан сўроқлашиб кетамиз.
Харобалар, вайроналар кўқидан,
Ҳайқиришган бойқушларнинг ўқидан,
Кўлда яроқ, ёйлар билан кетамиз,
Тикка жарнинг сойи билан кетамиз.
Девлар янглиг чизилишган тоғларнинг,
Қор ҳам дўли босган гўзал боғларнинг
Қайгусидан уча-уча кетамиз,
Бир йўл қўймай кўча-кўча кетамиз.
Сувсизликдан сўлган яшил япроқлар,
Ер остида қурууб қолган япроқлар,
«Тўгри йўл» деб янги йўлга кетамиз,
Юртимиз деб жанг йўлига кетамиз.

Фаргона. 1923 йил 19 февраль

МОСКВАДА ТУРКИСТОНЛИК ШОГИРДЛАР

Октябрь инқилоби бошқа миллатларга нисбатан оз бўлса-да биз туркистонликларга ҳам илм эшикларини очди. Лекин, баҳтга қарши, Туркистонда илгаридан олий мактабларга ҳозирланган, ҳозирги факультетларга кириб ўқийдиган йигитларимиз йўқ эди. Шунинг учун ҳозирги кунга қадар Москва дорилфунунларида Туркистоннинг соғи йўқсул болалари – ўзбек йигитлари йўқдир.

Йўқсуллар ҳукумати Шарқнинг маданиятда пастда қолганлигини назарда тутиб, шарқликлар учун маҳсус «Шарқ меҳнаткашларининг дорилфунуни» исмида бир дорилфунун очганига бир йил бўлди. Бу йил мартнинг 25 ида 700 га яқин Шарқ йўқсулларининг болалари ўзгариш руҳида тарбияланиб чиқарилди. Буларнинг кўпи Туркистон, Бухоро ва Хоразмга ишга юбориладир. Бу ёш ўртоқларнинг ўзгариш даврида Шарқ йўқсулларига йўлбошчилик ишлари маълум. Лекин бизнинг Туркистоннинг келгусидаги турмушида йўл кўрсатувчи, ўз илм-ҳунарлари билан кўмаклашувчи йигитларимиз Москва олий мактабларида кўринмайдирлар.

Москва олий мактабларидаги туркистонлик шогирдлар шўросининг ҳисобига қараганда туркистонликлар тубандагича ҳисоб этиладир: ўзбеклар 31 (2 нафари хонимлар), таранчилар 16 (1 нафари хоним), пирсиён 11, нўғойлар 10, армани 8, туркман 4, тоҷик 1, қашқарлик 1, бошқирд 1 нафардир. Туркистондан борган руслар 15, яхудийлар 28 нафардир. Булардан ташқари ҳам олий мактабларда шўро рўйхатига кирмаган бир қанча рус шогирдлар мавжуд.

Мактабларга бўлинганида қўйидагича: 1. Шарқ дорилфунунида 89 та, ҳаммаси Туркистон мусулмонлари. 2. Свердлов университетида 14 (шундан уч нафари ўзбек). 3. Ҳукумат дорилфунунида 15 та (1 таси ўзбек). Олий уста

техникумда (11 та), Қишлоқ хўжалик академиясида (8 та), Олий мусиқа мактабида (10 та), Санои нафиса мактабида (20 та), Шарқ дорилуумида (2 та) ҳам туркистонлик талабалар бўлсалар-да, ўзбеклар уларнинг умуман арзимас қисмини ташкил этади. Бошқа олий мактаблар ҳам оврупаликлар билан тўладир. Кўрсатилган олий мактаблардаги рус ва яхудий шогирдлар ўзлари Туркистонномидан келган бўлсалар ҳам, ўқиб битиргач Туркистонга фойда келтиришига ишона олмаймиз. Сабаби, буларнинг ўрталарида байналмилалчилик руҳида ва Туркистоннинг маҳаллий халқларининг фойдаси учун ишлайтирганлари кўринмайдир. Бу ёз талабаларни юбориш тўғрисида Туркистон ЦИКнинг ҳаракати бор деб эшитамиз. Туркистон мусулмонларининг ичида олий маълумотлик ёшларнинг йўқлигини назарда тутиб ҳозирда Туркистон дорилфунуни ва ишчилар факультетининг охирги синфида ўқувчи кишилардан юборишларига ишонамиз.

Бу ерда ўқиши асбобларининг мукаммаллиги ўқитувчилар илмий томонининг қувватлилиги, албатта, Москавга келиб ўқувчи ўртоқларимизга зўр фойдали бўлиб чиқадир. Бугунга қадар Туркистоннинг партия ташкилотларидан Москавга юборилган ўзбек йигитлари ичида русчани биладирганлари жуда оз. Улар дарс ва лекциялардан фойдалана олмайдирлар.

Туркистоннинг эгаси ўзбек, қозоқ-қирғиз ва туркманларни аҳволи мана шу ҳолда. Туркистондан Туркистонга келажақда фойдаси тегадирган кишиларни танлаб юборилмоғи керакдир.

Бошқа жумҳуриятларнинг бунда бўлган шогирдлари ўзларининг бундаги ваколатхоналари орқали мамлакатларидан кўмак олиб ўқишиларини роҳат билан давом этириб турганларида Туркистон шогирдлари бўлса ярим очлик ҳолида кун кечирадирлар. Бундаги Туркистон вақилимиз томонидан чақалик бўлсин кўмак ололмаймиз. Ваҳоланки, бугун очлик билан кун кўриб турган жумху-

риятлар ҳам ўзларининг юборган шогирдларидан хабар олиб, овқат ва ўқишлирага керак яроқлари билан таъмин этиб турадирлар... Ишни ривожи учун Туркистон ҳукумати бу йўлда катта аҳамият бериб ўз вазифаларини ўрнига қўйишилирага ишонаман.

Москва, 1922 йил 5 апрель
Қизил байроқ, 1922 йил 1 май

Сирохий

ГЕРМАНИЯДА ЎҚУВЧИ МУСУЛМОНЛАР

Берлиндаги татарлар томонидан Россия мусулмон талабаларига ёрдам учун бир жамият очилиб, шу жамиятта Германия ҳукумати томонидан бирмунча десятина ер ва бинолар берилган. Германия мактабларига кирмак учун ҳукумат томонидан фақатгина 3 шарт бор: 1) шогирднинг аъзоси (соғлиғи)га шаҳодатномаси бўлмок; 2) шогирднинг сиёсат ва савдо ишларига аралашмаслиги; 3) таҳсил тамом бўлгач, тўхтамасдан ўз ватанига кетиши, ўз қавмига хизмат қилмоқлиғидир. Бир шогирд керак ҳукумат томонидан таъмин қилинсин ва керак хусусий ўз масорифи билан ўқисин. Унинг таҳсили тамом бўлганидан сўнг ватанига бориб хизмат қилмоғи мажбурийдирким, ҳукумат буни полиция кучи билан ҳам қиласадир.

Германиянинг энг яхши мактаблари Берлинда эмас. Оддий ва кичик шаҳарлари дадир. 50 – 60 минг нуфусга эга бўлган бир шаҳарда 13 – 15 минг ўқувчиси бўлган олий ва ўрта мактаблар бор. Бу шаҳарларда кайф-сафо ишлари ортиқ тараққий қилмаганлигидан фоят даражада арzonчилик ва шогирдларнинг ахлоқлик бўлишига-да катта таъсири бор.

Германия мактабларидан бизнинг учун энг мувофиқ бўлгани техника, зироат ва табобат мактабларидир. Чунки биздек иқтисодий ишларда кейинда қолган бир қавм

учун қуруқ хаёл ва фалсафа олимларидан кўра мамлакатнинг қон томирларини идора қилгучи амалий кучлар лозимдир. Бизнинг учун йўл шул мактабларда тортахассис (узкий специальность) усулининг юритилишидир. Бошқа мамлакатнинг олий ва ўрта мактабларида ўқиш учун кўп фанлар ва ишларни билмак лозим. Ҳолбуки, Германиянинг олий ва ўрта мактабларига кирмак учун бир шуъбада ўқилатурган илмнинг ўзини яхши билмак кифоядир.

Олмонларда бир ёшда бўлган шогирдлар ибтидоий мактаблардан бошлаб олий мактабларни тамом қилғунча бирга бўлалар. Яъни бир синфда муҳталиф ёшда бўлган шогирдлар йўқ ва бир шогирднинг бир синфда икки йил қолиши кўрилган иш эмас. Шунинг учун мактабларга қабул этиш қоидаси ичига ёш масаласи тамом киритилмаган. Шул сабабдан чет мамлакатлардан борган талабалар қанча ёшда бўлса бўлсин, қабул қилинадир. Фақат қўлида ўз мамлакатининг вакили томонидан расмийлаштирилган, бурун ўқиган мактаб идораси томонидан берилган бир шаҳодатномаси бўлмоғи шартдир.

На ҳукумат томонидан ва на-да хусусий тўдалар томонидан таъминот олиб боришга имкон топа олмаган дардлик ёшлар олтин ҳисоби билан 200 сўм пули бўлганда қулайлик билан Германияга борар ва таҳсилни давом эттира берурлар. Бу пулнинг 70 сўми санад (гувоҳнома)лар олмоқ ва йўл масорифига тутмоқ учун бўлиб қолгани Германияга боргандан кейин 5-6 ой немис тилини ўрганмак учундир. Мактабга қабул қилингандан кейин Руссия мусулмон ўқиғувчилари учун кечинишга пул топмоқ ғоят қулайдир. Оврупо урушидан кейин турк қавмининг тилларини ўрганмакка немислар орасида буюк бир мароқ қўзғолди. Ҳар ўқиғувчи ўз қавмининг тилини олмонларга ўқитиб, маишатини таъмин қиларлиқ пул топа билур. Иккинчи йўл эса Шарқ кечалари ясашдир. Билетлари жуда қийматбаҳолик бўлса ҳам, немислар Шарқ кечаларига зўр мароқ билан келарлар. Шунинг учун-да Германияга борғувчи талабаларнинг миллий

кийимлар олиб бормоқлари лозимдир. Шуни ҳам жуда бир ишонч билан айтиш мүмкіндіркі, Рұсия мусулмонлари орасыдан борган бир ўқувчининг Германия мактабларига қабул қилинмасдан қолиши эхтимоли ҳеч йўқдир.

Бу кунларда Германиянинг олий ва ўрта мактабларидан бўлган ислом талабалари шу ҳисобдадир: 1) Ҳиндистондан 50, булар ўз масорифлари билан ўқиғувчилар бўлиб, мажус ҳиндлиларда шу ҳисобдадир; 2) авғонлар 40, буларни авғон ҳукумати таъмин этадир; 3) усмонли турклари 1000, буларнинг ҳам аксари хусусийлардир; 4) татарлар 40, буларнинг 12 таси ҳукумат томонидан таъмин қилинадир; 5) Миср араблари 400; 6) Макка, Мадина, Тунис, Тароблис, Жазоирлардан боргандар 40 нафар; 7) Озарбайжон туркларидан 70; 8) қиримлилардан 2; 9) Қафқоз тоғлиқ ҳалқларидан 6; 10) ўзбеклардан хусусий бўлароқ бир ўқувчи бор (А.Муродий), ҳаммаси 1649 нафардир. Усмонли турклар ва татарлардан бошқа ҳеч бир қавмдан Германияда ўқувчи хотин-қизлар йўқдир.

Ҳозирда Германияга борадирган ўқувчилар ҳисоби: 1) Бухородан 42; булардан 3 таси татарлар, қолгани ўзбеклар; 2) Хивадан 5; 3) Қозогистондан 15; 4) Бошқирдистондан 10; 5) Татаристондан 10 (Туркистондан борадирган ўқувчиларнинг сони ҳозир маълум эмас). Буларнинг ҳаммаси ҳам ўз жумҳуриятлари томонидан таъмин қилиниб юбориладирлар. Булардан бошқа ҳалқ томонидан иона тўплаб, Москва ва Қозондан 20 ўқувчи юборилғусидир. Тошкентдан хусусий бўлиб 5 ўзбек (бири қиз – Х.Мажидхонова), татарлардан 14 (буларнинг 5 нафари қиз) кетадирлар. Можористон мактабларидан ҳам шул шартларнинг борлигича топилиши устига улар ўзларини туронлик санағонлигидан Рұсия туркларига кўп риоя қиласидирлар. Бу кунда Можористон олий ва ўрта мактабларидан Рұсия турклари учун 12 стипендия ҳам бор.

Қизил байроқ. 1922 йил 31 август

ЎҚИГУВЧИ ТАЛАБАЛАРГА КҮМАК БЕРИШ ЛОЗИМ

Руссияда ўқигувчи талабаларимизнинг сони борган сари кўпайиши аниқдир. Бултур бутун Руссияда туркистонлик талабалар 20 га етмагани ҳолда, бу йилги ўқиш вақтида (агар борғучи ўқувчиларга турли тўсиқлар бўлмаса) 200 дан ошиши мумкиндири. Бултур Масков ва Петербургда ўқигувчи талабаларимизнинг майшат ва ўқув асбоблари етишмаганлиги орқасида уларнинг қандай қийин ҳолларга тушганлари кўпимизга маълумдир. Руссияда ўқувчиларимиз ўз оҳ-зорларини эришдирмак учун бор кучлари билан тиришиб кўрдилар. Туркистондан иш билан Масковга борган мусулмон масъул ишчиларга ўзларининг камчиликларини эшиттириб турдилар. Буларнинг дард-ҳасрати ҳар ким томонидан эштилди. Лекин чораси кўрилмади. Бу йил борган шогирдларнинг ҳам жуда кўп нарсадан етишсизликлари, овқат-кийим ва ўқув қуроллари важҳидан жуда кўп қийинликларни тортишлари аниқдир. Шу нарсаларни ким бажарадир? Бу муҳим иш ўз ишимиз бўлганлигидан мунинг чорасига киришмак ҳам, албатта, ўз вазифамиздир.

Руссияда ўқигувчи талабаларимиз учун ўзимиздан тўпланган налоглардан бир миқдорини чиқариш керак. Ҳамда ўзимизнинг миллий бойлигимиз бўлган вақфларнинг йиллик вардатидан бир қисмини ажратиб, Руссияда ўқувчи талабаларимизни овқат, кийим ва ўқув қуроллари билан таъмин этишимиз керак. Бундан бошқа ҳеч чора йўқдир.

Қизил байроқ. 1922 йил 6 сентябрь

ОВРУПОДА ТУРКИСТОН ЎҚУВЧИЛАРИ

Сўнгти кунларда юртни идора қиласлиқ сиёсий, илмий, фанний муқтадир кучларимизнинг йўқлиғи очиқ ва қаттиғ сезилди. Замонимиз Туркистондан ўзини ўзи идора қила олатурғон устолар талаб қила бошлади.

Мана шул ҳолларни кўрган Туркистон ёшлари борлиқ ҳаётимиз, нажотимиз маорифда, маориф ҳам Оврупода эканлигини билиб, Оврупо сари оғила бошладилар. Натижада Қафқоз, Бокуда 50 лаб, Масков, Петербурғда 150 лаб, Берлинда 70 лаб, бутун Оврупода борлиғи 270 га яқин Туркистон ўқувчиларини кўрамиз. Бу кўриниш, ҳар ҳолда, Туркистоннинг келгуси порлоқ, тарихининг жонлиқ эканлигини билдирадир. Ундай бўлса-да, бироз умид боғлатади. Бироқ, ҳайҳотки, бу сонлар бошқаларға қараганда йўқ даражасидадир.

Яқинда Берлинда ўқувчи бир ўртоғимиздан келган хатда фақат Германияда ўқувчи бошқа мамлакат болаларини қуидагича кўрсатадирки, биз ўз сонимизға қараб уялсоқ, қизорсоқ бўладир.

Руслар 10000, японлар 4000, усмонли турклари 2000, мисрлилар 300, ҳиндистонликлар 500, араблар 200, эронликлар 500, афғонлар 500, бутун Туркистондан 70 талаба илм олади.

Туркистон ўқувчиларининг кўпини Бухоро таъмин этиадир.

Масковдаги ҳисобсиз олий, ўрта мактабларда ўқувчи шогирдлар орасида туркистонлилар денгиздан бир томчи қабилидадир. Булар ҳаммаси бошқа миллатларнинг шогирдлари билан тўлиқ. Ўтган йил Туркистон ўқувчилари Масковда ёлғиз 10 та бўлғонлари ҳолда, бу йил Петербурғ, Масков ўқув юртларида 100 кишилик истипендија очилиб, яхшигина таъмин этилганлар.

Четда ўқувчи болаларини йўқлаб турғон бошқа миллатлар каби бизнинг Туркистон зиёлилари, маориф парварлари ҳам ўзларининг «жийда халталари» билан четдаги ўқувчиларини йўқласалар, ёрдам этсалар, яхши бўлур эди. Юрти, элидан узоқ турғон ўқувчилар Туркистондан шуни куталар. Шундай бўлса, истипендијасиз турғон юзлаб ўқувчиларимизга бироз мадад бўлур эди. Юртидаги камчиликларни кўриб юраги ачинатурғон ёшларимизнинг кундан-кун, йилдан-йилга кўпайиши лозимдир.

Туркистон. 1923 йил 1 январь

Туркистонлик

БАЛАДИЯ ИДОРАЛАРИ УЧУН УНУМЛИК ЖОЙЛАР

Янги иқтисодий сиёsat ички унумларимизни табиий бир йўлға туширди. Энди бошқа бойлигимиз каби баладия идорамизга ҳам унумнинг тинмасдан оқиб туриши баладиянинг сандуғига оқчанинг киришидан сезилиб туродир.

Локин замон жуда жиддий, бизга ҳар нафасда «Кўзингни оч!» деб туртиб турадир.

Бир тарафдан, беш йил ичида бузулғон, хароб бўлғон биноларимиз, кўча-кўприкларимиз тузатиш ва ўнглашни талаб қилса, иккинчи ёқдан, маориф, соғлиқни сақлаш, милиция, ижрокўм каби муҳим идораларни шаҳар унуми устига юклаб турадир.

Ҳозирги унум қанча зўр бўлса-да, кўрсатилган ерларга сарф этиш учун кифоя этмайдир. Энди унумни оширмоқ учун унум манбаларини топиш лозимдир. Шаҳарнинг энг унумлик жойлари баладия идорасининг машруъ ҳаққи бўлган электрик истансалари, күшхона, трамвай (кўнка) ва телефон истансаларидир. Буларни баладия идоралари

қарамоғига ўтказилиши керак. Ҳозирда бу унум манбала-ри ҳар хил муассасалар қўлида бўлиб, тушган унуми тегишлик ерига сарф бўлмай келди.

Бу унум манбани баладия идораси қўлига олиб бериш учун шаҳар ижроқўмлари жиддий ташаббус ила киришишлари керак.

Шу йил 4 июлда Халқ комиссарлари шўроси юқоридағи кўрсатилганларни бутунлай баладия идоралари қўлига бериш учун қарор чиқорғон эди. Нима учундир ҳалигача бу қарорнинг натижаси кўринмай турадир. Шаҳарнинг юраги устида гулдураб юриб турғон бу маданий кучлардан тушган унум шу шаҳарнинг маориф ва маданиятига сарф этилиши лозимдир. Бу тўғрида ишбилармон, савдо-саноат курпир (кооператив)лари билан турғон халқ хўжалиги бошқармаларининг ҳар хил баҳоналарини қабул қиласлик керакдир.

Туркистан. 1922 йил 24 сентябрь

Талаба

ЎЛКА ЎЗБЕК БИЛИМ ЙОРТИ ЭСДА ТУТИЛСИН!

Ҳар бир тушунган кишининг қулоғига ўзбек билим юрти номи эшитилганда ўзида бир шодлик ҳисси уйғониши табиийдир. Лекин бу шодлик ҳиссининг уйғониши ўзбек учун ва ўзбекнинг илмий истеъдодгоҳи бўлғон ўзбек билим юрти учун фойдалиқ натижани бера олмайдир.

Ўзбек билим юртининг давом ва бақоси учун қуруқ ҳис уйғонишигина кифоя қиласдан, уйғонғон ҳиснинг таъсири билан ўзбек билим юртига моддий ва маънавий кўмак бериш билангина миллатнинг эҳтиёжиға фойдалиқ жавоб бериш мумкиндир. Бўлмаса, қуруқ ҳис

ўйғонғон ерида қотиб қола берадир. Ўзбек билим юрти очилғон йилидан кўра бўлур ўз бошидан ғоят оғир кунларни кечирди. А, бу бўлса жуда умидсизлик кунларни кечириб турадир. Мактаб маънавий қувват билан таъмин қилинмағони каби, моддий қувватида жуда заиф ва бўшдир. Бултур ўлканинг ҳар томонидан келган ўкувчилар минг қийинлиқ билан қишдан чиққанларида олдиларидан имтиҳон келиб чиқиши уларнинг қайтадан ўз жойларига қайтишларига боис бўлиб, ўқушлар тўхтағон эди. Энди бўлса ўқиш мавсумида, бир томондан, очлик, иккинчи томондан, баъзи ўкувчиларнинг касаллиги ўкувчиларнинг руҳини синдириб, бу йилги ўқиш мавсумининг қийинлиқ билан ўтишига комилан ишонтирмоқдадир.

Ўкувчиларнинг турмушкида ҳозирғи қийин ҳоллар мушоҳада қилинғон бир ҳолда қишки ҳолимизгавой дейишига тўғри келадир.

Ўзбек билим юртининг теварагидаги билим юртларнинг ҳолига келсак, бизнинг билим юртининг ҳолидан бус-бутун бўлакчадир.

Улар моддий ёқдан қанча таъмин қилинган бўлсалар, маънавий томондан ҳам жуда қаноатланарлиқдирлар.

Биз ўқиғувчиларнинг биргина тилаги бор: бутун ўзбек масъул ишчилари ўзбек билим юрти деган бир илм манбаи борлигин ва бу манбадан фойдаланиш учун билим юртининг моддий ва маънавий ёқдан бой бўлиши лозимлигин кўзда тутиб ўзбек билим юртини ҳар соат, балки ҳар минут эсда тутуб туришлари лозимдур.

Туркистон. 1922 йил 24 сентябрь

МАСКОВДАГИ ЎҚИҒУВЧИЛАРИМIZ ТҮҒРИСИДА

Бу йил Масков ва Петербургга турлик билим юртларида ўқимоқ учун кўпгина йигитларимизнинг кетганликлари маълумдир. Бу ҳол йўқсул элимизнинг саодатини истаган ҳар бир кишини суюнтириб, юртимизнинг келгуси учун порлоқ умидларга солмоқдадир. Шунинг билан баробар, шу хайрли ишни нимагадир ёмон кўрган, шуни «хато» деб ўйлағон кишилар ҳам бор экан. Масалан: бир муддат Нижний ярманка (ярмарка)си билан Масковда бўлиб, шу кунларда Тошкентта қайтган ва қандоғ ўй ва фикрга молик бир киши эканлиги бизга маълум бўлғон бир йигитимиз Масковдаги ўқиғувчиларимиз тўғрисида ҳар хил бўлмағур хабарлар тарқотғон. «Масковга борғон ўқиғувчиларнинг деярли ҳаммаси ҳар кимнинг олдига кириб тиланиб юрадирлар», – деган. Бу ёлғон ва асоссиз хабар Масковдаги ўқиғувчиларимизнинг яхши жиҳатига суюниб, ёмон жиҳатига куюниб юрган кўп кишиларимизни ташвишга солғон, улар орасида ҳар хил гап-сўз, ташвиш қўзғотқон.

Шунинг учун биз ундан ташвишланган ўртоқларга ва Масковдаги ўқиғувчиларимизнинг ота-оналарига хабар берамизким, Масковдаги ўқиғувчиларимизнинг барчаси бугун яхшилаб ўрнашқонлар. Таъминотлари яхши, ўртоқ Боту каби фидокор йигитларимизнинг файрати орқасида Туркистон жумҳуриятининг Масков ваколатхонаси уларга моддий ёрдамда бўлинғон. Бу тўғрида идорамизда хатлар, хабарлар бор. Масковдан келган ишончли кишилар бизга маълумот бердилар. Шунинг учун бу жиҳатдан ташвишланишга сира ўрин йўқдир. Тарқатилган «кўрқунчли хабарларнинг асли ва асоси йўқдир».

«Туркистон» газетасининг бошқармаси
Туркистон. 1922 йил 5 октябрь

СҮНГГИ КҮМАКНИ КИМЛАРДАН КУТИШИМИЗ КЕРАК?

Туркистан халқынинг билим олмоқ түғрисидаги интилиши ва, энг түғриси, дунёда яшаш учун қылган орзуси сүнгги 5-6 йилдан тубли равища бошланадир. Бундан илгариги даврда бундай орзу ва интилиш йўқ деярлик бўлса-да, жуда кучсиз бўлгани учун биз ул вақтларни чин билимга интилиш даври деб айта олмаймиз.

Чиндан шундай. Бугунда ўқитувчилар билим юртлари, хотин-қизлар билим юрти ва бошқа муҳим билим юртлари, айниқса, Оврупо майдонида ўз борлигини кўрсатгувчи Туркистан йигит ўқувчилари мундан 5-6 йил бурун йўқ эди.

Ўзгариш баракасида эскидан бери бизнинг миямиизда ўрин олиб қолган чирик тушунчаларимиз, яна түғрироғи, яшамоқ йўлларини тескарисинча англашимиз энди бутунлай иккинчи бир ҳолга, ўхшатиб бўлмас бошқа бир тусга кира бошлади. Бунинг натижасида биз билимга кенгроқ бир қараш билан қараб ҳозирги ўлжаларга бироз бўлса-да эга бўлдик.

Бироқ бизнинг келгусидаги план ва яшамоқ йўлидаги чизган чизиқ шундай улуғдирким, бунинг учун бизнинг ҳозирги билим юртлари ва четдаги озгина ўқувчилари-миз бу чизиқ ва планларни бизнинг ўйлаганчалик қоплоя оларлиқ бир ҳолда эмасдирлар.

Энди ҳол шундай эса, биз бунга қарши нима қилмоғимиз керак бўлур? Албатта, бунга қарши яна бир неча билим юртлари очмоғимиз ва Оврупога мингларча ўқувчилар юбормоғимиз зарурдир.

Мана, биз шу муқаддас хаёл билан хаёлланар эканмиз, бизга, энг биринчидан, шул тилакка етиш учун қандай ишламак керак деган бир фикр эсга тушадир. А, бул фикрни тубли равища майдонга чиқариб, ишга ошириш учун эса энг олдин ўқувчиларнинг таъмини ва бу түғрида

бўлатурғон ва бўлиб ўтмиш моддий кўмаклар тўғрисида бироз сўзлаб ўтмакка тўғри келадир.

Туркистондан четга бориб ўқиш учун 1921 йил бошларида Ўзбек билим ҳайъати томонидан бир лойиҳа тузулиб, бошида студент Саййид Алихўжа бўлгани ҳолда, бир неча ўқувчиларнинг рўйхати олинниб, ҳукуматга топширилган эди. Бир неча муддат бунинг кетидан юриб, натижада ҳукуматимизнинг моддий кўмак бера олмаслиги билингач, бу масала ўз-ўзидан тўхталди. Лекин ўқувчиларнинг орасида кўтарилиган четга кетиб ўқиш ҳаваси эса бунинг билан битмади. Ўқувчилардан қайси бир ўзига тўқроқлари (гарчи борлиқ нарсаларини сотиб бўлса-да) яна четга кетмак орзусида бўлдилар.

Буларнинг ўзаро ташаббусини кўрган Ўзбек билим ҳайъати четдан томошачи бўлиб тура олмади. Бўлса-бўлмаса-да, умид билан ишга киришди ва четга кетгучи студентларнинг ўзларидан бир комиссия тузиб ва бунга ўз аъзоси бўлган Саййид Алихўжани шул комиссияга бошлиқ этиб «Кўмак» отида бир уюшма тузди. Уюшма кечакундуз ишлаб, турли ёқдан гадойлик қилиб бўлса-да бир кишини четга жўната олди.

Ҳозир четда ўқувчи талабаларнинг бир нечаси «Кўмак» уюшмасининг юборган талабалари дидир. Энди биз «Кўмак» уюшмасининг юборган кишилари тўғрисида чуқурроқ ўйласак, бул бояқишиларнинг ҳам моддий ёқининг тўла эмаслиги кўринадир. Ҳатто шул «Кўмак» уюшмасининг юборган бир кишиси Масковда пулсизлиқдан қайтиб келишга ва ё кўзлаган ерига боришга оқчаси йўқлигидан боши айланиб ярим йўлда қолмишдир.

Мана бу хилларни ўйлагач яна «Ўзинг учун ўл, етим!», «Кўйнингдан тўкилса, қўнжингга» деган мақоллар бўйинча бор кучимиз ила оқчамизни аямасдан билим юртларимизга ва четдаги ўқувчиларимизга кўмак этмагимиз керакдир. Бу тўғрида эса бошқалардан кўмак кутишимиз бўшдир.

Биз шул билим юртларимиз билан четдаги ўқувчиларимизга кўмак берганда яна дунёда яшамоққа ҳақлик бўлурмиз.

Туркистон. 1923 йил 27 январь

Аҳматжон (Ёқубов)

ЧЕТДА ЎҚУВЧИ ТАЛАБАЛАРИМИЗГА КЎМАК ИШЛАРИ

Элимизда кундан-кунга маданий ҳаёт томонига жиддий интилиш, олий мақсадга қараб қанот қоқиш кўринмоқдадир. 200 – 300 йиллаб муздек қотиб қолган элимизнинг ўзгариш қуёши таъсири билан қўзгала бошлаганига энди 5 йил тўладир.

Бу 5 йил ичида маданий ҳаётга қараб жилишимиз жуда аҳамиятсиз кўринса-да, ҳақиқатан ҳафта сайин, кун сайин тошбақақадам билан кўпгина масофа юрганимизни ҳеч ким яшира олмайдир. Бу жилишимизнинг табиий қадам билан жилиш тусига имонимиз комилдир.

Мана, илмий ўзгаришимизга 5 йил бўлган тепамиздаги 23 йилда Россиянинг муҳим шаҳарларидағи юқори ва ўрта мактабларида, Озарбайжоннинг марказий шаҳри бўлган Боку шаҳрида, ҳатто Германиянинг Берлин шаҳрида ўқубётқон анчагина ўқувчиларимиз борлигини кўрамиз.

Кундан-кунга элимизнинг «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» янглиш тушунчаси йўқола борганини кўрамиз.

«Элимизнинг» дейишдан мақсад бу ерда, афсуским, омма эмасдир. Ҳали бутун омма тузилган равищда билим сари оқилғони йўқ. Бу кунда тараққиёт йўлига қадам босган бир қисм ёшлар экан. Бу йўлда халқимизнинг баққоли, қассоби, аъён ва ашрофига қадар тортиш керак. Ана ўшал вақтда ўзбек миллатида маданиятга томон ялпи оқим бошланадир.

Бу йўлда ҳар бир тушунган киши тиришмоғи ва ҷо-
лишмоғи лозимдир.

Биз ёшлардан ўтказган майда-чуйда тажрибаларга
кўра ҳаммани шу муқаддас ипга боғлашга имкон борли-
гига ишона бошладик.

Сўнгги вақтларда бутун ўлка сатҳида халқнинг маориф
масаласини қаерга бошлагани Германия, Озарбайжон,
Россия шаҳарларидағи ўқувчиларимизни таъмин қилиш
ва уларга ҳар бир йўл билан кўмак бериш тўғрисида ҳар
жойда мажлислар қурилиб, музокаралар, фикр олишув-
лар бўлиб тургани ва ҳам амалий йўсунда кўмаклар тўп-
ланиб ётганини эшитиб ва кўриб турмоқдамиз.

Бундан кейин ой, ҳафта, ҳатто кун сайин четда ўқувчи
талабаларимизга кўмак юбориб туришимизга ишонамиз.
Берлин ва Озарбайжонда ўқувчи талабаларимиз учун му-
ҳим кўмак берилиб тургани ва Россия қурултойига борган-
да Эски шаҳар ижроқўмининг раиси ўртоқ Миржамолов
ва бошқалар томонидан Масковдаги талабаларимизнинг
ҳоллари текширилиб чиқилди. Кўмаклар бериш учун ваъ-
далар берилиши, четда ўқувчиларга кўмак комиссиялари
тузилиб ишга киришгани юқоридаги умидимизнинг бўш
умид эмаслигини очиқ кўрсатадир.

Бундан кейин матбуотимиз ҳам четда ўқувчиларимиз-
ни доимий суратда қайғуриб туришига ва матбуот бет-
ларида берилган кўмаклар ва бу йўлда ишланган ишлар
тўғрисида мукаммал ҳисоботлар берилиб турилишига
аминмиз.

Эй келгуси учун қайғурғучи жигарпораларимиз! Ўқуш-
ни давом эттирингиз! Сизнинг кўмагингизга элимиз бели-
ни маҳкам боғлагандир.

Туркистон. 1923 йил 9 февраль

ЧЕТГА КҮПРОҚ ЎҚУВЧИЛАР ЮБОРИШ КЕРАК

22 йил ўқиши мавсумида Тошкентда ташкил этилган «Кўмак» уюшмасининг ташаббуси, Туркистон ҳукуматининг кўмаги, Бухоро жумҳуриятигининг гайрати ва Шўролар Россиясининг соясида Туркистон ва Бухородан 70 га яқин ўқувчи Германияга кетган эди.

Германияда Россиянинг 10000, Япониянинг 4000, Туркиянинг 3000, ҳатто Хитойнинг 3000 талабаси бор экан...

Мана бу ҳисобга қараганда, 12 млн нуфусга молик Туркистонимиздан 70 гина талабанинг бўлиши ҳеч вақтда бизни қаноатлантира олмайдур. Ҳаракат қилиб, келгуси йилларда Оврупонинг ҳар бурчагига 70 минглаб талабалар юборишимиз керақдир. Бизнинг дўхтуримиз, адибимиз, муаррихимиз, техникимиз, файласуфимиз ва ҳоказо улуғ ишчиларимиз йўл бошлиғувчиларимизни ўз ичимиздан чиқаришимиз лозимдир. Тажрибалик дўхтирларимизнинг йўқлигидан элимизнинг буюк қисми қўрқинчли юқумлик касалликлар билан дунёга вақтсиз видоъ этмоқдалар.

Тарбия йўсунини билмаганимиз учун янги туғилган болаларнинг 30 – 40 фоизи ўлиб кетадир. Тошкентнинг ўзида бизга қараганда озгина бўлган овруполикларнинг 100 га яқин дўхтурлари бор. Бизда бўлса соғни касал қилғучи, касални ўлдиргувчи 5 – 10 та нодон табибларимиздан бошқа ҳеч нимамиз йўқдир.

Бизда агрономлар йўқ. Боф ва экин ишларимизда бўлган ихтисослизигимиз орқасида унадирган ҳосилотнинг ўндан бирини ҳам ола олмаймиз. Оврупо ўз илми орқасида экинчилар ишларини жуда осон йўлга қўйгандир. Файримунбит ерларни мунбит (ҳосилдор) қилиб юборадир. Юз кишининг ишлайдирган ерини ёлғиз бир киши ишлаб юз киши ишлагандек ҳосил оладир.

Тегирмонимиз, обжувозимиз, мойжувозимизга келсак. Ҳозир ишлаш эмас, уларни миллий музахоналарга қўйиб қўйганимизда ота-боболаримизнинг қандай ваҳшийлик билан яшаганидан ибрат олишимиз керак эди. Лекин, афсус... ҳамон биз ўзимиз ваҳшиёт даврида яшаймиз. Бутун ўлкамиздаги жувоз, тегирмонларимиз бир йилда ишлаб чиқарадиганини Оврупонинг бир заводи бир кунда ишлаб чиқарадир.

Мамлакатнинг ҳаёти бўлган сув ишларимиз ҳам бизнинг жаҳолатимизга қурбондир. Оврупо сувсиз ва ғайримунбит ерларни ишга киритган бир замонда биз катта-катта дарёларимиздан баҳра ололмасдан ташна ҳолда яшаймиз. Оврупо минглаб одамларни ҳавода юритган соғда биз ҳали Имоми Аъзам араваси билан нашъу намоқилмокдамиз.

Бундай кўнгилсиз ҳолларни ҳозир ҳам сезмасдан кўр каби туришимиз энди уятдир.

Бизнинг табиий бойлигимизни четлар эмас, ўзимиз ишлашимиз керак ва бу йўлда ҳар ким маслаҳат қилсун, ўйласун. Ҳар бир маслаҳат, ўйлашнинг натижаси болаларимизни четга юбориб ўқитиш бўлиб чиқсун.

Туркистон. 1923 йил 11 марта

КИЧИК АРМУГОНИМ
Хайринисо Мажидхон қизига

Қоро турмуш чангалидан қутилиб,
 Эрк чечаги тақа олгон кучли қиз,
 Эски одат санамларин парчалаб,
 Эрк-Тангрига сажда қилғон руҳли қиз,
 Йўлинг тўғри, ортга боқма, кетавер!
 Илгарилаш ашуласин айтавер!
 Тўғри йўлинг нурли, узун – улугдир,
 Улуғ йўлнинг тармоқлари чексиздир,
 Тармоқли йўл тажрибасиз, соф, содда,
 Кўзлар учун хатар билан тўлугдир.
 Ишонамен, сенинг кўзинг ўткир кўз,
 Мийянг кучли, керак эмас бошқа сўз!
 Тор қафасдан қочиб кўкда ўйнагон,
 Эркинликнинг қучогида дам олгон
 Гўзал қушнинг овчилари кўп бўлгай,
 Пайти келса, қуш тубанга тортилгой,
 Бу ҳақиқат! Учар экан, қараб уч!
 Эҳтиётсиз юксалишдан умид пуч!
 Сенга қарши бугун кўкка юксалган
 Лаънат, қарғиш «ҳеч»дан чиққан «ҳеч»гина,
 Келгусида йўлларингга тўшалган
 Раҳмат, олқиши қаршисида кичкина.
 Илгарила, йўл сўнгида ёргулиқ!
 Югуришга зарар этмас оруғлиқ!

Масков. 1922 йил 6 ноябрь.
 Маскавдан Берлинга жўнашлари муносабати билан
 Туркистон. 1922 йил 29 ноябрь

БИЛИМ ЙЎЛИДА
(«Кўпайсин» дейман)

Эзилган миллати, қоронгулиқда қолғон юртини келгусида чин билим билан ёритмоқ учун бу йил хорижга кетган талабалар орасида қизим Хайринисо ҳам бор эди.

Билим учун узоқ элларга биринчи ўзбек қизини юбориши шарафи, шукрлар бўлсинким, менга насиб бўлмиш. Ҳозир мен шу муносабат билан ҳар ердан қутлаш хатлари олмоқдаман. Шуларнинг ҳар бирига айрим-айрим хат ёзиш мумкин бўлмағонлиги учун уларнинг ҳаммасига бирдан, айниқса, фоят қизғин туйғулар билан кутлаган Москва ва Бокудаги талабаларимизга, Қозон ва Оренбург маданият-маориф ходимлариға, ёш шоиrimiz Боту ўртоқча ташаккуримни билдириб, билим истаб дунёning ҳар томонига ёйилатурғон йигит ва қизларимизни «Кўпайсин!» дейман.

Туркистон. 1922 йил 18 декабрь

А.С./Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон/
УЛУФ УСТОД ФИТРАТ АФАНДИГА

Фазилатли афандим!

Бундан бир ой муқаддам Бухорога бориб жанобингизни зиёрат қилган, ўзимнинг Германияга бориб ўқув ниятида эканлигимни айтган эдим. Шу ниятимга етиш ёлғуз жанобингизнинг ёрдами-ла мумкин эканлигини арз этиб, бу хусусда ёрдамингизни дариф тутмаслигингизни ўтингон эдим. Жанобингизда манинг бу рижомни рад этмай 3-4 ой сўнгра Бухородан юбормоқчи бўлган ўқувчилар билан қўшиб юбориш ёки Бухородан юборилатурғон ўқувчилар кетгунча етарлик таъминот топсан, паспорт ҳозирлатиб,

сүнг 3-4 ойдан сүнгра юборилатурғон ўқувчилар билан таъмин этилишимизни сўзлаган эдингиз; бул сўзингиз мени жуда суюнтирган эди.

Ҳозир менинг дардим таги[n] зўрайди. Германияга тезроқ кетиб, келгуси ўқув йилида ўзимни Германия дорилфунунида кўрув иштиёқи кучайди. Ўзимни 4 ойга қадар таъмин этарлиқ ақча топдим. Биргина бул 4 ойлик таъминот кифоя эмас деюб ўйлаб яна сиздан ҳам бироз кўмак кутаман!

Азиз устод!

Германияга кетар учун энг керакли нарса паспорт бўлгани учун шуни юбормоғингизни ўтинаман.

Суюкли устод!

Паспортни тезроқ юбормоғингизни, бироз моддий ёрдам бермоғингизни, келгусида Бухоро ҳукумати томонидан Берлинга юборилатурғон ўқувчилар испискаси (рўйхати) ичинда манинг ҳам отимни бўлунтириб, шул юборилатурғон ўқувчилар билан бирга мани ҳам таъмин этишга ғайрат этмагингизни тубанчилик билан сўрайман, ўтинаман.

Эҳтиром билан шогирдингиз: Абдуғани Ёқуб

Тошкент, 1923 йил 30 январь

Паспортга сурат ҳам керак бўлур деб икки дона суратимни ҳам юбордим. Паспортга отим ёзилғон чоқда «Абдуғани Ёқуб ўғли Қурбон» деюб ёзилса, чунки мени бошқа документларим шул отدادир.⁶⁹

ЧЕТДАГИ ТАЛАБАЛАРГА ЁРДАМ

Тошкентда бир неча йил муаллимлик қилган ишлиқ ўшларимиздан ўртоқ Абдуваҳҳоб Муродийнинг Германиянинг олий зироат мактабида ўқиб турғонлиги тўғрисида газетамиизда вақти билан маълумот берган эдик.

⁶⁹ Ушбу мақолани тақдим этгани учун санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмадга миннатдорлигимизни билдирамиз.

Яқындан мазкур Абдуваҳҳоб ўртоқдан «Құмак» уюшма-сига бир хат келган. Ваҳҳоб ўртоқ ул хатида олий зироат мактабини битиргүнича таъмин құлмоқни бўйнига олган хусусий бир шахснинг вафоти орқасида ҳозир бутунлай таъминсиз қолғонлигини, агар ўз юртидан ёрдам бўлмаса, ўқишидан чиқишига мажбур бўлишини ёзадир. Унинг таъминотсизлик сабаблик қийин ва оғир бир ҳолда қолғонлигини Германияга янгигина бориб етган талабаларимиздан ўртоқ Саййид Али ва Аҳмад Шукрийлар ҳам тасдиқ этганлар.

23 ноябрда Тошкент ёшларининг гап мажлисларида шу тўғрида сўз қўзғолиб, ўртоқ Ваҳҳобнинг ёзғон хати ўқулди ва дарҳол уни таъмин құлмоқ учун ташабbus бошланди. Шул ерда йиғилғон ўртоқлар барчаси бир оғиздан ойлиқларининг 25 фоизини беришга қарор бериб, яна бир-икки кишининг ҳиммати билан бир миллиардга яқин оқча тўпланди.

Гап мажлисида ҳозир бўлмаган бошқа ўртоқлардан ҳам йиғиб шул маблағни ўртоқ Абдуваҳҳобнинг бир йиллик таъминотига етказмакка бўлинди.

Шу мақсад билан эски шаҳарда бир адабиёт-томоша кечаси ясамоқ учун кишилар белгиланди.

Бундан бошқа яна четга (Германияга) кетган талабаларимиз факат бир йилгагина таъмин этилиб кетганликлари эсга олиниб, уларни ўқишилари битгунича таъмин құлмоқ учун жиддий чораларга киришмак лозим топилиб, бу ҳақда келгуси гап мажлисига пухта йўллар ва чоралар топиб келмак учун икки ўртоқ вакил қилинди. Эски одатларимиздан бўлган гап мажлисларида бундай хайрлик ташабbusлар, амалий ҳаракатлар кўрилиши кўп яхши ва ўрнак бўлғулик бир ишдир.

Гапдан ишга, ўртоқлар!

Туркистон. 1922 йил 26 ноябрь

БЕРЛИНДАГИ ТАЛАБАЛАРГА КҮМАК (Ҳисоб)

Тошкентда маориф-маданият ишларида ишлагувчи бир тўда ёшларнинг ташаббуси билан Берлин олий зироат мадрасасида ўқигучи талабамиз Абдуваҳҳоб ўртоқнинг таъминоти учун қуидагича моддий күмак йигилди:

Сайид Носир Миржалил 20 000 сўм, Толибжон Мусабой 10 сўм олтин, Абдулҳамид Сулаймон 7500; Нажмиддин Шераҳмедов 5000; Ҳамидулло Орифжон ҳам Холмуҳаммад Охундийлар 4000 сўмдан; Муҳиддин Усмоний, Мунавварқори, Зуфар Носирийлар 3500 сўмдан, Шокиржон Раҳим, Абдунаби ҳожи ўғли, Тешабек Отабеков, Муҳаммаджонқори Раҳимий ҳам Асадулла Хўжахоновлар 2500 сўмдан; Салимхон Тиллахон 1200 сўм.

6 декабрда ясалғон адабиёт кечасидан соф фойда 75 000 сўм.

Барчаси: 139 700 сўм. Бу пуллар тегишли йўл билан ўртоқ Абдуваҳҳобга юборилди.

Туркистон. 1922 йил 18 декабрь

Усмонхон

ЧЕТДА ЎҚУВЧИЛАРНИ УНУТМАЙЛИК

Туркистон, Бухородан Берлинга ўқишига кетган ўқувчиларнинг кўплари турлик муассасаларнинг кўмаги билан, баъзилари энг кўп бўлганда бир йиллик таъминотларига етарлик нарса билан кетганлар. Баъзи бир талабалар жуда оз оқча, ҳатто куруқ «таваккал» йўли билан бориб қолганлар.

Маълумдирким, жаҳон уруши натижаси Германиянинг иқтисодий аҳволини жуда издан чиқариб юборди. У ерда ҳам биздагидек соат сари бозор баҳолари кўтарилиб, оқча қадри кун сайин тушиб борадир. Бу, албаттта, ўқувчилари мизнинг турмушига таъсири этмасдан қолмайдир.

Биз ул ерда ўқувчиларимизнинг мухтожларини аниқлаб олайлик, уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турайлик.

Бутун Туркистондаги ҳиммат эгалари, жамоат ходимлари, масъул ишчиларимиз турлик йўллар ва керак топилган ҳар бир чорани кўришлари лозим. Агар уларнинг овозини Туркистонда эшигтмас экан, у вақт ўқишларини давом эттира олмасдан иложсиз Туркистонга қайтиб келишга мажбур бўларлар. Бу хунук ҳол. Албатта, Туркистон жамоат, маориф ходимлари ва масъул ишчиларга уятдир. Келгусимизнинг маҳкам устуни бўлган четдаги ўқувчиларимизни унутмасдан ҳар вақт уларга ёрдам бериш тўғрисида қайғурайлик.

Туркистон. 1923 йил 15 апрель

А.Қамчинбек

«КЎМАК» ТАШКИЛОТИ КЕРАКМИ?

Кейинги икки йил ичида Туркистоннинг дардлик ёшлилари ўртасида бир тебраниш, ўрта мактабларга интилиш давом этганлиги яширин эмасдир. Келгуси ўқиш мавсумида ҳам Туркистон олдида юксалиш йўлида бел боғлаш, ерлик халқ болаларидан атрофга кўпрак ўқувчилар юбориши, улардан халқ хизматчилари, инженер, техник, дўхтири, сиёсион ва элнинг ободлиги учун ишлайдирган йигитлар ҳозирлаш ишлари турадир. Туркистон бу йил Ички Россия, Озарбайжон, ҳатто буржуа давлати Берлин билим юргларига бир-икки юзлаб ўқувчилар юборилди.

Четга ўқувчи юбориш ва уларнинг таъминотларини биргина ҳукумат бажара олмаслиги табиий эди. Халқнинг ёрдами кераклиги ўз гавдаси билан олдига келиб тўхтади. «Кўмак» ташкилоти тузилди, ишга киришилди. Атрофга ўлка ва шаҳарларга комиссиялар юборилди. Марказий ва ерли фирмә ва шўро ишчилари бўлсин, ҳаммаси ҳам бу тебранишга катта аҳамият бердилар, кўмакларини аямадилар.

Ҳар шаҳарларда сайил, театрулар, кечаконцертлар ва бошқалар ясалиб, совғалар, кўмаклар йигилди. Бошқа ўл-

каларга қараганда оч Фарғона ўзининг ёрдам қўлини кўпроқ узотди. Фарғонадан қўйлар, отлар, мол, мато, кўмир, ёғ, асал, миллиардлаб оқчалар ва бошқа нарсалар тўпланди. Мана шуларнинг ҳаммаси қайга кетди? Кимларнинг киссаларинда қолди? Бу кунгача газета бетларида бўлсин, алоҳида қофозларда бўлсун, «Кўмак» томонидан берилган ҳеч бир ҳисоб кўрилмади. Фарғонага «Кўмак» томонидан юборилган комиссиянинг саноқсиз хиёнатлари сўзланади. Шулардан бир нечаси пастдагилар:

1. Хўқандда «Абу Муслим» пьесаси бир неча вақтлаб ҳозирланиб саҳнага қўйилганди. Кўргувчи халқ кўплигидан, билетлар етишмаганидан театру эшиклари милиция куввати билан сақланиб, миллиардлар (ўша вақт пули билан) фойда куттилган комиссия кассадан фақат 100 миллион фойда кўрсатган эди («Абу Муслим»ни ҳозирлаганлардан бири ўзим бўлганлигимдан бундан яхши хабарим бор).

2. Хўқандда сайил ясалганда бу кечадан 1,5 миллиард йиғилган чамаланиб, комиссиянинг бир аъзосига топширилган пулдан иккинчи куни ўша аъзо фақат 380 миллионгина кўрсатган эди (ўша сайил кечасининг фойдаси 1,5 миллиард чамаланганида ўртоқ Аҳмадхонов ва бошқалар ҳам бўлганлар). Фарғонанинг бошқа шаҳарларида ҳам шундайин хиёнатлар бўлганлигини бу йил ёзда «Фарғона очларига ёрдам» комиссияси билан баробар ишлаганимда эшигтан эдим.

Комиссиянинг қилган ишлари халқ пули билан спикуляциялар, пиёнисталик, фоҳишабозлиқ ва бу каби бузук ишлар билан тўладир. Марказий «Кўмак» бошқармасида Фарғонадан йиғилган нарсаларнинг ҳаммаси келтириб топширилмаган, унинг ўрнига комиссиянинг бир аъзоси 8 миллиондан олган бўёқни 16 миллиондан ўтказган. Буларнинг ҳаммаси ҳам хиёнат, йўқсул элнинг ўқувчи йўқсул болаларини ҳаққини номуссиз суратда ўғирлаш эмасми?

Мана бу «Кўмак»да ишлаган кишининг иши. Энди «Кўмак» ташкилотининг ўзига келсак, бир-икки қилган ишини кўрсатишлик билан «Кўмак» ташкилотининг йўқсил эл

ишчи-дәхқонларининг ташкилоти эмаслиги ўзидан-ўзи күринса керак. Масковда ўқиб юриди. Туркистонга ёзда ишламоқлик учун Комуниверситет ўқувчиларидан бир нечаси Масковга қайтиб келадирган вақтларида йўлкира тополмасдан «Кўмак»ка ёрдам сўраб борганларида биз сизларга ёрдам бера олмаймиз деган қуруқ жавоб олган эди. Бу биринчи, иккинчидан, Фарғонадан йигилиб, Фарғона ўқувчилари учун тайинланган 230 пуд ўрикни «Кўмак» исмидан Масковга юборилиб, «фақат «Кўмак» томонидан юборилган ўқувчиларга берулсун» дейилган («Кўмак» бошлиқларидан Иброҳимуф буйругича). Кўпи фарғоналик бўлган, келгусида ижтимоий ўзгаришнинг бошлиқлари бўладирган комВУЗларда ўқувчи туркистонлик ерликлар бундан ҳам маҳрум этилган эди. Бунинг устига, «Кўмак» ташкилотининг туттган йўли бошдан-оёқ тор миллий бир йўлда бўлиб, келгусида Шарқни жаҳонгирлар панджасидан озод этиш арафасини яқинлаштирадирган, коммунизм идеяси билан тарбияланмоқда бўлган Туркистон йўқсил болаларининг бу қисмини ўтайга чиқариб қўйилиши, йўқсиллар дунёсининг бирдан-бир таянчи Россиянинг қизил мактабларига кўл силтаб, буржуа руҳида оқсуякликлар ҳозирлайтурган Берлин ва заграница мактабларига ўқувчилар юборишлик йўлида ҳовлиқишлар. Коммунизм байроби остида яшамоқдаги йўқсил эл учун «Кўмак» ташкилотининг кераклиги йўқлигини кўрсатадир. Шунинг учун ҳам «Туркистон» газетасининг 98-сонида «Марказий рус шаҳарларида ўқишида ўқувчиларимизга ёрдам қилмоқлик учун Марказий ижроқўм қарори билан Маориф комиссарлиги олдин бир комиссия қилишга қарор бердилар» деган хабарни эшитиб олқишлиш билан баробар «Кўмак» ташкилотининг йўқсил эл болалари учун фойдасизлигини кўрсатамиз. Ва келгусида юксалиш йўлида янги комиссиядан катта ишлар кутиб қоламиз.

Масков. 1923 йил 10 апрель
Фарғона. 1923 йил 6 май

ЗАГРАНИЦАГА ЎҚУВЧИЛАР ЮБОРИЛМАСИН

Кейинги йилларда Туркистоннинг дардлик, умидлик, келгусида қуриладирган йўқсуллар дунёсининг аҳамиятлилигига тушуниб, ижтимоий элнинг чин хўжалари, бошликлари бўладирган, эл хизматчилари бўладирган, эл хизматчилари бўлиб ҳозирланишга отилган ёшларимиз кўз олдимиздадир. Ички Россияга юборилган ўқувчиларимиздан бошқа Берлинда ҳам бирмунча ўқувчиларимиз боргани маълумдир.

Кейинги вақтлардан Фарғонадан келган ишончлик хабарларга қараганда, келгуси ўқиши мавсумида Россиядан ташқари элларга (заграницага) ўқувчилар юборишлик йўлида ҳаракатлар бошлангандир. Бу ҳаракатда бўлғувчи ўртоқларимиз Россиянинг бугунги кунда энг яхши йўлга қўйилган ва ҳар ким тушунарлик ўрта ва олий мактабларини кўзлари кўрмайин заграницадаги буржуа, мазлумлар дунёсининг ойдин душмани бўлган оқсуяклар руҳи, буржуа идеологияси билан тарбия қиласидирган мактабларни кўрадирлар.

Бу кун олти йилга қадам босган ижтимоий турмушнинг келгусида бутун дунёга тарқалиши ва буржуа дунёси устига йўқсиллар дунёсининг қурилишини унутмаслик, ёшларимиздан етишадирган муҳандис – инженер, техник, дўхтир, адаб, файласуф, профессорларимиз ҳаммаси ҳам келгусидаги ижтимоий дунё хизматчилари ва уларни йўқсуллар дунёсида бел боғлаб ишлашига ҳозирлаш эсдан бир лаҳза бўлсин чиқарилмаслиги керак.

У дунёда ишлайтурган улуғ ишчиларимизни бизга заграница дорилғунунлари ва эски дунёнинг профессорлари етишдира олмайдирлар. Уларнинг оқсуяклик, мазлумлар душманлари руҳида тарбияланган муҳандислари йўқсиллар дунёси учун ярамасликлари яширин нарса

эмасдир. Бу очиқ бир ҳақиқатдир. Буни сўз[да] эмас, амалда биз кўрдик. Ўзининг билими, ҳунари билан элнинг хўжалигини, саломатлигини, маданиятини кўтарадурган йигитларимиз фақат Россияяда бўлган ўрта мактаблар орқали тайёрланиб, олий мактаблардан етишишлари очиқдан-очиқ маълум бир нарсадир.

Букун бутун ер юзида кенг йўлга қўйилган ишчи-дехқон болалари учун осон ва енгил бўлган мактаблар бўлиб, мунда тор бир йўл билан тарбияланиш билан кифояланмасдан, ҳар хил фанлар билан тонишдириб, ҳар нарсадан атрофлича маълумотли бўлиб ҳозирланмоқликларини кўрамиз. Бу ўрта ва олий мактаблардан етишдирган ишчилар ўз ҳунарларига мутахассис бўлиб етишмоқлари билан баробар ижтимоий дунёнинг чин ишчилари бўлиб етишишлари йўқсиллар курашининг олдинги қаторида ишлашлари биринчи мақсадимиздир.

Энди биз Россиядан четдаги ўқиши юртларини олсоқ, ундан етишадирган ҳунармандалар буржуа идеологияси билан тарбияланишлари табиийдир. У мамлакатларда атрофни ўраб олган муҳитга бизнинг ўқувчиларимизнинг берилиб кетишиликларини яшириб бўлмайдир (ҳозирдан бошлаб кўра бошладик). Мунга ҳам сабаб ўрталарида 5 йиллик давом этган жумҳуриятда фирмадан четда туриб, турк «афандилар»нинг тарбиясида тарбияланиб, коммунизм қозонида қайнамаганликлари, бунинг устига, кўплари ёш бўлиб, ҳали маълум бир маёқقا тўхтамаганликлари очиқ далил бўлса керак. Бунинг ўрнига, Москов ва Петер мактабларига Туркистон йўқсил болаларини кўпроқ юборишга ҳаракат қиласа яхши бўлар эди.

Москов

Фаргона. 1923 йил 8 июнь

ЧЕТ ЭЛЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР ЮБОРИЛСУН

«Фаргона» газетасининг 80-сонида ўртоқ Қамчинбек (Айнуллин) «Заграницага ўқувчилар юборилмасин» деган сарлавҳа билан мантиқсиз бир мақола ёзиб ўтди. У зот чет элларга ўқувчилар боришидан истиқболда Туркистон йўқсуllibарига кўп заарлар келадир деб қичқиради. Чет элларда ўқувчилар бойлик руҳи билан заҳарланиб гүё йўқсул элнинг болаларига фойдасиз бўлиб етишар эмиш.

Биз, Туркистон ёшлари, умуман, Оврупо ва Амриқо маданиятига ва бу маданиятнинг ибтидосига аҳамият берганимизда ва қуруни вусто (ўрта асрлар) элларигача борсак биздек маданиятда муҳофазакорлик қилган ҳар бир қавми кўрмасмиз.

Кўз олдимизга маданийлашган Японияни келтирганимизда жуда кенглик ва маорифга берилганин кўрамиз. Япония, бир томондан, Оврупога талаба юборса, иккинчи томондан, Амриқога юбора бошлади. Япония бу ҳаракати билан 1866 йилга келганда Оврупо ва Амриқо мамлакатларини талабалари билан тўлдириб юборди. Шундоқ мутаассиб мажусий бир мамлакат 1887 йилга келганда Овруподаги миллатлар қаршисида биринчи, Амриқо мамлакатлари қаршисида улуғ даражалик бўлиб танилди. Шу вақтда Японияда ўқувчи ўғиллар 90% ни ташкил этди. 1905 йилга келиб Япониянинг ўқиган халқи 100% га етди. Ҳамма ўқишга кирди, тааъсуф умумият эътибори билан битирилди. Негаки японлар Оврупони демади, Амриқони демади. Ҳар нима бўлса бўлсун, ўқисун деди. Зотан, Япон афкори умумияси Оврупо маданияти тўғрисида шундоқ ўйлайдир эди. Оврупо ўзининг ҳақиқий деб таниган бузук маданиятини японлар қабул қилмай, Оврупонинг сўнгги маданиятини қабул қилишлари учун ҳамма вақт ташвиқ ясар эди. Мана шунинг билан Япония Осиёнинг умумий маданияти ва сиёсий жиҳатидан Оврупонинг Англияси-

дек, саноатда Германиядек ва бошқалардан юқорида деб ҳисобланган бир давлат бўлиб яшамоқдадир.

Биз туркистонликларнинг ҳам мавқе жуғрофиямиз Оврупонинг сўнгти маданиятини қабул қилишга йўл кўядилар. Биз туркистонликлар умумий Ўрта Осиёning халқлари – ўзбеги, тоғиги, қозоги, қирғизи, қипчоғи, туркмани – ҳаммаси Оврупонинг сўнгти маданиятини деб чет элларга оқишимиз керакдир. Биз Туркистон элининг илмий хасталигининг дориси ёлғизгина Россиядан топилмайдир. Бунинг учун Қамчинбек афандининг бу тўғрида бутунроқ ўйлашига ва атрофли суратда мулоҳаза қилмоғига муҳтожмиз.

Ҳозиргача Оврупода тарбияланиб келган кўп кишиларни кўрдик. Улар бизнинг Россияга буржуа руҳи билан руҳланиб келиб, ибтидоий ва ўрта мактабларимизда бузуқ ва буржуа руҳи билан инқилоб ясаганлари йўқ. Зотан, бир мактаб ва бир билим юртининг талабасига ҳеч бир муаллим мана шу маслакни таъқиб этиб бораман деб айтишга ҳаққи йўқдир, айта олмайдир...

Туркистон ва бошқа жумҳуриятлардан борган ўкувчиларга Оврупонинг профессор ва олими сизлар доимо бойлар руҳида иш қилишга урунинглар, динли бўлингиз ёхуд миллий ишларингизда яхши ва жиддий бўлингиз демайдир. Ялғуз унга илм ва маориф берадир. Илмий бўлгандан кейин ўзига бир йўл идея топиб олишни муаллим талабанинг ўз ихтиёр ва ўз ҳимоясига топширадир...

Туркистонда бугун 6 миллион саводсиз, 3,5 млн ўқиши мавсумидаги болалар бордир. Булар қайларда ва кимларда ўқийдир? Илмлари Туркистоннинг ўзига муносиб бўлиб, ўқимоқни хоҳлаганлар, табиий, четларга бориши керакдир.

Москва ва Петердан ташқари Берлин ва бошқа томонларга борғучилар бўлса, Туркистон учун фойдадан холи эмасдир. Ҳар нима бўлса бўлсун, ўқилсин, ўқитилсин!

Буни демакдан мақсад: бизнинг Туркистондан юборилган талабалар Оврупонинг академияларида, ҳунар ва саноат мактабларида ўқисин дейман. Туркистоннинг хаста-

лиги шундагина тузалар. Шундагина илгари босар. Кўлида нагораси йўқ чўп ургучи Қамчинбек чучварани жуда бузук ўрайдир. Мулоҳазасиз ҳар бир сўзни матбуот оламига отадир. Мен сўрар эдим. Модомики Оврупо бурчакларида тарбия топган олимлар бу кун йўқсуллар маорифи учун жон берурлар экан. Сўнгти тарбия эгалари ҳам шулар сингари бўлинсалар мумкиндири. Бир кишини танқид қилмоқ учун у кишини ижтимоий аҳволидан танқидчи хабардор бўлиши керак. Мана шунга ўхшаш Оврупога бориб ўқиган ўртоқлар буржуа мактабларини кўриб, ундаги оқим ва ҳаётнинг йўқсуллар тарбиясига қарши ўринларини билиб, сўнгидан ўзларининг ҳақиқий йўлларига қайтмоқлари мумкиндири. Сўнгра Қамчинбек афандининг йиглашга эҳтиёжи қолмас.

Фаргона. 1923 йил 1 июль

Салимхон

«КЎМАК»НИНГ ЖАВОБИ

«Туркистон» газетасининг 152-сонида «Кўмақдан муфассал ҳисоб сўраймиз» деган бир бошқармага ёзувни ўқидик. Бу ёзуда «Тошкентда марказий «Кўмак» уюшмаси букунгача ҳисоб бергани йўқ. Бу нарса четда турган кишиларни шубҳага тушириши эҳтимолдир» ва бошқалар. Лекин марказий «Кўмак» уюшмаси газетада ҳисоб бергани йўқ. Бу камчиликни «Кўмак» уюшмаси ўз устига оладир. Аммо маஸъул ишчилар йигинида марказий «Нашри маориф»нинг вазифаси ўқувчиларга моддий ва маънавий ёқидан кўмак эттириш эди. Чунки «Ўзинг учун ўл етим!» деганидек, бу ишга ҳам ўқувчиларнинг ўзлари ҳаракат қилмасалар, булар учун аҳамият берадирган ҳеч ким йўқ эканини тушундилар. Унинг устига, халқقا юқори таҳсилни тушунтирумок, ўқувчиларга кўмак бериш ва кўмак тўплашни кучайтириш, қисқаси, мажлисларида Ўлка ўзбек билим ҳайъати қошида ва «Кўмак» уюшма-

сининг умумий мажлисларида ҳисоб берган эди. Агарда четда бўлиб эшитмаган аъзоларимиз газета орқали ҳисоб сўрар эканлар, хурсандлик билан қарши олиб, навбатда турган вазифамизни бироз илгарирак ўтаган бўламиз.

Тошкент дорилфунуни ва бошқа мактабларда ўқувчилар ўқишида давом этиб турган чоғларидағи кўрган қийинликларни тажрибадан кечиргандаридан кейин ва ҳам келгусида ўқушларини ва юқори таҳсилларини тамом қилмоқлари учун Россияяда ва чет элларда кўрадирган қийинликларини кўзда тутиб 1922 йил 2 майда: 1. Саййид Алихўжа. 2. Иброҳим Орифхонов. 3. Камол Додаҳўжа ўғли. 4. Ризқи Раҳимий. 5. Абдувоҳид Жаҳонгир. 6. Тўлаган Мўмин ўғли. 7. Очил Хўжа. 8. Аҳмад Шукрий. 9. Тоҳир Шокирий. 10. Салимхон Тиллахонлар тўпланиб, «Кўмак» уюшмасини уюштиридилар.

Бу «Кўмак» уюшмасининг мақсади, биринчи навбатда, хорижга ва Ички Россияяга бориб ўқувчиларнинг ишларини енгиллаштириш, Туркистон талабаларига олий таҳсил асосларини яратмоқ нияти билан очилган эди. «Кўмак» ташкил этилганидан сўнг унинг ишчилари ҳам кўпайди. Ҳусусан, ҳукумат идораларида ишловчи ёшлар ниҳоятда кўп кўмак бердилар. Шунинг билан баробар, теваракдан кўп ёрдам берилди. Ҳозир ҳам қараб турмасдан ўз устиларига тушган хизматларни бажо келтирадилар. Ўқувчилар томонидан бир неча ерда клуб, театру ва йигинлар қилиб оқча тўпладилар. Бундан бошқа ҳар бир шаҳар ва уездларга алоҳида вакиллар юбориб кўмак тўпладилар.

Кўмакнинг вакили борган шаҳар ва уездларда ниҳоятда аҳамият бериб хейли кўмак йигиб бердилар. Кўмак ҳам бунинг қаршисида ўзининг вазифасини тамом этиб, ҳар томонга етар даражада бўлмаса ҳам, кучига қараб ҳар томонга ўқувчилар юборди. Биринчи маротаба Германияга Саййид Алихўжа, Аҳмад Шукрий, Абдусаттор Абдужаббор ўғли, Вали Қайюмларни Бухоро ҳукумати ҳисобига ва ҳам турли идора ва наркоматлар ва ҳам Бухоро таъминотидан куйидаги кишилар турли ўқиши юртларига юборилди.

Аҳмаджон Иброҳим ўғли, Султон Матқулов, Темурбек Қозибек ўғли, Битлиев домла, Азимбек Беримжон ўғли, Абдураҳмон Мунитбой ўғли, Хайринисо Мажидхон қизи, Солих Мұхаммад ўғли, Собир Иброҳим ўғли, Абдуваҳҳоб Исҳоқ ўғли, Абдуваҳҳоб Муродий.

Ўз таъминоти билан кетганлар: Марям Жуманиёз қизи, Тоҳир Шокирий, Саида Шераҳмад қизи, Насриддин Шер-аҳмад қизи, Фузайл Шераҳмад ўғли (яна бор).

Туркистон. 1923 йил 29 июль

Турап Рисқулов

ГЕРМАНИЯДАГИ ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ

Сентябрь бошида менга Германияга бориб бир ойча туришга тўғри келди. У ерга борищдан биринчи мақсадим Германияда бир йилдан бўён ўқиб турган Туркистон ва Бухоро ўқувчиларининг аҳволи билан танишмоқ эди.

Германияга ўқувчилар юбориш фикри 1922 йил ёз куни пайдо бўлиб, Туркистон ҳайъат раёсатининг ва Бухоро хукуматининг қарорига биноан Германияга 40 – 50 ўқувчи юборилган эди. Чет элларга ўқувчилар юборишга қарши келгувчилар бўлса ҳам, кўпчилик юбориш фикрини маъқул топди. Ўшал вақтда Қирғизистон, Татаристон ва бошқа жумҳуриятларда ҳам Германияга ўқувчилар юбориш фикри бор эди. Ундан кейин Германияга борган ўқувчилар мактабга кира олмай, Туркия ва бошқа сиёсий қочқинларнинг таъсирига берилган деган хабарлар тарқатилди.

Иккинчидан, Германияга ўқувчилар ўзларининг муҳтожликларини ёзиб, моддий ёрдам кўрсатишни сўрадилар. Шунинг учун уларнинг аҳволи билан яқиндан танишиб, Германияда ўқишлиарининг фойдалик ёки фойдасиз эканлиги тўғрисида натижка чиқармоқ лозим бўлди.

Туркистон ўқувчилари 11, Бухоро ўқувчилари 47 киши дир. Туркистонликларнинг 7 нафари ўзбек, 4 нафари қо-

зокдир. Туркистон ўқувчиларининг ёши етган бўлиб, ўз ва-
зифаларини яхши тушунадирлар. Ҳаммасида яхши маълу-
мот олиш (айниқса, амалий), ундан кейин юртларига қай-
тиб, ўз халқи ва ҳукуматига фойда келтириш ҳаракати бор.

Уларнинг ҳаммаси Туркистон шароитига тўғри келади-
ган мактабларда ўқийдирлар. 4 нафар ўзбек техника акаде-
миясида (бу мактаб Германияда атоқли бўлиб, 4 йил назарий
ва бир йил амалий иш қилинадир), 2 нафар қирғиз қишлоқ
хўжалиги академиясида (3 йил ўқиш ва 1 йил амалий иш),
2 қирғиз кўнчиллик мактабида ўқийдир (Рустенбурғда 2 йил
тажриба оладир), 2 ўзбек (бири қызы) гимназияда (1 йил ўқиш,
3 йил тажриба), 1 ўзбек дорилфунунда (тиббиёт шуъбасида,
5 йил ўқиш ва 1 йил тажриба) таҳсил оладир.

Бухоролик ўқувчилар: 1. Берлин дорилфунунида бухоро-
ликлардан 5 киши бўлиб, ҳар қайсиси турли факультетларга
бўлинган: тиб, фалсафа, сиёсий иқтисод олий техника
мактабининг бинокорлик шуъбасида, электротехника, ма-
шина ва олий қишлоқ хўжалик мактабида. Буларнинг бири
бу йил Дрездендаги олий техника мактабининг макино
(машина) шуъбасига кирадир. 2. Хотин-қизларни ўқитиш
ва тарбия қилиш уйи. Бу уй ўзининг яхшилиги билан маш-
ҳурдир. Ўқиш муддати 2-3 йил бўлиб, бир неча шуъбаларга
бўлинади. Масалан, болалар боғи, болалар уйи, чақалоқ
болалар боқиши, мактабгача тарбия. Мазкур уйда бир ўзбек
қизи ўқийдир. 3. Кёслинг шаҳридаги давлат билим-тарбия
муассасаси. Унда 16 киши ўқийдир (Ўқиш муддати 10 йил).
Ҳаракат қилса тезроқ битирса ҳам мумкинdir. 4. Виттен-
гаузенда қишлоқ хўжалик мактабида бир киши ўқийдир.
5. Гелмштадт шаҳридаги қишлоқ хўжалик мактаби. Унда
4 киши ўқийдир (ўқиш 4 йил олий маълумот берадир). 6. Саксонияда Фрайбург шаҳридаги кўнчиллик мактаби. Бу
энг яхши мактаб саналадир, унда бухороликлардан 2 киши
ўқийдир (ўқиш муддати 3 йил). 7. Лейпциг матбуотчилик
мактаби, унда 2 киши ўқийдир. 8. Броншвейг шаҳрида-
ги дорихона ишлари мактаби, унда бир киши ўқийдир. 9.

Ҳар хил машина ясайдирган фабрикларда 6 киши тажриба оладир. Ундан ўрта техника мактабларига ва дорилфунуларга кириши мумкиндир. 10. Велобод шаҳридаги дорулмуаллиминда 2 киши бор. 11. Дрездендаги муаллимлар мактабида бир татар қизи ўқийдир. 12. Гимназия. Унда бир татар қизи бор. 13. Дўхтири Факкелманинг хусусий ўрта мактаби. Унда 4 киши ўқийдир (ўқиш муддати 3-4 йил. Уни тамом қилғанлар дорилфунунга кира оларлар). 14. Хермсдорф шаҳридаги болалар уйи. Унда бухороликлардан бир бола ўқийдир. Бу мактабларнинг кўпининг асоси назарий ўқитиш билан бирга амалий ўқитишдир.

Бухороликлардан ўзбеклар 35 нафар, татарлар 8 (булардан 4 нафари қиз), туркманлар 5, яхудийлар бир киши. Мана Германия мактабларида ўқувчи Туркистон ва бухороликлар шулардан иборатдир. Баъзи кичкина камчиликларни эътиборга олмасак, умуман, ўқиш ишида тўғри йўл тутилган. Айниқса, туркистонликлар орасида ўқиш иши яхши кўриладир. Бутун ўқувчилар амалий маълумот олмоқдалар. Яхшигина немисча сўзлашни ўргангандар. Ўз юртларига фойдалик киши бўлиш ҳаракатидалар. Бутун ўқувчилар, айниқса, иқтисод билан яшаб бир тийин исроф қилмасдан, бутунлай ўқишга берилганлар. Немис маориф идораларининг вакиллари ва мактаб идоралари бизнинг ўқувчилар билан яхши м uomала қиладирлар.

Немис тилини тезроқ ўрганиш учун бутун ўқувчилар немис оиласирига жойлашганлар. Табиий, бу тўғри йўл бўлиб, яхши натижалар берган. Иқтисод билан яшамоқ учун ўқувчиларнинг кўпи ишчи маҳаллаларида турадир. Чунки унда Берлиннинг марказига қараганда ҳар нарса арzonроқдир. Ўқиш ва тирикчиликлари яхши, аммо сиёсий тарбия иши қаноатланарлик эмас экан. Ўқувчилар ва уларнинг бошлиқлари Россиянинг Берлиндаги вакили билан ҳеч бир алоқада бўлинмаганлар. Масков ва Туркистондан ҳеч бир газета ва сиёсий адабиёт олмаганлар. Фақат Бухоро комиссиясигина Бухородан бир неча номер газета олдиришга муваффақ бўлган. Ўқувчиларнинг бў-

либ турган воқеалардан маълумоти кам экан. Рус сиёсий қочқинлари билан муомалада бўлмасалар ҳам, Шарқ сиёсий қочқинлари (турклар, татарлар ва бошқалар билан) учрашгандар. Аммо уларнинг бизнинг ўқувчиларимизга ҳеч бир таъсири тегмаган. Туркистон ва Бухоро ўқувчилари ўртасида бирлик бўлмай, бир маротаба ҳам ўқувчиларнинг йигилиши бўлмаган, ўқувчилар ташкилоти йўқ экан. Меним вазифам шуларни тузатиш эди.

Қандай чоралар кўрилди? Энг илгари Туркистон ва буҳоролик ўқувчиларнинг умумий йигилишларини чақиришга ва келгусидаги масалаларни ҳал қилишга тўғри келди. Шул йигилишда Туркистоннинг аҳволи ва ўқувчиларнинг вазифалари тўғрисида атрофлик равишда маъруза ўқидим. Бундан бошқа Россиянинг Германиядаги ҳукуқлик ваколати ҳам савдо вакили ишчиларининг ялпи йигилишида ва Татаристон Шўролар Жумҳуриятининг давомига уч йил тўлиши муносабати билан татар асиrlари томонидан ясалган тантаналик кечада Туркистоннинг аҳволи тўғрисида кенг маълумот берилди. Мазкур кечада Германия ташқи ишлар министрлиги вакиллари, Туркия, Эрон сафир (элчи)лари ва оқ сиёсий қочқинларнинг вакиллари ҳам бизнинг ўқувчилар иштирок қилдилар. Ўз-ўзларини текшириб турмоқ, бир ташкилот шаклини бермоқ ва бизнинг ҳукуқли вакил билан алоқа ҳосил қилмоқ мақсади билан Туркистон ва Бухоро ўқувчиларининг вақтинча бирлашган бюроси тузилди. Бу бюородан ташқари ўқувчилар ўзларининг ўқувчилар бюросини ташкил қилдилар. Бирлашган бюро тайин этилган ҳисобланиб, Туркистон ва Бухоро ҳукуматлари томонидан тасдиқ қилинди. Мазкур бюро ва ўқувчилар ташкилоти тўғрисида тузилган вақтлик лойиҳага биноан ул ўзининг ишини ҳукуққа молик бир ташкилот сифатида олиб бориб Германиядаги Шўро ўқувчиларининг умумиттифоқига киришлари керакдир.

СССРнинг Германиядаги ҳукуқлик вакили ёнида уч Ўрта Осиё жумҳуриятларининг маҳсус бир савдо вакили

бўлишини лозим топдиқ. Бу вакил савдо ишларидан бошқа ўқувчиларнинг сиёсий йўлбошчиси ҳам бўлмоғи кепрак. Ҳозир вакил тайин қилинганча бизнинг ўқувчиларга бюро орқалик ҳуқуқли вакил йўлбошчилик қиладир. Ўқувчиларни тўғридан-тўғри Масковдан ва Ўрта Осиё жумҳуриятларидан газета ва бошқа адабиётлар билан таъмин қилиш чоралари кўрилди.

Бутун Туркистон ўқувчиларига тайин қилинган стипендия миқдорида меним томонимдан 5 ойлик маош берилди.

Сўзнинг охирида шуни ҳам айтиш керакки, Германияда ўқувчилар фойдалик иш ўрганадирлар. Улар келгусида юртларига қайтиб билимлари билан кўп фойда келтирадирлар. Шунинг учун харажат қилиб юборгандан кейин ҳозир уларни қайтариш, табиий, тўғри эмас. Балки уларга ўқишиларини тамом қилишига имкон бериш керак (!).

Бухоро ўқувчиларининг камчилиги шулдирким, уларнинг кўпи тубан даражада маълумотлик бўлиб, ёшлари жуда кичкинадир. Табиий, чет мамлакатларга ўрта ёки юқори даражада маълумотлик кишиларни юбориш керак. Агарда тузилган ташкилот давом қилса, бизнинг ўқувчиларга ҳеч бир чет шахслар таъсир қила олмайдир.

Энди келгусида чет мамлакатларга ўқувчилар юбориш масаласи маҳсус текширилиши ва ҳал қилиниши керак.

Туркистон. 1923 йил 19 декабрь

Файзулла Хўжа

1920 – 1924 ЙИЛЛАР

«... Маориф ва матбуот. Бухоро ўлкаси ҳар вақт илм ва маърифат бешиги бўлмоғи билан фахр қилур эди. Бурун вақтда чиқсан олимлар биргина руҳонийлар эмас, табиблар, муаррихлар, шоирлар ва муҳандисларимиздан дунёда яшаган кўп халиqlар ибрат олар эдилар. Бизнинг

мадрасаларимиз вақти билан Макка ва Мадина каби ат-рофдаги халқтарни ўзига жалб қиласр эди.

Амирлар усули идораси ва беклар ҳокимиияти вақтида бу маориф чашмаларидан ҳеч нарса қолмади... Ўтган вақт билан ҳозирги вақт орасидаги фарқни душманларимиз ҳам мушоҳада қилсалар бўлур. Мамлакатимиздаги ибтидоий мактабларда дорилмуаллимларда ўқиганлар сони ўн мингларча ҳисоб қилинадир.

Озми-кўпми замонга яраша муаллимларимиз мавжуд. Ўқув ва ўқитув асбобларимиз ҳозир. 300 га яқин талабаларимиз хорижий мамлакатлардаги ибтидоий ва ўрта мактабларда ўқимоқдалар.

Бу тарафдан келгусимизни таъмин қилмоқ учун мумкин бўлган чоралар кўрилмоқдадир. Фақирлигимизга қарамасдан, янги мактаб бинолари ҳозирланмоқдадир. Ўрта Осиёда мисли бўлмаган театру биноси мавжуд. Ёшлиаримизнинг бу йўлдаги қозончлари кўз олдирадир.

Халқни анвар қилатурган қироатхона, клублар ҳар бир шаҳримизда бордур. Булар билангина кифояланмасдан 30 – 40 ёшгача келган саводсизларимиз учун кечки хат-савод курслари кўпаймоқдадир.

Матбуотга амир замонида йўл берилмади. Инқилобнинг бошидан буён кундан-кун халқ рағбати ортган газеталаримиз чиқиб келадир. Давлат нашриётимиз томонидан нашр қилинган китоблар оз ва керак микдорда бўлмаса ҳам, янги асослар деб ҳисоб қилмоққа тўғри келадир. Халқимиз ўртасидаги хат-саводсизлик битиб, маданий юксала бошламоғимиз шубҳасиздир...

Ишимиз тўғри, йўлимииз ойдин ва муваффақият бизнинг тарафдадир. Биз бунга ишонамиз».

Озод Бухоро. 1924 йил 2 сентябрь

20-ЙИЛЛАР МАТБУОТИДАГИ «НАШРИ МАОРИФ» ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАТЕРИАЛЛАР

ЕРЛИК ХАЛҚ МАОРИФИДА МУТТАҲИД ФРОНТ

Туркистон шўролар жумҳуриятидаги маорифпарвар ёшларга хитоб

Бир вақтлар Чор ҳукумати ва унинг хоин миссионерлари қўл остида жуда оғир ҳоллар кечирган Туркистон маорифпарварлари, шўронинг ҳукумати даврида хейли кенг план ва зўр ғоялар билан ишга киришган эдилар: беш йил инқилоб даврининг аввалги йилларида маориф ишларимиз ғоят ёруғ ва умидлик бир ҳолга кира бошлаган ва бу йўлда асосли бир замин ҳозирлана бошлиғон чоқда маорифимиз бирдан турғунлиқ ва тушқунлиққа йўлиқиб қолди.

Бунинг сабаблари жуда қўп бўлса ҳам, каттараклари маориф ишларида кўрпага қараб оёқ узатмағонлигимиз, маориф аҳларининг халқдан узоқлашқонлиқлари, маориф ишларида Туркистон халқининг Оврупо гази билан ўлчалганлиги, имло каби хусусий ва фаний равишда ҳал этилатурғон масалаларда Туркистон ёшларининг ўзаро ихтилоф қилиб, ҳар турли араз ва синизлар билан бир қадар вақт маориф ишларидан чеккага чиққонлиқлари ва бунларнинг устига Самарқанд ва Фарғонада беш йилдан бери давом этиб келган босмачилиқ ҳаракатларидир. Бунинг устига, янги иқтисод сиёсати орқасида қўп мактабларимизнинг таъминоти маҳаллалардаги маблағларга ва маҳаллий халқнинг ўз эркига қолдирилди.

Бу ҳақиқатларни кўра ва била туриб шу юқоридоғи сабаблар билан курашмасак ва ўзаро жанжалларимизни бир тарафга ташлаб қўл қўлға беришиб бутун тиш ва тирноғимиз билан маорифга ёпишмасак, Туркистон маорифи ўлди ва Туркистоннинг порлоқ келгуси, балки ҳаёти ва қўрқинчли қоронгулиқдан қутулиши фақат маорифгагина боғлиқдир. Туркистон халқи маориф ва маданият нарвонининг биринчи поясига эндиғина қадам босди. Бу тўғрида ҳали қилинатурғон хизматлар жуда кўп, кўзланган мақсад жуда узоқдир. Моддий ва маънавий томондан ишланмаги зарур бўлган ишларнинг ҳали мингдан бири ҳам ишланган эмас. Маориф ва маданият йўлида ҳали бизнинг тилимизга олинмаган, балки хаёлимизга ҳам келмаган буюк хизматлар ва ечилмаган масалалар бор. Фанний ва илмий тадқиқот ва мубоҳасалар бир томонда турсун, ибтидоий мактабларни бир йўлга қўйиш учун ҳам кераклик чораларни ҳануз топа олғонимиз йўқ. Тил ва адабиёт масаласида эса ҳалигача унинг бошланғичи бўлган ёзув ва имло тўғрисида асослик бир йўл тополмасдан, турлимиз турли томонға тортишиб кўзланган мақсаддан чеккага чиқиб кетдик. Шу саналган камчиликларни, қанча оғир бўлса бўлсун, иқрор қилмоқ билан бирга биз, Туркистон маориф ходимлари, устимизга тушган бу фоят муҳим ва масъулиятлик вазифаларни – қанча оғир бўлса бўлсун – комил сабот ва матонат, улуғ қаҳрамонлик ва олижаноблиқ билан ибфо қилмоғимиз лозимким, буни инкор қилиб бўлмас.

Мана шул ҳолларни эътиборга олиб Тошкентнинг бутун ўзбек маорифпарвар ёшлари ва масъул маориф-маданият ишчиларининг умумий йигини, Туркистонда маориф ишларининг сусайиши ва маориф ходимларини орасидаги жанжалларнинг сабабларини яхши англаб билмакни лозим топиб, шунга маҳсус бир ҳайъат сайлади. Бу ҳайъатнинг бир неча кунлик фаолияти натижасида маориф ишчилари орасидаги бутун англашилмаслиқ-

ларнинг бартараф қилинганилиги тўғрисида ўзаро бирлик ясалиб ва аҳдномалар тузилди. Маориф ишларимизнинг энг оғир ва бўхронлиқ бир вақтида шу ишни пастлаш ва юқорилашдан қутқориб қолмоқ учун бирлашган Тошкент ўзбек маориф маданият ходимлари, бутун ўлқадаги маорифпарвар ўзбек шоввозларига шу бирлашишни саимий бир тантана билан эълон қилмоқ баробарида уларга қўйидаги таклифларни қиласидир:

1. Бутун ўлқадаги ўзбек маориф-маданият ходимлари ўз ораларидаги барча жанжал ва битишмасликларни ташлаб, қўл қўлга берилиб, маорифнинг юксалиши учун ортиқ даражада зўр ғайрат билан ишласинлар.

2. Халқни маорифга ва маорифни халққа яқинлаштиримоқ учун қўлларидан келган ҳар бир чорага киришсинлар.

3. Самарқанд ва Фарғонада халқнинг бутун хўжалик ишларини ва бунинг орқасида маориф ишларининг барбод бўлишига сабаб бўлган босмачиликка қарши ҳукуматга ёрдам берсинлар.

4. Туркистон ўзбекларнинг маориф ва маданият ишларини тўғри бир йўлга қўймоқ учун Тошкентда «Нашри маориф» исминда бир жамият очиш ҳаракатига киришилди. Шу жамият расмийлашганидан сўнг матбуотда эълон қилиниши билан дарҳол шу жамиятнинг ҳар ерда шуъбаларини очишга киришсинлар. Если халқнинг маориф ишларида бизда муттаҳид фронт ташкил этилмақдадир. Шунга яқиндан аралашмоқ ва умумий душманимиз бўлган жаҳолат билан курашмакка барча ўзбек маориф-маданият ходимларини даъват қиласиз.

Мунавварқори Абдурашидхон, Маннон Рамз, Шокиржон Раҳим, Заҳуриддин Аълам, Элбек, Шаҳид Эсон, Салимхон Тиллахон, Ҳамид Сулаймон, Ҳолмуҳаммад Охундий, Мажид Қодир.

Туркистон. 1923 йил 1 январь

«НАШРИ МАОРИФ» НИМА?

... Мана бу самимият ва бу табиий бир түйғу – маориф түйғуси. Бугун бир мақсад теграсида – маориф теварагида бирлашдик. Мана бу бирлашиш ва бу бирлик Туркистоннинг маркази Тошкентда «Нашри маориф» деган бир уюшмани очиш билан натижаланди. Мана бу уюшма холис маориф ва маданият уюшмаси бўлиш сифати билан бу кун ташкил қилиниб бутун эски маориф ишчиларини бир нуқтага тўплаш, маориф ишини халққа фойдалиқ ва севиклик бир суратда танитдиришни ва уни бутун ўлкамизга тарқатишни ўз устига олди.

Ишончимиз комилдирки, «Қарс бир қўлдан чиқмас» деган сўзга биноан, бу кунга Кенгашлар ҳукумати томонидан маорифга бўлган ташаббуснинг ёнига халқдан ва халқ ўртасидаги маориф аҳлларининг ҳаракати ҳам бирга қўшилиб, келгусида маориф ишлари ниҳоятда тараққий қилиб, бу тўғрида тутилган мақсадга тез етилур.

Бу уюшманинг бунгача бўлган уюшмалардан фарқи шулдирки:

1. Бу Тошкентда биргина бўлиб очилмоғи билан Туркистоннинг ҳар бир шаҳарларида шуъбалари бўлмоғи мумкинdir.

2. Ўзи учун расмий қонуни (устави) бўлиб, бу эса тегишик ерлардан тасдиқ қилдирилган.

3. Уюшманинг энг муҳим соғда маорифни тарқатиш тўғрисида халқнинг кўзи очиқ кишиларининг интизор бўлиб турганлари устига ҳукумат томонидан ҳам маориф масаласига зўр аҳамият берилиб турган бир чоқда очилган.

4. Бу уюшма ўзгариш бошларида очилмасдан, балки маориф ишларида бир қадар тажрибани бошдан кечирилган вақтда тузилган.

Мана шул сабаблар бўйича «Нашри маориф»нинг яхши йўлга қўйилишига (агар бир ногаҳоний монеъ учрамаса) кўп кишининг кўнгли тўқдир.

«Нашри маориф» ўюшмасининг қисқача мақсадлари:

1. Ўзбек халқининг адабий тилига, у тилнинг атамалари, имлоси ва бошқа тўғриларига оид масалаларни ишлаб чиқмоқ.

2. Миллий санъатни ўрганмак ва ўргатмак.

3. Ўзбек турки тарихини ҳам урф-одатларини ўрганиш.

4. Мактаблардаги таълим-тарбияяга оид масалаларни йўлга қўймоқ.

5. Иш аҳллари ва санъат ходимларига ёрдам бермоқ.

6. Туркистон, Россия ва бошқа чет элларнинг юқори мактабларида ўқувчиларни кўпайтирумак, бунинг учун тегишли чораларни кўрмак.

7. Халқимиз орасидаги ҳукм сурмақда бўлган беҳуда хурофот ва таассублар билан курашмак. Қисқаси, ўзбек халқининг маданий ва илмий ёқларидан юксалишига бир йўл билан хизмат қилмоқдир.

Ўюшма мақсадларига етишмак учун қўйидаги ишларни қилишга ҳаққи бор:

1. Мубоҳаса, мунозара, маъруза, муҳозаралар ва, шунингдек, нарсалар тартиб этмак.

2. Фаний саёҳатлар ясамоқ ва фаний ҳайъатлар тузмак.

3. Вистафкалар (кўрсатиш) ясамоқ.

4. Кўйилган қонун доирасида вақтлик ва вақтсиз матбуот нашр қилмоқ.

5. Китоблар, қўлёзмалар ҳам эскиликка ва маданиятга оид нарсаларни тўпламоқ ва тарқатмоқ.

6. Илмий таълифот, санъатга оид асарлар учун пойга (конкурс) қилмоқ ва соврун бермоқ.

7. Ўзбек маорифи учун керакли бўлган усталар (мутахассис) етиштириш чораларини кўрмок.

8. Масъул тилмочлар, тузатувчилар, вақтлик ва вақтсиз матбуот хизматчилари бюроси очмоқ ва бошқа шунинг кабилар.

9. Ўз мақсадига етишмак йўлида кўмакда бўлмоқларини сўраб ҳукумат маҳкамалари ва жамоат муассасаларига мурожаат қилмоқ.

10. Тилимизда тез ёзиш (истинуфроф) усулини юзага чиқармоқ ва бўлаклар (уюшманинг бошқа томонлари ҳозиргача юритилган уюшмалар йўли билан борадир. Бу тўғрида устафида тафсилот бор).

Туркистон. 1923 йил 13 февраль

Мунаввар

**«НАШРИ МАОРИФ»
УЮШМАСИННИНГ АҲАМИЯТИ**

Маданий мамлакатларнинг ҳар бирида маориф-маданият ишларини, одатда, халқ ўзи олиб борадир. Ҳукумат эса ёлғиз раҳбарлик ва ёрдамчилик вазифасинигина адо этиб турадир. Шул сабаблик онгли миллатлар ўзаро илмий, фанний, адабий ва ижтимоий уюшмалар ва нашри маориф жамиятлари тузиб, ҳукуматларининг раҳбарлиги ва миллатларининг ёрдами орқасида халқни маориф ва маданий жиҳатдан юқори кўтаришга, оқартиришга хизмат ва ҳаракат қиларлар. Дунёнинг энг маданий мамлакатларига назар солсак, унда маданият ва маориф ишларини ҳукумат устолларидан кўра кўпроқ жамоат устолларида, маориф назоратидан кўра нашри маориф уюшмаларида ишланганлигини кўрамиз. Ҳукумат арбобларининг ҳам кўпраги маҳсус соатларда ҳукумат кабинетларида расмий вазифаларини адо этганидан сўнгра қолган бўш соатларида жамоат кабинетларида ўтириб халқнинг

тараққий ва таолийси, маориф ва маданияти йўлида виж-
доний вазифаларини адо этадирлар.

Буларнинг хизматлари ва ҳаракатлари ўз халқи ва
миллатларининг маданий даражасига, аҳволи руҳияси-
га мувофиқ бир суратда бўлганлиги учун табиий афкори
омма, халқ ва миллат буларга ёрдам берар ва орқалари-
дан эргашарлар.

Мана бу йўллар билан бу кун Оврупо ва Амриқо халқла-
ри ҳавода учар, дengiz остида сузар, дунёning энг нариги
бурчаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолатга, бир
маданиятга эришдилар.

Энди ўз ҳолимиз ва ўз тарихимизга боқсак. Бир вақтлар
Оврупо ваҳший экан, биз маданий эдик. Оврупо попосла-
ри «Осиё осмонга жисман учдими, руҳан учдими?» каби
диний низолар билан бир-бирларининг бўғишар эканлар,
усмонли турклари Истанбулни фатҳ этмак, Туркистон
турклари мадраса ва расадхоналар бино қилмоқ каби ма-
даний ишлари билан машғул эдилар.

Сўнгратари Оврупо халқлари маориф ва маданият
йўлида ишлади. Бу ҳолга етишди. Биз тушдик, ухладик,
ишламадик, бу ҳолга етишдик. Бу кунгача Оврупо халқи
осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овру-
поликлар дengiz остида сузар экан, бизда узун ва қисқа
кийим жанжаллари, Оврупо шаҳарлари бутун электрик
билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда
жуғрофия ва табиат ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари...
давом этди.

XX аср бошларидан эътиборан бизда ҳам маориф ва
маданият сўзларини оғизга оловчи, тараққий ва таолий-
нинг кераклигидан матбуотда ёзувчи, мажлисларда сўз-
ловчилар чиқди. Билфеъл янги усул мактаблари очилди,
газеталар чиқорилди, жамияти хайрия ва нашри маориф
уюшмалари ташкил этилди.

Фақат чор ҳукуматининг полициялари, охраний от-
деллари бундай маданий ишларда ерлик халққа очиқ йўл

бермади. Бир томондан очилса, иккинчи томондан ёпа берди. Шундай бўлса ҳам, ул замоннинг ёшлари, тараққийпарварлари ўз мақсад ва маслакларида событқадам бўлдилар. Бу газеталарни ҳукумат ёпса, иккинчисини очиб, бирини қисса, иккинчисини кенгайтириб туришиди, тўхтамадилар. Ҳукуматнинг қувиш ва сиқишилари уларни умидсизлантирмади. Мақсад ва маслакларида давом этдилар. Ҳеч мумкин бўлмаган бир замонда четга ўқувчилар юбордилар. Мактабларни ўрта даражаларга олиб бордилар. Жамиятлари четга кетувчи ўқувчиларга ва мактабларга моддий ва маънавий ёрдам берарлик даражада кучга эга бўлдилар. Газеталари афкор оммани хейли қўлга олиб, уч-тўрт минг нусха сотиладирган мартабага етди. 4-синфларгача етарлик мактаб китобларимиз ҳозирланди. Ҳукумат ҳам маҳсус мақсад билан очган рус-тузем мактабарини янги миллий мактабларга рако-бат қила олмаслигини англаб оз бўлса ҳам ислоҳ этмакка мажбур бўлди...

Мана бу юқоридаги саналган ва бу кунда тарих саҳифаларига топширилган миллий маданий хизмат ва ҳаракатларнинг ҳеч бири ҳукумат устолларида эмас, ёлғиз жамоат устолларида ишланган ишлардур. Ҳукумат устоллари эса ул замонда бундай ҳаракатларга том маъноси билан хилоф ва қарши борар эди. Бу қаршилик қувиш ва қисишилар жамоат хизматчиларининг кўнгилларига шул қадар теккан ва зериктирган эдики, инқиlob бўлиб ерлик халқнинг маориф ва маданиятга, таолий ва тараққийсига қарши устоллар йиқилган кундан бошлаб ҳар бирлари ҳар ерда отилиб ҳукумат устолларига миндилар-да, жамоат устолларини бутунлай тарк этдилар. Ҳам ўз мақсад ва маслакларини ёлғиз расмий кабинетларда ўлтириб давлат пули, давлат қонуни ва ҳукумат кучи билан вужудга чиқармоқ фикрига тушдилар.

Халқ фикри, халқ аҳволи руҳияси, халқ даражайи маданияси ва халқ ёрдами кўпинча эътиборга олинмади. Биз-

нинг энг буюк хато ва янгилишимиз ҳам шунда эди. Ҳам бундай улуғ инқилоб вақтида бизга ўхшаш маданиятсиз миллатга шундан бошқа чора, эҳтимолки, йўқ. Топилмасда эди. Мана бу воситалар билан биз қора халқдан узоқлашдик, ўзимиз билан бирга мақсад ва маслагимиз ҳам узоқлашди.

Бундан, табиий, маориф ва маданият душмани бўлган қоринпарастлар, мутаассиблар истаганича истифода этдилар. 16-йилларда янги мактабларда янги мактабларга рақобат қила олмаган эски мактаблар бу кун даҳшатлик суратда тараққий этдилар. Эски Тошкент маориф шуъбасининг сўнгти олган ҳисоби бўйинча, бутун янги мактаб шогирдлари 4000 га тўлмагани ҳолда, эски мактаб ва қориҳоналарда 7000 қадар миллат боласининг эзилиб ётқонлиги кўринадир.

Бу ҳоллар Туркистон маориф ва маданиятининг маркази бўлган Тошкентда, агарда биз Тошкентдан қанча четга чиқа борсак, маориф ва маданият ишларимиз шунча ёмонлана борадир. Бугун янги мактабларни «куфр уяси» деб эътиқод қилган ва янги мактаб муаллимларидан шайтондан қочган каби қочган ва кўрқкан кишиларни, қишлоқларни, ҳатто шаҳарларни топмоқ мумкин.

Бунга сабаб, бир томондан, халқнинг нодонлиги ва мутаассиб уламоларнинг ифвоси бўлса, иккинчи томондан, бизнинг ёшлар ва маорифпарварларимизнинг халқ фикри ва халқ ёрдамини бутунлай унутиб, ёлғиз ҳукumat кучи ва ҳукumat пули билан иш кўрмак хаёлига тушганликлари ва бу хаёл орқасида халқдан хейли узоқлашганликларидир. Агарда биз аввалда бир неча инқилобларни кўриб тажриба ҳосил қилган бўлсак, табиий, бу беш йиллик инқилоб даврида маориф ва маданият йўлида жуда ўйлаб ишлаган, қора халқни тамом қўлга олиб тараққий ва таолий йўлига ўзимиз билан бирга олиб кетган ва бу восита билан инқилоб давридан қора халқни фикр, маориф ва маданият жиҳатидан жуда кўп фойдалантирган

бўлар эдик. Энди бўлар иш бўлди. Инқилоб денгизлари-нинг тўлқунлари пасайди. Ҳар иш ўз йўлига ва ўз тартибига кира бошлади. Бу кунгача давлат сармоясидан таъмин этилиб келган маориф ва маданият муассасалари-нинг кўпрак қисми маҳаллий сармояга ва халқ ёрдамига қолдирилди. Бу кунгача маориф ва маданий ишларни ҳукумат кучи ва ҳукумат пули билан олиб бормоқ хаёлида маорифпарвар ёшларимиз энди халқ кучи ва халқ ёрдами билан олиб бормоқ фикрига келдилар. Бунинг учун халқ фикри ва халқ руҳи билан ҳисоблашмоқ лозимини ҳам, шояд, англагандирлар. Ишлар бу фикр ва йўл билан юритилган тақдирда халқни ҳам маориф ва маданият ишлари атрофига тўпламоқ ва орадаги англашилмовчиликларни халққа тушунтириш ва амалда ишлаб кўрсатиш йўллари билан орадан кўтармакнинг мумкинлиги тажрибадан маълумдир.

Табиий, бундай ишларни энди ёлғуз ҳукумат кабинетларида ўлтириб эмас, жамоат устолларида ва қора халқ орасида ишламак лозимдир. Бунинг учун ҳар ерда «Нашри маориф» уюшмалари очмоқ ва бутун маорифпарварларни, ёшларни, чолларни шул уюшма атрофига тўпламоқ керакдир.

Туркистоннинг ҳаёти, Туркистоннинг нажоти ёлғиз маорифга ва маорифнинг тараққийси эса бутун халқнинг шу нашри маориф уюшмалари атрофига тўпланмоғига боғлиқдир. Шундагина биз маданий миллатлар қаторига кира оламиз, шундагина биз маданият дунёсида ўз ҳуқуқимизни ололамиз.

Туркистон. 1923 йил 4 март

ТУРКИСТОНДА «НАШРИ МАДАНИЯТ ВА МАОРИФ» ЖАМИЯТЛАРИ

Яқиндан буён Туркистон ўлкасининг бутун музофотларида, уездларида «Нашри маориф» жамиятлари очилди ва баъзи ўринларда (Хўқанд) эндиғина очилмоқда. Ҳатто бу тўғрида бир вақтлар Ички Россия мусулмонлари орасида бўлган ва кўп замонларгача чўзилган «мактабми, ишколами?», «гимназиями, приютми?» деган мунозаралар сингари мунда ҳам «Нашри маориф»ми, «Қўмак»ми бўлсин деган мунозаралар бўлмоқда. Майли, қайси бўлса бўлсин. У тўғридаги фикримизни айтмоқдан илгари шуни айтмоқчимиз: Албатта, бундоқ уюшмаларнинг бўлиши маданият осори бўлиши билан баробар маданиятнинг биринчи босқичига қадам қўйган ёки қадам қўймоқ ҳаракатида бўлган миллатлар, мамлакатлар, ўлкаларда бўлур. Ёхуд маданиятли миллат бўлиб-да давлат бюджети халқ маорифи ва халқ маданиятининг масори-фини қопларлик даражада бўлмаганида бўлар. Бизда иккви ҳам мавжуд. Бизнинг Россия Жамоҳир Иттифоқи ва унинг бир парчаси бўлган Туркистон ўлкаси маданиятли мамлакатларга қиёсан жуда пастда ва шу пастдалиги сабаблик (бовужуд бошқаларга қарагандা маданият ва маориф зарур бўла турибди) халқ маорифини керагинча ва турли ерлардаги бир-икки юз талабаларимизни таъмин эта олмаймиз.

Аслида, гап унда ҳам эмас. Уларнинг ҳолларин таъмин этсак ҳам, этмасак ҳам, улар ўқишни давом этти-рарлар. Улар «сув бўлса симириб, тош бўлса кемириб» дегандек ўқирлар. Улар отасининг иссиф уйларин, она-сининг ширин-ширин сўзларин ташлаб, фақат ўқишга, маорифга берилиб узокларга кетган умид юлдузларимиздир. Локин омма-кўпчиликни эплаб ётган халқ қоронгулиқда атрофларин оқ бошли, ола чопонли қарга-

лар, қора парда – таассуб пардаси ўраб олган. Агар уларни шу аҳволича қўя берсак, бу кунга кераклиси билан эртагисини айтмасак, балки улар қул бўлиб яшамакка маҳкум бўлса ҳам, шу кетишдан айрилмас ва айрилгуси келмас. Мана биз буларни ўқитишимиз маданият билан танишдиришимиз, кишилик дунёсиға чиқаришимиз, шунинг билан баробар, юқоридаги қаҳрамон ўқувчилаrimizning ададларини кундан-кун, ойдан-ой ортдиришимиз керак.

Шунинг учун бизга бир неча «Кўмак», бир неча «Нашри маориф» ва шу йўлда тагин алланечча алланималар бўлса ҳам оз. Шўролар ҳукумати октябрь инқилобининг бошиданоқ илм-маориф ва маданиятга кенг йўл очди. Мумкин қадар мактаблар очди. Локин бир даража кенгайиб бормоқда бўлган мактаб ва маориф ишлари, молия ишларининг чиғиридан чиқиши сабаблик янги иқтисодий сиёsatнинг майдонга қўйилиши соясида йўлга қўйилиб етмаган маҳаллий сармоянинг таъминига кўп нарсанинг боғланиши ва, шу жумладан, мактабларнинг таъмини ҳам унга боғланиши орқасида гуллаб келаётган мактаб ва халқ маорифининг сабоги сўлиди. Бу ҳол муваққат бир нарса, молия ишларимиз тузалгунича молия ишларимиз тузалар. Маҳаллий сармоянинг келим-чиқимлари йўлга қўйилар. У вақт маориф ишларимиз ҳам инқилобининг бошидагидек тароқлаб кетар. У вақт «Кўмак»нинг ҳам бошқасининг ҳам лозими қолмас. Локин биз унгача бу жаҳолат, қоронғулик фронтини бўшаштирмаслигимиз, позициямизни маҳкамлашимиз керак.

«Маҳкамлашимиз керак» дегани «Кўмак», «Нашри маориф», «Ўқувчиларга ёрдам жамияти» ва бошқа шунингдек жамиятларимизнинг бўлиши демакдир. Сўз келганида шуни ҳам айтиб ўтмак керак. Ўтган йили Марказнинг тасдиги билан «Кўмак» исмида ўқувчиларга ёрдам уюшмаси очилди. У уюшма исмидан мозийлари қоронғу

бир неча кишилар қўлларида мандат қути билан Туркестон ўлкасининг бутун паст-баландини айланиб бир неча 10 миллиардгача пул ва моллар йигди. У йигилган нарсалар тўғри йўл билан сарф қилинган бўлса эди. Мусофиrotда таҳсилда бўлғуси талабаларимиз хейлигина кўкракларини кўтариб олар эдилар. Локин мааттаассуф яхши ниятлар билан барпо бўлган бу уюшманинг йигилган нарсалари «ёмон ниятлар»га қурбон бўлди.

У ионалар кўп кишиларни савдогарчиликка солиб, оёғин олтита ва кўплариникини тўртта қилиб қўйди. Улардан ҳисоб оладирган ҳеч бир зот йўқ. У «зоти шариф»нинг (?) матбуот саҳифаларида ҳисоб бермоққа вижданан мажбур бўлсалар ҳам, танзил этмадилар. Шу равишда ионалар кумга сингган сувдек бўлди-да кетди. Ишларнинг бу кайфиятда бўлиши янги бошлананаётган эзгу кўп ишларимизнинг ривожланмаслигига ва халқимизнинг ундоқ уюшмалар ва жамиятларга совуқ қарашларига сабаб бўладир.

Энди бу карра пишиқ бўлдик. Бу очилган ва очила-дирган «Нашри маориф» жамиятларимизда халқ тарафидан сайланган ҳайъат, идора ва тафтиш ҳайъати бўлур.

Халқнинг пешона териси билан топилиб, яхши ниятлар билан иона қилган оқчанинг ҳар бир тийини бежо ерларга кетмаслигига ишонамиз.

Фаргона. 1923 йил 17 май

МАОРИФ ИШЛАРИМИЗ

Бизнинг энг катта дардларимиздан бири, шубҳасиз, жаҳолат дардири. Бошимизга ҳар бало келса шу билмаслигимиздан келадир. Биз ҳар мушт есак шу билмаслигимиздан еймиз. Болаларимизнинг тарбияси қанча зарур бўлса, катталаримиз шунча жоҳилдурулар. Хотинларимизнинг тарбияси шунча ноқисдур. Бунинг устига, эски тарбиянинг таъсири жуда кучликдир. Ҳол шундай экан, бутун Туркистонда бармоқ билан кўрсата оларлик «бир мактабимиз» йўқдир.

Бизда тарбия ишларимиз шундай муҳим экан, билим юртларимиз хароб. Бизда ўқиган кишилар қанча бўлмаса, факультетларимиз шунча бузук. Ҳозир биз тартиблик суратда ўқитувчи чиқара оладирган бир илмий муассасага эга эмасмиз. Ҳозир, ҳеч бўлмаса, таълим-тарбия ишларига раҳбарлик қила оладирган бир журналинизм йўқ. Очиқча айтганда, бизда ҳоло асослик бир нарса йўқ...

Барчага маълумки, Туркистоннинг аҳволи ва табиати бошқачадир. Бундаги ишларни олиб бормоқ учун ўз табиатига мувофиқ ишлаб чиқармоқ зарур. Бўлмаса, шунча йилдаги тажрибаларимизнинг кўрсатгани каби натижасиз қоладир.

Тузуккина бир ўқитувчимиз йўқ экан, ибтидоий мактаблар учун тузилган программада 15 турлик фан киргизмиз, иш талаб қиласмиз. Ҳали мактабда талаба йўқ экан, биз Амриқо усули билан таълим йўлларига машғул бўламиз.

Бу ишларнинг ҳаммаси биздаги маориф ишларининг бир марказга боғланмагани ва шу ишларни ишлаб чиқа оладирган бир муассасамизнинг бўлмаганидан чиқадир.

Шул ҳақиқатларни англаб бўлса керак, «маорифга муттаҳид фронт» ташкил этилмакчи ва «Нашри маориф» уюшмалари ташкил қилинмоқчидир. Биз бу ҳаракатни

олқишлиймиз ва бошқа ишларимиз каби сусайиб қолмас-лигини кутамиз. Фақат шу түғриларда үз фикримизни ҳам айтиб ўтмакчи бўламиз.

Туркистонда иқтисодий ва ижтимоий ишларни Туркистон мусулмонлари фойдасига ишлатмак ва натижалик ишлар майдонига қўймак учун шу мамлакатнинг аҳволи ва руҳига мувофиқ ҳаракат этиш қанча керак бўлса, маориф ишларида жиддий, Туркистоннинг бошлиқ раҳбарларига муҳтојмиз.

Ҳозиргача кўриб келган ишларимиз, ўткарган ҳолларимиз бизга шуни зарур топадир. Биздаги ишларни «нариги ёқ» гази билан ўлчамак тўғри эмас. Ёлғиз маориф ишларини эмас, ёшлар уюшмаларини ҳам шу кўз қараш билан текширсак, бу кунги ёшлар уюшмасининг ўтган йиллардан кўра хароблигини сабабини шундан топа олурмиз. Бизда ёшларнинг тарбияси муҳим. Ҳолбуки, бунинг бирдан-бир ташкилоти бўлган жой кундан-кун руҳсиз, кундан-кун бузулмоқда. Бунга ҳам жиддий боқмоқ алас эмасдир.

Биз бир вақт бўлса-ку, шу асосларни ишлаб чиқсан ва шунинг билан ишимиз битса... бу ҳам тўғри эмас. Шу ўзимиз ясаган асосларни йўл юритмак учун үз қўлимиз билан олиб бормоғимиз лозим.

Биз тағин шу сўзни такрор қиласмиш: бизда үз кишиларимизга ишонч йўқ, үз кишиларимизни танимаймиз, аҳамият бермаймиз. Гёё бизнинг кишиларимиз ҳеч нарсани билмайлар, гёё биз бир ишни қўлга олсоқ бажара олмас эканмиз!

Бошқалар олиму фозил, уларнинг қўлидан ҳар иш келар эмиш. Улар билиб иш қиласмишлар! Мана бу эътиқод бузук, қуруқ ваъда!

Бизнинг кишиларимиз ўзимизга қараб... бошқалардан кўра пухта, етишган кишилар. Бизнинг ишчиларимиз назарий эмас, амалий ишчилар. Хайр, биз үз кишиларимизни унча маълумотлик деб атамайлик. Шу ҳолда ҳам биз

даъво қиламизки, шу кишиларимиз бошқаларнинг олимур фозилларидан кўра бизга кўпрак фойда етказа оладир. Чунки бизнинг ҳаммамизни руҳимизни биладур.

Бир вақтлар «аҳволи руҳиячи» деб сўкиш ҳам кўп одат бўлган эди. Бирок, таассуфга қарши, шу аҳволи руҳияни риоя қилишга мажбур эканимизни бугун эътироф қилишга тўғри келур. Чунки бизнинг ўзимиз чопиб бир ёқса кетмоқчи эмасмиз, халқимизни олиб бормоқчимиз. Шунинг учун халқнинг руҳини ўрганмак, текширмак ва сўнгра ишламак керакдир. Маориф ишларимизни йўлга қўймоқ учун бизда «Нашри маориф» очилди. Бунинг бўйнига олган вазифалари жуда катта, жуда зўр. «Нашри маориф» тўғрида ёзилган бир мақолада хусусий жамиятларнинг бу майдонда аҳамияти кўп деб айтиладир ва хусусий жамиятларнинг бошқа мамлакатлардаги ишлари кўрсатиладир. Бу, бир жиҳатдан, тўғри. Яъни бу қайси мамлакатдаки халқ кўпрак уюшган ва шу уюшмак орқасида маорифининг энг қоронғу нуқталарига элтмак осон жойлар учун муносибдир. Фақат ўша ерда ҳам ҳукуматдан ортиқ таъсир берадир деб айтиб бўлмайдир. Айниқса, бизнинг жумҳуриятда хусусий мактаблар очмоқ мумкин эмасдир ва ҳар бир тарбия муассасаси ҳукумат қарамоғида бўлиши лозимдир. Бу хусусий жамиятнинг роли иккинчи даражада қоладир. Ҳолбуки, бизда биринчи даражада ишламак учун майдон бордир.

«Нашри маориф» уюшмаси ўзининг низомномасида жуда кўп ишларни ёзган, кўзини юмиб устига юк ортган (таъбир маъзур кўрилсун). Биз шу ишларнинг барчасини хусусий жамият орқали эмас, ҳукумат воситаси билан олиб бормогимиз мумкинлар. Биз шу ишларнинг низомномасида жуда кўп ишларни ёзган, кўзини юмиб устига юк ортган (таъбир маъзур кўрилсун). Биз шу ишларнинг барчасини хусусий жамият орқали эмас, ҳукумат воситаси билан олиб бормогимиз мумкинлар.

Бу кун мактаб ишларимиз барбод деймиз, ўз жумҳуриятимиз бўлган Туркистоннинг ижтимоий тарбия шубъасида ўз кишимиз йўқ. Мен ундаги кишиларни айбламак истамайман. Ҳар қанча ишчи киши бўлсалар ҳам, бизга фойдалик иш қила олмаслар. Чунки бизни билмайдир.

лар. Билим юртларимиз бузук экан, шуларни идора эта-турғон касабачилик маорифи идорасига (профобр) бир кишимизни құя олмаймиз. Ўзбек илмий ҳайъати иш қилмоқ истайдыр, локин қила олмайдыр. Чунки ёлғиз. Қисқа-си, кишимиз йүқ. Ишимиз юрмайдыр.

Бултур айтур эди: Тошкентнинг Янги шаҳар мактабла-ри яхши таъмин этилган, Эски шаҳарга кимса қарамайдыр. Самарқанднинг ҳунар мактаби мудирига қанча му-кофот берилар экан, үлка ўзбек билим юрти иккى ойдан бери ойлик ололмайдыр. Янги шаҳар факультети яхши таъмин этилган, бизники-чи, эски тос!..

Мана бу ҳолларни тузатиш хусусий жамият тузыш билан бўлмайдыр. Яна бўлмайдыр!

Ҳукумат идоралари орқали озғина ғайрат билан буларни тузатиш мумкин, қалам учи билан бу ҳолларни ўзгартириш осон. Бизнинг ҳар ишчимиз шуни идора эта олар. «Нашри маориф» шу ҳолларга қандай чора кўра олур? Ҳали бу маълум эмас. Қилса Маориф комиссарлигига доклад қилас. Нариги ёғи тагин маълум эмас.

Эски вақтда ҳукумат бизни «ўгай» дер эди. Ҳозир биз ўзимизни ўгай қаторида тутамиз. Бироз ўзимизга жасорат киргиза олмаймиз. Ташқаридан туриб бошимизни эшикдан тиқиб қараймиз-да, кириб ўтироққа журъат эта олмаймиз. Ҳолбуки, эшик биз учун очиқ. Истасак, жой ҳам бизга ҳозир. Менга қолса, бизнинг «Нашри маориф»лар таъсис этишимиз ишдан узокроқ боришдир. Марказдаги маориф ишчиларимиз ва ҳукумат бошлиқларимизнинг кичкина, арзимас бир ғайрат ва ташабbusлари орқасида маориф идорасини «Нашри маориф» руҳига айлантирмак мумкиндир ва ўзимизни ўгайлиқдан чиқормоғимиз осондир. Фақат бироз ғайрат, бироз жасорат лозим...»

Самарқанд
Туркистон. 1923 йил 25 март

МАРГИЛОНДА «НАШРИ МАОРИФ» ЖАМИЯТИ

1923 йилнинг 10 январидан бошлаб Маргилон шаҳрида маориф ходимлари ва ҳукумат бошлиқларининг урунишлари билан бир жамият тузилиб, «Нашри маданият» оти билан юритилиб келмоқда эди. Кейинги вақтларда Марказда ва бошқа шаҳарларда «Нашри маориф» жамиятлари тузулмоқча бошланғач, 1923 йил 17 майдан Маргилондаги «Маориф ва маданият» тұғараги «Нашри маориф» жамиятига айлантирилди.

Ўлкамизнинг маркази саналган Тошкент маорифчилари ташаббуси билан «Нашри маориф» тузилганидан кейин Фарғонада ҳам шундоқ жамиятлар тузила бошлагани маълумдир. Лекин бу жамиятлар ҳар шаҳарнинг ўз маорифчилари томонидан тузилиб, иш кўрилганидан ҳар шаҳарда ҳар тусда бўлиб чиқиши яқиндир. Ҳар шаҳарнинг маориф ва маданияти бир тус ва бир равишда бўлмоғи мамлакатимизнинг бирдан-бир мужибиDirки, ҳукуматимизнинг асосий қонуни ҳам шундօғ бўлмоғини истайдир. Жойлардаги «Нашри маориф» жамиятлари бирлаштирилиб музофот исмидан марказлаштирилса эди. Марказнинг раҳбарлиги билан бир асосга боғланиб иш кўрилур эди. Шунда вилоятимизнинг ҳамма ёғида ҳам маориф ва маданият ишлари ривож олар эди.

*Маргилон «Нашри маориф» жамияти
Фаргона. 1923 йил 14 июнь*

ЎШДА «НАШРИ МАОРИФ» УЮШМАСИ

Ўшда маориф ишлари унча илгари кетмаётган эди. Яқинда Ўш уезди иштирокион фирмасининг масъул саркотиби Махзумов келиб, маорифимиз кейинда қолганин кўриб, бутун маориф ходимлари ва бошлиқларимизни йиғиб, 1923 йилнинг 27 май куни «Нашри маориф» жамиятини ташкил қилди.

Мажлисга зо дан ортиқ ёшлар йиғилиб, Махзумов тарафидан маориф, унинг аҳамияти ҳақида сўзлаб ўтилди. Ниҳоят, «Нашри маориф» уюшмаси кераклиги эътиборга олинниб идорага ҳайъат этиб, Иброҳимжон Мусабой, Аминжон Муҳаммадий, Абдураҳимжон Эшонхонлар, муовин этиб Юсуф Иброҳим, Азимжон Турғунлар сайландилар. Йигилган ўртоқлар маорифга бор кучларини ишлатмоққа сўз бердилар. Энди бу «Нашри маориф»ни қоғоздагина очиб қўйиб, ишга келганда ўшшайиб турмомиз айбидир.

Фаргона. 1923 йил 19 июнь

Рафиқ

НАМАНГАН «НАШРИ МАОРИФ»И

Иқтисодий сиёsat эълон этилганидан бўён халқ маорифи ва маданиятида ҳам бир сиёsat юргизмоққа тўгри келди. Яъни халқнинг тараққийпарварларига илмий ва маданий мажлислар, уюшмалар очиб, унинг билан халқ маорифига хизмат қилишга каттагина йўллар очила бошлади. Бошлаб Тошкент зиёлилари 1923 йил кириши билан ўзаро йиғилиш ясад, бундан сўнгра Туркистоннинг ҳар бир томонида «Нашри маориф» жамиятлари шуъбаларин очмоққа бошладилар. Тошкентдан кейин энг биринчи

навбатда бу жамият Фарғонанинг Наманганидаги очилиб ишга киришди. Бу ўринда мен Наманган «Нашри маориф» жамиятининг беш ойлик қилган ишлари ҳақида қисқача ҳисоб беришни лозим топдим.

«Нашри маориф» жамияти ташкил этилганидан Наманган ёшлари орасида инқилобдан кейин ўзаро пайдо бўлган шахсий жанжалларини битирди. Бир-бирига хунук бўлган ўртоқларни «Нашри маориф» ўз саҳнасига йиғиштириб иттифоққа келтирди. Баъзи бир ўзини катта олиб маориф ва маданиятга бир кўзи билан қараган афандилар назарларини бир нуқтага жалб этди.

2-халқ билан ёшларнинг орасини битказишида давом этди. Шу ҳаракатнинг орқасида натижалар кўрди.

З-жамиятнинг молия жиҳатини тузатишга киришиб, бу хусусда ҳар бир оғир юкларни «Нашри маориф» аъзолари кўтарди. Сўнгги вақтларда четларга, яъни Хўқанд, Тошкент билим юртларига кира оларлик маълумот эгалари ҳозирламоқ учун беш ойлик курс очди. «Нашри маориф» муаллимларни таъмин этмоқни ўз гарданига олди. Жамият аъзолари эса курснинг камбағал талабалардан 4 ойлик таъминларини ўз устига олганлари ҳам бўлди.

Энди «Нашри маориф» жамиятига беш ойда тушган оқчанинг ҳисоби:

«Нашри маориф» аъзоларидан: 1034 сўм;
Адабиёт кечаларидан: 7735 сўм;
Сайилдан: 10000 сўм;
«Кўмак» қутисидан: 328 сўм;
Чуст «Нашри маориф»идан: 3500 сўм;
Хусусий зотлардан: 2350 сўм; **Жами:** 24 947 сўм.
«Нашри маориф»нинг қилган ионалари Ийд муносабати-ла; Тошкентда ўқувчи талабаларга – 12 105 сўм;
Хўқанд фирмә мактабининг талабаларидан 4 кишига – 1900 сўм;

Хўқанд билим юрти талабасидан Отабек ўғлига – 1000 сўм;

Ўз ҳузуридаги курс муаллимларига – 5618 сўм;

Бир хаста муаллимга – 7500 сўм;

Бокудаги ўқувчиларга – 300 сўм; **Жами:** 21 373 сўм.

«Нашри маориф» комиссиясида қолган моллар:

11 пуд 4 қадоқ пахта;

115 дона мато;

13 пуд 12 қадоқ буғдой;

5 пуд 26 қадоқ мош;

1 пуд 18 қадоқ ун;

2 пуд маккажӯхори;

1 пуд жувари;

8 пуд 18 қадоқ гуруч.

Бундан бошқа 4 пуд майиз ва 1 қўй бордир.

Наманган «Нашри маориф» ташкилоти қарамоғидаги четда ўқувчи болалар:

Москвада 11 нафар;

Берлинда 1 нафар;

Бокуда 4 нафар;

Тошкентда 15 нафар;

Самарқандда 2 нафар;

Хўқандда 19 нафар. **Жами:** 52 нафар талаба.

Бу йил турли ёқларга 40 лаб киши юборилишини ўйладидир.

Фаргона. 1923 йил 1 июль

ГЕРМАНИЯДА ТАҲСИЛ ОЛГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ТУРКИСТОН МАТБУОТИДАГИ ЧИҚИШЛАРИ

Саййид Алихўжа
САНОЙИ НАФИСАМИЗ ЎЛДИ

Кунчиқиши (Шарк) дунёси санойи нафисада кўп нарсаларни берди. Туркистон эса бу ерда ҳам ўзининг Шарқнинг юраги эканини кўрсатди. Илло, ёрқин нақшлар бу бизнинг Самарқанддаги буюк гўзал масжид бинолари ва миноралардадир. Ернинг энг маданий жойларидан ҳар йили қанча-қанча кишиларни ўзига чорлар. Бу ер майналмилал бир зиёрат ери бўлмишdir.

Бу гўзалликка талпинувчилар ернинг ҳар четидан бу ерга келиб, чексиз чиройлик маҳбубанинг қора чарос кўзларига тикилганидай тош қотиб соатларча ўзларини унутиб, сўзлаб турган сўзларидан адашиб бу биноларнинг ва минораларнинг нақшларига эсидан кетиб қараб қоладиirlар.

Энг сўнг бу биноларнинг нақшлик гиштларини кийим, асбобларининг ўрнига чамадонларига беркитиб олиб кетар эдилар. Ҳозирда Оврупо ажойибхоналари (музей) бу иморатларнинг гиштлари билан тўлган. Бизнинг чиройлиликни тушунмайтирган сўпиларимиз бу кишиларга кечалари ҳеч ким йўқ вақтида гиштларни кўчириб олиб бориб, унинг ўрнига уларнинг бўяма гўзал нарсаларини, яъни пулларини олиб ҳамёнларини тўлатар эдилар.

Рассомлиқда Туркистон ўзининг буюк истеъодини кўрсатди. Жонлик нарсаларнинг расмини солув ёмон деганларидан сўнг унинг ўрнида бўлган кучини ҳеч қаерга сиғдира олмай ҳар турли гўзал ҳеч ким кўрмаган ва эшит-

маган оғочлар, бошсиз жониворлар яратди (шундай бўлса, қиёмат куни жон сўралмайдир).

■ Бу гилам, палак, чоршаб, қийик ва дўппилардаги гуллар, расмлар кўп вақт Оврупонинг энг буюк рассомларининг ҳайрат бармоқларини тишлатмакка мажбур этди.

■ Бу гўзал олақуроқ чопонлардаги қуёш нури каби ранглар кимларнинг кўзини роҳат билан аллаламайди? Шоирона ёқдан Туркистонда етишган ул гўзал чечаклар тўғрисида мен энди кўп сўзламай.

■ Мусиқани олсоқ. Ҳозир Бухородан топилган асарларимиз бизда қандай мусиқашунослар ва мусиқий шоирлар (бастакорлар) етишган эканлигини кўрсатади. Баъзи бизда топилган мусиқий товушлар Овруподаги йўқ экан. Дугоҳ ҳозир энди Европада етишган мусиқага бўлган қарашлар бизда илгари бўлган эканлигини кўрсатади. Бизларнинг у буюк мусиқий шоирларимиз одамнинг сўзини ўксик (ноқис) эканлигини англаб, бутун миядаги, кўнгилдаги тилакларни сўз билан айтиб бўлмаслигини, кўнгилда бўлган у нозли ўюнларни, дардларни ёлғиз чолғу (мусиқий) орқали дунёга-тошқорига чиқарув, ёлғиз мусиқий куйлар билангина бўлатурғон эканлигин тушунгандарини Дугоҳ каби бир мусиқа (опера) билан дунёга билдирганлар. Бизда мусиқийга тушунув нақадар буюк эканлигини мана шу қисқагина чиройлик легенда кўрсатадир.

Бизнинг мусиқий куйларимизнинг нақадар чиройлик эканлигини бироз янгишликлар билан бўлса ҳам Оврупо оркестри билан айтилганда ҳамма кўрди. Бу мусиқий куйларидан Шарқнинг ҳам, Farbnинг ҳам кўнгли қўшилишиб ўйнашди.

Биздаги ўюн (ракс)нинг чиройлилиги ҳар бир кўрганга очиқ белгили бўладир. Ҳар ҳолда, бир-бирига ўхшамаган у тана ҳаракатларининг чиройлилигига ҳар ким хуштор бўладир.

Халқ ўюнларига тоза кўнгил билан қарайдир. Ўюн вақтидаги ўюнчининг теккан нарсаси халқ учун авлиёнинг

сарқити каби табаррук бўлур. Аммо нима сабабданdir? Шарқ кечасида бир киши бу ҳолларни тушунмасдан ўзининг бузулган фикри ила таъриз қилди.

Театрларимиз ила самоварларда бўлиб «Судхўр акам жон берадир» каби чуқур маънолик қарашлар халқقا тушунириладир. Аммо ҳозир эса ҳар бир етиштирган нарсаларимиз сўфи, имомларимиз, Самарқанд масжидларидаги у баҳосиз гиштларни бузуб олиб «нақшфуруушлик» қиларлар.

Оврупонинг у янги кийимлари бизларнинг расмий қоғозимиз (миллий рамзларимиз) бўлган қийиқчаларимизни, чопонларимизни, дўппиларимизни сиқиб чиқараётибдир. Оврупо модаси (мишвати) бизнинг кийим палакларимизни йўқ қилиб борадир.

Оврупо расм (тасвирий санъат)да ҳозир боши деворга тўқ этиб тегди. У расмда кутулишни энди Шарқдан кутса керак. Аммо расмга сабаб бўлган омиллар бизда яна бордир.

Шоирларимиз эса шоирлик деб ҳар бир одми ҳар бир кишининг оғзидан чиқатурган сўзларни назм қилиб ёзувни ўрганиб олмишлар. Булар шоирман деб юришдан уялмайдилар.

Октябрь ўзгаришидан сўнг бизлар учун илм дарвозалари даранглатиб очилди. Шунинг билан бирга, бизлар учун сира оти эшитилмаган консерваториялар очилмоққа бошлади. Оти эшитилмаган консерваторияларда болалар ўз мусиқийси, ўз куйларини, ўз мусиқий товушларига ўрганмайдилар.

Оврупо мусиқий товуши, бизим мусиқий тушунувимиз нуқтасидан қараганда, янглишдир. Яъни овруполилар учун бизнинг мусиқий товушимиз янглишдир. Агар булар Оврупо мусиқасига ўрганиб ўзлариникидан хабарсиз қолсалар ул вақт бизнинг мусиқий товушлар уларга янглиш кўриниб, у вақт улар Туркистон мусиқасини илгарига олиб бора олмаслар. Ул вақт уларнинг қиймати Туркистон, балки бутун дунё учун ҳечдир (!). Чунки Оврупо

мусиқасида ўзларидан ҳамма вақт яхши тушунатирган истеъоддлик кишилар чиқиб турар. Уларнинг мусиқийси бизларга муҳтож эмас (!). Агар биз шунигина билувда давом этсак у вақт татар қардошларимиз каби ўзимиздан дунёга ҳеч бир мусиқий нарса бера олмасмиз.

Ўюнларимизга ёмон қаров орқасида ҳозир қанча гўзал ўюнларимизни унутдик (чунончи, қайроқ ўюни ҳозирда жуда оз ўйналадир). Театруларимиз ҳозир бутун Туркистонники эканлигини йўқотди. Биринчи театрумиз Оврупо йўли билан солиниб, ўзимизнинг ўрганган табиий нарсаларимиз ўрнига мероллар билан огуланган. Театруларимиз самовархоналарда бўлиб турган жип ўзимизники бўлган ва қадрланишлар орқали ҳар кун қўйилиб турган драма ва комедиялардан хабарсизлар. Ҳеч бир ким буни кўролмас, булардан ибрат ололмайин ўлган устига кўмган дегани каби артистларимизнинг ҳаракатларининг ҳаммаси Овруподан олинган (чунончи, операларга кириб муножот вақтидаги тиз чўкиб кўлини кўтариб бурчакдаги Исо суратига ёлборув вақтларини кўрдик). Буларнинг ҳаммасини ёзиб бўлмас, шунинг учун бир мисолгина кўрсатдик.

Демак, ҳаммаси бузуқ, ҳаммаси қўрқинчлик. Бу сўзларни ёзувдан мен демак, истамайманким, калта камзул кийма ёким Оврупо расмига, мусиқасига ўрганма, унинг театр ҳаракатларини ўрганма! Йўқ, ҳаммасини ўрганиш керак. Ҳамма вақт кўпол қиликлардан қутулиб, енгилликларга ўрганиш ва ҳамма вақт илгарига интилиш керак. Аммо бу нарсалар бизлардаги кучларни йўқ этмасин (!). Биз буларни ўрганиб олиб, ўзимизда бўлиб кетган гўзалликларни юксалтиришга тиришайлик. Токим биз ҳам маданият бойлигига ўзимизникини олиб бориб қўшайлик.

Мана бу бизнинг кўз олдимизда яроқлаб турган тилак, орзу юлдузимиз бўлсун!

Қизил байроқ. 1921 йил 3 август

ЭНДИГИСИНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙЛИК

Ҳозир Тошкентда Туркистон мусиқасига бутун вужуди билан берилган мусиқа профессори Успенский бор. Бу ўзида бўлган иқтидорини, илм ўкуб етиштирган бутун кучини Туркистон мусиқасига берган. Тўғрисини айтганда, бу киши – Туркистон мусиқасининг мажнуни. Успенский французлар руҳида мусиқа ёза олатурган мусиқий шоири (композитор) бўлса ҳам, Туркистон мусиқийси учун мана шу истеъдодини йўқотди. Мусиқашуносларча айтганда, ерга кўмди.

Бу киши Туркистон мусиқасини, санойи нафисанинг бошқа бўлакларига ўхшаш гавдалантирас, унинг соясини нота орқали қоғоз бетларига олар. Демак, буни ҳам ўлмас, битмас қилас.

Ул Туркистон оҳангларини нотага олғонда шу қадар эҳтиёт билан оладирки, бундай озорсизлик ёлғиз ошиқларнинг ишидир. Яъни оҳангларни нотага олганда бузуш, янгилиш ёки Оврупо оҳангларига аралаш қилувдан сакланар.

Бу оҳангларни ўз аслида, ўз руҳида ёзмоққа тиришадир. Бунинг тиришуви шу қадарки, ўзига ўзи ишонмас. Ёзғон асарларини ҳикмат мошиналари билан текшириб кўради. Граммафонга қўйиб эшитадир. Мусиқашунослар орасига солиб мунозара, музокара қиласидир.

Успенский каби Туркистон мусиқийсига берилган кишининг иккинчиси Мироновдир. Мана бу бечоралар Туркистон мусиқийсига берилиб ишлар эканлар, ҳеч бир ёрдамчилари йўқ. Буларни тақдир этадирган кишилар ҳам йўқ. Материаллар йиғув учун бир ерга боратурғон бўлсалар, от арабалари йўқ. Сўзнинг қисқаси, ҳеч таъминсизлар. Ҳозир энди бир нарсаиз чарчаганга ўхшайдилар.

Успенский шундай суйган ва фойдалик ишини ташлаб жой ахтармоқчиидир. Эҳтимол, бундай кишилар тагин

ўлкамизда бордир. Бундай кишиларнинг яқин орада бизнинг орамиздан чиқиши қийиндир.

Ҳукумат бошида турган кишиларимиз бунга аҳамият бериб, буларга кераклик нарсаларни етиштириб бериб турсалар бизнинг қанча нозлиқ, ёқимлиқ оҳангларимизни ўлимдан агадий қутқозғон бўлар эдилар. Эскиларимизни қўлдан бердик, энди ҳозирғиларимизни қўлдан бермайлик!

Қизил байроқ. 1922 йил 2 февраль

Сайид Алихўжа

ТАБИАТДАН ЖАВОБ*

Бу ким? Менга юмшоқ товуш билан сўйлайдирган севиклим онам. Жим, халақит берманг. Мен онамнинг ширин сўзларини эшитай. Онам менга: «Мен сиз, болаларим, учун нималар қилмадим. Сизга энг баҳосиз бир топилмас нарсани бердимки, у ҳам «умр» эди. Ва бу умрни давом эттирмак учун керак бўлган бутун асбобларин тайёр равишида сизга топширдим ва бу умрни фақат биргина чизигини бураб туришни сизга қолдирдим. У ҳам нафс эди. Ва нафс учун керак бўлган нарсаларни мен оналик марҳамати ила сизга туганмас равишида тайёрладим. Ва бу машинани бошини қўлингизга ушлатиб, вақтида буранг-да, бу баҳосиз умрдан фойдаланинг дедим. Ҳеч нарсани ўзингиз қилиб олинг демадим», – деди.

Кўринг, сиз шу пружинани бурамоқ учун қанча ғавғолар чиқарасиз, қанча зулмлар қиласиз. Сизга кўнгил бердимки, у сизни нафс учун қилган ҳаракатингиз тўғри бўлмаса, сизни бундан қайтарсан? Ақл бердимки, унингла сиз бутун қилган ишларингизни билиб, текшириб қилинг. Агар сиз ақлни ишлатсангиз сиз ҳеч кимга зулм қилмаган бўлурсиз. Мисол, ўсимликларни, ўтларни кў-

ринг. Уларда ҳам нафс бор. Локин бир-бирига зулм қилмайдирлар. Чунки мен уларга сиз каби таом танламоқда кенгчилик бермадим. Шуни қаршисида сизга ақл бердим. Локин сиз бу баҳосиз нарсани ўрнида ишлата олмадингиз. Бу муқаддас нарса сизнинг қўлингизда зулм, ҳақсизлик яроғи бўлди.

Сен менга додлайсан, билмайсанки, сен учун менинг юрагим нақадар ачишадир, йиғлайман. Агар мени тенгимда бир киши бўлса эди, сен севикли боламнинг қилган ишларингдан юзим қизаарди.

Яна сен бир-биринг билан йўлда гиналашиб, кўнглинг маъюсланиб, қайfurган чоғингда ташқари чиқсанг, кечалари ой сенга дилбарлик ила устингдан ёқимли шуъласини сочиб, юзи титраб сени овутмакка ҳаракат қилмадими? Юлдузларнинг ҳар бирлари сенинг қайғунгга қўшилиб мўлтирашиб сенга тикилиб турмадиларми? Булбул ҳазин ила иси ва туси сени бутун қайғуларингни йўқ қилиб юрадирган гуллар устида шириналлик ила сайраб нозик овозлари билан қотган кўнгилларингни юмшатмадими?

Дараҳтларнинг барглари шипир-шипир қилиб секин-гина қўй, жоним, хафа бўлма деган сўзлари сенга эмасми эди? Сув шилдираб оқиб, ўзининг тип-тиник устига сени чақириб, сенга болалар тилидек чучук тили ила сени ғамингни ювмакка ҳаракат қилмадими? Эрталабки шамол ўйнаб сени ёнингга келиб юмшоқ қўллари билан сени қитқиқлаб кулдирмакка ҳаракат қилмадими?

Оlam бир равишда турса, сен зерикасан деб мен вақтни ҳам 4 палла ила алмаштириб турдим. Ёз кунлари қуёшнинг олтин тусли шуъласи сенга қандай нашъалар, пишган мевалар қандай лаззат берар? Куз кунлари ҳамманинг туси сарғайиб, йифи ила кўккўз ёшларини тўқадир. Бу ҳам сенга таъсир қилмайдирми? Сен ўзинг ила қўшилиб йиғлайдирган бир йўлдош, бир ғамдош топасан. У ила қўшилиб йиғлаганда кўнглингдаги ғам юклари кетиб енгилланасан. Киш кунлари ҳамма қор тойиб оқарадир. Қор

илиқ совуғи жонинг томир-томирларида юрадир. Аммо бу кексайишдан ер үлмайдыр. Ёшликнинг қайтишига бу бир ибрат. Аммо одам болалари кексайганидан сүнг ёшликка қайта олмайлар, үладирлар. Бунинг сабаби фақат ўзларида. Мен тирикликни бердим, ўлимни бермадим. Баҳор кунлари бу ёш олам сизни нафақат кўнглингизни очар ва хушлантирадир.

Сўйла, эй болам. Мени золим дейсан, ҳақлимисан? Она... Онажон... кеч... кечир.

Эй болам, яна эшит. Сизга ҳеч бир таъриф қилиб бўлмайдирган бир бўлак нарса тайёрлаб қўюбман. Фақат уни сиз бу дунёда боқийликни қўлингизга олганингиздагина бераман. Ва ул вақт мен ўзимни сизга кўрсатаман. Фақат боқийлик керак. Бул вақтларда боқийликни қўлингизга олинг!

1918 йил

Армугон. 1922 йил 8 апрель

Аҳмаджон Шукрий

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Дунёдаги миллатларнинг маданий ҳаётга қандай йўллар билан етишганлигининг сабабини текширсак қизиқ-қизиқ ҳолатларга учраймиз. Бутун ер юзида тараққий жиҳатидан биринчи ўринни олғон японлар бундан 40 – 50 йил илгари ваҳший бир ҳолда яшар эдилар. У вақт бутун Оврупо жаҳонгирлари япон оталарини луқма қилмоқ учун оғзини очиб турган эди.

Лекин Оврупо жаҳонгирларининг истило сиёсатини сезган япон ҳукумати кишилари ҳар турли илмий уюшмалар очиб япон ёшларини таҳсил учун чет элларга юбориш ишларига киришдилар. Оз фурсатда Оврупо мактабларига хейлигина япон шогирдлари жўнатилди. Таҳсиллари-

ни битирган шогирдлар ватанларига қайтиб японларни оқартыришга бошладилар.

Күп ўтмади. Японияда юзлаб Оврупо тартибида мактаблар барпо этилиб, 50 йил ичида япон миллати таниб бўлмас бир маданиятга эга бўлди ва биринчи давлатлар қаторига кирди.

Япон миллати шунчалик маданийлашгани билан четга ўқувчи йўллашни тўхтатмади. Тескарисинча, йилдан йилга четга борувчи ўқувчиларнинг сонини оширди. Ҳозирги замонда Япониянинг Оврупо ва Амриқода ўқиб турувчи минглаб болалари бор.

Японлар чет элларга ўқувчи юбориш учун фақат ўзларинингтина файрат ва ҳимматлари соясида муваффақ бўладилар. Биз ҳам ўзимизнинг ҳозирги ҳолда таназзулга кетган лигимизни кўриб умидсизланмасдан бор кучимиз билан Оврупо ва Амриқога ўқувчилар юборишимиз лозим (!).

Мана, бизда яқинда очилган «Кўмак» уюшмаси шул ва-зифани адо этадир.

Бу тилакка етишиши учун тепамизда турган ҳукуматимизнинг ёрдам кўрсатишининг табиийлиги умидимизнинг бекорга чиқмаслиги учун жонлик далилдир. Тилакка етишмак учун ўзбек элининг чидамлик файрати, олижанобона ҳиммати лозимдир.

«Кўмак» уюшмасига халқнинг яхши кўз билан қараб ишонч билдирганини кўриб турамиз. Кечагина очилган «Кўмак» уюшмасига юз, минглаб кўмак келиб туриши, биргина Мирзочўли қишлоғидан 75 дона кўй келиши, аъзолари сонининг юзга қадар бориши. Ҳар бир ердан «Кўмак» уюшмаси очилишини табриклаб хат ва телегромларнинг келиши бироз фурсатда биздан ҳам Оврупо ва Амриқога ўқувчилар юборилишига мумкин эканлигига ишонч билдирадир.

Қизил байроқ. 1922 йил 9 июнъ

ТУРКИСТОН ДОРИЛФУНУНИ

Эшитганда рухни кўтаратурган, биносини кўрганда юракка тўлқин тушатирган бир жой Туркистон дорилфунунидир. Дорилфунуннинг ҳозирда 3,5 мингдан зиёд ўқувчиси, ўқувчиларга етгулик мутахассис ўқитувчи-профессорлари, мукаммал ўқув қуроллари, етарлик хизматчилари бордир.

Дорилфунуннинг асосий синфида 8 та ўзбек ва шул қадар қозоқ-қирғиз талабаси бор. Демак, ерлик талабалар ҳаммаси 20 – 30 нафар орасида бўладир. Тездан дорилфунуннинг давомига 4 йил тўладир. Лекин бу тўрт йил давомида қўйидаги сабабларга биноан ерлик халқ ўз ўқувчисини ўз ҳаққига муносиб бера олмади. Бериши ҳам мумкин эмас эди. Ҳали бундай олий ўқув юртларига кириш учун ҳозирланган ерлик халқ ўқувчилари йўқдир. Бу қусур ва камчиликларга очиқ бир кўз билан қаралганда яна эски идоранинг маҳаллий халқقا қараган сиёсий назариясининг касофатига, ўтган эл бошлиқларининг илм ишларига саботсизлиги ва тарихий жиноятлари ҳомил этиб юракка таскин беришга тўғри келадир.

Ўзгариш эски идоранинг ерлик халқ тўғрисидаги «олижанобона» сиёсатини ҳам эл бошлиқларининг тарихий хатоларини бизнинг назаримизга келтириб кўрсатади.

Элимизнинг кўзлик сўқирларини истисно қилганда, шаҳар ва қишлоқларимизда оз бўлса «илм-маориф керак» деган товушлар кўтарилиди. Мана бу муборак товуш бекорга кетмади. Халқимизнинг савияни фикриясига мувофиқ илм ўзгариш ясадик.

Шаҳар ва қишлоқларимизда илмий уюшмалар ва мактаблар очканимиз тирик далилдир. Лекин инсонлар мероси бўлган хатокорлик меросини биз ҳам олдик. Бизда ибтидоий мактаблар яратилаётган бир пайтда «Бизга дорилфунун керак» дедик. Даъвомиз ҳақли, лекин ваqt бор-

лигини тушунмадик. Шўролар дорилфунун очди. Лекин унда ўқиш учун 50 та ўқувчи топиб бера олмадик. Агар дорилфунунга бўладирган масорифни бошланғич ва ўрта мактабларимизга сарф этсак эди, 5-6 йилдан сўнг дорилфунунга кириб ўқишга юзлаб муқтадир ўқувчиларни етказа оламиз.

Илмий шўро ёнида очилган «Кўмак» ва, умуман, ўзбек ёшларида дорилфунуннинг ерлик халқقا ҳозирдан фойдасизлигин, дорилфунунни ёпиб, кетадирган қувватни ерлик халқнинг бошланғич ва ўрта мактаблари билан четга бориб ўқувчи талабаларга сўраш фикри бордир (!). Бу фикр ўз муҳитимизга қараб жуда тўғри ва асослик фикрdir. Ерлик халқнинг бошланғич мактаблари ҳозир моддий жиҳатдан сиқиқ бир ҳолдадир. Ҳозир ёшларимизда четга бориб ўқиш ҳаваси кучайиб борадир. Бу зўр мақсадга этишиш учун иона оқчаси билан ҳеч суратда мумкин эмас. Бизнинг ибтидоий мактабларимизнинг бақоси ва четга бориб ўқувчиларимизнинг таъмини учун ерлик халқقا фойдаси бўлмаган Туркистон дорилфунуни ёпиб, унга кетадирган куч-қувватни ерлик халқ фойдасига сарф этиш керакдир.

Қизил байроқ. 1922 йил 11 июль

Аҳмаджон Иброҳим ўғли ТУРКИСТОННИНГ КЕЛГУСИ

Бир вақтлар Туркистон ўзининг маданияти ва шоншукуҳи, етказган улуғ шоирлари, ёзғучилари, файласуфлари ва бошқа фан эгалари билан ўзини Шарқ дунёсига танитган. Илгарилари илм билан кўринган ва ҳаммани ўзига жалб этган эди.

Шарқнинг орқага қараб ўзгариши Шарқ маданиятининг ийқилиши, ўлимига сабаб бўлди. Буюк маданияти

орқасида анъана эгаси бўлган кўҳна Туркистон, бир Туркистон тупроғигина эмас, бутун Шарқ, табиатнинг кўкаришидан кейин сўлиш қонунига мувофиқ бўлса керак, ҳозирги кўриниб турган жонлик қўғирчоқ ҳолига келди. Туркистон маданияти билан қуролланган кишилар томонидан ўлик Шарқ талқин этила бошлади. Шарқ XX аср илк чорагида уйқудан кўзини уқалаб тура бошлади. Шарқнинг ҳар бурчагида уйғониш, оёққа қалқиши хабарлари, маданият йўлида интилишлар, ҳар ерда ҳаракат, ҳар ерда жонлилик кўрина бошлади.

Лекин уйғона бошлаган Шарқнинг маданиятга эришиши учун ҳозирлиги йўқ. Асбоби йўқ – куч-қуввати йўқ, йўқ, йўқ!..

Айниқса, Шарқнинг бир қисми бўлган Туркистоннинг илм доирасида юрган ёшлари ўзгаришдан бери кучи етганича ҳаракат қилиб оз бўлса-да иш йўлига замин ҳозирлади. Кўп ўтмади, мамлакатимизда бошланғон иқтисодий бузғунлик ва хўжалик ишларидаги ҳарobotликлар бизнинг илм йўлида ишларимизга оғир зарба берди. Кенглиқда Германия, Австрия, Можористон, Италия ва Франция мамлакатлари қадар 173 минг мураббаъ чақирим тупроқни ўз ичига олган бу ўлканинг бундай қийин ва гаюртабиат ҳолидан чиқариш учун илмий ва фанний кучларни керагича етиштириш лозимдир.

Туркистонда табиат бойлиги жуда кўп. Туркистон ўз бағрида аллақандай қимматлик тошлар, турли қимматбахо конларни асрайдир. Ўз юзасида бошқа ерларда ўсмайтурган қийматбаҳолик ўсимликларни ўстирадир. Лекин бу бойликлар ишланмаган бир ҳолда; сув чиқса жаннат бўлатурган ҳисобсиз жойларимиз чўл ҳолида қақраб ётадир.

Туркистонда ҳар турли майда саноатлар бор. Лекин улар йўлга қўйилмаган. Эски йўл ва эски йўсинда ишланадир. Булар Оврупаникidan тараққий этмаган ва куч олмагандир.

Ҳозир ҳукуматимиз чет эллар билан муносабат ясамоқчи. Тездан муносабатлар бошланиши табиийдир. У вақт Россия ва унинг бир қисми бўлган Туркистонда саноат куч олиб фабрик, заводлар ишланиб юра бошласа, албатта, майда ҳунарчиларимиз улар билан рақобат қила олмасдан ўз-ўзидан йўқолиб битадир. Бу хавфнинг олдини олмоқ учун майда саноатимизни тараққий эттириб Оврупанини каби катта саноатга қўчиришимиз лозимдир. Бошқаларнинг тараққийсига ҳавасимиз келиб оғзимизнинг сўлагини оқизиб турсак. Улар кунда бир янги кашфиёт, кунда неча хил ихтиrolар чиқариб ўзларининг ер юзида яшамоқларини таъмин этсалар. Улар ким бўлурлар? Бизнинг бошимизга нималар келур?

Энди биз ҳозирдан эsgа келиб Туркистон бойликларини ишламак ва маданиятимизни юксалтироқчи бўлсамиз, бизда ихтисос борми? Йўқ, ҳеч йўқ!

Бошқалар томонидан ишланган бойлигимиз бошқалар фойдасидир. Бу ширин ўйларга эришмакнинг биргина иложи бўлса, ул ҳам чет эллар илмини ва уларнинг фан имидаги маҳоратини ўрганиб, ўз маданиятимиз, ўз бойлигимизни ўзимиз ишлатайлик. Бунинг учун биринчи чора Оврупага „увчилар юборишимиz керак. Мана бу нарсани илм атрофида юрган ёшлардан тузилган «Қўмак» уюшмасини тузишиб, жиддий бир ҳаракатга киришди.

Четга боргучи ўқувчиларни таъмин қилиш учун смета тузиб ҳукуматга топширди. Қўшни жумҳуриятлардан ёрдам сўради. Бухоро ҳукумати «Қўмак» аъзосидан икки кишини четга ўқутмакни ўз устига олди. Бухоро ҳукумати учун қуллуқ қиламиз.

Ишлайлик, миллатлар виставкасида юзимиз қизармасин!

Қани, марҳамат қилинг. Ёш ўртоқлар, чет эллардан илм, фан ўрганишга!

Қизил байроқ. 1922 йил 29 июль

ТУРКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙҮЛЛАРИ

«... рус Туркистони мозийга эмас, истиқболга ҳам моликдир. Локин Хитой Туркистони (Шарқий Туркистон) табиший-жугрофий сабабларга биноан ҳеч вақт темир йўллар тўғрисида аҳамиятга молик бўла олмагонидан фақат мозийга моликдир».

Мусташриқ (шарқшунос) Бартольд
(Бартольднинг ушбу йилнинг августида
Туркистон давлат нашриёти томонидан бостирилиб
чиқарилган «Туркистон тарихи» деган рисоласидан)

Ўзининг техниқовий иқтисоди ва маънавий тараққиёт даражаси билан қуруни вусто (ўрта асрлар) замонидан йироқ кетмаган Туркистон – Оврупо маданияти билан сугорилган Россия давлатига қўшилғон бўлғонлигидан – ўзининг ҳаётида кўрилиши эҳтимоли бўлмағон буюк бир инқилоб даврини кечирди. Ҳоким миллатнинг ищчилар синфининг ўз элида ва Туркистонда кўрсатган буюк жаали билан дунёға келган ижтимоиёт ва сиёsat дengизининг буюк тўлқинлари энди секин-секин тинчланиб тадрижий оқим равишига кирмакдадир, чунки ҳаётдан мақсад тараққиёт, тараққиёт бўлса тадрижийлик билан бўладир.

Инқилоб натижасида тузилган кўп жумҳуриятлардан иборат Буюк Россия Қўшма Жумҳуриятининг ҳар ўлкаси ҳозир ўзининг тараққиёт ва обод истиқболи йўлларини истагали киришди. Биз ўзимизнинг истиқболимизни овруполилар даражасида равshan кўра олмасак ҳам, бу тўғрида ўйламоқча мажбурмиз. Ҳеч бўлмағонда, ўзимизнинг иймон қилғон Лавҳ маҳфуз бетларига кўзимизни тикиб, ундан бир қанча эҳтимолни чиқармоғимиз керак.

Инсон ўзи моддий бадан ва маънавий жондан иборат бўлғонидек, унинг бутун ҳаёти ҳам маънавий ва моддий унсурлардан иборатдир. Бинобарин, инсон ҳаётининг тараққиёти ҳам ўшал икки йўл билан борса керак.

Туркистон халқларининг моддий ҳаёти Туркистоннинг жаҳон савдо майдонида тутқон ўрнига, ўзининг табиатига ва фуқаронинг кўллафон ишлаб чиқариш усусларига боғланғондир.

Туркистоннинг дунё савдо майдонида тутқон вазияти XVII асрдан бери тубан даражада қолиб келди. Бу аср, умуман, мусулмон мамлакатларининг таназзул даври бўлиб, таназзулнинг ҳам кўп сабаби карvon йўлларининг аҳамияти кетиб, гарблилар тарафидан денгиз йўлларининг юксалтирилиши эди. XIX асрда ҳам Туркистон Farбий Овруподан узоқ бўлғонлиги учун тараққиёт томонидан бошқа мусулмон мамлакатларидан ҳам тубан даражада турди. XX асрнинг бошида ҳам қўшнимиз бўлган Эрон халқи сиёсий фикрлар билан суғорилиб, ўз элида саноат турғизиш ва четларнинг таъсиридан қутилиш йўлида қон тўkkани муддатда бизнинг Туркистон тинч ухламоқда эди. Фақат Руссиядан темир йўл келиб, савдо майдонининг кенгайиши билан Туркистоннинг савдоси, пахта деҳқончилиги ва унинг давоми бўлган пахта завод саноати бир қанча юксалди. Бундан очиқ англашиларки, бизнинг мозийимизни порлоқ қилғон элимиздан ўтган карvon йўли бўлса, истиқболимизни порлоқ қилғучи, элимизни жаҳон савдо майдонига тутошдирғучи улуғ темир йўлдир. Улар бизнинг савдомизни кенгайтур, бизга бойлиқ ва ободлиқ берур ва ўзимизга катта саноат турғазишга имкон очар.

Туркистон иқлимининг қизғинлиги ва ерининг мунбитетлиги уни доим қийматлик ҳосилот берувчи зироат мамлакати равишида қолдирғусидир. Иккинчи томондан, Туркистон тоғларининг маъданга бойлиғи бунда тоғ саноатининг юксалишига сабаб бўлғусидир. Бу икки

асос – ҳаётни таъмин қилиш йўлларининг юксалиши на-
тижасида (пахта заводлари, ипак фабриклари, маъдан
заводлари, шекилли) катта саноатнинг бошқа хиллари
ҳам юксалгусидирлар.

Туркистоннинг табиий бойлиқларини ишлата олга-
ли, катта саноатни турғизгали ва натижада янги темир
йўллар ўтказгали кучи етсун ҳозирги хўжаликдан ортиб
қолиб тўпланғон бойлиқнинг бўлиши керак. Ҳозирги зи-
роатнинг маҳсулотини ортдириш учун бирдан-бир чора
бўлса зироатда ҳар хил янги ишлаб чиқариш усувлари,
янги қуроллар ва машиналарни қўлланишидир. Ҳозир бу
куролларни овруполилардан олтун баробарига олишга
тўғри келганидек, келгусида ҳам ҳар хил саноат курол-
ларини овруполилардан сотиб олишга мажбур бўламиз.
Машина қанча қиммат бўлса ҳам, уни қўлашимиз керак.
Чунки ул бизнинг бойлиғимизни ортдира оладир. Буни
Фарб давлатларининг ҳаётида машинанинг тутқон ўрни
исбот қиласидир.

Туркистоннинг моддий истиқболи порлоқ, чунки ул та-
биатда бой яратилган ва жуғрофий жиҳатдан ўнгай ўрун-
да туродир. Фақат бу истиқболға қараб тезроқ ҳаракат
қилишимиз лозим. Унинг йўлида бўлғон ҳамма тарихий
монелар билан тадрижий равишда курашиб, уларни йўқ
қилишимиз керак. Мана бунинг учун бизнинг иқтисодий
бойлиғимиз билан баробар истиқболни равshan кўргувчи,
фаний ишлаб чиқариш усувлари билан таниш катта сав-
до-саноат ишларини юргиза олгучи маънавий кучимиз
ҳам бўлиши керак. Бул кучимиз бўлмағонда, бизнинг ҳа-
ракатимиз кўр кишининг аста қадамларига ўхшар (!).

Ҳозирги тарихий монеларимиздан муҳимлари, албат-
та, кўп асрлардан бери ўз бурчагимизга қамалиб, ғоғил
қолишимиздан келган нодонлигимиз ва диний хурофот-
дир. Буларнинг орқасида кечилиши минг маротаба ортиқ
оғир монелиқ тоғлар турадирки, улар келгусида биздан
бениҳоят жасорат ва ижтиҳод кутадирлар.

Ҳозир нодонлиқ ва хурофот билан курашганимизда Ички Россия татарларининг инқилобчача ўтказган тарихий тажрибаларидан кўп ибрат ола оламиз. Ундаги каби бизнинг бу дардимизнинг ҳам буюк қуроллари матбуот, мактаб ва театрдир. Бизда буларнинг ҳар қайсиси бор. Локин улар ўзларининг тарихий вазифаларини ерига етказа оладирғон даражада эмасдирлар. Бизнинг янги мактабларимиздан шул вақтгача халқ ҳуркиб келди. Матбуотдан узоқ турди. Театрни англамади. Чунки буларнинг ҳар қайсиси ўзининг асосий вазифасининг ҳайкал мужассами бўла олмади. Халқнинг руҳига эҳтиёт билан яқинлашиб, унга таъсир ижро қила олмади. Ҳар бир халқнинг ўйғониш даврида ғоят муҳим ўрин тутадирғон бу уч буюк қуролни ўз вазифаларининг руҳи билан суғориш бизнинг навбатдаги ишимиздир.

Бу ишларимизнинг орқасида зироат, суғориш ишларида ва саноат, савдо, иқтисодиёт доираларида Оврупо усуллари билан ишлай олғувчи мутахассислар етиштириш иши турадир. Бунинг учун бизнинг Оврупо тиллари ни ўрганишимиз ва Farb мактабларида илм-хунар таҳсил қилишимиз лозим келадир.

Обод ва озод истиқболнинг ва синфий муваффақиятларнинг бизнинг орқада қолғон халқ учун энг яқин бошланғич йўллари ушбулардир. Бизнинг тадрижий тараққиётимиз шул йўллар билан борса керак. Акс ҳолда, биз ўз мозийимиздан узулиб халқнинг ғурбатда қолишига сабаб бўлурмиз.

Туркестон. 1922 йил 13 сентябрь

Берлин зироат академияси талабаларидан
тошкентлик Абдуваҳҳоб Мурод
ГЕРМАНИЯДАН ХАТ

Берлиндан «Кўмак» уюшмасининг бошлиқлари отига қўйидаги хат олинди: «Тошкентдан олинган бир хатда Оврупога талабалар юбормоқ учун сизларнинг бир уюшма тузганингизни ўқидим ва теримга сифмайдирган дараҷада суюндим. Бир йилдирким Оврупода яшамоқдаман. Илм-маорифда Оврупонинг биринчи бўлган Германия дорилфунунларида бутун дунёдан, ҳатто татарлардан ўнлаб, турклардан эса минглаб талабалар бўлгани ҳолда, бизнинг Туркистондан мендан бошқа талабанинг бўлмаслиги юрагимни парчаламоқда. Бошқаларга ҳасад сезгисини уйғотмоқда эди. Мана сизларнинг бу хайрлик муборак ташаббусингиз бир йилдан бери кулмаган кўнглимни кулдирди ва руҳимга жон берди.

Сиз жон ўртоқларимнинг вазифаси Туркистондан талаба юбормоқ бўлса, бу талабаларни ерлашдирмак ва бу ердан сизга лозим бўлган маълумотларни бермак, албатта, меним вазифамдир. Фақат шуларни ҳам эсимиздан чиқармайликким, бу кунгача бу мақсадга етмак учун жуда кўп уюшмалар, тўдалар тузилганди. Таассуфга қарши, ҳеч бири ҳам муваффақ бўла олмасдан йўқ бўлиб кетдилар. Албатта, бунинг учун мазкур уюшмаларнинг бошлиқлари, аъзолари билан замон ва муҳит масъулдир.

Шунинг учун «Кўмак» уюшмасига, унинг аъзо ва бошлиқларига бирдан-бир тавсиям шулдирким, замон ва муҳитни дикқатга олиб ҳар турлик йўқликларга ва йўлиминиздан чиққан монеларга кўкрак кериб қўрқмас бир кўз, титрамас бир иймон, чарчамас бир вужуд билан чолишингиз ва уюшмага тилак (идеал) деб ёпишингиз. Шул доирада иш қилинса, менимча, албатта мақсадга етмак мумкин бўлур.

Қизил байроқ. 1922 йил 29 июль

**II. ОВРУПО ВА БИЗ
(Германиядан хат)**

Германияга келганимдан сўнг овруполикларни яқиндан танимоқча муваффақ бўлдим. Бутун Оврупода барча ҳукумат одамларининг ва катта бойларнинг қўшилиши билан буюк-буюк жамиятлар тузилгандирким, мақсадлари Шарқни бир умр қоронгулиқда сақламоқдир. Ул жамиятлар, бир тарафдан, Шарқни текширадар. Шарқ тўғрисида китоблар ёзар ва унинг ҳар бир ҳаракатини орқасидан таъкиб этар.

Шарқда маориф ва тараққийга бўлган ҳар бир қимирлашни тўхтатмоқ учун бутун кучи билан тиришадир. Ҳар бир воситаға мурожаат қиласадир. Фақат ўшал жамиятларни айлантиргувчилар билан кўришиб қолган чоғингизда сизга – сиз Шарқ ўғлига энг мулойим сўзларни айтадир. Сизга энг яқин дўст бўлиб кўринадир. Булар Шарқнинг тарихини текширишга ҳам кўп катта аҳамият берарлар. Мана бунингдек масхарабозлар жамияти ёлғиз Германиядагина йўқдир.

Балки, Немислар ўзларининг ҳисобсиз душманларини енгмак учун Шарқнинг уйғонмоқлигини истайдирлар. Бу кунгача Шарқ тўғрисида ёзган китоблари бутун бетарафлик билан ёзилмишdir. Фақат илмда, маорифда булар Оврупода устоз саналадирлар. Немисларнинг олий мактабларида юзлаб амриқолик, француз ва инглизларнинг бўлишини ва бу ерда муҳандис тўпламоқ учун бирмунча ҳайъатларнинг келиши меним бу давоимни исбот этадир.

Сўнгра бошқа Оврупо давлатларига қарагандада энг яқини ҳам шудир. Шўролар ҳукуматининг Германия билан яхши алоқада бўлиши ва Германия билан шўролар Россияси орасида муюҳадалар бизни яна Германияга тортар. Шул сабабларга кўра Оврупога юбориладиган талabalарнинг энг аввал Германияга юборилмоғи ҳар тўғридан акл-

га мувофиқдир. Бунга мұваффақ бўлмоқ ҳам унча қийин эмас. Бизнинг ўз тилагимиз ва шуролар ҳукуматининг бу кунги сиёсати ҳам бу фикрга тўғри келадир.

Берлин

Қизил бароқ. 1922 йил 1 август

Абдуваҳҳоб Муродий (А.М.)

III. ГЕРМАНИЯДА ЎҚИШ ВА ЎҚИТИШ (Германиядан хат)

Германияда 21 дорилфунун ва бошқа сонсиз юқори ва ўрта даражалик мактаблар бор. Германия дорилфунунлари мактаб бўлишдан бошқа яна бир кошифлар, ихтиро қилғучилар ётогидир. Германия дорилфунуларидағи ўргатиш усули ҳеч бир ерда йўқдир. Жуда қисқа қилиб шуни ёзаман. Масалан, мактабда ўқитилмоқда бўлган ҳикмат (физика) дарсини олайлик. Талаба бу дарсни тинглар экан, мударрис (профессор) бутун тажриба қилиб кўрсатиш шарти билан бир соат сўзлар. Икки кундан кейин мударрис томонидан талabalарга бул дарс тўғрисида вазифа берилур. Вазифа бажарилганидан сўнгра бутун тажрибаларни яна талabalар ўз қўли билан қилур. Бутун нозик ерларини таъриф ва исбот этар, татбиқот ясар. Мана шу йўллар билан бир дарс устида талаба мударрис қарамогида 4 соат чолишар. Дарсни эшитмак билан қолмас. Балки дарснинг руҳига кириб кетар. Фанни ўзидан йироқ эмас, ўз ичидаги хис этар. Мана шу сурат билан унинг миясида фан туғилур ва яшар. Ихтиро фикри уйғонур. Катта имтиҳон бўлганда ана шул дарсдан ҳам сўз, ҳам ёзув билан имтиҳон берур. Сўнгра шул фан тўғрисида бир китоб ёзар. Ул китоб мударрислар орасида ўқилур. Улар танқид этарлар. Талаба исбот қилур. Шул йўл билан талабанинг фаннинг ҳар нуқтасига етишганлиги билингач, қўлига шаҳодатнома берилур. Бу шаҳодатномани олган талабага ҳар қан-

дай иш топширилур. Талаба бир назариётчи бўлиб эмас, балки ҳақиқий бир фан олимни бўлиб етишар. Сўнгра яна жуда кўп бўлган Дорулмасоилларга давом этиб мударрис дараражасига етиша билур.

Дорилфунун мударрислари эса мамлакатнинг энг мумтоз сиймолари дир. Немис мударриси бир олим, бир ижодчи, бир кошифдир. У яхши билар ва билганини ҳам яхшилаб тушунтирадар. Бу мамлакатда мударрислар илмлари кашф ва ихтиrolари билан мақтансалар ўрни бордир. Бутун Германиядаги ихтиrolарнинг ихтирочилари мударрислардир. Қисқаси, дорилфунун олами бизнинг фикримиз ва ақлнимиз ташқарисида бир оламдир. Мамлакат у даражада тарақкий этмишдирким, мамлакатда бир дона ўқув-ёзув билмаган бир одам топилмас. Бутун халқ, ҳеч бўлмаса, бизнинг ўрта мактабдан қанча юқори бўлган 12 синфлик бошланғич мактабларни битиргандир.

Қизил байроқ. 1922 йил 4 август

Аҳмаджон Иброҳимуф

ПЕТРОВСКИЙ ЗИРОАТ АКАДЕМИЯСИ

Баъзи сабабларга кўра Тошкентдан кечикиб чиқдим ва Москвага келгач ҳукумат бошқармаларида ишларимнинг тез битмаганилиги орқасида Петроград сув йўли ёпилиб, менга Рига йўли билан Берлинга жўнашга тўғри келди. Қанча қийинлик ва мاشаққатлар билан юзага чиқсан Берлин сафарида йўлим бўлган Московнинг олий ўқув юртларига кириб чиқиш менга мусассар бўлди. Москов олий ўқув юртлари ичидаги энг дикқатни жалб этган ўрин бутун Россиядаги машҳур Петровский зироат академияси бўлди. Бу билим юрти Россиядаги энг атоқлиқ ва энг муҳим билим юрти деб ҳисоб этиладир.

Мактаб шаҳардан 7 – 8 чақирим четда ўрмоннинг ўртасига солинган катта бир бинодир. Бу зироат академиясиning турлиқ лаборатория, кутубхона, қироатхона, музея ва тажрибахоналари бўлиб, ҳаммаси кам-кўстсиз жуда мукаммалдир. Мударрислари Россиянинг атоқлик профессорларидан.

Ўқувчилар шаҳарнинг шов-шув ва галваларидан четда, соф ҳавода кун кечирадирлар.

Бу академиянинг 3000 дан зиёда ўқувчиси бўлиб, булар Россиядаги турлиқ миллатлардандир.

Бунда Сибирдаги энг озчилик ташкил қилган ёкут халқидан 10 лаб ўқувчи бўлгани ҳолда, Туркистон ўзбекларидан (Туркистон ўзбекларининг 4/5 қисми деҳқончилик билан кун кечирадирлар) бир киши ҳам йўқдир. Мана бу ҳол кишининг юрагини эзадир. Ўрта мактабларни битириб олий билим юртига кирадирган ёшларга Туркистон учун жуда муҳим бўлган Московнинг Петровский зироат академиясига кўпроқ киришларини тавсия этаман.

Бултур Москав ўрта мактабларида Туркистондан биргина ҳам ўқувчи йўқ эди. Мана бу йил «Кўмақ» уюшмаси томонидан келган 50 қадар ўзбек ўқувчилари олий мактабларга кириш учун ошиқиб кеча-кундуз тинмасдан ўқиб ётибдирлар. Бу қандай шодлик.

Ўқувчиларимиз қаноат этарлик даражада таъмин этилганлар. Меним бу ўртоқларимга қила олатурғон тавсиям шул, ўрта мактабларни битиргандан кейин шул Петровский зироат академиясига курсунлар.

Туркистон. 1923 йил 2 март

«ҚўМАК» УЮШМАСИДАГИ ЎРТОҚЛАРИМГА

Бойқуш уяси ҳолига келаёзғон Туркистонимизни қайтадан руҳ бериб гулистон қилувчи, шубҳасиз, «Қўмак» уюшмаси ва уни идора этувчи ғаюр ўртоқларимдир.

Чунки улар келгусида миллат болаларидан агрономлар, инженерлар, дўхтирлар, адаб ва шоирлар, доҳийлар етказадирлар.

«Қўмак» ва унинг ишчилари ўзининг биринчи асос тозини қўйди. У бу фурсат ичидаги Руссия ва Оврупога бир қанча ўқувчилар юборишга муваффақ бўлди.

Мана бу бошланғон яхши ишларни давом эттириш, тобора кучайтириш керак. Бу «Қўмак» уюшмасидаги ўртоқларнинг вазифасидир.

Мен ишонаман, «Қўмак» уюшмасида ишлагувчи ўртоқларим чарчамасдан ишларлар. Туркистоннинг ёш, қариси бу уюшманинг давом ва бақоси учун қўлидан келган ёрдамини берар.

Мен ишонамен, келар йилларда Туркистон ҳам бошқалардек 1000 лаб ўқувчиларни четларга юборур.

Қўмакнинг юборғон талабалари борғон ерларида уюшиб «Қўмак»нинг обрўсини бошқалар олдида ҳам кўтарадирлар.

Берлин[даги] талабаларимиз[дан] ўртоқ Сайийд Алихўжа[дек] дардлик йигитларимизнинг ғайрати соясида «Қўмак»нинг бўлимини очқонлар ва ҳам «Қўмак» исмида бир журнал чиқармоқчилар.

Ўртоқлар, бу нарсалар «Қўмак» уюшмасининг озгина хизмати натижаси эмасми?

Бу хабарни эшитгандан кейин, шояд, руҳингиз кўтаришур. Кувватингизга кувват қўшилур.

«Қўмак» бўлимларининг ишchan бўлиши учун марказий «Қўмак» уюшмасини яхши асосга қўйиш шартдир. Ва бунинг учун қуйидаги чораларни кўриш лозим деб биламан.

1. «Кўмак» уюшмаси ҳозиргача бутун Туркистон ерлик халқи учун ишлаб келган бўлса-да, ўзбекларники деб аталиб келди. Бундан кейин бу уюшма ерлик халқ «Кўмак» уюшмаси аталиши керак.

2. Марказий «Кўмак» уюшмасининг ҳар бўлимни тепасига биттадан энг ишлик киши қўйилиши керак.

3. «Кўмак»нинг бўлимлари очилмаган жойларда ўқувчиларни уюштириб тезлик билан «Кўмак» уюшмаси бўлимларини очиш керак. Бўлимлардан у жойларда ўқидиган талабаларнинг турмушидан Марказ ҳар вақт хабардор бўлиши ва ҳамма вақт уларнинг ҳолидан мухобара бўлиб туриши лозим.

4. Ҳозирдан бошлаб «Кўмак»ни тарғиб этиш, газета ва журналларда мақолалар бостириш, рўза ойига ҳозирлик кўриб, Рамазон кириши билан ҳар бир шаҳар ва қишлоқлардан кўмак тўплаш, ҳайит кунига «Кўмак» уюшмасининг аҳамиятини тушунтириб, бир номер газета чиқариш лозимдур.

5. Газеталарга эълонлар ёзиб бутун Туркистон ўқувчиларининг тилакларини билиш керак. Яъни ўрта маълумотли ўқувчилар қайси мамлакат, қайси шаҳар олий мактабига кириши керак? Ўрта мактабни битирмаганларнинг қайси мактабларга кириб ўқиши тўғрисида маслаҳат кўрсатиб туриш лозимдур.

6. Руссия, Оврупа ва Амриқо дорилфунун ва ўрта мактабларининг проғромлари, ҳаёти, ўқиши ва ўқитиши йўллари билан таништириб туриш керак.

7. Руссиянинг катта шаҳарларидағи ўрта мактаблардан, айниқса, ишчи факултатарида Туркистон ҳукумати орқали ҳаракат қилиб кўпрак ўрин олиш керак. Ҳаракат қилинмаса, ўрин олиш мумкин эмас. Чунки рабочий факультетдан ўринлар синфий иттифоқларга бўлинадир. Бизда синфий иттифоқлар яхши ва мустаҳкам бўлмағони учун тегишлик ўринни ололмай қоламиш. Бу теккан озгина ўрин ҳам оврупаликлардан ортмайдир. Масалан, бу йил Петроград тоғчилик ишларини ўрганиш олий мадра-

саси ёнидаги рабұчий факультетидан Туркистон төг іш-чилари союзига 18 ўрин берилған зәді. Бу ўринга Туркбюро ВЦСПС нұқул оврупалиқтарни юборди. Нечун ерлік төг ишчилари болаларидан юборилмайдыр деб сүрагонимда «ерлик халқ үзи истамайдыр» деган жавобни әшиттін зәдім. Ана шундай күнгілсизлик бўлмасун учун ҳукумат орқали ҳаракат қилиб тегишлиқ ўринни олмоқ керак.

8. Вақфлардан ҳам фойдаланиш лозимдир.

Берлин
Туркистон. 1923 йил 14 март

Эртой

ГЕРМАНИЯДА ЎРТА ОСИЁ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИККИ ЙИЛИ

Чет элларга минглаб, ўн минглаб студентлар юборган мамлакатлар қаршиисида буюк Туркистон (Ўрта Осиё) жим турмади. Ўрта Оврупога бириңчи марта бўлса ҳам үзига яраша ўқувчилар юборди. Туркистондаги ўзгаришлар ичида үзилизни дунёга кўрсатарлик катта бир иш қилдик. Туркия, Россия, Озарбайжон ва Германияга студент ва ўқувчилар юбордик. Ўрта Оврупода осиёликлар ичида кичкинагина бўлиб кўринган бир тўда Туркистон ёшлари Германия мактабларига кириб, ўқишга бошлаганларига тўппа-тўлиқ бир йил тўлди.

Биз Ўрта Оврупода ўқиб турган бир тўда ўқувчиларимизнинг аҳволларидан ёзиб ватандошларимизга танитмоқчи бўлдик. Биз 1922 йилнинг сўнгги ойларида Германияга келгач аввалдан тайёрлигимиз бўлмагани учун тил билмас зәдик. Буюк Туркистонни талаб, ёндириб, зәзиб келган рус монархистлари, Петр Великий Оврупога юбориш учун талаба топа олмаган вақтларини эсларига олмасдан «Сартлар Оврупада нима қиласадир?» деган истеҳзолар би-

лан матбуотда (Берлинда чиқадирган «Рур» газетасида) қиңқиришиб ўтган эдилар. У қорни катта жаноблар бизни Оврупо маданиятига муносиб кўрмаган эдилар.

Рус миллатчиларининг бу совуқ ва қўпол қарашларига қарши германлар томонидан яхши кутиб олиндик. Матбуот «Туркистон уйғонди, уйғонсун!» каби ундовлар билан қизғин мақолалар ёзиб ўтди.

Германияга янгигина келганимизда кўп миллат мухбирлари биз билан кўришиб ҳам кетдилар.

Мана бу ҳоллар истиқболда юртимизнинг қандай роль ўйнагусини кўрсатса керак.

Ҳар қандай немис бизни оиласига қўшиб олиш учун эшикларини очиб қўйди. Оддий муаллимлардан бошлаб дўхтири, профессорлари тил ўрганишимиз учун қўлидан келган ёрдамини аямади.

Германлар дунёни севгандари каби, Туркистонга ҳам жуда қизиққанлар эканлар. Кўзимиз билан кўрганимиз учун бу ерда очиб айтишимиз керакким, улар мамлакатимизни, тарихимизни, истиқболимизни биз туркистонликлардан ортиқ биладилар, танийдилар. Юртимиз тўғрисида биз учун энг муҳим китоблар ёзиб, бошқа тиллардан ҳам таржима қилганлар.

Оз замон ўтгач, тилни ўрганиб мактаб дарсларини тинглашга лойиқ бўлганимиздан сўнг, ҳар ким ўз йўлини тутиб олди. Кейин 1923 йил семестраси (янги ўқув йили)-дан ўқишга бошладик.

Студент ва ўқувчиларимиз ўз даража ва истакларига қараб тубандагича бўлиндилар: 1. Студентлар. 2. Гимназиячилар. 3. Ўрта саноат мактабларига кирувчилар.

I

Туркистон ва Туркияда эъдодийни (ўрта мактаб) битириб келган ва дорилфунунда ўқиган студентларимиздан баъзиларининг шаҳодатномалари Германия ҳукумати

томонидан тан олиниб, истаган олий мактабларига имтихонсиз қабул қилиндилар. Қоғозлари ўрнига солинмагандар эса эшигтгувчи (abituriyent) ўрта мактаб имтихони берганларидан сўнг ҳақиқий талабаликка эришдилар. Эришиб келурлар. Бу каби ишлар кўпинчча Берлин, Шартенбурғ олий техника мактабига киравчиларнинг бошларига тушди. Шунинг билан барча ўқувчиларимизнинг мактабларга ўрнашиб олиш дарди битиб кетди.

Германияда Ўрта Осиё ҳисобидаги студентлар тубандагилар:

№	Оти	Мактаби	Соҳаси	Ватани
1.	Абдуваҳҳоб Муродий	Берлин олий зироат мактаби	зироатчи	Туркистон
2.	Азимжон Беримжон	Берлин олий зироат мактаби	зироатчи	Туркистон
3.	Солих Муҳаммад	Берлин олий зироат мактаби	зироатчи	Туркистон
4.	Темурбек Қоғибек	Берлин олий зироат мактаби	зироатчи	Туркистон
5.	Саййид Алихўжа	Берлин олий техника мактаби	кимё	Туркистон
6.	Афзал Абдусайд	Берлин олий техника мактаби	архитектор	Бухоро
7.	Аҳмаджон Иброҳим	Берлин олий техника мактаби	тоғ муҳандиси	Туркистон
8.	Султонбек Матқул	Берлин олий техника мактаби	электр инженер	Туркистон
9.	Билол	Берлин олий техника мактаби	машина-созлик	Туркистон
10.	Тўлаган Мўмин	Берлин олий техника мактаби	электр инженер	Туркистон

11.	Орифхон Иброҳим	Бонн олий зироат мактаби	сув муҳандиси	Туркистон
12.	Собир Иброҳим	Дармштадт олий техника мактаби	кимё	Туркистон
13.	Атоулло	Дрезден олий техника мактаби	машинасоз	Татаристон
14.	Аҳмад Шукрий	Берлин дорилфунуни	тарих, фалсафа	Туркистон
15.	Аҳмад Наим	Берлин дорилфунуни	тиббиёт	Бухоро
16.	Тоҳир Шокир	Хейделберг дорилфунуни	иқтисод	Туркистон
17.	Абдуваҳҳоб Исҳоқ	Хейделберг дорилфунуни	тиббиёт	Туркистон
18.	Шамсулбанот	Берлин дорилфунуни	тиббиёт	Татаристон
19.	Гулсум Музаффар	Берлин дорилмуаллимотини	муаллим	Татаристон

1924 йил бундаги туркистонликлар учун баҳтлик йиллардан экан. Студент ва ўқувчиларимизнинг босган қадамлари узоқларга тушди. Берлин олий зироат мактабида Абдуваҳҳоб Муродий ва олий техника мактабида Билол каби йигитларимиз мактабларида энг муҳим синовлардан бўлган биринчи имтиҳонларини (*vorigsamen*) ва Аҳмаджон Иброҳимов ҳам олий техника мактаби томонидан талааб қилинган имтиҳонни яхши даражалар билан битириб қутулдилар. Билол ва Муродий ўртоқлар бир йилдан сўнг мактабларини битирсалар керак. Аҳмаджон катта имтиҳонга тайёрланиб турадир. Бошқа студентларимиз ҳам мактабларга имтиҳонларини беришга тайёрланиб турибдирлар. Дорилфунун профессорлари Туркистон студентларидан хурсанддирлар.

Ўз илмий кишиларига чанқаган улуғ Туркистон 1925 – 1926 йилдан бошлаб Овруподаги етиштирған миллий агроном, муҳандис, кимёгар ва дүхтириларига эга бўлгусидир.

II

Ўрта Овруподаги туркистонлилар ичида кўпчиликни ташкил қиласланлар гимназия ва реал гимназияларда ўқувчиларимиздир. Ҳар миллат маданиятининг туб булоги бўлган эъдодий мактаблар Германияда мукаммал йўсунлик режага олиниши баробарида ўзича бир дунёдир. Бу хайриятлик дунёда келгусида тайёрланиб турган Германия ёшлари орасида бизнинг ўқувчиларимиз ҳам етишиб келурлар. Ўқувчиларимиз турли гимназияларнинг бошланғич бўлимидан тортиб то сўнгги (Prima) синфигача ёйилгандирлар. Primадаги ўқувчиларимиз учун мактаб мудирлари имтиҳон чоғида тиллар тўғрисида ўз болалари каби сўролмасликка вайда бердилар. Яъни биз учун бир унутилмас яхшилик қилдиларки, туркийчамизни Оврупо тиллари қаторига қўшдилар. Ўрта мактаб имтиҳонларида француз ёки инглиз тиллари ўрнида ўз она тилимиздан синов берамиз.

Германиядаги Туркистон ўқувчилари орасида биринчи галда яхши синовлар билан Берлин обер реал (юкори) мактабини битирган Солиҳ Муҳаммад ва Primara тайёрланган Баҳовуддин Амин ҳам Саттор Жаббор каби ўртоқлар чиқди.

Орамизда Марямхон, Хайринисо, Саодатхон отлиқ ўқиш учун мамлакатимиздаги тўсиқларга қарши Оврупога отилган фидокор қизларимиз ҳам бор. Уларнинг ўқишилари яхши. Бироқ хивалик Марямхон моддий томондан яхши таъмин қилинмагани учун йўлларида кўп чатоқликлар кўрадир. Чиндан ҳаёт хотини бўлмоқ ва Туркистонда қолган опа-сингилларининг истиқболи учун ҳеч ким кўрсатмас қаҳрамонлик қилиб келган қийматлик қизимиизга Хоразм

Жўмҳуриятининг шундай совуққонлик билан қарашига Туркистон ёшлиги таассуф айтмай тура олмайдир. Бухоратъминотидаги татар қизларидан Руқия ва Гулсум опалар Дрезден қизлар гимназиясидадирлар. Ёш ўртоқларимиз (Кёслинг гимназиясида) бирга туарлар. Ўз тилларини йўқотиб юбормасликлари учун ёнларида туркча муаллимлари бор. Ишларида, руҳларида янгиликлар кўринган ёш гимназистларимиздан умид кўпдир. Улар ўрта мактабни мунтазам битириб Туркистон студентлари ёнига киргусидирлар. Студентларимиз улар орасига бориб Туркистон тўғрисида маърузалар ўқиб туриш ниятидалар.

III

Оврупо ва Амриқо билан юртимизни солиштирсан, Туркистон мотамхонадан иборатдир. Кунботарликлар табиатни ўюнчоқ қилганлар. Биз эса табиатга ўюнчоқ. Элимиз охират дарди билан оввора, яъни тириклигимиздан ўлимимиз ҳоким. Овруполиклар эса истиқбол ва яшаш учун ҳозирланмоқдалар. Мана биз туркистонликларнинг янги дунёдан ажralиб қолишимиз. Очиброқ айтганда, ажратган нарса машина давридан узоққа тушганимиздир. Шуни кўзда тутиб кўп ўқувчилар машина, тўқимачилик, кўнчилик, боқча, зироат ва матбаачилик каби ўрта саноат мактабларига кирдилар. Германия ўрта саноат мактабларига кирган ўқувчилардан бир тўдаси 1925 йилда мактабларини битирса керак. Уларнинг сони қуйида кўрсатганимизча: ўрта зироат мактабида 6 та, машина ва фабрика техникумларида 5 та, электр техникумда 1 та, матбаа техникумда 2 та, кўнчилик техникумда икки ўқувчи, барчаси 16 ўқувчидир.

Туркистон талабалари бирлиги. Эзилмак истамаганларнинг энг яхши қуроли унинг ёшларидир. Бугун Оврупо, Амриқо хат тарихида биринчи ўринни олган ва буюк ҳақ-хурматга эга бўлганлар ўқувчи ёшлар эканлигини кў-

рамиз. Уйқудан янги турган Туркистан ёшлари студентлик йўлига энди қадам қўйиб келсалар-да, ёт элларда бир-бирларидан дараксиз бўлиб кетмасликларини кўзда тутиб ва келгусида «Умумтуркистан талабалар бирлиги» тузиш нияти бор эди. Икки йил бўлди, Германияда «Туркистан талаба жамияти» курилиб ишга бошлади.

Жамият Германия ҳукумати томонидан расмий тасдик қилиниб, студент дунёсига ўзини танитиш билан бу кун Ўрта Оврупадаги турли миллатлар талаба бирлиги сирасига қўшилди. Тилаги отидан кўринган ёш жамиятимиз ҳам талаба ҳаётига оид кенг тузукларга эгадир. Унинг бутун тузукларини бу ерда сиғдириш мумкин бўлмаганидан улардан баъзиларини қисқача ёзиб ўтишни ўринли биламиз: 1. Жамият бутун туркистонликларни (ўзбек, қозоқ, туркман) ўз ичига олар ва Туркистоннинг маориф ва маданияти учун йўллар очар. 2. Оврупо илму урфонини Туркистонга танитмоққа ва Туркистан талабаларини Оврупога жалб қилмоққа ва мактабларга ерлаштиրмакка тиришар. 3. Туркистан кўл саноатини тадрижан бўлса ҳам фаннийлаштирилакка ва бу йўл билан Туркистан фуқаросини капиталистлар асосатидан қутқармоқни биринчи мақсад деб билар ҳам Туркистонни Оврупога таништиришга ҳаракат этар. 4. Талаба ўртоқларни ҳар ҳафтада тўплаб ўз ихтисослари бўйича лекциялар ўқитдирап, ўз илмларини Туркистонга татбиқ этишга тиришар. 5. Туркистан ва Туркистон ташқарисидағи бутун туркистонлик талаба ўртоқларга мурожаат қилиб мухобара таъсис этмакка бошлар; талаба марказларидан бирида бир журнал чиқармоқ билан Туркистонга илмий хизматлар қилмоққа ҳаракат этар...

Ички, ташқи тузукларимизни қўлимиздан келганича татбиқдамиз, Туркистан, Озарбайжон, Россия Жумхуриятлари ва Туркиядаги ўқувчи ўртоқлар билан алоқа боғлаб танишмоқдамиз. Жамиятнинг ички ишлари ёмон эмас. Гали билан ўзаро маъruzалар ўқишамиз. Кўклам бошланганидан бери «Гимнастик», «Шарқия», «Кезиш» каби тўда-

ларимиз якшанба кунлари (баъзан таниган олмон талабалари билан) шаҳар теграсида экскурсиялар қиласадир.

Яқин замондан бери Туркистон Жумхурияти ва Шўролар Рассиясида «талабалар Оврупонинг бузук фикрлик кишилари таъсирида, уларни қайтариб олмоқ лозим. Йўқса, бир кун бошимизга бало бўлур...» каби бўлмаган сўзлар туғилганини эшитиб ҳайрон қолмоқдамиз. Ҳаммага маълумки, Туркистон талабалари Оврупога сиёsat билан аралашмоқ учун келмадилар. Германияга келганимизга икки йил бўлди. Шу вақтгача орамиздан бир кимса сиёsat билан шуғулланмади. Талабалар ўқишидан бўшамайдир. Аммо Берлиндаги Рассия Шўролар сафороти билан жуда яқин алоқамиз бор.

Биз Туркистон матбуотидан, эсизларки, узоқдамиз. Кўп вақт сўраб ёзганимизда газеталар интизомсиз келиб турсада, бугун 2, 3 ойдан ошиб кетди, тўхтади. Талаба ва ўқувчилар Туркистон дарак ва аҳволларига доим танишмоққа қизиқадилар. «Туркистон», «Фарғона», «Озод Бухоро», «Оқ жўл», «Зарафшон» ва бошқа туркча, русча газета, журнallардан мунтазам юбориб турилса, биз, талабалар, бундан сўнг улар билан ишга киришиб алоқа боғлар эдик.

Берлин
Туркистон. 1924 йил 2 сентябрь

Мажлисда бўлгучи ЧЕТ ЭЛЛАРДА БУХОРО ТАЛАБАЛАРИ

Июлнинг 5 ида Германиядаги Бухоро маориф ваколатхонасида Бухоро ва Туркистон талабаларининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Рассия ваколатхонасидан ва бошқа жойлардан келган меҳмонларни Бухоро ва Туркистон талабаларининг ишлаган ишлари, мактаблари ва саноатхоналари билан таниширилиб ўтилди. Ундан кейин рус ваколатхонасидан келган ўртоқ Фихтнер сўз олиб, Бухоро

ва Туркистон талабаларини табрик қилиш билан баробар Германияда ўқувчи Бухоро ва Туркистон талабалари ҳақида юрган ҳар турли хабарларнинг ёлғон эканлигини, бундан кейин ундаи хабарларга ҳеч кимнинг ишонмаслигини, Россия ваколатхонаси ҳар доим Бухоро ва Туркистон талабаларига ёрдамда бўлишини айтиб ўтди.

Мактаб талабалари номидан Абдуваҳҳоб Муродий, Аҳмад Наим, Сайийд Али, Аҳмад Шукрий ўртоқлар сўзлаб, ўртоқ Фихтнердан талабаларга сиёсий дарс берилмагини талаб қилдилар. Ўртоқ Фихтнер ҳам талабаларнинг тилагини қабул қилиб, сиёсий дарс бермакка ваъда берди. Кейин ўртоқ А.Абдусаид мусофиirlарни Таҳсили талаба ва маориф комиссияси номидан саломлаб ташаккур билдириди. Мажлисда бўлганларнинг расмлари олинди. Талабалар тарафидан турли шарқийлар ўқулди. Мажлисга келган меҳмонлар жуда хурсанд бўлиб тарқалдилар.

Озод Бухоро. 1924 йил 27 июль

БЕРЛИНДАГИ ТАЛАБАЛАРИМИЗДАН ЎРТОҚ ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАГА ХАТ

Ўзбекистон Шўро Жумҳурияти Комиссарлари шўросининг ва ҳам бутун Шўро Жумҳуриятлари Иттифоқи Марказий Ижроқўмининг раиси муҳтарам Файзулла Хўжа ўртоқ.

Сизнинг тўгрингизда таассуфлик хабарни биринчи дафъя «Правда» газетасида ўқиш билан дарҳол Самарқанд ва Москвага телеграф билан ўзимизнинг оғир таассуфимизни билдириб тезроқ соғайишингизни тилаб эдик. Бутун у таассуфлик хабарнинг тафсилотини ерлик газеталаримизда ўқигандан сўнг сизнинг Сухуми касалхонасида бўлганлигингизни билиб таассуrimизни ўзингизга ёриб билдирамиз.

Умумий мақсад йўлида хайрлик ишлар битириб юрганингизда бундай бир фалокатга учрашингиз ҳамма меҳ-

наткашлар билан бирга бундаги Ўзбекистон ҳайъатини ва ҳамма талабаларни доқقا ва аламга тушириб қўйди.

Аlam va ожингизга кўнгилдан иштирок этиб тезлик билан тузалиб Ўзбекистон Жумҳуриятида ўзбек камбағал меҳнаткашлари фойдасига узоқ йиллар ишлашга муваффақ бўлишингизни қалбимиздан тилаймиз.

Сизга узун умр ва соғлиқ тилаб ўртоғлиқ саломи билан:

*Ўзбекистон маориф ҳайъатининг раиси: Г.Идрисий
Талаба жамияти раиси: Аҳмаджон*

Б-и (Бадри Сайфулмулк)

БАДАН ТАРБИЯСИ (Физкультура)

Инқилобдан кейин мамлакатимизда бадан тарбияси (физкультура)га қанчалик аҳамият берилгани ҳар кимнинг маълумидир. Ҳар мактабда бадан тарбияси мажбурий дарс ҳукмига кирди. Ҳар бир шаҳарларда бадан тарбия клублари, тўгараклари очилиб кетди.

Бадан тарбияси янги туғилган боладан тортиб чол одамгача лозимдир. Бадан тарбияси орқасида кишининг гавдаси ва бошқа аъзолари ҳар бир қийин ва оғир ишларга уйғунлашадир. Бадан тарбияси орқасида одамзод ўлишига довур ёш ва фаол қоладир.

Халқ рўзғори фақат бадан тарбияси орқасида кишилардан аъзами суръатда (максимум) фойда қила оладир. Кунда ҳеч бўлмағонда 15 минут ёки ярим соат гимнастика билан машғул бўлғон киши ўзининг ҳунар ва санъатини бажаришда корхоналарда машиналар ёнида қанча иш қилса ҳам ҳеч чарчамайдир. Бадан тарбияси кишидан дангасаликни йўқотадир. Баданини тарбия қилғон одамнинг ўпкалари катта, кенг бўладир. Кунда ҳеч бўлмаса бир соат ёки бир неча минут бўлса ҳам тоза ҳаво билан тў-

либ қоладир. Унинг юраги соғлом ва мустаҳкам бўладир. Бироз югурса ёки бироз шошиб иш қилса, нафаси қиси-либ, юраги уруб кетмайдир.

Бадан тарбияси кишининг руҳини кўтарадир. Гимнастика қилган одам доимо чақон, доимо тайёр, атрофида бўлғон ҳодисалардан хабардор бўладир. Ҳафсаласизлик, ёлқовликнинг яқинига йўлагиси келмайдир. Ул ҳар вақт оғир бўлиб, совуққонлиқни йўқотмайдир.

Бадан тарбияси билан машғул бўлган одам тез касал бўлмайдир. Отдан, трамвайдан йиқилса ҳам, унинг суклари дарров синмайдир. Балки ул одам жуда кам йиқиладур ва ҳеч йиқилмайдир. Мабодо йиқиладургон бўлиб қолса, дарров ўз вазиятини совуққонлиқ билан таъйин қилиб олиб, керак бўлғон тарафка ўз-ўзидан сакраб тушадир. Спорт ва бадан тарбиясининг ҳар хил қисм ва навълари бор: копток тепиш (футбол), мушт ўйнатиш (бокс), яхмалак отиш, югуриш ва ҳар хил асбобларда юриш ва бошқалар. Бизнинг Туркистонда ҳозирча бўлмағон спортлардан бири қишида яхмалак отишдир.

Совуқ ерларда, масалан, Москав, Ленинград ва бошқа шунга ўхшаш катта шаҳарларда спортнинг бу навъи жуда муҳим, оҳангдор, нафис (элигент) ҳам фойдалиқ саналадир. Яхмалак отиш чоғида кишининг ҳар аъзоси мутаносиб суратда ҳаракат қиладир. Муз устида музикага мувофиқлашдириб ўйнамоқ ҳам турли ҳаракатларни қилмоқ бўладир. Чопмоқ ва яхмалак отмоқ осон бўлғонидан одамзод ҳеч чарчамасдан беш-олти соат соф ҳавода муз устида қола оладир. Бу замон ичиде албаттга кишининг ўпкаларида фабрик, корхона, мактаб, контўр, идорахона, дўконларнинг ёмон ҳавосидан бир қатра қолмасдан чиқиб битадир. Муз устида яхмалак отиш спортини эркак ва қизлар баб-баравар қила оладир.

Бизда спорт йўқ деярлик даражада, шунинг учун одамларимизнинг баданлари заиф, руҳлари тушкун, ўзлари ёлқов ва дангасадирлар. Ҳозир олдимиизда муҳим бир иш

бўлса, ул ҳам бадантарбия ишларини кенгайтиришдир. Зах уйларда, ифлос ва тифиз жойларда доимо яшаб туриш кишининг соғлигини еб қўядир.

Ер юзи. 1926 йил 5 март. №6

Бадри Сайфулмулк

ИСПУРТ
(*Спорт*)

Сувда чўмилиш ва сузишдан кутилган фойдалар жумла-сига терининг озодалиги, аъзоларимизда қоннинг чаққон юриши ва қоннинг юрагимиз томонидан ҳар бир аъзомизга тез ҳайдалиши, ағсоб, яъни қуруқ томир ва пайларимизни маҳкам қилиш, вужудимиздаги иссиқлиқ ва совуқлиқни текислаб турадуғон аппарат ва жиҳозларни фаолиятга келтириш, нафасни юксалтириш каби нарсалар кирадир.

Бу навъ чўмилишларни мактаблардаги бадантарбия дарсларига киргизиш керак. Чўмилишни дарс қилиб киритиш керак дейилди. Чалак билан чўмилиш учун кўп вақт ҳам сарф қилинмайдир. 20 – 18 болани чўмилдириб олиш учун 45 – 30 минут кифоя қиласидир.

Олмония ва, айниқса, Дания ва Финландия мактабларининг ҳар бирида ҳаммом ва душ учун айрим ҳужралар, ҳатто маҳсус тайёрланган ҳамда сувлари доим алмашиб турадурғон катта ҳовузлар бор. Бу ҳовузларда йилнинг тўрт фаслида ҳам чўмилса мумкинdir.

Сузганда одамнинг ҳамма аъзолари ҳаракатга келадир. Илгари кетиш учун қўл ва аёқлар кучли суратда ҳаракат қилишга мажбур бўладир. Нафас олиш учун бошни ҳар вақт сувнинг юзасида юқори кўтариб туриш керак бўлғонидан орқа суюкларнинг азалалари доим ҳаракатга келиб туриб, сўнгидан одамнинг ер юзида ҳам тўппа-тўғри, тикка юришига ёрдам этадир. Бундай ҳолатда юриш

ва аёқ устида туриб ўрганишнинг нафас аъзолари учун жуда кўп фойдаси бор. Сувда сузиш кишини қари ва заиф одамлардек букилиб юришдан сақтайдир. Бошларини кўпинча ерга солиб юргувчи бизнинг Шарқ халқлари учун бу ҳол, айниқса, муҳимдир.

Сувда сузган вақтда ҳар тарафидан қобирғалар ва пастки томонидан жигар гўшт пардаси билан ўралиб олинган кўкрак қафаси, қўл ва аёқларнинг ҳамда курсоқ (қорин) азалаларининг яхши ҳаракатга келиши сабабидан кенг очилиб ўпкаларга соф ҳаво киришига сабаб бўлади. Шунингдек, аёқ ва орқа суюклари ҳам курсоқ этлари яна жигар гўшт пардасининг иккинчи турли тескари ҳаракатлари ўпкалардаги ёмон ҳавонинг чиқишига ҳам ёрдам этадир.

Сувга сакраб тушганда сувнинг совуқлиги вужудимизга тўсатдан таъсир этиши сабаблик бунга қарши туриш учун юрак ҳам тезрак, қувватлирак урушга киришадир. Бу сабабдан чўмилғон чоқда юрак азалаларининг қуввати ортадир.

Суюклар, азалалар, нафас аъзоларининг юрак ва қон томирларининг, томирлари асаблар бўлғонидан сув ис-пуртининг буларга ҳам жуда кўп фойдаси бор.

Шу сўз арга яна бир муҳим қайд ортириб кетишимиш керакдирки, бизнинг катта-кичик болаларимизда сувга чўмилишнинг ҳеч бир таъйини ва тартиби йўқдир.

Ер юзи. 1926 йил 30 сентябрь. №13

Баҳовуддин Амин

СОҒЛИҚ ВА ҲАРАКАТ

Соғлиқни сақлашнинг ҳар бир киши учун қанча кераклик бўлғонини узун ёзмоқ ортиқча. Дунёда яшамоқ учун ишламак керак ва ишламак учун соф бўлмоқ керак.

Бизда эскидан қолган фикр бўйинчча, бир киши касал бўлиб кўрпа-ёстиқ қилиб ётмаса ва ўз ишини бироз бажа-

ра билса, ул киши «соғ» деб таниларди. Бу жуда янглиш фикр. Соғ бўлғон киши ўзини ҳар вақт кучлик, тоза билиб, табиатнинг унга берган яхши нарсаларини тамом олиб сарф қилишга қодир бўлиши керак. Кўп авқот ва ёмон усулда еган кишининг қорни катта бўладир. Бу, албатта, ёмон нарса. Чунки қорни катта кишилар фойдалик бўлган бир кўп ишларни қила олмайдирлар. Улар югуриш, узоқ йўлда юриш, оғир ишларни бажаришдан маҳрумлар ва алҳосил тамом ялқовланиб қоладирлар. Эсизким, қорни катта кишилар ўзларини моҳтаб, жуда соғ киши бўлғонлари билан фахр қиласидилар.

Бундай кишилар соғ бўлсалар-да, аммо ҳар бир ишни қила олмағонлари учун уларни соғ деб бўлмайди.

Баъзи кишилар борким, жуда заиф бўлиб, бироз югурсалар, юраклари қаттиқ уруб кетиб, юзларида ҳеч бир қон қолмайдир ва дарров ўшал турғон ерларидаёқ ўлтиришга мажбур бўладирлар. Бундай кишиларнинг ўпка ва юраклари кучсиз бўладир. Булар ҳам соғ эмаслар. Бундай масалаларни келтира берсак, сўз чўзилур.

Биз қандай қилиб соғлиғимизни сақлай олами? Соғлиқни сақлаш илми қандай йўлларни кўрсатадир? Биз чин маъноси билан соғ бўлиш ва соғ туриш учун нималар қилишга мажбурмиз?

Соғлиқни сақлаш илми бизга айтадирким, одамнинг соғлиғини сақлаш учун кўп ва яхши ҳаракат қилиш, баданга фойдалик овқатлар олиш, яхши, яъни фойдалик материаллардан кийим кийиш, уй-жойни ёруг ва тоза ҳаволик қилиш керак. Буларни билиш ва қилиш албатта зарур. Аммо биз ҳозирда биринчи нарсасидан бошлилик.

Қоидага мувофиқ ҳаракат қилиш нима, унинг бизга қандай фойдалари бор?

Биз кўчага томошаға чиқсан, уйда ёзув ёзсан, авқот есан, албатта, ҳаракат қиласидиз. Аммо бу ҳаракат бизнинг соғлиғимизни сақлаш учун фойдалик эмас деб соғлиқни сақлаш илми айтадир.

Хўш нима қиласиз энди? Одамнинг гўшти катта бир бўлак эмас, балки бир қанча кичкина-кичкина бўлаклардан иборат. Бу бўлакларнинг ҳар бирини арабча «аъзала», русча «мускул» деб аталадир. Бу азалаларнинг ҳар бири танамизнинг бир ерини, масалан, бармоқларни, аёқни, оғизни ва бошқаларни ҳаракат қилдирадир. Мана, бизга фойдалик ҳаракат шундай ҳаракатдурким, бизнинг бутун азалаларимиз ҳаракатга келсин ва кучлик бўлсин. Азалаларни кучлик қилиш учун бизга ҳар хил гимнастик ҳаракатлар қилиш, узоқ йўл юриш, чопиш ва тоғларга чиқиш керак.

Бундай азала ҳаракатлари бизга кўп фойдалар берадир.

Танимизнинг катта бир бўлаги ҳаракат аъзоларидан иборатдир. Гўшт ҳаракат қилдирадурғон, суяқ эса ҳаракат қилдирилғучи аъзолардир. Яхши ўсган, катта кишиларнинг гўшtlари бутун таналарининг бешдан икки бўлаги бўлади. Бизнинг гўшtlаримиз, тўғрироқ айтганда, азалаларимиз сарбаст турғон ҳолларида бутун танимиздаги қоннинг учдан бир бўлаги тарафидан тарбияланадирлар. Яъни қон азалаларнинг ичидан ўтадир. Биз танимизни ҳаракат қилдирғонда азалалар ишга кирадирлар ва биз кўрамизким, фақат ҳаракат қилиб турғон азалаларимизгина эмас, балки ҳамма азалаларимиз қон билан тўлиб қоладирлар. Бу эса бизнинг учун фойдалиқ бир ишдир. Чунки танимизнинг ҳеч бир қисми азалаларимиз каби кўп ўсишга муҳтоҷ эмас.

Бизнинг бутун танимизнинг оғирлиғи, туғулғондан тамоман катта бўлгунча йигирма бир маротаба оғир бўладир. Яъни, масалан, бола туғилғон вақтида беш қадоқ оғирлиқда бўлса катта бўлғонида бир юз беш қадоқ бўладир. Бу ҳисоб, албатта, такрибийдир ва бунинг билан биз одамнинг неча маротаба оғир бўлишини кўрамиз. Бунинг тескарисича, боланинг туғилған вақтидағи оғирлигига қараганда унинг азалалари 38% оғирлиқ оладир. Яъни бола туғилғон вақтида унинг тамом оғирлиғи беш қадоқ бўлса, бундан такрибан икки қадоғи азалалардир. Бу бола

ўсиб бир юз беш қадоқ оғир бўлғонда унинг ёлғиз азалали-
ри етмиш саккиз қадоқ бўладир.

Мана бунга қараганда, азалаларнинг бошқа тан аъзо-
ларига қараганда қанча кўп ўшишга муҳтоҷ бўлгони кў-
риладир.

Энди биз фикр қилиб биламизким, бизнинг танимиз-
нинг бундай муҳим бўлгаги гўштимизни ҳар вақт
ҳаракат қилдириб, уни тоза тутиш ва кучлик қилиш учун
тиришиб, унга ўзининг овқати бўлғон қонни кўпрак юри-
тишга аҳамият бериш жуда зарурдир.

Ер юзи. 1926 йил 14 июль. №10

Б.Амин

СПОРТ – ТАН ҲАРАКАТИ

«Ер юзи»нинг 10-сонида тан ҳаракатларининг одам-
ларга қандай кераклик ва фойдалик бир иш бўлғонини
ўзиб ўтган эдик. Энди ҳаракатнинг танамизнинг ҳар бир
аъзоларига қандай таъсир қилишини кўрамиз.

Тан ҳаракатларининг батъзилари бизга жуда кўп фой-
далик бўлғони ҳолда, баъзи бирларининг кўп фойдала-
ри бўлмайдир. Бунинг устига, одамнинг ҳоли ҳам катта
роль ўйнайди. Ёшлиғидан бери испурт билан шуғулланиб
келган бир киши тан ҳаракатларини жуда осонлик билан
қилса-да, испуртни янги бошлағон бир киши қилғонда ул
тезда чарчаб қолади. Одамнинг ёшини ҳам бунда кўзда
тутиш керак. 20 – 25 ёшга кирган бир йигитнинг қиладур-
гон ҳаракатларини 15 ёшга кирган бир бола, 50 га кирган
бир қари киши, албатта, қила олмайди.

Тан ҳаракатидаги муҳим нарса аъзоларнинг ҳаракати
ва иш қилишидир. Бундан келган фойданинг кўзга кў-
ринатурган қисми аъзоларнинг кучлик бўлиб, кўп қийин
ишларни осонлик билан бажаришга қодир бўлгани ва

аъзоларнинг ўсиб кетиши бўлса-да, аслида, муҳимроқла-
ри ҳам бордир. Кўл, аёқ ва ё бошқа аъзо билан қилинадур-
ган ҳаракатни кўп ва мунтазам қиласверсак, ул аъзомиз
шунга ўрганадир ва бир ҳаракат ёки ишни жуда осонлиқ
билин бажарадир. Оғир ишларни қилғонда бизнинг кўк-
рагимиз, елка ва қўлларимиздағи аъзолар кучли ва қалин
бўладилар.

Ишлаттириб юрилган бир аъзоларнинг эга бўлғон қони
кўп ишлаттирилмаган бир аъзоникига қараганда анча кўп-
дир. Кўп тан ҳаракатини қилғон бир кишининг чарчаши 12 –
24 соат ичидаги тамом бўладир ва бу яхшидир. Чарчағон
ҳолда танда оғирлиқ сезиш, уйқусизлик ва иштаҳасизлик
каби нарсалар вақтинчадир, булардан қўрқиши керак эмас.

Тан ҳаракатларининг бизга тегадургон фойдаларидан
бири ва муҳими инсоннинг нафас олиш аппарати (ўпка,
юрак)га, умуман, нафас олишга ва қон юришига бўлғон
таъсиридир. Биз тан ҳаракатлари қилиб аъзоларимизни
ишлаттирганимизда уларга кўпрак ҳаво, тўғрироқ айтган-
да, ҳавонинг 5 дан бир бўлаги бўлган «муваллид ул-ҳаму-
за» (кислород) гази керак бўладир ва буни эса биз ўпкамиз
орқали оламиз. Биз қанча кўп тан ҳаракати, испурт қилсан
шунча кўп нафас оламиз. Бу эса бизнинг фойдамиздир.
Биз томошаға чиқиб бир-икки чақирим юрсак, нафас оли-
шимиз одатдагидан икки ярим мисли ортадир. Узокроқ
вақт, бир-икки соат юрсак, тўрт-беш мисли, агар тоғларга
чиқсан, олти мисли, тез чопсан, 12 мисли ортадир. Маса-
лан: агар биз олти соат йўл юриш учун чиқиб, ҳар соатига 5
километрдан юрсан, юқорида айтгандек, нафас олишимиз
қанча кўпаяди? Одатда, биз бир дақиқада 7,5 литр ҳаво ола-
миз, юрганда бу энди кўпаяди: бир дақиқада 7,5 литр ўр-
нига $32 \frac{1}{2}$ литр, бир соатда 450 литр ўрнига 1935 литр, олти
соатда 2700 литр ўрнига 11510 литр. Аслида, биз 6 соатда
2700 литр ҳаво олар эдик. Юрганда эса 11510 литр оламиз-
ки, бу ҳисоб билан биз 8810 литр кўпроқ нафас олғон бў-
ламиз. Бу эса бизнинг асл мақсадимиздир. Юриш, чопиш,

тоққа чиқиш каби ҳаракатлар билан ихтиёrsиз күпроқ нафас олиш ўрнига ўзимиз уйдан ташқарига чиқиб қаттиқ-қаттиқ нафас олсоқ ҳам бўлади. Ёлғиз бу иш ўз ихтиёrimиз билан бўлғонидан тезгина чарчаб қоламиз.

Тан ҳаракатлари орқасида кўпрак нафас олишнинг бизга бўлган умумий фойдаларидан бошқа яна бир фойдаси ҳам бордирки, у ҳам ўпкаларимизни соғлом ва кучли қилишидир. Ўпкамиз кучлик бўлса, ҳар хил ёмон касалликларнинг микроблари (қурт) ўпкамизга киргандан унда жон ола олмайдир ва ўпкамиз бу микрўблар билан муваффақиятлик суратда курашадир. Бу касалликларнинг бири ва энг ёмони тубиркулўз (сил)дир. Бунинг пайдо бўлишига кичкина ва кўзга кўринмайдургон ва дўқтурлар томонидан «тубиркул» деб аталадургон микрўбларнинг нафас йўли орқали ўпкага кириб, унда ўсиши сабаб бўлади. Ўпка кучлик ва соғ бўлганида бу микрўблар ҳеч нарса қила олмайдирлар ва биз соғ қоламиз.

Мана, тан ҳаракатлари вужудни ўпкаларимиз соғлом қиласидир, ҳар хил касалларга муқобала қилишда қуролланган бўладир.

Ер юзи. 1927 йил 14 январь. №18

Бадрий

ҚОРА ОДАМ МАШИНА БОШИДА

Англия ва Оврупа жаҳонгирлари Осиё ва Африқонинг ҳар томонларида ўзларига мустамлака олиб, ерли халқларни қул каби ишлатган даврларида мустамлака сиёсатларига қўйидаги сўзларни шиор қилиб қўйган эдилар: «Ерлик халқдан ҳеч кимни қурол ёниға келтирма! Ерлик халқдан ҳеч ким энг кичкина машинани ҳам идора қилмасин! Ваҳшийлар ҳар доим тўп ва машинадан узоқ яшасин!»

Бу шиорни Ҳиндистон ва бошқа мустамлакаларида, ай-ниңса, инглизлар ҳарф-баҳарф ижро қилдилар. Биз Ҳин-дистондан бошлаб Осиё ва Африқодаги бошқа бутун мус-тамлакаларга назар солсак, аввалда «қора халқ», «занжи» деб юритилған халқларнинг ҳар хил машиналарни идора қила бошлағонларини күрамиз. Мустамлакаларда Оврупо жаҳонгирларининг хўжайишлиғини таъмин қилғон тех-ника энди ўша жойлардаги ерли халқларнинг ўз кўллари-га ўтиб қолган.

Овруполилар илгари қора одамларнинг оз ҳақ олиб ишлашга рози бўлғонларига қизиқиб уларни машина-ларни идора ишига қўюб кўрган эдилар. Қора ишчи ма-шинани ақл, зако ва қобилият билан ишлатди. Оврупа жаҳонгирларининг «қора одамлар маданиятга қобилият-сиздирлар» деган гаплари қип-қизил ёлғон чиқди.

Қора одам машина билан бирга ўзини ҳам қул қилғон, уни жонли машина қилиб истеъмол қилган «маданий» оқларнинг зулмидан қутулиш йўлига киришди ва оз вақт ичидаги бирмунча муваффақиятларга эга бўлди. Бу кун «қора»ларнинг ўз мосиначилари, муҳандислари бор. Аф-риқолиқларнинг Оврупа жаҳонгирларининг «маданий» аскарлари, а қарши тўп, милтиқ, аэропланлар билан ку-рашадирган аскарлари бор (Абдулкарим воқеаси эска ту-шурисин).

Ҳозир жаҳонгирларнинг барча мустамлакаларида ерли халқлар машина бошига келдилар ва уларнинг бу йўлда-ғи ҳаракатлари кундан-кун муваффақиятларга эришмак-дадир.

Ер юзи. 1927 йил 30 ноябрь. №31

ЭРКИНЛИК ИСТАГИ

Эркин күнглим чидай олмас бу сиқиқ,
 Бу богланган, бу «эгалик» турмушда.
 Агар шундай кетаверса, бу аниқ,
 Тилаги-чун қила олмас бир иш-да.
 Шунча чоғлар чидаб келган күнглимга
 Бугунгина ўз чизиги тор келди.
 Гүё унинг қўл тегмаган бўйнига
 Ип боғланиб, жуда қаттиғ тортшилди.
 Ул имтилиб – ул уруниб ётадир
 Тор қафасдан қутқоргали ўзини,
 Теваракка аччиғ қарғиши отадир,
 Билмадимким, қон босқонми кўзини?..
 Мундан бурун ул кўп оғир тунларни
 Чидам билан, тинчлик билан ўткарди.
 Қаршисида авраб турган жинларни
 Кўра туриб қуромади, кеткарди.
 Шунинг учун тубанларнинг тубани,
 Ёвуз, бузук кишилар ҳам эркинча
 Таларларди, эмарларди-да уни,
 Сўкарларди орқасидан эркича...
 Ул қандай тор, қандай сиқиқ ерларди,
 Қандай бузук чизиқларда бўлмади?..
 Ул қандай хўр, қандай тубан эрларди –
 Тилини ҳам қимирлатмай турмади?..
 Энди ул-да тор чизиқдан безгандир,
 Қайтиб унга кишишликни истамас.
 Ул маъносиз «эгаликлар» эзгандир,
 Улар билан бир кун бўлсин туролмас!
 Ул эркинлик, ўз бошлилиқ истайдир,
 Кетга қараб – ўлим бўлсун – кетмайдир...!

ҚОР

Күчсиз, титрак, оппоқ, кичик томчилар
 Тинмай, тинмай түпроқ узра ёғадир.
 Ел бунларни, билмам, нечун қамчилар?!
 Күкларда ҳам айршықдан оқарган
 Бир күзми борким, ёши
 Бизнинг алам, ўлим билан сугорган
 Еримизнинг қучогига оқадир.
 Бу кичкина ўксиз, оппоқ бибаклар*
 – Уча-уча етмай қолган тилаклар –
 Эсган елнинг қўлларига ўзини
 Ташибаб қўяр, борлигини унутар,
 Ҳеч узмайин юқоридан кўзини
 Титраб-тираб қаро ер узра тушар!
 Тушгач ... бутун тушганлардек топталар...
 Теккан ерин билмай босган оёқлар
 Пичраталар бунинг оппоқ бетини,
 Босқон изин кўрмай ўтган түёқлар
 Топтаб-топтаб, оҳ ... айттолмам кетини...
 Й... я бир кун кўк сийнасини очиб,
 Кула-кула бунлар сари боқгонда,
 Яна бир кун қизлар каби табиат
 Кулогига олтин ҳалқа тоққанда
 Бунлар бутун чироқлардан айрилиб
 Кўклар сори қараб учиб кеталар.
 Яна уруш, яна ўюн, яна эрк,
 Оҳ... у кунлар...!

Учқун. №2. 1923 йил 1 апрель

ОЙФА
(«Чигатой гурунги»)

Эй ёруг ой! Нечун бизга қараб-қараб куласан,
Юртимиздан қоронгулиқ кетганини сездингми?!

Порлоқ нуринг сочиб бугун ёрутқоли «Турон»ни,
Ухлаб ётқон «Түрк улусин» уйготқоли келдингми?!

Нуринг ила юртимизни ёритгали қўймагон
Қора булат кўтарилди, сен-да кўрсат юзингни!

Энди туркинг кўзин очиб кўрди ёргу очунни,
Түрк ёшлари бирлашалар, ташла эмди қайгунгни.

Түрк боғчаси Туркистонни ёвузлардан қутқориб
Яшнатурлар, сен қизгонма түрк элидан нурингни!

Эзар бунлар ёвларини ҳеч қўймасдан очунда,
Жон берурлар түрк эрлари бир байроқнинг остинда!

Иштироқиён. 1919 йил 6 август

Элхон

ТЕМИРЧИ
(«Чигатой гурунги», мактаб учун)

Бир ўксиз эрдим отадан қолгон,
Есир онам-ла йўқсулик тортган.
Билимсиз, кучсиз ўн уч яшардим,
Бир бурда нонни қайдин топардим?!

Онам келтирди темирчиликка,
Йиглаб топширди мени устага,
Икки йил юрдим, яхши ўргандим,
Босқонлар уруб анча имгандим.
Букулмас темур кучимни билди,
Кўлим остинда мумдек эзилди.

Бўюнсунмадим ҳеч бирорга ман,
Томоқ тўйдирдим ўз кучим билан.
Ишламак билан йўқсуллик кетди,
Тинчликлар билан кунимиз ўтди.

Иштирокион. 1919 йил 19 июль

Тикон

ЭЙ ҚЎБИЗ

Эй қўбиз, мунча сенинг товушинг мунгли?
Эшишса эриб кетар тошнинг кўнгли.
Жонузар товушларни ўта олдинг,
Мазлумнинг кўнглиданми нота олдинг?
Огочинг сув ичганми кўз ёшидан,
Бўзлайсан нега бунча сўз бошидан?
Ниҳолинг маъсум кўнгли чўкканлардан,
Чиқдими мазлум қонин тўкканлардан?
Чўккан кўнгил кўтарар нолишларинг,
Ўйлатиб турли садо олишларинг.
И. չўтига кўнглинг ёнмиш ёрадир,
Фарёдингдан юрак-багрим порадир.
Ниҳолингни ўзбек қизи экдими,
Кўкарғандა ҳасратлик кўз тегдими?
Ёки сени қирғиз қизи боқгондир,
Лаб устингга ҳасрат ёши оқгондир.
Йўқса, торинг қозоқ қизи тортдими,
Шул сабабдан ҳасратларинг ортдими?
Фигон қилсанг, ҳар юракдан ўт чиқар,
Зор иигласанг, тог ва тошдан дуд чиқар.
Аввал сени туркман қизи олдими,
Бўта каби бўзлаб сени чалдими?
Ёки аввал машвоқ сени олганда,
Базм этибон замзамани солганда

Жирладими татар қизи Зулайлук
Күл ташлабон биз икков деб бўлайлук?
Нозик сирли ҳикоятдир фигонинг,
Турли-туман шикоятдир афгонинг.
Ишқинг ҳаққи, қўбиз, бунча дард этма,
Турк элининг ўтган кунин ёд этма.
Синиқ кўнглим мунгдан ортиқ тўлгандир,
Очиқ юзим қайгу босиб сўлгандир.
Кўнглим кемтик, кўп ҳиссиёт ўрнатма,
Ўйга кўмиб уйда мени хўрлатма.
Ўйлатмоқдан бошқа мурод сенда йўқ,
Фарёд этсак, тоб ва тоқат менда йўқ.
Қайда сени булбул каби саиратган,
Мутриб қани кўнгилларни яиратган?
Чолгучилар қўлга сени олганда,
Сен бўзласанг бўта каби чалгонда
Кўкда учуб юрган қушлар ингуси,
Гезак-гезак бошгинангга қўнгуси.
Ун чиқарсанг, турли-туман унинг бор,
Руҳизларга руҳ берарлик қўнинг бор.
Бошдан-аёқ ҳамду сано унларинг,
Жудоликдан сўз очгандা тунларинг
Қайгу босган кўнгил гулдек очилур,
Тилдан чиқкан сўзлар дурдек сочилур.
Бир неча йил бундан бурун бир кунда,
Кундуз эмас, сезмиш эдим, бир тунда
Кўкрагингга бир қалдиргоч қўнибдири,
Торинг узра аёқ босиб юрибдири.
Абобилнинг тирноги-ла сўзладинг,
Сўзламадинг, бўта бўлиб бўзладинг,
Сенга қараб юммай турдим кўзларни,
Англаб олдим сендан чиқкан сўзларни.
Дединг, фарёд, ажиб кунлар бор эди,
У кунларда ўзбек менга ёр эди.
Қайда кетди ҳамлик кўнглин шод этган,

Мендан англаб ўтганларин ёд этган?
Қиз, бўз бола, ёш ва қари сирдошим,
Ҳар мажлисда мен бўлгандим мунгдоши.
Фарёдимга қулоқ солиб ёзиқлар,
Жонларига мендан олиб озиқлар,
Мени тинглаб қайгулардан безганди,
Тош кўнгиллар юракларин эзганди.
Ўзбек жувонлари мисли тўлин ой,
Руҳли эди, гавдалари тўлган мой.
Қайси кунки ўзбек мендан айрилди,
Мажруҳ қушдек қанотлари қайрилди.
Мени чертган бармоқларнинг шеваси,
Фарёдимнинг етиштирган меваси.
Қайда кетди, ошиқларим хор ўлмиш,
Бойликни қўй, синиқ нонга зор ўлмиш.
Эл машишоқда номус йўқ деб билдишар,
Билар-билмас шундайдир деб келдишар.
Берди мени ўчоқларга ёқсин деб,
Ёнишишни нодон қолмай кўрсин деб,
Зиёрат деб мозоротда ётдишар,
Тошдек бўлиб жаҳолатда қотдишар.
Йислаб дедим ўтганлари ёд айлаб,
Ўзбекдаги камчиликдан дод айлаб,
Энди фигон айла, турғиз ўзбекни,
Ўргат унга денгиз ичра сузмакни.
Ишқинг ҳаққи, қўбиз, танбур бир бўлиб,
Дутор, сато, қурай шла жўр бўлиб,
Нола қилғаш ҳайрон бўлсун фалаклар,
Инсон боқсун, тугён қилсун малаклар!

Инқилоб. 1923 йил. №9-10

ВАТАН

Етар күк узра бечора ватаннинг оху афгони,
Огир ҳолатда қолмиш, йиглаюр, чиқмоқдадир жони.
Урилмиш, ёндирилмиш, куйдирилмиш, багри қон ўлмиш,
Узулемиш, марҳамат, шафқат, кесилмиш оқмадин қони.

Кечар устидан авлоди, тушунмас ким этар афгон,
Тушар бечоранинг ёдига кечмиш хони ва хоқони.
Ватан авлодиман деб лоф урарлар тушларида, йўқ,
Ким остида, ким устида, бу Ватан кимларнинг қурбони?..

Билим ўчоги. 1922 йил. №1

Саййид Алихўжа

БУЛОҚ
(Наср ва назм)

Оппоқ юзлик, соф кўнгиллик, ширин булоқ сувлари!
Ноз қилиб, жилваланиб, ер остида югуруб –
Югуриб ёргулиққа чиқасиз.
Шошиб-пишиб, ўйнаб-кулиб, сучук тил-ла
Чувуллайсиз, сўзлайсиз,
Ай ёш, чақалоқ, гўзал булоқ сувлари!
Энтикиб-энтикиб, ширин-ширин ҳикоялар қиласиз,
Қоронгу ер даҳшатларин қобоқ солиб сўзлайсиз!
Дилда бўлган олий мақсад, ёргулиқнинг орзусин...
Бунга етгач уяласиз, кулимсираб қизарасиз,
Бошингизни эгасиз
Нурли қуёшга бирдан боқиб,
Титраб, қизиб, хитоб билан
Ошиқларнинг дардлик олов сўзларин,

Күпдан бери қамалиб ётган, диллардаги орзуни
Тұхтамайсиз, энди бир-бир сочасиз!
Хайрон бўлиб офтоб тинглар,
Секин-секин юқори чиқар,
Сўзингизга сўз тополмай бадани унинг ўтдек қизарар,
Маъюс бўлиб пастга тушар, гойиб бўлар...
Рангин ўчириб, дамин тўсиб, қулогин осар Ой бечора,
Ўзининг ёшлик – қуёш вақтин эсга олар...
Юраги ачир, типирчилар...
Тез кетмакка ҳаракат қилар...
Юлдузлар эса эси кетиб, мўлтираб боқар, турар...
Баъзи вақтлар шамол эсиб, ҳикоядан эшишиб олиб,
Атрофларга, тог-тошга хабар берар, бир-бир сўзлар...
Девга ўхашаш баланд тоглар тимдаланган кўкракларин
кўтарур...
Қотиб тикилур, сувга боқар, хўмраюр...
Билмам сабабин хафалигин тогларнинг...
Кип-кичкина булоқ сувин ҳаракати орзуси
Бу тогларнинг қаттиг дилин ҳасад билан эзами?..
Ёки булар бу ҳаракат шодликнинг
Бўш эканин тушунар, ачинар?..
Сувни... эса булар билан иши йўқ,
Парво қилмай шуъла билан қучоқлашур,
Жилваланур, шодланур...

Инқилоб. 1922 йил. №2

АНХОР*
(Сочма-наср)

II

Шошур, оқур, сакрап, югурур,
Бошин тошга тоқ-туқ урур:

Гулдур... гулдур...

Аламига чидолмайдир,

Бўрон каби гувур, гувур;

Аямас ўзин, пастга отур, чинқурур...

Ёнгин юрак, йигит қонли тогнинг анҳор сўзлари!

Кимдан қочур, нимани қувур, мунча қақшар, югурур?

Юмиоқ баданини қўпол тошга кўтарур, урур,

Майдаланур, сочишур...

Қаттиг тортиш, буюк суруш,

Оғизларидан кўпук сочур, бақиур,

Қулоқ солинг, ҳасратидан чанг чиқур:

Буни кўринг, абраҳ тошини сўнг олдига тушур!

Гўё уни ҳаракатдан тўхтатмоқни истайдир!

Бу бўлурми буюк умид олдида

Кўтири тана, бу гов бўлур, йўл тўсур!

Шунинг учун нозик бадан газабланур, жанг қилур...

Балки... ёлқов гадир тана орзу қилур, имтилур –

Оқ бадан-ла бирга борур, юрур!..

Ҳеч бўлурму, дев-ла пари бирлашур...

Кучоқлашур, ўшишур?..

Шунинг учун сирлик овоз дилни эзур, тептирур!..

Анҳор суви, мана энди, бирлашур, кўпаюр,

Биргаликнинг фойдасини – яхши қилди! – тушунур;

Қоттигман деб керилган тошлар майдаланур, кум бўлур,

Қораланур, хўп лой бўлур,

Мулойимгина остига тушур, янчилур.

Ой,вой кибрлик болалар, нодон оталар, ариқчалар
Түдадан чиқур, айралур,
Гүё булар ўзлари билур, муродга тездә кўзлари етур...
Мана энди йўл адашур, биёбонда айланур,
Ҳашаротларнинг кони бўлур, бузулур, сасур, саргоюр...
Охир дамда минг аламлар, ёввойшларга таом бўлур, ютилур...

Буюк бадан! Нега бундай айралмоққа йўл қўюр?

.....

Кўп ариқлар – на хушдир бу! – озроқ юрмай тушунур,
Яна бирлик орзу қилур, бурилур,
Шошур, энтикур, атрофларидан хабар берур,
Чулдур... чулдур...
Акасининг кўкрагига ўзини отур,
Қучоқлашур, ўтишур...
Борган сори анҳор суви буюклашур, зўрлашур,
Тоглардан чиқиб энди текисликда йўл борур,
Оғир тана, катта тошлар ортиқ энди учрамайдир, йўқ
бўлур,
Уваланур, думаланур, хор бўлур,
Минг хорлик-ла ҳар тарафга судралур,
Кучизликдан остига тушур, тинч бўлур.

.....

Мана энди бизнинг анҳор дарё бўлур, ўз-ўзига эга бўлур,
Буюк бўлур, зўр бўлур,
Хурсандликдан терига сизмай атрофларга тошилур,
Зўр табиат баҳодирни қарши олур, кўкрак очур:
Юлдузлари ялт-ялт қилур, машъал бўлур,
Офтоб ёнур, гулхан бўлур, ёргуланур.
Баъзи сафо мажлислари қурилур.
Ҳар ёнидан кўк дарахтлар, кўм-кўк ўтлар чиқадир,
Саломлашур, таъзим қилур, суюнур.
Гўзал қушлар, хуш булбуллар нағма қилур, мақтайдур,
Юмшоқ бадан – шамол ўюнга тушур,
Минг ноз билан ўйнар-ўйнар, айланур,

*Бу таннознинг қўли теккан дарахтлар
Ўзини унумтар, икки букилур, додлашур,
Ху-ҳулашур, кўксига урур, «дўст»лашур.*

*На гўзалдур, бизнинг дарё голибликлла мақтанур,
Секин-секин қадам босур, кимишур...
Мурод эшиги тез олдиндан очилур,
Кўпдан бери орзу этган чексиз, хурлик денгизи... мана,
кўринур!*

*Дарё кулур, хурсандликдан ёш тўкур...
Бу шодлиқнинг мақтовини ким қилур?..*

Берлин
Инқилоб. 1924 йил. №11-12

Шокир Сулаймон

БАҲОР КЎРИНИШЛАРИ...
(Ярим сочма)

Элимдан, юртимдан узоқда ёлғизгина чет элнинг, ёт юртнинг ёқимли «баҳор»ин қарши олмоқдаман.

Ёши етган нозли эрка қиздек гўзал баҳор.

Унинг ёқимли, мулойим шаббодалари, нурли қуёши кўнгилда зўр ўзгариш ясаб, синик руҳимни жонлантира бошлади.

Қиши бўйи, узун қиши бўйи тинкамга теккан қора булатлар, оппоқ кафани билан борлиқни қоплаган ялтироқ-кўнгилли қорлар.

Кучли қаро булатлар орқасидан эркаланиб, жилмайиб қараган қуёшнинг нурига чидолмай секин-секин тарқала бошладилар.

Қуёш, ёруғ қуёш!

Сени ҳам кўрар кун бор эканму? Кел, чиқсанг дуруст-роқ чиқ.

Эркаланиб яширинма, юз кўрайик, ёруғ юзингни соғи-
ниб ўлдик-ку!

Биздан нурингни, борлиғингни аяма! Олтун қүёш!

Қуёш сийрак-сийрак кўрина бошлади, қорлар эриб йў-
қола бошлади.

Қаршимдаги дарё ҳам жонланди. Кечагина устида қу-
мурсқадек ёш болалар, йигитлар «конки» билан чопишиб,
муз тойғониб, ўйнашиб юришганлар эди.

Бу кун уларнинг изи ҳам йўқ.

Бори тўлқинланиб, ҳаммани қиздириб, шовқин-сурон
билин, катта-катта музлар урушиб-урушиб оқадир.

Ортиқ дарё жонланган.

Кўприкнинг темир тутқа(решетка)сига эрлар, хотун-
лар, йигитлар, қизлар, болалар (қалдирғочнинг боласи-
дек қатор тизилишган) тизилиб оқадирган сувни, дарёни
қарайдилар.

Дарёниг соҳилида балиқчилар қармоқ ташлаб, тўр со-
либ балиқ овларлар.

Дарёниг шу кўнгилли – жонли кўринишини томоша
қилишга мойил бўлгандек тез юрадирган трамвай, авто-
мобиллар ҳам секин-секин, ёлқовланиб, анқовларча қа-
дам босадир... жонсиз юрадир.

Мен балконимга чиқдим.

Кўриниш, сеҳрли илоҳий бир кўринишлар.

Қаршимда тўлқинланиб, шов-шув билан «Масков
река» оқадир.

Ичида музлар ўйнайдир.

Янги меҳмон, нурли қуёшнинг олтин нурига узониб,
тўлғониб келаётган сувнинг кўриниши, ниҳоясизланиб
йўқолиши, оппоқ биллур тусда ялтираб кўриниши киши-
ни ортиқ сеҳрлайдир, жонлантирадир.

Тагимизда ўзининг ўткир овозлари билан югуришиб,
ҳайқиришиб, мағрашиб жонсиз автомобиллар. Жиринглаб
кўнғироқ чалган, ичи лиқ тўла одам, қизил трамвайлар.

Масковнинг турли парвой қилди фойтунлари, шалди-роқи узун бесўлоқой арабалари.

Тинмай, узулишмай бирма-кетин ўзиб турадир.

Дарёнинг у юзида ҳамма бинолардан юқори кўтарилиб қотиб қолган йўғон завод, фабрика трубаларидан ёлқовланиб секин-секин қуюқ тутунлар чиқиб турадир.

Бошқа бинолардан айрилиб ўзининг сап-сариф олтин сувини кўрсатиб, кунга қарши ялтираб «Храм Христос» бутхонаси «мана мен» деб кўкрак кериб бутун зўр бир дарёнинг устида тикилиб кузатиб турадир.

Чап ёғимиизда ҳамма бинолардан мумтоз бўлиб, айрилиб, ўзининг «подшо саройи»лиги билан ғуурланиб, ичида кўпгина сирларни сақлаган «Кремл».

Унинг маҳобати, муҳташам саройи шоҳоналари алҳолгача «Орёл» қўшини бошида сақлаб келган узун мудҳиш миноралари, тилло суви, кумуш қопланган бутхона, кубба ва миноралари кўриниб турадир. Шулардан кам эмасман дегандек бутун кўз қарошимга илингган беш, олти қаватлик зўр-зўр оқ, қизил, зангори бинолар, қадам сайин кўринадирган бутхоналар, қарашимизни ўзининг бойлиги, кўринишлиги билан безатиб кўрсатган «Масков река» ва Масков кўриниши.

Чиндан-да кишига зўр туйғулар, ингичка ҳислар, кучли дардлар берадир.

Шу киши қараб тўёлмаслик табиатни, шу сеҳрли жонли кўринишли муҳташам биноларни, дарёнинг тўлқинланиб оқишини, баҳор кийимларини кийиб музларни қарши олишга келган ёқимли инсон болаларини, тагимда кўринган жонли бир ҳаётни узоқ-узоқ кўриб ҳануз зерикмас эканман, ортиқ бир ҳузур, ширин хаёлда яшар эканман, ходима келиб бир тутам газета ва журналларни топшириб кўздан ғойиб бўлди.

Кўлимда «Фарғона» газетаси... «Фарғонада очлик», «Фарғонада очлик биттан эмас», «Фарғонага ёрдам қи-

лингиз»... ортиқ қон томирларим қызғин тепди, миямдан күпгина хаёллар, күринишилар қаторлашиб ўтди.

Бутун күринишилардан, бутун тотли хаёллардан бирда-нига күнглим совиб, бошимни ушлаб ўйландим.

«Фарғонада очлик!» Бу сўз күнглимни қаттиғ жаро-ҳатлаб, шу ёқимсиз, мудҳиш овозлар қулогимда янгради. Такрорланди. Кўз олдимда бир күриниши...

Фарғона. Тўқ, бой, обод, жонли Фарғонанинг эрка бо-лалари. Бу кунда йўқулланиб, бор-йўғидан айрилиб, бадбаҳт, разил хўрлиққа тушиб, маконсиз, кийимсиз, оч, яланғоч, қизғонч, йиғларлик ҳолда тиланиб ўтиришла-ри... юzlари сап-сариг... кишиликдан чиқаёзғон, ҳаётлари таҳликада, қарап кишилари йўқ.

Дуруст ёрдам, жонли кўмак йўқ.

Битар. Бечоралар ёрдамсиз битар!..

Воҳ! Бошимдан қайнар сув қуйилдими?

Қонларим ортиқ жумбушга келдими? Йўқ! Йўқ!

Кучсиз руҳимда сақланган дард-алам тиллари ортиқ аланга олди, ёнди.

Тфу!..

Тенгсиз, алдоқчи дунё, тфу!

Қаронғу тун мангу бўлмас! Умид куни бизим учун түф-май қолмас!

Ҳисли! Умид! Талваса!..

Кечагина очлиқдан, йўқликдан қирилиб битишга маҳ-кум Россия, қизил Россия ишчи-деҳқонлари буқун тўқ, бу-тун. Ортиқ очлиқдан халос.

«Туя қўрдингми?» «Йўқ». Гўё очлик бўлмагандек. Гўё юзлаб, минглаб қирилиб битмагандек.

Тузук бардош, ботирлик, йигитлик.

Биз узокда ёлгуз туриб сенга шуни тилаймиз.

Сени бугунги очлик томирларингдан, йўқсул, фожей қонларингдан, тагсиз, тубсиз дард-аламларингдан зўр ўч, битмас куч билан.

Туғилған бир тұда болаларинг сени, фақат сени келгүсі бир ҳалокатдан қутқазиши, оз бўлса-да бир кўмак этиши учун чет элларда адашиб юрибмиз, мазлум Фарғона! Бу эсингда турсин.

Онт бўлсун.

Сени бу қунги қизғонч ҳолингда кўрмаган, кўмак этмаган ўғлинггаким, четда юриб сени унуган бўлса! Йўқ! Яхши бил, дуруст англаки, қон томирдан айрилмас.

Маскав, 1923 йил 25 апрель
Фарғона. 1923 йил 8 июнь

БИРИНЧИ ДИПЛОМЛИ АГРОНОМ

Абдуваҳҳоб Муродий Берлин олий зироат мактабини бу йил битирди. Ўзбекистондан биринчи дипломли агроном бўлиб етишди. Тошкентда энг камбағал оиласдан чиқсан Муродий Ўзбекистон учун энг муҳим бўлган пахта ишларини ҳар томондан ўрганиш учун ҳукумат томонидан Амриқога юборилмоқчи эса-да, ҳозирча Мисргагина бориши мумкин бўлди. Мисрда Пахта жинсини яхшилаш институтида тажриба қилур. Сўнгра Нил бўйлаб (то Судан ўлкаси ичигача) бориб, зироат ташкилотларини ўрганур ва қайтишда Италия ва Можористон ўлкаларига тушиб ундаги ипакчилик, биринж ва чорвачилик ишлари билан танишмоқчи.

Ўртоқ Муродийнинг Миср саёҳати 6 ой сурса керак. Сўнгра йиллардан бери кўрмаган севикли Ўзбекистонга келиб ёш кучи билан ишга бошлар.



Абдуваҳҳоб Муродий.
Берлин. 1926 йил

Бу йил биринчи агрономимиз билан қувонар эканмиз. Яқин келгусида юзларча муҳандис, кимёгар, дўхтири, социолог мутахассисларга эга бўлурмиз (расми бор!).

Ер юзи. 1926 йил. №11

АЗАМАТ ЙИГИТЛАР

Пролетариат давлатига содик бўлғон қизил мутахассисларни тайёрлаб чиқариш бизнинг катта вазифаларимиздандир. Айниқса, Ўзбекистон учун бу масала катта аҳамиятга эгадир. Чунки ерли халқ ўртасидан етишиб чиққан мутахассислар йўқ деярлиқдир. Ўктабр инқилоби самарасидангина биз ўзимизнинг меҳнаткашларимиздан чиққан мутахассисларга эга бўлмоқдамиз.

Дорилфунуннинг ҳар турли факулталарини битириб чиқувчи йигитларимиз йилдан-йилга кўпаймақдадир. Биз бу йил дорилфунунни битириб чиққан ўртоқларимиздан иккитасини ўқувчиларимиз билан таништирамиз.



Мирзааҳмад
Мирсоатов

Мирзааҳмад Мирсоатов – камбагал нонвой оиласидан чиққан. Кеча ва кундузлари нонвойхонада ишлаш билан бирга Тошкент рабфакида ўқиши ҳам давом эттириб, 1923 йилда уни битириб чиқди. 1923 йилда Масков дорилфунуннинг тиб бўлимига кириб, уни 1928 йилда тамомлади ва винерия касаллари дўхтири бўлиб чиқди. Ҳозир ўртоқ Соатов Масковнинг заҳм, сўзак касаллари клиникасида тажриба олиш учун ишлаб турибдир. Мирсоатов 1920 йилдан буён фирмә аъзоси.

Муҳаммад Мўминов – Наманган кустарининг ўғли. Ўқишига киришдан илгари комсомол ташкилотида кўп

ишлиди. Тошкент рабфакини 1923 йилда битирди. Масков дорилғунунинг ҳуқуқ шуъбасини 1927 йилда битириб, диплом ёзиш учун бир йил Масковда қолди. Ўзбекистонга келганидан кейин Тошкент округ судида бирмунча вақт ишилди. Ҳозир ўртоқ Мўминов Ўзбекистон олий судининг коллегия аъзоси вазифасини бажариб турибдир.

Ер юзи. 1928 йил 15 июнь



Мұхаммад
Мўминов

Искандар

ЛЕНИНГРАДДА «ШАРҚ УЙИ»

Ленинград шаҳри аҳолисининг 15 фоизини ажнабийлар ташкил этади. Шу ҳисобдан Шарқ халқлари оз эмас.

Ленинград ўлка сиёсий маориф шуъбаси, майда миллиатлар орасида сиёсий маориф ишларини олиб бориш мақсадида Шарқ халқларини бир ерга уюштирадиган Марказий маориф уйи очди.

«Шарқ уйи» тарқоқ ҳолда юрган Шарқ халқларини бир ерга уюштириш, уларнинг сиёсий онглари ва маданий савилярини ўстиришда катта ўрин тутади.

Бу кунларда Ленинградда ўқиб турғон ўзбекистонлик ўқувчилар 80 чамаси бўлиб, уларнинг ичида фақат 3 гина ўзбек қизлари бордир. Ўқувчиларимиз сифат жиҳатидан анча сараланди. Бироқ сон жиҳатидан йилдан-йилга озаймоқдадир. Бунинг сабаблари Ленинград ҳавосининг жуда оғирлиги ва ўқув шартларининг жиддийлашганидир. Бу ернинг ўткир қиши, айниқса, Шарқдан келганларни жуда эзадир. Бу мудҳиш иқлим билан фақат соғ-саломат йигитларгина кураша олади.

Ленинграддаги ўзбекистонлик ўқувчилар шу кунгача бирор клубга эга бўлмаганидан улар ўртасидаги ташкилий ва сиёсий-маданий ишлар яхши юргизилмаган эди. Бизларнинг баҳтимизга, «Шарқ уйи» очилдию уни қошида ўзбек секциясини тузишга муваффақ бўлдик.

«Шарқ уйи»нинг ўзбек секцияси, моддий етишмовчиликларга қарамасдан, тезлих билан ишга киришди. Ўзбекистон ўқувчилари ўртасида бирмунча қизгин докладлар ўтказилди. Ўзбекистонни ўрганиш тӯгараги очилиб, унда Ўзбекистондаги хотин-қизлар ҳаракати, янги алифбе, мағкура ва маданий инқилоб мавзуларида мубоҳасалар ва музокаралар ўтказилди. Ўзбекларнинг келиб чиқиши, Ўзбекистоннинг иқтисоди ва бошқа шунга ўхшаш мавзуларда докладлар қилиш учун Шарқ институтининг профессорлари чақирилди. Секция ташкил бўлишиданоқ барча ўқувчилар клубга аъзо бўлиб, доклад ва музокараларда астойдил қатнашдилар. Янги алифбени ўрганишда ҳам Ленинград талабалари бошқалардан қолишмайдилар.

Бундан бошқа ўзбек секциясининг иш планида шулар ҳам бор: Ленинград музахоналаридаги Шарққа оид нарсларни текшириш, санъат ва адабиёт музахоналари, анжумани дониш кутубхонаси, этнография музалари, фабрик-завод ва бошқа саноат корхоналарига экспурсия қилиш ва ҳоказо!.. Иккинчидан, Ленинграддаги ўзбек ўқувчилари шу вақтгача Ўзбекистоннинг ҳеч бир шаҳар ёки қишлоқ муассасалари билан алоқа боғламагон эдилар. Энди ўзбек секцияси орқали Ўзбекистоннинг ишчи-дехқон жамоаси билан маҳкам алоқа боғлаб, бирор қишлоқ ва ёки шаҳар муассасасининг маънавий оталигини олиш ҳаракатидамиз. Ленинграднинг ўзидағи бирор заводнинг ишчилари билан ҳам алоқа боғламоқчи бўлиб турибмиз.

Қисқаси, Ленинграддаги ўзбекистонлик ўқувчилар фақат мактабларда ўқиш билангина қаноатланмайди, юқорида кўрсатилган сиёсий, маданий, ташкилий ва оммавий ишларни ҳам олиб боришга ҳар вақт ҳозирдирлар.

Биз бу ишларимизда моддий жиҳатдан анча қийналиб турамиз. Ўзбекистоннинг тегишли идоралари бизга ёрдам кўрсатсалар, бу йўлдаги файратимизга яна куч берган бўладилар.

Ленинград
Ер юзи. 1927 йил. 9-сон

БИРИНЧИ ҚАЛДИРФОЧ

Тасвирий санъатнинг бу кунги маданий мамлакатларда нақадар буюк мавқеъ тутганини айтиб ўтирувга-да ҳожат йўқ. Саное нафиса бўлакларидан театр, адабиёт ва мусиқамизга бир қадар аҳамият бердик ва бермақдамиз.

Умумий диққатни, умумий мароқни шу масалалар устига жалб қилиш учун уруниб турсак-да, тасвирий санъат соҳасидаги интилишларимиз жуда суст. Тасвирий санъат мактабларига ўқитувчилар жуда оз тортилган. Инқолобнинг ўн иккинчи йилида атиги 3-4 ўкувчини расм мактабларида кўрамиз. Улардан бу йил Искандар Икром ўғли Ленинград полиграф факультетини ва уч йиллик тасвирий санъат методикаси шуъбасини битириб диплом олиб қайтди. Ўзбеклар орасидан етишган биринчи полиграф санъаткори, китоб дўхтири – рассоми ўртоқ Искандарнинг ўз ишига буюк севги ила ёпишганлиги маълум. Кенг ижодиёт соҳасига энди қадам қўяётган Искандарнинг мактаб доирасида бажарган ишларида ҳам катта умидлар баҳш этувчи нарсалар бор. Рассомимизнинг самимияти, оригиналлиги асарларининг ҳар бир чизигида мўралайди. Искандар ҳар рассом каби чизиқларнинг, рангларнинг сирини кўп яхши англайди. Чизиқ ва рангларга ҳаёт, ҳаракат киргизади.



Искандар Икром

Ёш рассомнинг олдида буюк вазифалар туради: ўзбек мактабларида тасвирий санъат дарслари жуда ёмон кўйилган. Ёш ўқувчиларнинг ҳавасини тасвирий санъатга бергувчи ва расм дарсида тизимли таълим бергувчи расом муаллимлар бизда дорига-да топилмайдир. Мактабларда расм дарслари талабалар ва муаллимлар ўртасида ҳурмат кўрмай келади... болаларда санъат севгисини уйғотишни жуда яхши кўрган ва бир қанча мактабларимизда илгари расм дарслари билан машғул бўлиб, унчамунча тажриба ҳосил қиласан бу ёш санъаткоримиз ўкув юртларида ва нашриёт ишларимизда тасвирий санъатга раҳбарлик қиласар. Расмга қинғир қаровчиларга қарши курашар деб умид қиласиз.

Ўртоқ Искандарни ҳозирча зо дан ортиқ ишлари бошлиб чиқсан. Аксарлари китоб, журнал сахифалари ва китоб техникасига оид ишлардир. Ўртоғимиз ҳозирда Ўзнашр бадиий бўлими бошқарувчиси ва Самарқанднинг баъзи педтехникум билим юртларида тасвирий санъат методикаси билан машғулдир.

Ўртоқ Искандар журнализмининг 8 – 9-сонларидан бошлаб бизга яқиндан кўмаклашиб турибдир.

Аланга. 1929 йил. №11

III ҚИСМ

ГЕРМАНИЯДА ТАҲСИЛ ОЛГАН ТУРКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАРНИНГ «ҚҮМАҚ» ЖУРНАЛИ

بلم آور و پاده در!

سال: ۱ نجی سیتابر ۱۹۲۳ سنه . یل: ۱

اوزیکجه، علمی، ادبی، اجتماعی، جوگ

کومک

ایشیده گیلهز:

- | | | | |
|----|-------------------|----|----------------------|
| ۱ | تله کعنز | ۱۱ | حهیات |
| ۲ | عهقل و سینگو | ۱۲ | پوراک |
| ۳ | تورک اده یانق ده | ۱۳ | واخهت قیلا مین دیگن |
| | چاغله رده | | ایدیالیزم و ربایلیزم |
| ۴ | نیختکه و بز | ۱۴ | سورما! |
| ۵ | آسیانک عاق او غلی | ۱۵ | توش |
| ۶ | یازوو گما جاواب | ۱۶ | بارجا |
| ۷ | جوپان جولپاندر | ۱۷ | خبه راه ر |
| ۸ | کیتکه اثک ده | ۱۸ | اوچیج لهر |
| ۹ | آوروپا | ۱۹ | اداره دمن |
| ۱۰ | تله ک | | |

مەسئۇل موھەززىزلىرى سەيد ئەللى حوجى

Adresse: Kummak – Berlin – Sch'o'neberg,
Stubenrauchstbe 4.

Dar chopxonai «Ozodi Sharq» ba chop rasid, Berlin (W 50)
Eislebenar shtrasse 11

«Билим Овруподадир»

Йил: 11 инчи сентябрь 1923 сана сон 1.
Ўзбекча илмий, адабий, ижтимоий жуг (журнал)

КҮМАК

- | | |
|--|-----------------------------------|
| 1. Тилагимиз | 10. Тилак |
| 2. Ақл ва сезгу | 11. Ҳаёт |
| 3. Турк адабиётида идеализм ва реализм | 12. Юрак |
| 4. Техника ва биз | 13. Роҳат қиласман деган чоғларда |
| 5. Осиёнинг оқўғли | 14. Сўрма!.. |
| 6. Ёзувингга жавоб | 15. Туш |
| 7. Ҷўлпон Ҷўлпондир | 16. Парча |
| 8. Кетганингда | 17. Хабарлар |
| 9. Оврупо | 18. Ўтинч |

Масъул муҳаррири Сайид Алихўжа

ТИЛАГИМИЗ

Ёруғлиққа севиниб, интилиб чиқаётган Туркистон ва шунча илмий кишиларисизлигига қарамасдан, келгуси-нинг буюк умидлари учун бизни Оврупога юборди. Чиндан-да Туркистон чалаликни истамайди. Бутунликни истайди. Жуда яхши қилди. Биз аммо Оврупода йилларча қолиб ўқиган замонимизда севиклик Туркистонимизга хизмат қилувдан маҳрум бўлиб қолувни истамаймиз. Шу ерда турган чоғимизда ҳам бу тўғрида тушунамиз. Бунинг учун кучимиз етганича тиришамиз. Буни биз ўйлаб чиқмадик. Ҳар бир миллатнинг олий мактаб болалари, қаерда бўлса бўлсунлар, илмий, ижтимоий йўлларда ўз миллатлари учун чолишадирлар. Ўқув билангина қолмайдилар. Бизим ишимиз келгусида илмий ишдир. Шунинг учун ҳо-



зирдан қўлимиздан келганича чала бўлса-да, кичик бўлса-да, арзимас бўлса-да қиласиз. Узоқларга буюк умидлар билан юборган Туркистонимизга бу ҳаракатимиз кўкрагимизда ёнғон хизмат туйғуларини кўрсатар умидидамиз.

Сураймонга чумоли чигиртканинг аёгини тортиқ келтирганидек, бизда шу кичик жугни улус аёғларига тўшантирамиз. Деймиз, бизнинг қўлимиздан келгани ҳозир шу бўлди. Ярарлик бўлмаса-да, ўз болаларингизники. Олинг, бузукларини тузатинг, камчиликларини тўлдиринг, кўмаклашинг.

АҚЛ ВА СЕЗГУ ЁКИ МИЯ ВА ЮРАК

Бизнинг баданимиз буюк, нозик бир мамлакат, бир ҳукумат. Бу ҳукуматда ҳар бир аъзо ўз ишига жуда уста. Фақат ўз ишинигина яхши биладир. Масалан, кўз билан кўриладир, эшитиб бўлмас. Қулоқ билан эшитиладир, юриб бўлмас. Баданимиздан ҳар бир бўлагининг ўзига маҳсус иши бор. Шул ишнигина адо этадир. Аммо бу мамлакатнинг ҳар бир аъзоси ўз ишини ўз бошича қиласайдир. Бошдаги ва орқа арра суюқдаги мағиз (мия) буларни идора қиласайдир. Ҳар аъзонинг идораси учун бош мия ичидаги алоҳида-алоҳида маҳсус бўлаклар бор. Агар шул бўлакчалардан бири бузулса, шул бўлакча

идорасида бўлган аъзо танада бўла туриб ишдан қоладир. Чунончи, кўз очиқ бўла туриб, унинг миядаги идорахонаси бузулса, ортиқ кўра олмайдир. Шунга ўхшаш, аёққа ҳаракат буйруғини берадирган ўрин бузулса, аёқ юришдан қоладир.

Куш ва ҳайвон мияларининг айрим қисмлари кесиб тажриба қилинган. Миясининг маълум бир қисми олинган бир қуш тўппа-тўғри учадир, олдидағи нарсага ўзини урадир, қайрилишни билмайдир. Ихчамлик буйруғини берадирган мия бўлакчаси кесилган ҳайвонлар текис ерда турганларида ҳам аёқларини кериб худди йиқила-диргандек салакланиб, қўпол туриб галдираб юрадир. Бироз итарув билан уларни йиқитса бўладир. Миясининг иш бўлакчаси бузулган кучуклар ортиқ эгаларини танимайдурлар. Таом берилса, худди бир жонлиқ душманни тутиб ғажигандек ириллаб, таомга ёпишиб титиб ёрадирлар. Бош ва орқа мағиздан бутун танага оқ томирлар тарқатилган (телефон симлариdek). Мана бул томирлар воситаси билан мағиз бутун танани идора қилиб турадир. Агар биз қўлимизни кўтартмакчи бўлсак, шул оқ томир орқали миядан «кўтар» буйруғи келадир ва қўли-миз кўтариладир. Агарда шул орада қўл билан мия орасидаги оқ томир узулиб хабар кесилса, қўл шул кўтарилиганича қоладир. Аёқга бир тикон кирса, қўлни пичоқ кесса, аввал шул хабар оқ томирдан мияга борадир. Миядан «оғри» буйруғини қайта келтирадир. Қўл-аёғимиз оғрийдир. Агар буйруқ бўлмаса, оғримайдир. Ҳар ким ўз танасида бир қизиқ тажриба қила оладир. Курсига ўтириб бир аёғини иккинчи аёғимиз устига қўйсак, осилган аёғимиз очиқ қўлимизнинг жимжилоқ томонидаги қирраси билан урсак (тахтакач билан ҳам секин урилса бўладир), сўнgra қўлимизни дарҳол кўтариб аёғимизга қараб турсак, бир ондан сўнг очилган аёғимиз ўзидан-ўзи бир силкинадир.

Бунинг сабаби: биз урганимизнинг хабари орқадаги мияга борадир. Мия эса жавобан «силкин» дейдир. Аёқ син-кинадир. Бу хабар бориб қайтиб келганича оз вақт ўтадир.

Бадандаги бутун аъзоларнинг ҳаракати мияга боғлиқ бўлган бир ҳолда миядан буйруқсиз ҳеч бир зигирча ҳаракат қила олмагани бир замонда танамизда бир аъзо бордирким, у ҳурдир. У ўз бошича ҳаракат қиладирган иши бутун, ҳамма вужудга қон етказиб берадир. Бизнинг еган таомимиз қонга айлангач юракка бориб тушадир. Юракдан қон бутун аъзоларга ёйилиб ҳужайралар ичида ёнадир. Баданимиздаги иссиқлиқ бу ёнувдан вужудга чиқадир. Бу ёнувдан вужудга келган қувват билан биз яшаймиз. Ёнувдан бузулиб қолган қон қайтиб юракка тушадир. Юракдан ўпкага бориб, тозаланиб юракка қайтиб янадан бутун танага тарқалар.

Юракнинг шул ҳаракати учун ўзида ўзига хос ҳаракат маркази бор. Мия билан юрак ўртасида бир оқ томир бор. Бул томирдан мия юракка ҳамма вақт «шошма, секин, секин!» деган маслаҳат йўлинда хабарлар юбориб турадир. Агар шул томир бузулса, юрак тезроқ ура бошлайдир.

Демак, кишининг баданида икки буюк марказ бор: биринчиси мия, иккинчиси юрак. Инсоннинг буюклигига, табиатда ҳокимлигига, ҳозирда ер юзидаги яшовчиларнинг тожи мен деб керилувига сабабчи бўлган унинг ақлидир. Бу унинг бош миясидир. Ақлнинг қисмлари: ўй, тушунув, иш, хаёл, мугомбирликларга бўлиниб, буларнинг ичида энг зўри ўйдир.

Табиатда жониворлар учун яшамоқ олишмоқ демакдир. Жониворлар (кўп ўсимликлардан бошқа) фақат жониворлар танасини еб яшайдирлар, яъни бир-бирларини ебгина яшайдирлар. Бунинг учун ҳар бир жониворга ўзини бошқаларга емиш бўлувдан сақламоқ ва бошқаларни тутиб емак керак! Бунинг учун ҳар бир ҳайвоннинг яшамоқ қуроллари бор. Масалан, илоннинг заҳарлик тиши, чаённинг найзаси, отнинг югурук аёғи, буқанинг шохи...

Инсонда эса бунларнинг ўрнига энг зўрроқ, энг мукаммалроқ, энг даҳшатлироқ бўлган ақл бор. Демак, ақлнинг асоси тиф, найзаликдан иборатдир. Ақл, аслида, бизга

дushmanлардан қутилув ва бошқаларни емак ва ўлдирмак учун қурол қилиб берилган. Шунинг учун совуқ ақл бизга дushmanларни ва халақит берувчиларни ўлдирмакка ва таомимиз учун керак бўладирган жониворларни аямасдан сўймакка ундаидир. Баданимизда совуқ ақлгина бўлса эди, балки, биз ёлғиз бузувчи ва ўлдирувчигина бўлар эдик.

Буни сиёsat кишиларида кўрамиз. Унларда кўпинча сезгу (ҳиссиёт) қотиб, қаттиғланиб, кўпроқ ақл уларда хукумат сурадир. Элнинг «мансаб кишини бузадир» деган мақоли бор. Бу мақол тегсиз эмас. Шунинг учун сиёsat кишилари кўз қўрқитмоқ учунгина кўп айбисизларни бўшга отиб юборадирлар. Масалан, Л.Толстойнинг «Уруш ва яраш» деган романида французлар Московни олганларидан кейин шаҳарга тушган ўтнинг жўрттага ёқувчилари бор гумон қилиб (балким, бу ўт француз аскарларининг эҳтиётсизликлари натижасида вужудга чиққан) кўчадан қанча гуноҳсизларни тутиб келиб отиб юбордилар. Сўнгги жаҳон урушида иштирок этган Австро-Венгер юзбошиси ўз кўзи билан кўрганин шундай ҳикоя қиласидир: «Биз, кўп аскарлар, ўз мамлакатимиз ичидан рус уруш майдонига кета борар эдик. Аскарлар йўлда ҳеч бир нарсага тегмасинлар, ғайри ҳолда жазоси ўлум деб буйруқ эшиттирилди. Кўп юргандан кейин биз бир катта олмазор, нокзордан ўтиб борар эдик. Мевалар пишиб турган эди. Ҳамма чарчаган ва чанқаган. Солдатлардан бири ихтиёrsиз бир олмани узуб олиб оғзига олиб бориб бир тишлади. Буни аскар бошлиғи кўрди. Аскарларга дарҳол тўхтамоққа буйруқ берди. Олма узган солдатни аскарлар олдига дарҳол чақирди. Олмани нега уздинг деди. Солдат бечора ранги ўчиб қалтираб ҳеч бир жавоб бера олмади. Буни отинглар деб уч кишига аскар бошлиғи буюрди. Аммо ул уч киши шундай бир иш учун ўз орқадошини отмоққа журъат қила олмай ва нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турди. Аскар бошлиғи буни кўргач ўз тўппончасини чиқариб солдатни отди. Аскарларга илгари юрувга буйруқ берди».

Мана бу маданият замони, маданий миллатнинг ас-кар бошлигининг қуруқ ақли. Яна бир мисол, рус эли кўшиқларида Волга нахрида бўлган машҳур атаман Стинка Разиннинг эл учун ғайритабиий бир иши сўйланадир. Стинка Разин Эрондан қочириб келтирган юқори табақага мансуб (княз қизи) билан қовушиб тотли суҳбат қилиб ўтирган бир замонда орқасидаги йигитларни бундан норози бўлиб бир-бирлари билан сўйлашганини эшитадир-да, қизни суйган бўлиб қучоқлаб, ўпид туриб нахрга отиб юборадир. Бу эл учун ғайритабиий бўлса-да, «буюк» сиёсийлар учун табиий бир ҳолдир. Сиёсатдаги у қон тўкишлар, дипломатия ишидаги муғомбирчилликлар, бир-бирини ўлдиришлар ҳозирги Оврупо сиёсийларининг бошқа мағлуб миллатларга «бунлар курт, чумолилардир (бу фикр Дарвин назариясидан олинган). Бунларни ўлдирув чивин ўлдирув кабидир...» деб қарашлари, А.Темурнинг одам бошидан минора ясатуви – бунларнинг ҳаммаси, албатта, сиёсий кишилардаги сезгуниң қўпол бўлиб тошдек қотиб қолишини очиқ кўрсатадир. Бундай кишиларнинг сезгулари баъзи вақтлар шундай ўтмас бўлиб қоладирким, бошқалардаги сезгуларни биргалашиб сеза олмайдирлар. Ҳатто кўп юракларни тўлқинлатган лирик шеърлар бунлар учун маъносиз бир нарса бўлиб қоладир.

Баданимиздаги иккинчи марказ бўлган юрагимиз бутун вужудда қон айлантирувдан бошқа яна сезгулар конидир. Сезгу севги, виждон, шодлиқ, қайғу, ачинув, юмшоқлик, аччиғланув, ишонув (иймон), кўрқув, илинж... қисмларга бўлинади. Бундан энг буюги «сезгу» (ҳиссиёт)дир.

Сезгусиз ақл кишини бузувчиликка бошласа, ақлсиз сезгу ҳам шу қадар ёмондир. Буни биз жинниларда, мастларда кўрамиз. Бунлар қилганларини билмайлар. Ҳеч бир сабабсиз урадирлар, ўлдирадирлар, йиғлайдирлар, ялинадирлар, куладирлар, қайғуланадирлар. Рус тарихида Иван Грознийнинг ҳоли бу томондан диққат этарлиқдир. У ўз ўғлини аччиғланиб ақлинни йўқотган вақтида темир

ҳассаси билан уруб ўлдирадир. Кейин ўз қилмишини англаб неча кунгача ерга бошини уруб йифлайдир. Баъзи вақтларда ўрдада айиқни халқ устига ечиб юбориб халқни қоптирадир. Ёки отта миниб халқни бостириб чопадир. Бу вақтдаги дод,чуввосларни эшитиб завқ оладир. Кейин йифлаб ибодат қилиб худодан гуноҳини сўрайдир. Манглайнин қонатганча ерга уруб сажда қиласидир. Баъзи оналар болаларини кутулмас хатарда кўрган ҳолларида ҳам ўзларини шул хатарга ташлаб қўшилишиб ўладирлар. Боласини сувга чўкиб куюб турганини кўрган бир она баъзан ўйламасдан сувга отиб ўзи ҳам чўкадир.

Сезгу Мажнуннинг ақлини енггани учун у тог-чўлларга чиқиб кетадир. Ваҳоланки, Лайли шаҳарда бўлган. Оддий турмушда бу кўп чўзилмайдир. Масалан, аччиғланган чоғларда. Инсон учун танадаги бу икки ажойиб қувватнинг ҳар бирини қўкартириб, жилвалантириб бир-бирига қўшиш лозим. Ақлнинг фазилати кишини тўғриликка, буюкликка итарув билан яхши-ёмонни ажратувидадир. Бунга киши ўкув билан етишар. Сезгунинг буюклиги унинг нозик ва чуқур бўлган яхши томонидир (севги, виждон, иймон, ачинув...). Бунга киши тарбия билан етишар.

Аммо бу нарсаларнинг асоси кишининг ўзида бўлиши керак. Ақлсиз бир кишини иш билан ақлли қилиб бўлмас. Сезгусиз бўлган бир кишини нозик, чуқур шоир сезгулик бир киши қилиб бўлмас.

Инсон учун буюк бўлса ҳам ёлғиз ақл, чуқур, нозик бўлса ҳам ёлғиз сезгугина кифоя эмас. Инсоннинг буюклиги, унинг саодати бу икки қувватнинг бир-бири билан қўл беришиб бир бўлиб ишловидадир. Бундай кишилар инсоният дунёсини камолотга бошлайдирлар. Агар бу қувватлардан бири иккинчисининг устига ҳоким бўлмоқ истар экан, ул вақт кишилик дунёси таназзулга кетадир. Буни бизга тарих кўрсатадир.

АДАБИЁТДА ИДЕАЛИЗМ ВА РЕАЛИЗМ

Баъзи Оврупо текширувчилари турк қавмларида унчалик сезгулари йўқ бўлиб, унларнинг табъларида нуқулги на қирувчилик, ёввойилик бўлганин даъво этар эдилар. XX асрда турк қавмларининг адабиёт дунёсида ўз борликларин кўрсатувлари бу фикрнинг янгиш эканлигини сездирди.

Адабиёт билағонлари бир миллатнинг адабиёти у миллатнинг руҳини кўрсатадирган ойнасиdir дейдирлар.

Янги аср ўзгариш тўлкунлари соясинда турк қавмларида адабий асарлар ёзила ёки адабий оқим ва маслаклар туғула бошлади. Farb, шарқ ва шимол турклари шеваларида янги адабиёт вужудга келди. Туркияда буюк адабий чуҳралар туғилди.

Чексиз кенгайиб кетмоқда бўлган турк қавмлари адабиёт боғчаларини кезиб чиқув узоқ замон ва кўп кучлар истайдир. Шундай бўлса-да, адабий маслакларни танурга намуна бўларлик асарларни кўрсатиб ўтув мумкиндири.

Хозирги аср адабиёт оламида идеализм (фоячилик) ва реализм (ҳақиқатчилик) маслаклари катта роль ййнайдир. Кўпдан-кўп бир адабий асар, фалсафий ёхуд ижтимоий ёқдан текширилатурган бўлса, мана шу икки маслак кўзгуларини тақиб у асарга қарамоққа тўғри келадир.

Қафқозиялик Ҳусайн Жовуд афандининг усмонлича ёзилган «Шайх Санъон»и билан Фитрат афандининг чигатой шевасида ёзилган «Ҳинд ихтилолчилари» идеализм ва реализм йўллари билан ёзилган асарлардир.

Ҳусайн Жовуд афанди мислсиз идеалист бўлгани каби, Фитрат афанди улуғ реалистдир. Ҳ.Жовуд афанди драмасининг қаҳрамони Шайх Санъон Арабистондан Қафқозияга келганида ишқга тутиладир-да, йилларча чўчқа боқадир. Сўнгидаги маъшуқаси хумори билан тоғлар орасинда севги йўлида жон берадир. «Ҳинд ихтилолчилари»-

нинг қаҳрамони эса ватани кўйида ўзгарувчиликни қабул этиб Гангар тоғида мөғоралар ичида яшаб ватан ёвлариға қарши урушадир, сўғишадир. Ҳозиргача ўқидигим драмалар орасида шу икки мунаvvар асарга тенгларлик асар йўлиқмади. Балким, ўқиганлар бордир. Чоғишириб кўрсинлар-чи!

Аҳмад Шукрий

ТЕХНИКА ВА БИЗ

Техника – инсоннинг табиатда учраттиғи, топдиги қувват ва моддалардан эл эҳтиёжи ва ҳожатини ўташ, турмушини енгиллатиш учун риёзиёт, табииёт, механика фанларини негиз тутиб ясалган, қурилган, ишланган нарсалар, асбоб-олат ҳам ишлаш йўсунларининг тўпига айтиладир.

Киши дунёга кучсиз, заиф бир ҳолда келган. Ўзининг теварагида минут сайин ютардай даҳшат бериб турган табиат ва турли душманлардан қандай сақланиш кераклигин тушунган, чорасини ахтара бошлаган. Киши бу ҳоллар ичинда кўп довдирамаган. Ақли-фикри соясинда теграсиндаги топдиги тошлардан ўзининг эҳтиёжига тўғрилаб ҳозирги бизнинг ишлатдигимиз асбоб, қуроллар ўрнига ишлатиш мажбуриятинда бўлган. Мана бу кишининг биринчи техникага бошлаб киришидир. Бунинг воситаси билан душманлар орасинда яшаб ўз уругини кўпайта ва ёя олган.

Замоннинг ўтиши билан эҳтиёжнинг зўраюви орқасинда бу яроқсиз нарсалар билан табиатдаги буюк тортишиш курашинда енгилишини англади. Унларнинг ерига маъдандан мукаммалроқ қуроллар ясаш даражасига етишди. Табиатда тўғри келтирдиги қувват ва моддаларни ўз истагига бўюн эгdirди. Бунларнинг воситаси билан содда қуроллар тубдан мукаммаллаштирилди.

Кишининг ўткир ақли, ўринли фикрлари, чарчамас вужуди соясинда техника тадрижий суръатда олға босди. Айниқса, ҳозирги вақтда Оврупо, Амриқода техника шундай юксалганиким, бизнинг томонларни чексиз ҳайратда қолдираликдир. Икки томони дараҳтлар билан безаниб яшнаган кенг, озод күчалари, ичига кирганда учмоҳ (жаннат) сезгуларини берадирган парк, боғлари, соғлиқ сақлаш ўюнларининг майдонлари, йўсунлик, савлатлик кўринишдаги мактаблари, дорилфунунлар, театрулар, кутуб ва қироатхоналар, музейлар, бинолар. Унлардаги кишининг эҳтиёжига ҳозирланган нарсалар, унлар соясинда келган натижалар элнинг тиришишини, яшашини, билимини ошириб, тирикчиликни маданий йўлга кўйгандирлар.

Тоғ каби фабрик, заводларда ишланиб чиқиб турган турли машиналар кишининг устиндаги юкларни олди. Эзилиш ва қийналишдан қутқарди. Бунлар орқали майда ҳунар ишлари юксалди. Кўк сари керилиб турган юксак тоғлар бағриндаги қийматлик нарсалар осонлиқ билан олинди. Океанусларда жавлон этиб турган паракодлар, ер ости, ер юзи, ер тепаси электрик ва ўт аробалари ва ғичлари бутун ер юзиндаги элларни бир-бири билан алоқада бўлишга ҳам олиш-бериш ишларининг юксалишига сабаб бўлди. Сув ва зироат машиналари саҳроларни боғларга айлантириди. Дехқончилик ишларини юксалтириди. Юқоридаги сўйлаганларимиз Оврупо, Амриқода тирикчилик йўлларини очган техника орқасинда борлиққа чиқазилди. Бу унумлик натижалар кун ботиш элини дунёда яшамоққа қизиқтириди. Шунинг учун бу йўлда белни маҳкамлаб тинмасдан тиришмақдадир.

Энди биз бир айланиб ўзимизга ва бизнинг техникамизга қарасак юрагимизни эзарлик бир ҳолда бўлганлигин кўрармиз, маданий улусларнинг юксалишига сабабчилардан бўлган инженерлар, дўхтиирлар, агрономлар, турли олий маълумотлик иш кишилари ва майда қўл ху-

нар усталари бизда йўқдир. Мана бунларнинг натижасида юртимиз нообод, элимиз йўқсулдир.

Туркистон эли унумлик тупроқлар, турли маъданли тоғлар, қийматлик ўсимликлар, олтин баробаринда турадиргон ҳайвонлар ва бошқа турли табиий бойликлар билан бирга ҳар турли деярлик ҳунарларга эгадир. Негаким тўқувчилик, кўнчилик, гиламчилик, маъданчилик, ипакчилик ва бошқалар. Лекин бунларнинг ҳаммаси йўсинсиз бир йўлда ишланадир. Табиий бойликларни йўлга қўйиш, ҳунарларни юксалтиш замон қолипларига солиш ҳаракатлари бизда йўқдир. Ҳунарчиларимизнинг ишлган ишлари, чиқазган моллари мамлакатни бойитиш нарида турсин, бояқиши эгаларининг курсоқларини тўйгаза олмайдир. Шул сабаблик кўп ҳунарчиларимиз ишларини йиғишишириб, чет кишилар фабрика, заводларига қора ишчилик хизматларини ўташга мажбур бўлган эдилар. Руссияда ишлаб чиқаришнинг тубанга кетиши, четдан нарсалар келтириш йўқлиги қўл ҳунарларимизни яна бироз қимиirlатди.

Туркистоннинг бой ва буюк ерида оз элнинг тинч, роҳат, тўқ турмушда яшая олмасдан, турли кучлар (очлик ва касалликлар) қаршусинда эгилиб қирилиши маданий халқларни чексиз ҳайратда қолдирадир.

Элимиз орасинда бу кунгача ишлаганимиз элнинг руҳини кўтармади. Уни рози этмади. Озгина бўлса-да маданиятга мойил этдира олмади. Бунинг сабаби иш кишиларимизнинг йўқлигига дейман. Қандай ишни бошласак, қилсан ундан эл кўзига бир натижалик нарса кўрсата олмадик. Тўғриси, ишлаб чиқара олмадик. Кўп жойларда театру ва мактаб биноларини солмоқ учун оқча тўпланадир-да, ўзимизни-да инженер-архитекторлар ва бошқа иш кишилари йўқлигидан йигилган пуллар бўлмагур нарсаларга сарф бўлиб кетадир. Бу каби унумсиз ишларимиз саноқсиз.

Бизнинг Туркистон халқи практичний – амалиётчи халқдир. Кўп сўз бош оғритадир. Қуруқ сўз қулоққа ёқмас

деб турғон эл қаршисинда қанча унумсиз ишлар ишланиб яна маддоҳликда давом этсак, эл шунча биздан, маданиятдан нари қочар.

Шунинг учун бизнинг Туркистонга Оврупо техникаси билан қуролланган кишиларни етказиш лозимдир. Мана бунлар воситаси билангина ишланган ишларни, табиий бойликларни йўлга қўйилганин, ҳунарларнинг юксалганин эл ўз кўзи олдида кўргач англар, тушунар. Маданият сари ўзидан-ўзи оёқ босар. Оврупонинг техника ҳунарларинда олдинда бўлган Германияга бултүр Бухоро ва Туркистондан талабалар келдилар. Буларнинг ҳаммаси деярлик олий техника, зироат ва ҳунар мактабларига кирдилар. Туркистон, Бухоро, Хивада Оврупога йил сайин ўқувчилар юбориб туриш ҳаракати борлигин кўрамиз. Мана бунлар яқин бир орада юртимизнинг унумли саҳифаси-нинг очилишига умид ва иймон келтирадир.

А.И. (Аҳмаджон Иброҳимов) ОСИЁНИНГ ОҚ ЎГЛИ

Буюк тажрибалик Осиё кўп яшаган, кўп нарсаларни кўрган, анъаналик, тантаналик, хавфлик кунларни ке-чирганидан кейин чарчаб ухлаган эди. Ўлган эмас, фақат қаттиқ ухлаган эди.

Мана бул замонда катта қоринлик, зўр бошлиқ, сиёсатда дилсиз, ҳиссиз Оврупо туғилди. Богоннинг ухлаганидан фойдаланиб баҳузур боғ ичига кириб жойлашди. Емишларни, меваларни ўзиники деб билди. Ҳеч бир ўйламасдан, фикр қилмасдан боғ қушчаларини отди, жондорларини калтак остида, ўлим хавфида тутди. Ухлаган Осиёning қўл-оёқларини боғламоқقا тиришди. Уйғонсада, уйқуда ётганидек ўзига заарсиз қилмоқ чораларига киришди. Аммо Осиёни чамбарчас қилиб боғлаб етиша олмади. Бу катта, зўр вужуд ўрнидан қимиirlамоқقا бош-

лади. Оврупо сиёсийларининг юрагига ваҳима тушди. Со-риғ тоифадан қўркув бошланди. Аммо чорасиз!..

Осиёнинг бир четидан Япония бир ҳатлаб Оврупога яқинлашди. Оврупо техника (машина) ишини ўзига олди. Уни Оврупонинг ўз қаршисига қурол қилди. Иш билган Оврупо устакорларининг (инженер, дўхтири ...) ишини ўрганиб олди ва унларга у ерда иш топув қийин бўлди. Хитойда эса керилган такаббур инглизларга яхшигина жазо берила бошланди. Баъзи Хитой ошхоналарида инглизларга таом сотилмайдир. Ҳар қаерда унларга ҳақорат назари билан боқиладир. Ҳиндистонликларда эса инглизлардан қутулув келгусининг буюк идеалидир. Япония, Хитой, Ҳиндистон ва Туркиядан сўнгги замонларда янада буюк олимлар, доҳийлар, адиллар ва файласуфлар етиша бошлади. Бунларни Оврупо кўрди, эшитди. Ичидан зил кетди. Мана бул орада катта қоринлар ўз орасинда жанжал бошланди. Бир-бирини гажишиди. Бунинг учун Оврупонинг илм ва ҳунари билан мутлақо ошно бўлмоқ, ул ерга бориб, ўз конинда шул илмлар билан шуғулланмак лозим эканини катта-кичиги, қарисию ёши – ҳаммаси тушунди.

Ҳозирда Осиёда ҳеч бир давлат йўқки, унинг Овруподага ўқувчиси бўлмасин! Ҳар бир Осиё давлати кучи етгунича бу нарсага энг зўр аҳамият берди. Қодирлари кўпрак, кучизлари камрак ўз талabalарини Оврупога юбордилар ва юбормоқдалар. Шу чоғда Овруподаги Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Бухоро, Туркистон, Қафқоз, Қирғизистон ва Татаристондан талabalар ўқиб турадирлар.

Оврупо олим ва файласуфлари ҳозирда Оврупонинг ўлими, ботуви яқинлашғонин исбот этадир. Бунинг ўрнига яна Осиё чиқса керак. Мана шундай бир замонда тушунчасиз бир татар қардошимиз Туркистон ва Татаристон талabalарини Оврупога бориб ўқушини нотўғри топмиш.

Осиёлик бир киши демак, Осиё саодатини кўра олмасмиш. Шундай тушунчасизликни бошқа осиёликлар эшитсалар бунга қандай назар билан қараплар экан (?). Шундай тубан бир фикрни матбуотда қандай босдилар экан? Бунда бу киши, албатта, Осиёни ҳақорат қилган, Осиёдан оқ бўлган бўлур.

Бу киши нима деган: «Оврупода ўқиб келган кишилар коммунизмга ишламайлар, унга фойда келтирмаслар...»

Шундай ҳам тушунчасизлик бўларми? Коммунизм фикри бурун қай ердан чиқкан? Қайси ерда ишланган? Оврупода эмасми? Русияда коммунизмни вужудга чиқарган Ленин Оврупода ўйлаб юрган эмасми? Капитализм бўйинча бўғилганлар овруполиклар эмасми?

Шўролар ҳукумати Оврупога Осиёдан талабалар юборув билан ишда ўзининг Осиёга яхши қарашини бутун ер юзига кўрсатмадими? Россия миллатчилари – колонизаторларнинг юракларини шул иш билан эзмадими? Шул иш билан эски ҳукуматнинг юзига қора суркамадими? Демак, мақола ёзувчи қардошимиз тагин коммунистлардан кўра эски ҳукумат кишиларига шул иши билан ўзларини яқинроқ кўрсатган бўлмасунлар. Тагин бу мақола рус миллатчиларини шодлантирган бўлмасин. Япония, Хиндистон, Хитой, Эрон ва Туркиядан минглаб шогирдлар келиб ўқиганида ўз орангиздан ўнлаб киши келиб ўқувини кўролмадингми? Ўйланг, уялинг! Чиндан халқингизни, идеалингизни севсангиз халқни маърифатга бошланг! Қоронгулиқдан чиқаринг! Ҳозирда бу ерда ўқувчиларингиз оз. Лозим эди неча маротаба кўбрек юборув. Мана мунга чолишинг!

ЁЗУВИНГГА ЖАВОБ

... тарихли ёзувингни олдим. Ватанимиз тўғрисида ҳар на ёзганингни ўқиб шодландим. Ёзувингда менга «Олмон маданияти қандай экан?» сўроғини қўясан. Қўзим! Менниг тилимнинг сенга оқиб кечган, оқиб турган олмон маданиятини лойиқинча тушунтирарлик кучи йўқдир.

Олмон маданиятини англатиш мақташнинг ташки ёқдидир. Мен эмас, мендан билағонроқ кишилар-да бу элнинг маданиятини теги билан тушунтира олмаслар ишонувидамен. Олмон маданияти хаёлда, ҳақиқатда тебранмоқдадир. Гёте ва Шиллер каби шоирларининг асаридан бир япроқ ўқисанг, руҳингни кўкларга, юксакларга учира-дир. Ҳар томонингни чулғаб олғон ғавғоли ҳаётдан қутқариб, жимжит шеърият ва хаёллар оламига кўтарадир. Ҳамбургдек бир шахрига борсанг, тоғ кўринишлик кемалар техник оламни кўзингга гавдалантирадир. Алланечча минг чақирим узокларда бўлган мамлакатлардан сув кечиб соғ келганин сўйлайдирлар. Бу ҳақиқат эмасми? Театрларига кирсанг, беш минг йил илгари ўтган Миср ҳаётидан бир воқеани саҳнага туширадир. Ўтиридинг ўринда ўзингни унутасан. Унутилув тўфонлари остида қолиб кетган чоғларни кечагина бўлган каби эслайсан. Бу тараққий эмасми? Темир йўл аробаларига ўтиранг бир неча соат сўнгида ўзингни бошқа шаҳарда кўрасан. Тез замон ичида олмон учғичлари бизнинг томонга-да учажакларини сўйлайдилар.

Бўлгани: Ерда, сувда, ҳавода олмон маданияти томир ёйган!..

Хурмат билан кўзингдан ўпид

ЧҮЛПОН ЧҮЛПОНДИР

Чүлпон оти қулоғимга кирдигича кўзимга Шекспир руҳи кўринадир-да, турадир. Шекспир лиризмаси билан Чўлпон шеърияти орасинда нақадар айирма ахтарсам-да, они тополмадим. «Уйғониш»ни тобқирлар ўқиб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим.

Энг сўнг «Шекспир Чўлпон-да ёхуд Чўлпон Шекспирдир...» фикрига келдим. Чўлпоннинг шеърлари Шекспир жўшқинлиги билан тўладир. Чўлпон оқкўнгиллиги Шекспир самимийлигидан ўтадир. Чўлпон бизда севги тангриси, сезгу (ҳиссиёт) яратувчисидир. Чўлпон лирик, Чўлпон шоир. Чўлпон чўлпондир.

А.Ш. (Аҳмад Шукрий)

КЕТГАНИНГДА

*Кетдингми мангуга ташлаб,
Қолдимми қайгуларим-ла,
Ҳижроннинг куйини бошлаб
Йигловчи чолгуларим-ла?
Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўгри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар
Ёвнингми багрига тушди?
Ортиқ сен мендан узоқда
Кўзларни ўйнатасанми?
Ортиқ сен бошқа булоқда
Дилларни қайнатасанми?
Ортиқ сен ундаги боғда...
Ортиқ мен якками қолдим?
Фарёд иўқ... барча жаҳон жим,
Ер ютса яхши шу чоқда!..*

Кетдингми сен мени ташлаб?
Қолдимми қайгуларим-ла?

Чүлпон «Үйғониш»идан

ОВРУПО

Ақл – қуёш бу оламни ёритмиш,
Мұхаббатнинг тиниқ суви құримиш,
Бул экинзор унуми битмиш,
Биёбонга айланмиш.
Ақл! Келгил, күнгил бирла бирлашгил,
Бу сахронинг гулзорига чолишигил.

Сайыйд Алихұја

ТИЛАК

Қаро кийган, қалам қошли, қаро күз,
Узун сочли, ўрта бўйли бир қизча
Ўйнаб-ўйнаб, уча-уча сайраган
Булбул каби келиб қўнди.
Ёвуз қишининг тўнгдиргувчи елиндан
Қотиб қолган йигитларни ўзининг
Сучук-сучук сўзи билан эритиб тургузди.
Ҳаммасини ўз изиндан юргизди.
Мен-да кўтдан уюшуб қолган қўлимни
Тебратиб этагини тутай дедим.
Бироқ у кўкка учди,
Юлдузларга қўшилди.
Мен эса қаноти йўқ қушлардек
Унинг нурли изига қараб қолдим термулуб.

ХАЁТ

Шовқунли денгизда бўроҳлар ичра
Бир кема елтираб кетиб борадир.
Билмам, нечун кемачи тошқунланиб
Узоқдаги атолларга боқадир.
Ҳар томондан келган кучли тўлқунлар
Кўтариб кемани кўкка ололар.
Ана! ... Бир атолда бир қиз кўринди,
Кемачининг шошқони маълум энди.
Қанча ойдан бери ондан айрилган,
Айрилиқда қолган, уни согинган.
Кемачи истайдир қизга айтмакни,
Қизнинг қучогига тез отилмакни.
Кемачи боқмайдир йўли устига,
Тикилиб борадир ёлгиз ул қизга.
Бироқ кема йўлда тошга урулди,
Кема парчаланди, кемачи ўлди.

Аҳмад Шукрий

ЮРАК

Куйган, ўртанган юрак
Яна куймак истайдир.
Ёниб-пишиб ўрганган,
Яна чўгни тусайдир.
Олов бўлиб нур соқган,
Қору музни эритган,
Совуқ танни иситган
Замонларни истайдир.
Олов бўлиб гуруллаб,
Шошиб, элиб, гириллаб,

Қимирлашга талқинин
Зўрайтмоқни тилайдир.
Кул бўлсин-да, эзилсин,
Судралсин-да, босилсин,
Ҳар хил туёқ остида
Ўтмишинми эсласин?..
Ёниб турган юракка
Бу хил ишлар ёқмайдир,
Юрак чексиз ёнувни,
Ишқ ўтида куювни,
Маъшуқини ёндириб
Қучогинда суювни,
Мана буни хушлайдир...

Сайийд Алихўжа

РОҲАТ ҚИЛАМАН ДЕГАН ЧОҒЛАРДА

Кўйсангиз-чи, ваҳший дўллар, ёмгиirlар,
Деразамни қитир-қитир тирнамай.
Уйимда ҳам роҳат қилиб яшолмай,
Энди сиздан қайси жойга қочайин?
Хунук, жоҳил совуқ,
Кўпол эй бўрон!
Нега мунча аччиғ қилиб
Эшигингни ёпасан?
Бу на зўрлик?!
Уйим вайрон этасен.
Темир қанот қушчаларни инидан
Оналарин бағрин эзib ҳар томонга отасен!..
Бахт кунинда қаро нурсиз, ай соя,
Кўз ачитиб рўбарўда турасен!
Қаронгулиқ, гамлик кеча узун-ку!
Кунимни ҳам бузуб расво этасен!
Қаронгулиқ, йўқлиқ дўсти, ай ўлум!

*Етар, энди ҳамма жондор сенинг-ку!
Гүзал пари – нозик ҳаёт исига
Ҳар нафасда келиб уни қўрқитасен.
Маъшуқимни қучиб ўпган чогимда,
Ай айршлиқ – апти расво, ваҳима,
Муҳаббатдан теккан дилга сукилиб
Шодлиқ қонин заҳар-закқум этасен.
Алам-андуҳ Дажжолининг оғзинда
Чайналгонда шодлиқ деган хабар йўқ...
Хурсанд бўлиб биргина кулган онда
Кўп кулмагил! Истигфор айт!
Деюб тинмай шивирлаб,
Хурсандликка кишан солиб
Зиндан аро элтасен...
Ай табиат, шундай бўлса оналиқ,
Сутинг заҳар, ўзинг мурдор экансен!*

Толиш

СЎРМА!..

*Сўрма мендан иқбол надир, баҳт надир,
Бу сўроғлар, меним фикримча, бўшдир.
Бутун умрим бўйи баҳтни изладим,
Ҳар одимда баҳтсизликка учрадим.
Унинг учун иқбол надир, баҳт надир?
Ҳикматини, маъносини билмадим,
Бу тугунли сўроғларнинг ҳикматин
Баҳтга тониш бўлгонлардан сўраб кўр.*

ТУШ

Оҳ... золимлар! Нима ёзди сизга қарши у малак?
Нега унинг қўлларини, сочларини кесасиз?
Унинг нозик вужудига тинмай қамчи урасиз.
Қўйсангиз-чи, ай ваҳшийлар, қўйинг, уни урмангиз,
Кўйинг уни ўз ҳолига, қўйинг, уни кесмангиз!
Оҳ... ёвузлар. Ана тагин уни тутиб бўғдилар,
Ханжар билан чечак каби вужудини тилдилар.
Нозик пари у ерда кўп типирлади, жон берди,
Кўк тангриси қучогига унинг руҳини олди,
Оппоқ, кумуш тусли бадан қонлар ичида қолди.

ПАРЧА

Кўзингда ўйнашадир, билмадим, нечун ёшлар,
Йўқ эрса, сен-да алам денгизига тушдингми?
Қараашларинг нега мунча тўлиб-тошиб йиглар,
Йўқ эрса, сен-да бу кирлик ҳаётга тўйдингми?

Аҳмад Шукрий

АМРИҚОДА КИШИ ҚОНИ

Амриқо газеталарида оғриқ (касал)лар учун қон сотиб оламиз деган билдиришлар бор. Кишилар қонларини сотмоқ учун ўтинчлар бўсдириб сўрайлар. Қон сотғувчилар бир-бирлари билан кундашлашадирлар. Бунинг билан киши қони арzonлашадир. Шундай бўлса-да, ўзининг берадиган озгина қони учун юз (доллар) оладир.

Нью-Йоркда ўн мингдан кўп соғ кишилар қонларини оғриқларга сотғонлар...

Қўмак: Туркистонда текинга қон олдирғувчи ҳам қон олғувчига сартарошлар дикқатига.

ДУНЁ УРУШИ ҚАНЧАГА ТУШДИ?

Бир Амриқо журналисти дунё урушини кишилик дунёсига қанчага тушғанлигын ҳисоблаган. Урушда бўлган харажатлар (киши ўлимларидан бошқа), ёндирилган шаҳарлар, бузулган уйлар ва бошқаларни ҳаммасини ҳисоблаб 250 миллиард доллар (1 доллар рус олтун оқчаси билан 2 сўм) чиқазғон. Бу оқчанинг взини 7816 минг тоннадир (бир тонна – 62 пуд чамасинда). Буни бир ердан иккинчи ерга қўчириш учун ҳар бириси қирқ вагонлик 3906 поезд керак. Агар вагонларни қаторасига терсак, 1802 мил (1 мил – 8 чоқирим)га чўзиладир.

Агар бу 250 миллиард кумуш долларни қаторасига тизилса, 286 маротаба ерни белбоғ бўлиб ўрайдир. Агар бу кумуш долларни бир-бирининг устига қўйилса, 394 минг мил юксаклигинда бир буюк минора вужудга келадир. Бу минора ер билан ойнинг масофасидан 2 маротаба узоқда турадир.

Агарда бу оқчаларни бутун ер юзиндаги инсонларга бўлинса, ҳар кишига 170 дона кумуш доллар тегадир.

Кўмак: Бу долларлар Рассия Шўролар Жумҳуриятида яшовчи 117 миллион чамасинда халқни 1921 йилда яшашларига кетган оқча ҳисоби билан 111 йил 3 ой чамаси таъмин этар эди.

Дунё урушини қанчага тушди? Урушда кимнинг натижаси бўлғанди тоғурарми? Биринчилорни даримонтү нийжадар, кимнинг мавзуси маддиятни ўзига оларни тиради – аниқ, аниқни тиради – яшни тиради, маддиятни тиради – уйни тиради, уйни тиради – яшни тиради (худоига) чӣ, ороғини тоғурсанда яшни тиради – яшни тиради, ороғини тоғурсанда уйни тиради – уйни тиради. Аниқнинг аниқнини, уйни тиради – уйни тиради – ойи аниқнинг аниқнини тиради – яшни тиради, яшни тиради – ойи аниқнинг аниқнини тиради – уйни тиради – уйни тиради. Ойни тиради – яшни тиради – яшни тиради – ойни тиради – уйни тиради – уйни тиради. Аниқнинг аниқнини тиради – яшни тиради – яшни тиради – ойни тиради – уйни тиради – уйни тиради. Аниқнинг аниқнини тиради – яшни тиради – яшни тиради – ойни тиради – уйни тиради – уйни тиради.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши. Сарвар Отамуратов 3

I ҚИСМ

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ МАЪРИФАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Туркистон тараққийпарварларининг «Кўмак» ташкилоти	8
Туркистон тараққийпарварларининг «Нашри маориф» ташкилоти	40

II ҚИСМ

ХХ АСРНИНГ 20 – 30-ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДАН

«Кўмак» ташкилоти томонидан чет элларга ўқишига юборилган талабалар ҳақида.....	58
Ўқуғувчи товуши (<i>Шокир Сулаймон</i>)	58
Тўғри кетамиз (<i>Рафиқ</i>).....	59
Москвада туркистонлик шогирдлар (<i>Айнуллин</i>)	60
Германияда ўқувчи мусулмонлар (<i>Сирожий</i>).....	62
Ўқиғувчи талабаларга кўмак бериш лозим (<i>Рози Юнус</i>)	65
Оврупода Туркистон ўқувчилари (<i>Шокир Сулаймон</i>)	66
Баладия идоралари учун унумлик жойлар (<i>Туркистонлик</i>)	67
Ўлка ўзбек билим юрти эсда тутилсин! (<i>Талаба</i>).....	68
Масковдаги ўқиғувчиларимиз тўғрисида	70
Сўнгги кўмакни кимлардан кутишимиз керак? (<i>Хумсонлик</i>)	71
Четда ўқувчи талабаларимизга кўмак ишлари (<i>Аҳматжон</i>)	73
Четга кўпроқ ўқувчилар юбориш керак (<i>Салимхон Тиллахоний</i>).....	75
Кичик армугоним (<i>Боту</i>)	77
Билим йўлида (<i>Мажидхон</i>)	78
Улуғ устод Фитрат афандига (<i>Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон</i>)....	78
Четдаги талабаларга ёрдам	79
Берлиндаги талабаларга кўмак (<i>М. Усмоний</i>)	81
Четда ўқувчиларни унутмайлик (<i>Усмонхон</i>)	81
«Кўмак» ташкилоти керакми? (<i>А. Қамчинбек</i>).....	82
Заграницага ўқувчилар юборилмасин (<i>А. Қамчинбек</i>)	85
Чет элларга ўқувчилар юборилсун (<i>Абу Тавфиқ</i>).....	87
«Кўмак»нинг жавоби (<i>Салимхон</i>).....	89
Германиядаги ўқувчиларимиз (<i>Туар Рискулов</i>)	91
1920 – 1924 йиллар (<i>Файзулла Хўжа</i>)	95
20-йиллар матбуотидаги «Нашри маориф» ташкилоти фаолияти билан боғлиқ материаллар	97

Ерлик халқ маорифида муттаҳид фронт	97
«Нашри маориф» нима? (<i>Ш.Раҳим</i>)	100
«Нашри маориф» уюшмасининг аҳамияти (<i>Мунаввар</i>)	102
Туркистанда «Нашри маданият ва маориф»	
жамиятлари (<i>А.Зоҳирӣ</i>)	107
Маориф ишларимиз (<i>Ваъдуд Маҳмуд</i>)	110
Марғилонда «Нашри маориф» жамияти	114
Ўшда «Нашри маориф» уюшмаси (<i>Ўшли</i>)	115
Наманган «Нашри маориф»и (<i>Рафиқ</i>)	115
Германияда таҳсил олган талабаларнинг	
Туркистон матбуотидаги чиқишилари	118
Санойи нафисамиз ўлди (<i>Сайид Алихўжа</i>)	118
Эндиғисини қўлдан бермайлик (<i>Сайид Алихўжа</i>)	122
Табиатдан жавоб (<i>Сайид Алихўжа</i>)	123
Ҳаракатда баракат (<i>Аҳмаджон Шукрий</i>)	125
Туркистон дорилғунуни (<i>Аҳмаджон</i>)	127
Туркистоннинг келгуси (<i>Аҳмаджон Иброҳим ўғли</i>)	128
Туркистоннинг тараққиёт йўллари (<i>Хайринисо</i>)	131
Германиядан хат (<i>Абдуваҳҳоб Мурод</i>)	135
II. Оврупо ва биз (<i>А.Муродий</i>)	136
III. Германияда ўқишиш ва ўқитиш (<i>А.Муродий</i>)	137
Петровский зироат академияси (<i>А.Иброҳимуф</i>)	138
«Кўмак» уюшмасидаги ўртоқларимга (<i>Аҳмаджон Иброҳимуф</i>)	140
Германияда Ўрта Осиё талабаларининг икки йили (<i>Эртой</i>)	142
Чет элларда Бухоро талабалари	149
Берлиндаги талабаларимиздан ўртоқ Файзулла Хўжага хат	150
Бадан тарбияси (<i>Бадри Сайфулмулк</i>)	151
Испурт (<i>Бадри Сайфулмулк</i>)	153
Соғлиқ ва ҳаракат (<i>Баҳовуддин Амин</i>)	154
Спорт – тан ҳаракати (<i>Б.Амин</i>)	157
Қора одам машина бошида (<i>Бадрий</i>)	159
Эркинлик истаги (<i>Чўлпон</i>)	161
Қор (Фитрат)	162
Ойға (<i>Элхон</i>)	163
Темирчи (<i>Элхон</i>)	163
Эй қўбиз (<i>Тикон</i>)	164
Ватан (<i>Хосият Тиллахонова</i>)	167
Булоқ (<i>Сайид Алихўжа</i>)	167
Анҳор (<i>Сайид Алихўжа</i>)	169
Баҳор кўринишлари (<i>Ш.Сулаймон</i>)	171
Биринчи дипломли агроном	175
Азamat йигитлар	176

Ленинградда «Шарқ уйи» (<i>Искандар</i>)	177
Биринчи қалдирғоч	179

III ҚИСМ
ГЕРМАНИЯДА ТАҲСИЛ ОЛГАН ТУРКИСТОНЛИК
ТАЛАБАЛАРНИНГ «КҮМАК» ЖУРНАЛИ

Тилагимиз	183
Ақл ва сезгу ёки мия ва юрак	184
Адабиётда идеализм ва реализм (<i>Сайид Алихўжаса</i>)	190
Техника ва биз (<i>Аҳмад Шукрий</i>)	191
Осиёнинг оқ ўғли (<i>Аҳмаджон Иброҳимов</i>)	194
Ёзувингга жавоб (<i>Сайид Алихўжаса</i>)	197
Чўлпон чўлпондир (<i>А.Шукрий</i>)	198
Кетганингда (<i>Аҳмад Шукрий</i>)	198
Оврупо (Чўлпон «Ўйғониш»идан)	199
Тилак (<i>Сайид Алихўжаса</i>)	199
Ҳаёт (<i>Саттор</i>)	200
Юрак (<i>Аҳмад Шукрий</i>)	200
Роҳат қиласман деган чоғларда (<i>Сайид Алихўжаса</i>)	201
Сўрма!.. (<i>Толиш</i>)	202
Туш (<i>Аҳмад Шукрий</i>)	203
Парча (<i>Аҳмад Шукрий</i>)	203
Амриқода киши қони (<i>Аҳмад Шукрий</i>)	203
Дунё уруши қанчага тушди?	204

ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ

Муаллиф: Баҳром ИРЗАЕВ

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Дилюшод НАЗАРОВ

Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ

Мусахҳих: Фиёсиддин БОЛИЕВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 02.02.2018 й.

Босишига руҳсат этилди: 15.02.2018 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: $84 \times 108 \frac{1}{32}$.

Meta Serif Pro гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашириёт т.: 9,87. Шартли б.т.: 10,9.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 10

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^й-мавзе 42-үй.

Тел.: (+99871) 217-16-77

e-mail: info@akademnashr.uz

web: www.akademnashr.uz

«Grafpaligrafprint» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Қатортол кўчаси 44^й.

ISBN 978-9943-4984-6-4

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-4984-6-4.

9 789943 498464